

**ЎЗБЕКИСТОН  
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ  
АХБОРОТИ**

---

**56 – жилд**

---

**\*\*\***

**ИЗВЕСТИЯ  
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**56 – том**

---

**\*\*\***

**THE ANNALES  
OF THE GEOGRAPHICAL SOCIETY  
OF UZBEKISTAN**

---

**Volume 56**

---

**Тошкент-2019**

**Илмий журнал таъсисчиси: Ўзбекистон География жамияти**

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаlining халқаро тахрир кенгаши:**

**Абдуллабеков К.Н.**, ф.-м.ф.д., профессор, Ўзбекистон ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон), **Абдулқосимов А.А.**, г.ф.д., профессор (Самарқанд, Ўзбекистон), **Алибеков Л.А.**, г.ф.д., профессор (Самарқанд, Ўзбекистон), **Бабаев А.Г.**, г.ф.д., профессор, Туркменистон ФА академиги (Ашхобод, Туркменистон), **Дружинин А.Г.**, г.ф.д., профессор (Ростов-Дон, Россия), **Медеу А.Р.**, г.ф.д., профессор, Қозоғистон Миллий ФА академиги (Алмати, Қозоғистон), **Мухаббатов Х.М.**, г.ф.д., профессор (Душанба, Тожикистон), **Низамиев А.Г.**, г.ф.д., профессор (Ўш, Қирғизистон), **Рафиқов В.А.**, г.ф.д. (DSc), к.и.х. (Тошкент, Ўзбекистон), **Сатторов Ж.С.**, к.-х.ф.д., профессор, Ўзбекистон ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон), **Содиқов А.М.**, и.ф.д., профессор (Тошкент, Ўзбекистон), **Холматжанов Б.А.**, г.ф.д. (DSc), доцент (Тошкент, Ўзбекистон), **Чуб В.Е.**, г.ф.д., профессор (Тошкент, Ўзбекистон), **Яротов А.Е.**, г.ф.н., доцент (Минск, Беларусь)

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаlining тахрир хайъати:**

**Бош муҳаррир - Ҳикматов Ф.Х.**, г.ф.д., профессор  
**Аббасов С.Б.**, г.ф.д., доцент, **Аҳмадалиев Ю.И.**, г.ф.д., профессор, **Қаюмов А.А.**, г.ф.д., профессор, **Миракмалов М.Т.**, г.ф.н., доцент, **Назаров М.И.**, г.ф.н., доцент, **Нигматов А.Н.**, г.ф.д., профессор, **Сабитова Н.И.**, г.ф.д., профессор, **Сафаров Э.Ю.**, т.ф.д., профессор, **Турдимамбетов И.Р.**, г.ф.д., доцент, **Шарипов Ш.М.**, г.ф.н., доцент, **Эгамбердиев А.Э.**, г.ф.н., профессор, **Қурбонов Ш.Б.**, г.ф.ф.д. (PhD), **Федорко В.Н.**, г.ф.ф.д. (PhD)

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан “11.00.00 - География фанлари” йўналиши бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

*Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариб бериш мажбуриятини олмаган.*

**Веб сайт:** [www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz)

**E-mail:** [uzgeo.jam@mail.ru](mailto:uzgeo.jam@mail.ru)

**ISSN 0135-9614**

**© Ўзбекистон География жамияти, 2019**

**Учредитель научного журнала:** Географическое общество Узбекистана

**Международный редакционный совет  
научного журнала “Известия Географического общества Узбекистана”:**

**Абдуллабеков К.Н.**, д.ф.-м.н., профессор, академик АН Узбекистана (Ташкент, Узбекистан), **Абдулкасимов А.А.**, д.г.н., профессор (Самарканд, Узбекистан), **Алибеков Л.А.**, д.г.н., профессор (Самарканд, Узбекистан), **Бабаев А.Г.**, д.г.н., профессор, академик АН Туркменистана (Ашхабад, Туркменистан), **Дружинин А.Г.**, д.г.н., профессор (Ростов-на-Дону, Россия), **Медеу А.Р.**, д.г.н., профессор, академик НАН Казахстана (Алматы, Казахстан), **Мухаббатов Х.М.**, д.г.н., профессор (Душанбе, Таджикистан), **Низамиев А.Г.**, д.г.н., профессор (Ош, Кыргызстан), **Рафиков В.А.**, д.г.н. (DSc), с.н.с. (Ташкент, Узбекистан), **Сатторов Ж.С.**, д.с.-х.н., профессор, академик АН Узбекистана (Ташкент, Узбекистан), **Содиков А.М.**, д.э.н., профессор (Ташкент, Узбекистан), **Холматжанов Б.А.**, д.г.н. (DSc), доцент (Ташкент, Узбекистан), **Чуб В.Е.**, д.г.н., профессор (Ташкент, Узбекистан), **Яротов А.Е.**, к.г.н., доцент (Минск, Беларусь)

**Редакционная коллегия  
научного журнала “Известия Географического общества Узбекистана”:**

**Главный редактор - Хикматов Ф.Х.**, д.г.н., профессор  
**Аббасов С.Б.**, д.г.н., доцент, **Ахмадалиев Ю.И.**, д.г.н., профессор, **Каюмов А.А.**, д.г.н., профессор, **Миракмалов М.Т.**, к.г.н., доцент, **Назаров М.И.**, к.г.н., доцент, **Нигматов А.Н.**, д.г.н., профессор, **Сабитова Н.И.**, д.г.н., профессор, **Сафаров Э.Ю.**, д.т.н., профессор, **Турдымамбетов И.Р.**, д.г.н., доцент, **Шарипов Ш.М.**, к.г.н., доцент, **Эгамбердиев А.Э.**, к.г.н., профессор, **Курбанов Ш.Б.**, д.ф. (PhD) г.н., **Федорко В.Н.**, д.ф. (PhD) г.н.

Научный журнал “Известия Географического общества Узбекистана” включён в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей Аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертационных исследований по направлению “11.00.00 – Географические науки”.

*Редакция не берёт на себя обязательств по рецензированию и возвращению авторам рукописей представленных к публикации статей.*

**Веб сайт:** [www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz)

**E-mail:** [uzgeo.jam@mail.ru](mailto:uzgeo.jam@mail.ru)

**ISSN 0135-9614**

**© Географическое общество Узбекистана, 2019**

**Founder of the scientific journal:** The Geographical society of Uzbekistan

**International editorial board  
of scientific journal "The Annales of the Geographical society of Uzbekistan":**

**Abdullabekov K.N.**, DSc, professor, academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan), **Abdulkasimov A.A.**, DSc, professor (Samarkand, Uzbekistan), **Alibekov L.A.**, DSc, professor (Samarkand, Uzbekistan), **Babaev A.G.**, DSc, professor academician of the Academy of Sciences of Turkmenistan (Ashkhabad, Turkmenistan), **Druzhinin A.G.**, DSc, professor (Rostov-on-Don, Russia), **Medeu A.R.**, DSc, professor, academician of the National Academy of Sciences of Kazakhstan (Almaty, Kazakhstan), **Mukhabbatov Kh.M.**, DSc, professor (Dushanbe, Tajikistan), **Nizamiev A.G.**, DSc, professor (Osh, Kyrgyzstan), **Rafikov V.A.**, DSc, senior scientist (Tashkent, Uzbekistan), **Sattorov Zh.S.**, DSc, professor, academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan), **Sodikov A.M.**, DSc, professor (Tashkent, Uzbekistan), **Kholmatzhanov B.A.**, DSc, associate professor (Tashkent, Uzbekistan), **Chub V.E.**, DSc, professor (Tashkent, Uzbekistan), **Yarotov A.E.**, PhD, associate professor (Minsk, Belarus)

**Editorial team  
of scientific journal "The Annales of the Geographical society of Uzbekistan":**

**Editor-in-chief - Khikmatov F.Kh.**, DSc, professor  
**Abbasov S.B.**, DSc, associate professor, **Akhmadaliev Yu.I.**, DSc, professor, **Kayumov A.A.**, DSc, professor, **Mirakmalov M.T.**, PhD, associate professor, **Nazarov M.I.**, PhD, associate professor, **Nigmatov A.N.**, DSc, professor, **Sabitova N.I.**, DSc, professor, **Safarov E.Yu.**, DSc, professor, **Turdymambetov I.R.**, DSc, associate professor, **Sharipov Sh.M.**, PhD, associate professor, **Egamberdiev A.E.**, PhD, professor, **Kurbanov Sh.B.**, PhD, **Fedorko V.N.**, PhD

The scientific journal “The Annales of the Geographical society of Uzbekistan” is included in the list of scientific publications recommended by the Higher attestation commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of dissertation research in the direction “11.00.00 - Geographical sciences”.

*The editors assume no obligation to review and return to the authors of manuscripts of articles submitted for publication.*

**Web site:** [www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz)

**E-mail:** [uzgeo.jam@mail.ru](mailto:uzgeo.jam@mail.ru)

**ISSN 0135-9614**

**© The Geographical society of Uzbekistan, 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИНИНГ СЎНГГИ 5 ЙИЛ ДАВОМИДАГИ  
ФАОЛИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон География жамиятининг сўнги беш йил давомида, яъни 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган IX Съездидан ҳозирги кунгача бўлиб ўтган даврдаги фаолияти натижалари, мамлакатимизда география фани ривожланишининг асосий муаммолари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон География жамияти, илмий-амалий конференциялар, “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали, диссертация ҳимоялари, ривожланиш муаммолари ва истиқболлари.

**Деятельность Географического общества Узбекистана за последние 5 лет, проблемы и перспективы его развития**

**Аннотация.** В статье освещены основные результаты деятельности Географического общества Узбекистана в период с декабря 2014 года, т.е. с момента проведения IX Съезда Общества до сегодняшнего дня, а также ключевые проблемы развития географической науки в нашей стране.

**Ключевые слова:** Географическое общество Узбекистана, научно-практические конференции, научный журнал “Известия Географического общества Узбекистана”, защиты диссертаций, проблемы и перспективы развития.

**Activities of the Geographical Society of Uzbekistan in last 5 years, the problems and the tasks of its development**

**Abstract.** The article highlights the main results of the activities of the Geographical Society of Uzbekistan since December 2014, i.e. from the moment of the IX Congress of the Society to the present day, as well as the key problems of the development of geographical science in our country.

**Key words:** Geographical Society of Uzbekistan, scientific and practical conferences, the scientific journal “The Annales of the Geographical Society of Uzbekistan”, defense of dissertations, problems and development prospects.

**Кириш.** Ўзбекистон География жамияти фаолиятининг асосий мақсади – география, ўлкашунослик, экология ва бошқа турдош фанлар бўйича назарий-амалий изланишларни амалга оширувчи барча ташкилот ва муассасалар, шунингдек, аҳолининг бу борадаги илмий, назарий ҳамда амалий ишларини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш, географик ва экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, ўлкамиз табиатини муҳофаза қилиш муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф қилишда фаол иштирок этишдан иборатдир. Шунингдек, Ўзбекистон География жамиятининг фаолияти география фани ва таълимини янада ривожлантириш, уларнинг ютуқларини кенг доирада оммалаштириш, долзарб мавзуларга бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш, “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг мунтазам равишда нашр эттириш билан боғлиқдир.

Жамиятнинг ҳар беш йилда ўтказиладиган съезд (қурултой) ларида юқорида санаб ўтилган вазифалар қай даражада бажарилмоқда, бу борада қандай муаммо ва имкониятлар мавжудлиги муҳокама қилинади. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақола Ўзбекистон География жамиятининг IX съездидан X съезидигача ўтган 5 йил давомидаги фаолияти, ютуқ ва камчиликларининг таҳлили, шунингдек, Жамиятни янада ривожлантириш долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг мақсади Ўзбекистон География жамияти сўнги 5 йил (2015-2019 йй.) давомидаги фаолиятининг таҳлили асосида Жамият ривожланишидаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш ҳамда истиқбол вазифаларини белгилашдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни ҳал қилиш лозим:

---

\*Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович – Ўзбекистон География жамияти раиси, ЎзМУ қуруқлик гидроогияси кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор. E-mail: hikmatov\_f@mail.ru

Қурбонов Шухрат Бекметович – ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти в.б., география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: qurbonov1977@mail.ru

Федорко Виктор Николаевич – Тошкент шаҳар Олмазор тумани 233-умумий ўрта таълим мактабининг олий тоифали география ўқитувчиси, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail: viktor-f-89@mail.ru

- Ўзбекистон География жамиятининг сўнги 5 йил давомида халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларни ташкил қилиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш;

- Жамиятнинг ноширлик фаолиятини ўрганиш;

- География фанлари бўйича фан (DSc) ва фалсафа (PhD) докторлари диссертацияларининг ёқланишини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон География жамиятининг халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида эришган натижаларини таҳлил қилиш;

- Жамият фаолиятидаги асосий камчилик ва муаммоларни аниқлаш;

- Ўзбекистон География жамиятини истиқболда ривожлантиришнинг муҳим вазифларини белгилаб қўйиш.

**Асосий қисм.** Қайд қилиш жоизки, ҳисобот даврида Ўзбекистон География жамияти томонидан республика олий таълим муассасалари ва қатор хорижий ҳамкорлари билан биргаликда бир нечта халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар ташкил этилди ва муваффақияти ўтказилди. Айниқса, кўп йиллик танаффусдан сўнг охириги 2-3 йил давомида географиянинг турли масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар мунтазам равишда ўтказилиб келинаётганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Хусусан, шу йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университетида 2017 йил 11-12 май кунлари “Ўзбекистон Евросиё маконида: география, геоиктисодиёт, геоэкология” мавзuidaги, Қорақалпоқ давлат университетида Тинч океан География институти ҳамда Россия ижтимоий географлари ассоциацияси (АРГО) билан ҳамкорликда 2018 йил 15-16 май кунлари география фанлари доктори, профессор Абдусами Солиевич Солиев таваллудининг 75-йиллигига бағишланган “Орол минтақаси ва қўшни ҳудудларда комплекс географик тадқиқотларнинг муаммо ва истиқболлари” мавзuidaги, Андижон давлат университетида 2018 йил 21 май куни “География ва глобализация: назария ва амалиёт” мавзuidaги, 2019 йил 13-19 май кунлари Ўзбекистон Миллий университетида Россия ижтимоий географлари ассоциацияси (АРГО) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболлари” мавзuidaги, 2019 йил 14-15 июнь кунлари Ўзбекистон Миллий университетида “Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар” мавзuidaги, 2019 йил 11-12 октябрь кунлари Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида Ўш давлат университети билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари” мавзuidaги, 2019 йил 13-14 декабрь кунлари Самарқанд давлат университетида “Чўлланиш муаммолари: динамикаси, баҳолаш, ечими” мавзuidaги Халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Юқорида санаб ўтилган Халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференциялардан ташқари, 2014 йил декабрь ойидан 2019 йил декабрь ойигача 20 тага яқин турли географик масалаларга бағишланган республика илмий-амалий конференциялари ташкил этилди. Қуйидаги илмий-амалий анжуманлар шулар жумласидандир:

- “Замонавий география ва Ўзбекистон табиий-ресурс потенциалини баҳолаш” (Тошкент, ЎзМУ, 2015 й.);

- “География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари” (Тошкент, ТДПУ, 2015 й.);

- “Жанубий Оролбўйи табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш” (Нукус, ҚДУ, 2015 й.);

- “Орол денгизи минтақасида юзага келган экологик офатнинг атроф-табиий муҳитга таъсири” (Бухоро, БухДУ, 2015 й.);

- “География ва Ўзбекистон табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш муаммолари” (Тошкент, ЎзМУ, 2016 й.);

- “Замонавий географик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар” (Андижон, АнДУ, 2016 й.);

- “Ўзбекистонда география фанининг долзарб муаммолари” (Термиз, ТерДУ, 2016 й.);

- “География XXI асрда: ривожланишнинг муаммо ва истиқболлари” (Самарқанд, СамДУ, 2017 й.);

- “Қуйи Амударё минтақасида табиий, ижтимоий ва экологик жараёнлар ривожланишининг замонавий муаммолари” (Урганч, УрДУ, 2017 й.);

- “Жанубий Оролбўйи табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш” (Нукус, ҚДУ, 2017 й.);

- “Географиянинг минтақавий муаммолари” (Жиззах, ЖДПИ, 2017 й.);  
- “География ва география таълимидаги муаммолар” (Тошкент, ТДПУ, 2018 й.);  
- “Ўзбекистонда география таълими методикаси ва топонимика: тарихи, муаммолари ва истиқболлари” (Тошкент, ЎЗМУ, 2019.) ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилган илмий-назарий конференцияларнинг материаллари алоҳида илмий ишлар тўпламлари кўринишида нашр эттирилган.

География фанининг ривожланишида, олийгоҳлардаги географлар жамоаларининг илмий-педагогик салоҳиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан нуфузли даврий илмий нашр сифатида эътироф этилган “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг аҳамияти каттадир. Ҳисобот даврида “Ахборот”нинг 13 та жилди (45-56-сон ҳамда махсус жилд) нашр эттирилди, уларнинг мазмуни, дизайни, илмий сифати тобора яхшиланиб, такомиллашиб борди.

“Ахборот”нинг 47-жилди таниқли олим, Ўзбекистон география жамиятининг 13 йил давомида раиси бўлган профессор Абдусами Солиевнинг хотирасига, 50-жилди Ўзбекистон География жамиятининг 120-йиллик юбилейига, 51-жилди Самарқанд давлат университетининг 90-йиллигига, 53-жилди эса Ўзбекистон Миллий университетининг 100-йиллигига бағишлаб нашрдан чиқарилди.

Шунингдек, Erasmus+ дастурининг «DSinGIS – Геоинформатика соҳасида докторантура» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Геоинформатика соҳасида илмий тадқиқот ишлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг танланган илмий ишлари “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг махсус жилдида чоп этирилди (2018 йил, октябрь оyi).

Ўзбекистон География жамияти томонидан ўтган беш йил давомида қатор биобиблиографик ва илмий-тарихий рисолалар таҳрир қилинди ва чоп этирилди:

- “Абдусами Солиев: инсон, олим, устоз” (Тузувчи-муҳаррирлар: Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б., Ражабов Ф.Т. Масъул муҳаррир: А.Эгамбердиев. - Т.: Mumtoz soʻz, 2017. – 370 б.);

- “Юксак фазилатлар соҳиби: география фанлари доктори, профессор Абдуҳаким Абдухамидович Қаюмов 70 ёшда” (Тузувчи-муҳаррирлар: Қодиров Р.Б., Усманов З.К., Шайзоқов Б.И., Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б. – Т., 2017. – 140 б.);

- Профессор А.С. Солиевнинг “Танланган асарлари” (Масъул муҳаррир: А.Эгамбердиев. – Т.: Mumtoz soʻz, 2018. – 376 б.);

- Федорко В.Н., Эгамбердиев А., Қурбонов Ш.Б., Ражабов Ф.Т. ҳаммуаллифлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрга тайёрланган “Ўзбекистон География жамияти” илмий-тарихий рисола (Т., 2019. – 92 б.);

- Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б., Назаров М.И. ҳаммуаллифлигида ёзилган ўзбек ва рус тилларидаги “Ўзбекистон Миллий университетида иқтисодий ва ижтимоий география” рисоласи (Т., 2019. – 36 б.);

- “Ўзбекистон География жамияти ахбороти”. Мақолаларнинг хронологик, системали ва алифбо кўрсаткичи (1-55-жилд, 1955-2019 йй.)” (Тузувчи-муаллифлар: Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б. Масъул муҳаррир: Ҳикматов Ф.Ҳ. – Тошкент, 2019. – 248 б.).

Ўзбекистон География жамияти фаолиятидаги муҳим янгиликлардан бири – унинг расмий веб-сайтнинг ([www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz)) ишга туширилганлигидир. Сайт икки (ўзбек ва рус) тилларда яратилган бўлиб, унда Жамият тарихи ва бугунги кундаги ривожланиши, унинг раҳбарияти, собиқ раислари, съездлари, халқаро ҳамкорлиги ҳақидаги маълумотлар, “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг расмий веб-саҳифаси, Ўзбекистонда сўнгги йилларда чоп этирилган географик адабиётлар, шунингдек, диссертация ва авторефератлардан иборат бўлган электрон кутубхона жой олган.

Республикамизда 2017-2018-йилларда география фанлари йўналиши бўйича илмий даражалар берувчи 3 та Илмий кенгаш ўз ишини бошлади: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Gr.01.06; Гидрометеорология хизмати марказининг Гидрометеорология илмий-текшириш институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Gr.47.01 ҳамда Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.30.05.2018.Gr.02.07 Илмий кенгашлар. Ҳисобот даврида “11.00.01-Табиий география” ихтисослиги бўйича А.Р.Рахматуллаев, В.А.Рафиқов, “11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география” ихтисослиги бўйича И.Р.Турдимамбетов, З.Н.Тожиева, “11.00.03-Қуруқлик

гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё” ихтисослиги бўйича Ш.О.Мурадов (техника фанлари бўйича), Ё.Қ.Хайитов, “11.00.04-Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология” ихтисослиги бўйича Б.С.Тлеумуратова (физика-математика фанлари бўйича), Б.М.Холматжанов, Х.Т.Эгамбердиевлар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Яъни география фанлари соҳаси бўйича жами бўлиб, кўрилаётган даврда 7 нафар ҳамкасбимиз фан доктори DSc илмий даражасини олдилар.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида 2017 йилда жорий этилган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган 27 та диссертация иши ҳимоя қилинди (жадвалга қаранг). Шу жумладан, 5 та диссертация “11.00.01-Табиий география” ихтисослиги бўйича, 9 та диссертация “11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география” ихтисослиги бўйича, 5 та диссертация “11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё” ихтисослиги бўйича, 3 та диссертация “11.00.04-Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология” ихтисослиги бўйича, 3та диссертация “11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”, 2 та диссертация эса “11.00.06-Геодезия. Картография” ихтисослиги бўйича ҳимоя қилинган.

Кўрилаётган давр мобайнида ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларидан 3 таси ЎзМУ ҳузуридаги Илмий кенгашда, 6 таси эса ГМИТИ ҳузуридаги Илмий кенгашда ҳимоя қилинган. Фалсафа доктори диссертацияларидан 18 таси ЎзМУ ҳузуридаги, 8 таси ГМИТИ ҳузуридаги, 2 таси эса СамДУ ҳузуридаги Илмий кенгашда ҳимоя қилинди.

*Жадвал*

**2017 йил июль ойи – 2019 йил декабрь ойи оралиғида ҳимоя қилинган география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳақида маълумот**

№	Ихтисослик шифри ва номи	Диссертациялар сони	Диссертацияларни ҳимоя қилган тадқиқотчилар
1	11.00.01-Табиий география	5	Султанов М.Қ.
			Ярашев Қ.С.
			Хурсанов Д.С.
			Мелиев Б.А.
2	11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география	9	Ғўдалов М.Р.
			Қурбонов Ш.Б.
			Абдуллаев А.Г.
			Файзуллаев М.А.
			Ражабов Ф.Т.
			Федорко В.Н.
			Жўраев Ш.С.
			Мухамедова Н.Ж.
			Юлдашев Н.Н.
Комилова Н.Ў.			
3	11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	5	Раҳмонов К.Р.
			Хайдаров С.А.
			Яқубова Х.М.
			Дергачёва И.В.
4	11.00.04-Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	3	Тургунов Д.М.
			Абдурахмонов С.Т.
			Гафуров З.А.
5	11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	3	Шермухамедов У.
			Тўхтаева Х.Б.
			Камолов Б.Х.
6	11.00.06-Геодезия. Картография.	2	Яқубжонова Ш.Т.
			Пренов Ш.М.
<b>Жами</b>			<b>27</b>

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган



Ҳисобот даврида Ўзбекистон География жамиятининг халқаро алоқалари ҳам ривожланди. Жумладан, Рус География жамияти (2015 й.), “Qazaq geography” илмий жамияти (2018 й.), Беларусь география жамияти (2019 й.), Тожикистон география жамияти (2019 й.), Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академиясининг География институти (2019 й.) билан шартномалар имзоланди, Россия ижтимоий географлари ассоциацияси (АРГО) билан 2014 йилда тузилган шартноманинг муддати узайтирилди (2019 й.). Шунингдек, 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистон География жамияти бош идораси Пекин шаҳрида жойлашган Осие География ассоциациясига 24-чи миллий аъзо сифатида кўшилди.

Шуниси эътиборга лойикки, Ўзбекистон географларининг кўпчилиги охириги йилларда қатор яқин ва узоқ хориждаги мамлакатларда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқдалар ва Жамиятимизнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Жамиятимизнинг халқаро алоқаларини, Ўзбекистон географларининг хорижий ҳамкасблар билан ижодий ва инсоний муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадларини кўзлаган ҳолда, республикада ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуманларга ташриф буюрган, ЎзГЖ билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга шахсий ҳиссасини қўшган қатор хорижий географ-олимларга “Ўзбекистон География жамиятининг фахрий хорижий аъзоси” унвони ва уни тасдиқловчи дипломлар берилган. Булар қаторида география фанлари докторлари, профессорлар А.Г.Дружинин (Россия ижтимоий географлари ассоциацияси Президенти), Х.М.Мухаббатов (Тожикистон География жамияти Президенти), Райко Гнято (Сербия Республикаси География жамияти Президенти), А.Г.Низамиев (Ўш давлат университети Табиёт ва география факультети декани) ва бошқа таниқли мутахассислар мавжуд.

Ўзбекистон География жамияти ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон География жамияти Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларининг туристик салоҳиятини ўрганиш ва уларни кенг оммага тарғиб қилиш билан боғлиқ йирик амалий лойиҳани бажаришни бошлади (лойиҳа раҳбари – г.ф.н., доцент Ш.М.Шарипов).

Ҳисобот даврида фанимиз оғир йўқотишларга ҳам учради. Хусусан, фан докторлари: Г.Н.Трофимов, А.С.Солиев, С.Қ.Қораев, М.Маматқулов, О.Б.Ата-Мирзаев, Е.К.Умаровлар, фан номзодлари: А.Зайнутдинов, П.Мусаев, Ш.А.Азимов, А.Бозорбоев, К.Қурбонов, М.Р.Бўриева каби таниқли олим ва устозлар бизнинг қаторимизни тарк этишди. Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин.

Юқорида келтирилган маълумот ва таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўтган 5 йил давомида Ўзбекистон География жамиятининг маълум даражада амалга оширган ижобий ишлари, ютуқлари бор. Аммо, шу билан бирга, Жамиятимиз фаолиятида, фанимиз ривожланишида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш вазифалари республикада география фани, шунингдек, Ўзбекистон География жамиятини истиқболдаги ривожланишини белгилаб беради. Қуйида бундай муаммолар, олдимизда турган навбатдаги вазифалар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. География фанларининг барча тармоқларида энг долзарб ва оғир муаммолардан бири сифатида илмий даражага эга бўлган юқори малакали илмий-педагогик кадрлар, айниқса, фан докторларининг озлигини қайд этамиз. Ҳозирги кунга келиб, республика олийгоҳлари ва илмий тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган география фанлари докторлари сони 20 нафардан бироз ошади, холос. Шундай вазиятда фанимизнинг ривожини жадаллаштириш учун, авваламбор, янги фан докторлари етишиб чиқишлари керак. Нисбатан ёш ва фаол фан докторлари эса янги фалсафа докторларини тайёрлашга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир;

2. География соҳасида бажарилаётган фундаментал ва амалий лойиҳа (грант)лар миқдори, кўплаб бошқа фан соҳалари билан таққослаганда, анча кам бўлмоқда. Бу ҳолат фанимизнинг ижтимоий нуфузига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу сабабдан Ўзбекистон географлари халқаро ва мамлакат миқёсида эълон қилинадиган илмий-амалий лойиҳа (грант)лар танловларида фанимизнинг долзарб фундаментал ва амалий муаммолари ечимини топишга қаратилган, юқори иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий, экологик самара берадиган ғоя ва таклифлар билан фаол иштирок этишлари лозим;

3. География ўқув фанини ОТМлардаги қатор бакалавриат йўналишлари, масалан, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, “Туризм”, “Геология” ва бошқаларга кириш имтиҳонлари таркибига қўшилиши бўйича асосли таклифларни тегишли ташкилотлар ва мутасадди раҳбарларга бериш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз. Географиянинг турли ўқув йўналишларига кириш имтиҳон фанлари қаторига кириши фанимизнинг ёш авлод онгидаги обрўсига ижобий таъсир кўрсатади ва уни ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширади;

4. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим тизимида география ва унинг тармоқлари бўйича дарсликларнинг янги, замонавий авлодини шакллантириш, фанимизни ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш бугунги куннинг талабидир. Бинобарин, география фани бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар, атлас ва хариталар туркумини яратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз сирасига киради;

5. Географик билимларни кенг омма, айниқса, ёш авлод орасида тарғиб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия Федерациясида, ўтказилиб турадиган географик диктант оммавий акцияларини амалга ошириш, география ва унинг тармоқлари бўйича ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда юртимиз вакилларининг иштирокини қўллаб қувватлаш, [www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz), [www.geografiya.uz](http://www.geografiya.uz) каби веб-сайтларнинг мазмуни ва дизайнини бойитиш, янги географик йўналишдаги Интернет-ресурсларни яратиш муҳимдир;

6. Ўзбекистон География жамияти аъзоларининг электрон реестрини [www.uzgeo.uz](http://www.uzgeo.uz) веб-сайтида шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу реестрга кирганлик Жамият аъзолигини билдирадиган асосий далил бўлади. Ушбу реестр учун керакли бўлган маълумотларни шакллантиришда Жамият раёсати, биринчи навбатда, республика ОТМларида фаолият олиб бораётган география йўналишидаги факультет ва кафедралар жамоаларининг амалий ёрдамига муҳтож бўлади. Шунингдек, турдош фанлар вакилларининг ЎзГЖга аъзо бўлишлари учун ҳам имкониятларни очиб бериш ва бу йўналишда ташвиқот ишларини олиб бориш керак;

7. Ҳар қандай илмий конференция фанимиз равнаки, хусусан, у ўтказилган ҳудудда география фани ва таълимнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади, бунга туртки беради. Бундай тадбирларни ташкил этиш амалиётини давом эттириш, уларнинг илмий-амалий савиясини, натижадорлигини кўтариш, қатнашчиларнинг географиясини кенгайтириш зарур. Бу борада, айниқса, охириги йилларда география йўналишида илмий-амалий конференциялар деярли ўтказилмаган олийгоҳлар – Навоий давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетининг фаоллигини ошириш лозим. Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Сейсмология институти ҳамда Гидрометеорология илмий текшириш институти каби илмий-тадқиқот муассаларининг салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш фойдадан холи эмас;

8. “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналидаги мақолаларнинг савиясини ошириш ҳам долзарб муаммоларимиздан биридир. Илмий жиҳатдан саёз, фақат муаллифларнинг ўзлари ўқийдиган ва ўқий оладиган, ҳисобот учун ёзилган ва чоп этишга тақдим этилган мақолаларни журналимиз саҳифаларида чиқишига бутунлай чек қўйиш вақти келди. Уларнинг ўрнига тадқиқотлар натижаларини ўзида мужассам қилган, илмий янгилиги аниқ сезилиб турган, замонавий, танқидий мулоҳаза ва фикрга, илҳомга йўл берувчи мақолаларни кўпайтириш ўринлидир;

9. Халқаро алоқаларимиз охириги пайтда ривожланиб бораётган бўлса-да, уларни ҳали ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Шу боис, келажакда, МДҲ ва узоқ хориж давлатларининг География жамиятлари билан ўзаро алоқаларни, ҳамкорликни жадаллаштириш керак. Бу борада географияга ихтисослашган хорижий илмий журналларда ўзбекистонлик географларнинг мақолаларини чоп эттириш, ЎзГЖ илмий журналида чет эл тадқиқотчиларининг илмий мақолаларини нашр қилиш амалиётини кенгайтириш, қўшма илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бажариш, долзарб муаммоларга бағишланган мавзули илмий монографияларни яратиш, ўзаро ҳамкорликда ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни нашрга тайёрлаш фаолияти яхши самара беради.

**Хулоса.** Демак, Ўзбекистон География жамияти олдида турган долзарб муаммолар, вазифалар оз эмас. Уларнинг ечимини топиш, белгиланган мақсадларга эришиш эса жамиятимиз аъзоларининг ҳар бири ва барчаси, ҳар қачонгидан ҳам яқдилликда ишлашни талаб қилади.

Попов В.А.\*

**О ПАЛЕОЛАНДШАФТОГЕНЕЗЕ НА РАВНИНАХ  
ВОСТОЧНОГО ТУРАНА В НЕОГЕН-ЧЕТВЕРТИЧНОЕ ВРЕМЯ**

**Аннотация.** В статье, на основе анализа научных публикаций по палеогеографии, смежным с ней наукам и собственных полевых изысканий изложены изменения ландшафтной структуры на территории Ташкентско-Голодноостепско-Фаршских предгорных равнин и Предкызылкумья, произошедшие в регионе с начала неогена до среднего голоцена.

**Ключевые слова:** ландшафты, ландшафтогенез, неоген, четвертичный период, предгорные равнины, аллювиальные равнины, эоловые равнины.

**Неоген ва тўртламчи даврларда Шарқий Турон текисликларигади палеоландшафтогенез  
жараёнлари хусусида**

**Аннотация.** Мақолада палеогеография ва турдош фанларга оид адабиётлар таҳлили ҳамда муаллифнинг дала тадқиқотлари натижасида аниқлаган маълумотлари асосида Тошкент-Мирзачўл-Фориш ҳамда Қизилқумолди текисликларига неоген даврининг бошидан ўрта голоценгача рўй берган ландшафт структурасининг ўзгаришлари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** ландшафтлар, ландшафтогенез, неоген, тўртламчи давр, тоғолди текисликлар, аллювиал текисликлар, эол текисликлар.

**About paleolandscape genesis on the plains  
Eastern Turan in Neogene-Quaternary time**

**Abstract.** Based on the analysis of scientific publications on paleogeography, related Sciences and their own field research, the article describes the changes in landscape structure in the plains of Eastern Turan, which occurred from the beginning of the Neogene to the present time.

**Key words:** landscapes, landscape Genesis, Neogene, Quaternary period, plains of Eastern Turan.

**Введение.** Под ландшафтогенезом мы понимаем совокупность всех эволюционных преобразований, испытываемых ландшафтом (геосистемой, природным территориальным комплексом), а также процесс исторического развития ландшафтной сферы Земли, всего разнообразия видов, родов, групп, типов и других ее таксономических единиц [15]. Эволюция физико-географической дифференциации различных регионов нашей планеты в прошлом, изменение их ландшафтной структуры является объектом исследования палеоландшафтоведения.

Для реконструкции ландшафтогенеза на анализируемой территории нами использовались разрозненные данные о природных процессах, происходивших в среднеазиатском регионе и развитии экосистем Турана на протяжении позднего кайнозоя, содержащиеся в работах [1-14, 16-20], а также собственные наблюдения во время полевых работ при реализации различных научных и научно-прикладных проектов.

В связи с близостью структурной организации неоген-плейстоценовых природных территориальных комплексов и современных геосистем Средней Азии при реконструкции геоэкологических условий относительно недавнего прошлого Восточного Турана в настоящей работе нами использовался метод ландшафтов-аналогов.

На каждой из представленных в работе картосхем палеоландшафтных структур в качестве ориентиров даются современное русло Сырдарьи, Айдаркульский желоб и областные центры региона.

**Цель и задачи работы.** Цель статьи заключается в изложении, методами палеоландшафтного анализа и картографии, эволюции геосистем восточной части Турана в позднем кайнозое. В задачи работы входит освещение роли ландшафтообразующих факторов в изменении географического пространства во времени и описание физико-географических

---

\* **Попов Виктор Артемьевич** – независимый исследователь, кандидат географических наук, старший научный сотрудник

условий на важнейших этапах ландшафтогенеза региона на протяжении неоген-четвертичного времени до голоцена.

**Основная часть.** Колебания уровня Мирового океана и внутренних замкнутых бассейнов кардинально меняли ландшафтную оболочку Земли в ее геологическом прошлом.

По мнению ряда исследователей [6, 12] рост горных систем Гималаев и Гиндукуша в палеогене начал препятствовать проникновению влажных воздушных масс южного муссона во внутренние области Турана, снижая тем самым количество летних атмосферных осадков и, в общем, усиливая ксероморфизм его ландшафтов в последующем развитии территории Средней Азии.

На рубеже палеогена и неогена большая часть Средней Азии покрывалась водами океана Паратетиса. В раннем миоцене восточная его окраина подходила вплотную к горам Нуратау. В последующее время на юго-востоке Турана активизировались процессы горообразования. В результате поднятия этого участка земной коры к середине миоцена океан вновь отступил на запад и период великих трансгрессий в данном регионе завершился.

Отрезок геологической истории юго-востока Средней Азии с верхнего миоцена по средний плиоцен характеризовался относительно низкой тектонической деятельностью. Для западных районов Тянь-Шаня и Гиссаро-Алая на протяжении всего миоцена были свойственны предгорные холмисто-увалистые и низкогорные ландшафты. Хребет Нуратау, единственное горное образование на анализируемой территории, представлял собой в то время отдельные слабо расчлененные массивы холмогорий на довольно выровненной поверхности западного окончания Гиссаро-Алая. Его абсолютные отметки не превышали 1000 м [19].

Если в первой половине неогена (миоцен) на туранских равнинах превалировал относительно влажный климат, то во второй его половине (плиоцен) здесь устанавливается довольно жесткий ксеротермический режим. Стекающие с гор небольшие и немногочисленные водотоки заканчивались уже в предгорьях. Ниже по склону по их долинам осуществлялся только сезонный сток с весенними паводками, формирующийся за счет осенне-зимне-весенних атмосферных осадков. Выходящие из внутренних районов Западного Тянь-Шаня палео-Ахангаран и палео-Чирчик не достигали Голодной степи.


Как и во время предыдущих колебаний уровня океана, первичные равнины, образовавшиеся после отступления миоценового моря, явились новой, субэкральной, ареной жизни. В результате миграции на образовавшуюся сушу солеустойчивых и солелюбивых видов растений из окружающих ландшафтов здесь начали развиваться галоморфные геосистемы аналогичные тем, что развиваются на территории обсохшего дна Арала после 1961 года.

Характерной особенностью первой половины миоцена на равнинах Турана явилось постепенное угасание древесной растительности и распространение здесь травянистых сообществ. С начала неогена на равнинах Средней Азии и Казахстана уже существовала степная, полупустынная и пустынная растительность близкая современной. В видовом составе фитоценозов неогеновых ландшафтов преобладающая часть растений уже соответствовала современным или близким к ним видам [9, 13]. По мере дальнейшего развития Юго-Восточного Турана ландшафтогенез на его территории по ксероморфному типу определил смену геосистем первичных галоморфных равнин гало-ксероморфными природными территориальными комплексами такырных пустынь и полупустынь с разреженной солянковой растительностью на карбонатных почвах. В долинах рек региона и в пределах слепых их дельт развивались тугайные экосистемы. На востоке рассматриваемого региона развивались предгорные слабонаклонные аллювиально-пролювиальные равнины с полупустынной эфемеро-эфемероидной растительностью (рис. 1).

Развитие ландшафтов в анализируемом регионе в первой половине плиоцена происходило в условиях относительной слабой тектонической активности, усиления аридности климата и активных действий процессов пустынной денудации.

В позднем плиоцене в регионе процессы горообразования активизировались. В междуречье палео-Арыси и палео-Келеса в процессы повышения макрорельефа Турана были вовлечены и Приташкентские Чули. В это геологическое время в Средней Азии отмечается повышение увлажнения и похолодание климата, в горных ее районах формируется довольно густая постоянно действующая гидрографическая сеть. Специфические природные условия поднимающихся хребтов и массивов способствовали миграции растений-ореофитов из сопредельных и более удаленных горных стран и их расселению по территориям молодых

горных геосистем. На склонах хребта Нуратау, единственного горного образования на анализируемой территории, в миоцене и плиоцене развивались лесные ландшафты, приуроченные к долинам малых рек.



**Рис. 1. Палеоландшафтная карта-схема раннего миоцена**

1. Открытое море.
2. Прибрежно-морские мелководья.
3. Низкие горы со смешанными лесами.
4. Холмисто-увалистые предгорья с лиственными лесами и кустарниками по долинам рек.
5. Антиклинальные возвышенности с полупустынной эфемерово-эфемероидной растительностью.
6. Предгорные слабонаклонные пролювиальные равнины с пустынной полынно-эфемерово-эфемероидной растительностью.
7. Предгорные слабонаклонные аллювиально-пролювиальные равнины с полупустынной эфемерово-эфемероидной растительностью.
8. Слабо приподнятые пластовые равнины с пустынной солянково-полынной растительностью.
9. Плоские пролювиально-такырные равнины с разреженной солянковой растительностью.
10. Долины рек с тугайной преимущественно древесно-кустарниковой растительностью.
11. Аллювиально-озерные равнины с тугайной преимущественно травянистой растительностью.
12. Понижения с разреженной галофильной растительностью.
13. Руслу малых рек с сезонным стоком.
14. Руслу палеорек.
15. Руслу современных рек.
16. Контур айдаркульского желоба.

В позднем плиоцене из переполненной отложениями Ферганской межгорной впадины на равнины Турана выходит палео-Сырдарья. По пути своего дальнейшего следования она принимает справа в качестве притоков русла палео-Ангрена и палео-Чирчика. В центральной части Голодной степи, на ее севере и на территории плоских пролювиально-такырных равнин - будущего Кызылкума в это геологическое время в условиях гидроморфного ландшафтогенеза формируются аллювиальные и озерно-аллювиальные равнины с географическими системами древесно-кустарниковых и травянистых тугайных сообществ на луговых и болотных почвах. Общий наклон равнины на северо-запад и существование в Предкызылкумье субширотного айдаркульского желоба способствовали направлению стока реки на просторы Кызылкума (рис. 2).

На протяжении первой половины четвертичного времени русло реки согласно действию силы Кориолиса постепенно перемещалось на восток. Долина Сырдарьи пролегла между сформировавшейся к этому времени слегка приподнятой пластовой равниной с солянково-полынной пустыней на западе и предгорной аллювиально-пролювиальной равниной с эфемерово-эфемероидной полупустыней на востоке.

Этап развития природных территориальных комплексов Турана на рубеже плейстоцена и антропогена протекал на фоне существенной аридизации и похолодания климата. Ландшафтная зона субтропических саванн сместилась на юг Средней Азии.




Рис. 2. Палеоландшафтная карта-схема позднего плейстоцена  
Условные обозначения см. на рисунке 1

К началу четвертичного периода возросшая сухость климата явилась фактором сокращения площадей горных лесов. Мезофильные широколиственные леса в рассматриваемом регионе спустились в речные горные долины, а горные склоны начинают осваивать более сухолюбивые арчевники. В долинах равнинных рек развивались тугайные экосистемы.

В течение всего четвертичного периода рост гор продолжался все более активно, площадь горных стран расширялась. Совокупно с усилением аридности климата этот процесс нашел выражение в перестройке рельефа и гидрографической сети на описываемой территории.

К северу от айдаркульского желоба все более значимую ландшафтообразующую роль играли эоловые процессы. Перемещение русла Сырдарьи на восток явилось причиной трансформации ландшафтной структуры на территории современной Голодной степи и Юго-Восточного Кызылкума. Здесь значительно сократились площади гидроморфных и мезоморфных геосистем. Соответственно ксероморфные природные территориальные комплексы за счет обсыхания обширной территории к северу от айдаркульского желоба расширились.

В нижнем плейстоцене на территории Турана происходит резкая аридизация климата. Перестройка ландшафтной структуры региона продолжалась на фоне общего опустынивания Средней Азии [17]. На описываемой территории происходит осушение отложений озерно-аллювиальной пластовой равнины к северу от айдаркульского желоба с геосистемами солянково-полынных пустынь и активизируются эоловые процессы. В дальнейшем климатическая обстановка в Средней Азии еще более обостряется. Тем не менее, время от времени жесткие аридные условия сменялись на рассматриваемой территории относительно кратковременными пловивальными эпохами. Так, признаки похолодания и увлажнения климата Средней Азии обнаружены в верхнем плейстоцене, когда на ее территории были распространены ландшафты сухих степей с бурыми почвами [6].




Рис. 3. Палеоландшафтная карта-схема рубежа плиоцена и плейстоцена.  
Условные обозначения см. на рисунке 1.

В среднечетвертичное время долина Сырдарьи заняла положение в регионе близкое к современному. В начале позднечетвертичного времени река Санзар повернула на север, перестав быть притоком Зеравшана и начала впадать на севере Голодной степи в Сырдарью, став на время ее единственным левобережным притоком после выхода реки из Ферганской впадины [8, 17] (рис. 3).

Прогрессирующая аридизация климата на территории Средней Азии явилась в раннечетвертичное время фактором расширения площадей ландшафтов глинистых, гипсовых, лессовых, песчаных, солончаковых, каменистых пустынь. На равнинах анализируемого региона наиболее распространенными пустынями стала лессовая, сформированная на аллювиально-пролювиальных осадках Голодной степи. Из других типов пустынь, распространенных на рассматриваемой территории, необходимо назвать эоловую, образовавшуюся в результате переработки ветром песчаных отложений неогена и аллювия палео-Сырдарьи на юго-востоке Кызылкума и щебнистую (гипсовую), обязанную своим происхождением грубообломочным аллювиальным и пролювиальным отложениям предгорий Нуратинских гор и Туркестанского хребта. Также характерной для описываемого региона до конца 60-х гг XX века была солончаковая пустыня, занимавшая айдаркульский желоб и понижение в центре Голодной степи.

На фоне общего тренда аридизации в Туране соблюдалась определенная ритмичность климатических эпизодов. Периоды с жаркими и сухими климатами чередовались на его территории с эпохами некоторого похолодания и увлажнения. Так, по расчетам Г.Н. Трофимова [18] в конце позднего плейстоцена и в раннем-среднем голоцене климат в Средней Азии был гораздо прохладнее и влажнее современного. Температуры воздуха на 10-14°C были ниже наблюдаемых в настоящее время. В горах прогрессировало оледенение, а речной сток в 3-4 раза превосходил современный.

В конце позднечетвертичного времени усиление ксеротермического режима, несмотря на продолжающийся подъем горных систем, привело к таянию льдов в высокогорьях и сокращению площади ледников.

Почвенный покров и видовой состав растительности в конце плейстоцена на описываемой территории ничем не отличались от современного.

12-11,5 тыс. лет назад в геологической истории Земли началась новая эпоха четвертичного периода – голоцен. В описываемом регионе в это время усиливаются неотектонические движения. Тектоническая активность сопровождается непрерывным поднятием горных хребтов и углублением межгорных впадин, формированием гравитационных форм рельефа в виде осыпей, обвалов, каменных потоков (курумов). Нарастание амплитуды высот между водоразделами, проходящими по вершинам хребтов и базисами эрозии, расположенными на равнинах содействует усилению процессов водной эрозии, выносу продуктов денудации за пределы гор – на равнины и в днища межгорных впадин, формированию водно-аккумулятивных форм рельефа (речных пойм, аллювиальных террас, конусов выноса). В горных районах наблюдается преобладание водно-эрозионных процессов, а на равнинах – процессов аккумуляции отложений, выносимых склоновым и речным стоком. В это геологическое время в основном закончилось формирование типов рельефа низких гор, предгорий, подгорных равнин.

Последняя значительная и довольно продолжительная плювиальная фаза в ландшафтогенезе изучаемого региона, имевшая место 9-5 тысяч лет назад (лявляканский плювиал, голоценовый оптимум) [2, 3, 10]. Она послужила причиной значительного эрозионного расчленения современного предгорно-горного рельефа хребта Нуратау. В равнинной части описываемой территории повышенная водность рек, стекающих с горных массивов, явилась, вероятно, фактором образования озера на месте айдаркульского желоба, значительного превосходящего по размерам современную Арнасай-Айдаркуль-Тузканскую озерную систему. Доказательством тому служат молодые озерные отложения на днищах замкнутых депрессий к востоку к северу от нее.

По окончании лявляканского плювиала в Средней Азии устанавливается жаркий аридный климат, продолжающийся с незначительными вариациями до настоящего времени. По мнению Э.Д. Мамедова (личное сообщение) современный этап является экстраординарно сухим и жарким в истории природы Средней Азии.

Голоцен знаменуется также выходом на естественноисторическую арену Земли человека в качестве мощного экологического фактора. Все более возрастающая хозяйственная активность общества в Средней Азии оказывала мощное воздействие на структуру растительности, почвенного покрова и географических систем в целом.

По сведениям В.И. Массальского [11], подтвержденных впоследствии исследованиями узбекистанских ботаников в конце первого тысячелетия новой эры горные леса в Средней Азии спускались почти до границ людских поселений [1, 5]. Сокращение площадей лесных массивов и отступление их вверх по склонам произошло в результате вырубки деревьев населением. По мнению К.З. Закирова арчевые леса были характерны и для гор Нуратау [7]. В настоящее время арчевники на этом хребте практически отсутствуют.

Деградировала в горах и другая древесная растительность. Так, в процессе полевых работ в поясе низкогорий Нуратау в северо-западной, слабозаселенной, части хребта в долине речки Писталисай, считаемой как святое место, и поэтому практически не используемой в хозяйственном отношении нами отмечены редколесья фисташки (*Pistacia vera*). Растения отличались высоким жизненным состоянием с наличием как очень старых деревьев, так и многочисленного подроста. В то же время в других экологически сходных участках хребта Нуратау этот вид хотя и обычен, но довольно редок.

В результате хозяйственной деятельности была сведена большая часть лесов гор Нуратау и практически вся древесная растительность равнин рассматриваемого региона. Уничтожение растительного покрова игравшего влагонакопительную роль на горных склонах вызывает здесь усиление эрозионно-денудационных процессов, ведет во время выпадения жидких и таяния твердых осадков к смыванию почв, развитию селей, оголению коренных пород. Со временем на склонах меняются формы рельефа, нарушается гидрологический режим горного района, происходит его ксеротизация. Место лесов сначала занимают кустарники, а с их вырубкой – степи.

На участках равнин примыкающих к людским поселениям, древесная растительность, представленная ранее черным саксаулом на пролювиальных равнинах, белым саксаулом на эоловых равнинах, ивой, тополем и лохом вдоль русел рек уступает место кустарниковой. Некоторые исследователи полагают, что мелкотравные растительные сообщества без полыни также явление вторичное, вызванное истреблением полыни.



Эксплуатация пастбищной растительности на анализируемой территории насчитывает не одну тысячу лет. Это не могло не сказаться на определенной трансформации ландшафтов в результате перевыпаса, имевшем место, как в горах, так и на равнинных пространствах. Чрезмерный выпас на подгорных равнинах привел к значительному ставливанию пастбищной растительности между хребтом Нуратау и Кызылкумом. Вокруг населенных пунктов, скотоводческих ферм и колодцев естественная растительность полностью истреблена, образовались толоки. На эоловых равнинах интенсивный выпас и заготовка населением белого и черного саксаула на топливо способствовали смене древесной растительности пустынь на кустарниковую. На некоторых участках эти факторы явились причиной движения песков.

Во второй половине голоцена, когда на смену собирательству и охоте приходит сначала пастбищное животноводство, а затем богарное и орошаемое земледелие происходит активизация антропогенного ландшафтогенеза. На больших площадях под действием хозяйственной деятельности человека преобразован почвенный покров, коренные растительные сообщества сменились производными и агрофитоценозами т.п.

**Выводы.** Важными средообразующими импульсами в анализируемом регионе на фоне тренда повышения аридности климата на протяжении неоген-четвертичного времени являлись:

- регрессия Паратетиса на рубеже миоцена и плиоцена в результате которой на равнинах Восточного Турана началась субэральная стадия ландшафтогенеза;
- похолодание и увлажнение климата в позднем плиоцене определивших в общих чертах развитие ландшафтов в мезоморфном ключе на период 1,5-2 млн. лет;
- обострение в середине голоцена аридизации климата, которая продолжается в настоящее время и определяет развитие природных ландшафтов в ксероморфном режиме.

#### **Использованная литература:**

1. Бутков А.Я. Растительность гор Ходжа-Гургун-Ата. - Ташкент: Издание Комитета наук, 1938. - 38 с.
2. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Ландшафтно-климатические условия среднеазиатских пустынь в голоцене // История материальной культуры Узбекистана. - Ташкент: ФАН, 1974. - С. 37-38.
3. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения внутренних Кызылкумов. - М.: Наука, 1975. - 287 с.
4. Волков В.П., Пинхасов Б.И. Геология и гидрогеология верхнего кайнозоя Голодной степи и Восточных Кызылкумов. - Ташкент: Фан, 1985. - 119 с.
5. Гранитов И.И., Гранитов А.И. Естественные кормовые угодья Узбекистана. Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. - 136 с.
6. Додонов А.Е. Четвертичный период Средней Азии: Стратиграфия, корреляция, палеогеография. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора геолого-минералогических наук. - Москва, 2001. - 52 с.
7. Закиров П.К. Ботаническая география низкогорий Кызылкума и хребта Нуратау. - Ташкент: Фан, 1971. - 123 с.
8. Ишунин Г.И., Тетюхин Г.Ф. Вероятные пути образования фауны млекопитающих на территории Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1989. - 80 с.
9. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. - Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР. Книга I. 452 с.
10. Мамедов Э.Д., Батулин С.Г. Палеогидрогеологическая обстановка и древнее расселение человека в пустынях Средней Азии // Палеоэкология древнего человека. - М.: Наука, 1977. - С. 222-230.
11. Масальский В.И. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том 19. СПб.: Издательство А.Ф. Девриена, 1913. - 432 с.
12. Несмеянов С.А. Количественная оценка новейших движений и неотектоническое районирование горной области. - М.: Недра, 1971. - 141 с.
13. Палеоботаника Узбекистана. Том 1. - Ташкент: Фан, 1968. - 162 с.
14. Пинхасов Б.И. Палеогеография равнин Турана в неогене // Геология и минеральные ресурсы, 2000, №6. - С. 3-8.
15. Попов В.А. О концепции ландшафтогенеза в физической географии // Ўзбекистон Географи жамияти ахбороти. 22-жилд. Ташкент, 2002. - С. 7-10.

16. Попов В.А. Опустынивание как фактор ландшафтогенеза на равнинах Большого Среднеазиатского Междуречья в четвертичном периоде // Известия Узбекского географического общества. Том 29. Ташкент, 2007. - С. 61-65.

17. Тетюхин Г.Ф. Палеогеоморфология территории Узбекистана в четвертичный период. - Ташкент: Фан, 1978. - 72 с.

18. Трофимов Г.Н. Палеоклиматическая ситуация, сток древних рек и водный баланс Арала в позднем плейстоцене и голоцене (2006) // Электронный доступ: <http://kungrad.com/aryl/seahist/isshez/isshez6/>

19. Юрьев А.А. К неотектонике западного окончания Туркестанско-Зеравшанской горной системы // Тектонические движения и новейшие структуры земной коры. М.: Наука, 1967.

20. Tojibaev K.Sh., Beshko N.Yu., Popov V.A., Jang C.G., Chang K.S. Botanical geography of Uzbekistan. Soheul: GeoBook Publishing Co, 2017. 248 p.

**Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С.\***

### **ФАЛСАФИЙ-ГЕОГРАФИК ДУНЁҚАРАШ ВА АМАЛИЁТ**

**Аннотация.** *Мақолада фалсафий-географик дунёқарашнинг мазмуни моҳияти ёритилган. Мазкур дунёқарашнинг география фанининг ҳозирги назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган.*

**Калит сўзлар:** *дунёқараш турлари: мифологик, диний, илмий, фалсафий, соҳавий дунёқараш, географик дунёқараш, глобаллашув, умумгеографик синтез.*

#### **Философско-географическое мышление и практика**

**Аннотация.** *В статье раскрыта сущность философско-географического мышления. Акцентируется значение такого мышления в решении современных теоретических и практических задач географической науки.*

**Ключевые слова:** *формы мышления: мифологическое, теологическое, научное, философское, отраслевое мышление, географическое мышление, глобализация, общегеографический синтез.*

#### **Philosophical and geographical thinking and practice**

**Abstract.** *The article reveals the essence of philosophical and geographical thinking. The importance of such thinking in solving modern theoretical and practical problems of geographical science is emphasized.*

**Key words:** *types of thinking: mythological, theological, scientific, philosophical, sectoral thinking, geographical thinking, globalization, general geographical synthesis.*

**Кириш.** Дунёқараш бизни ўраб турган олам – борлиқ ҳақидаги билимларнинг онгимизда акс этишидир. Дунёқараш инсон онгида унинг ёши, идрок даражаси, касби, иштиёқига боғлиқ ҳолда, аста-секинлик билан такомиллашиб боради. Инсониятнинг “иккинчи муаллими” – заминдошимиз, Бухоро мадрасаларида таълим олган Абу Наср Фаробийнинг фикрига кўра, дунё – бир ғунча, у ҳар кишига билими, тафаккур кудратига қараб, турли рангда, турлича мазмунда, турлича кўламда очилади [5, 77-б.]. Дунёқараш - барча фанларнинг “отаси” деб тан олинган фалсафа фанининг энг муҳим категорияларидан биридир. У фалсафанинг асосини ташкил қилган бўлиб, унда олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар тизими мужассам [12, 115-б.]. Теран тафаккурли дунёқараш маънавий, назарий кучга эга. У орқали изланувчи олдида турган муаммолар ойдинлашади ва уларнинг тўғри ечимини аниқлаш йўллари очилади.


**Асосий қисм.** Фалсафий хулосаларга кўра, барча соҳавий (сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий, эстетик, экологик, географик ва бошқ.) дунёқарашлар тўртта турга ажратилади. Булар: мифологик, диний, илмий ва фалсафий дунёқарашлардир (1-расм) [3, 4]. Ушбу дунёқарашлар бир-бирига боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради.

**Мифологик дунёқараш.** Бу инсонларнинг олам ҳақидаги тўнғич тушунчаларини ўз ичига олади. “Миф” атамаси лотинча нақл, ривоят, дoston, эпос, афсона каби сўзларга маънодош бўлиб, олам, одам ҳаётига тегишли дунёқарашларни ифодалайди [4]. Турли

\* Назаров Исроил Қиличевич – география фанлари номзоди, доцент.

Ҳалимова Гулшан Субхоновна – БухДУ, Экология ва география кафедраси катта ўқитувчиси.

халқларда турлича мазмун, йўналиш ва қўламда мавжуд бундай номоддий кадриятлар инсонларнинг бебаҳо маънавий бойликларидир.



1-расм. Дунёқараш турлари (шакллари)

**Диний дунёқараш** борлиқни англашнинг ўзига хос туридир. Унинг асосида илоҳий куч – Худо ётади. Бутун олам Худо томонидан яратилган ва охир оқибат яна унга қайтади, дейилади. Диний дунёқарашнинг христианлик, ҳиндуизм, буддизм, яҳудийлик, ислом каби тарихий шакллари мавжуд. Диний дунёқарашларни ижобий, салбий (экстремизм) жиҳатлари мавжуд. Ислом дини ғоясининг марказида инсон шахси туради. У инсонни Худонинг Ердаги халифаси деб билади ва уни инсонийликка, комилликка даъват этади. Поклик, ҳалоллик, сабр-тоқат, шукроналик, она табиатга нисбатан эъозда бўлиш, илмга, маърифатга интилиш каби эзгу ғоялар исломий кадриятлардандир. Мусулмон халқларнинг, жумладан, ўзбек миллатининг маънавий кадриятлари исломий пойдеворга эга. Ҳозирги даврда ушбу кадриятлар, мустақиллик шарофати билан давлат сиёсати даражасида халқимиз ҳаётида кадр топмоқда.

**Илмий дунёқараш** борлиқни ақлий билиш оқибатида шаклланади. Бунга асосан фан орқали эришилади. Фан олам ва одам ҳақидаги чин (объектив) билимлар тизими, ижтимоий онг шакллари билан биридир. Фан ўз фаолиятида тафаккур ва махсус тажрибалар асосида иш кўради. Ҳозирги цивилизация асосан фан яратган тамаддундир. Ҳар бир фан дунёни, ҳаётни турли томондан турли усул ва ёндашувлар асосида ўрганади. Натижада ҳар бир фан соҳиби ўзига хос соҳавий дунёқарашга эга бўлади. Ҳаётини тажриба, касбга эга бўлган инсонларда шахсий дунёқараш намоён бўлади. Илмий дунёқарашнинг ютуқлари чексиз, таҳсинга лойиқ. Аммо ушбу дунёқарашнинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Ўз вақтида немис файласуф-олими И.Кант (1724-1804 й) илмий дунёқарашнинг икки камчиликка дучор эканлигини, яъни фан уфқларининг торлиги, тафаккур (ақл)нинг бирёқлама эканлиги ва унинг мақтагулик эмаслигини қайд қилган эди [4].

**Фалсафий дунёқараш** юқорида қайд қилинган барча дунёқарашларни синтез қилади ва назарий хулосаларни ўзида мужассамлаштиради. Фалсафий дунёқараш барча борлиқнинг (табиий, ижтимоий, маънавий) умумий ривожланиш қонуниятларини билвосита, яъни тафаккур қудрати билан ўрганади. Бу ўз навбатида табиатшунослик, инсоншунослик, жамиятшунослик ва техникашунослик фанларини ўз ичига олади.

Фалсафа барча тармоқ фанларидан озуқа олади ва уларга назарий озуқа беради. Бошқача қилиб айтганда, у дунёнинг умумий манзарасини очиб беради ва барча фанлар учун методологик пойдевор вазифасини бажаради [12]. Фалсафа фанининг юраги ҳисобланган диалектика илмий билишнинг энг умумий усули ҳисобланади. Фалсафий қонун, категория ва тамойиллар билишнинг энг умумий назарий асосларидир.

Дунё катта-кичик ўзаро боғланган тизимлар мажмуасидир. Содда қилиб айтганда, бир-бирини ичида жойлашган онабоши (матрёшка) ўйинчоғини эслатади. Ҳеч нарса охиригача ўрганилмаган ва яқунланмаган. Ҳамма нарса оқимда, хатто фикр, хулосаларимиз ҳам [13]. Фалсафий дунёқараш барча дунёқарашларнинг юксак мажмуаси бўлиб, қудратли назарий кучга эга. Ундан ҳар бир тадқиқотчи методологик дастур сифатида фойдаланмоғи лозим.

**Географик дунёқараш** илмий-соҳавий дунёқараш тоифасига мансуб бўлсада, география фан мазмун-моҳиятига кўра мажмуали фандир. У табиий ва ижтимоий фанлар қиррасида (кесишишида) жойлашган бўлиб, икки қанотдан, яъни табиий ва иктисодий

географик фанлар мажмуасидан таркиб топган. Бу география фанининг нодир (феноменал) хусусиятларидан бири. У ўттизга яқин фанларни бирлаштиради. Шу боисдан, географик дунёқарашнинг кўлами кенг, мазмуни эса мураккабдир. Таниқли рус географи В.А.Анучин “география – дунёқараш яратувчи фан”, деб таъкидлаган эди. Географик дунёқараш ўз кўлами, мазмунига кўра, илмий-соҳавий дунёқарашлардан кенг бўлиб, фалсафий дунёқарашга яқин туради. Чунки, у Ер планетаси ва уни ташкил қилган ҳудудларга тегишли барча билимларни ўрганади ва синтез қилади. География – ҳудудлар фалсафаси, деган хулоса чуқур мантикий маънога эга [6]. Аниқроқ қилиб айтганда, география – қиёсий ҳудудшуносликдир. Ер юзидаги ҳудудларда табиий-ижтимоий-сиёсий фарқланишлар бор экан, география фанига бўлган эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди. Аксинча, ҳозирги глобаллашув даврида ҳар бир ҳудудга мамлакатларга хос бўлган миллий муаммолар янгича географик изланишларни ва бу жараёнда янгича ёндашувларни талаб қилади.

**Фалсафий – географик дунёқараш**, бу икки дунёқарашнинг уйғунлашувидир. Фалсафий дунёқараш, биринчидан, географик дунёқараш сарҳадларини кенгайтиради. Иккинчидан, уни кудратли фалсафий билиш, қонун ва тамойиллар билан бойитади. Учинчидан, географик дунёқарашни теранлаштиради ва ҳозирги кунда география олдида турган назарий ва амалий муаммоларни аниқлашда масалага ойдинлик киритади, уларнинг ечимига йўл очади. Шу боисдан, таниқли файласуф олим, академик Ж.Туленов “Илмий – фалсафий назария билан қуролланган олим бошқаларга нисбатан ўз фанининг моҳиятини, истикболни чуқурроқ била олади”, деб таъкидлаган эди [10, 182-б.]. Юксак фалсафий тафаккур билан фикр юритсак, география фани назарияси ва амалиётига тегишли қатор муаммолар борлиги кўзга ташланади. Шулардан айримлари хусусида тўхталиб ўтаемиз:

1. Географиянинг фанлар орасидаги классификацион ўрни ҳанузгача аниқланмаган. Ҳаракатдаги классификаторлар бўйича география фани табиий фанлар тоифасига киритилган. Аслида эса бу фан фалсафадек, экологиядек мажмуали фандир. Юқорида қайд қилинганидек, унинг бир қаноти табиий, иккинчи қаноти иқтисодий география ҳамда ижтимоий мазмунга эга. Республикамизда бу ноаниқлик туфайли бир вақтлар олий таълим тизимида тарих-география, география-биология ҳатто география-чет тили (инглиз) каби мутахассис кадрлар тарйёрланганлиги кўпчиликка маълум. Ҳозирги даврда географ кадрлар табиий фанлар факультетларида тайёрланмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистонда деярли барча фанларнинг ҳатто математика, кибернетиканинг ҳам фалсафий муаммолари имкон даражасида ёзилган [11]. Аммо қадимги ва замонавий география фани четлаб ўтилган. Бунга ушбу фан тузилишининг мураккаблиги сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

2. География фанининг бир бутунлиги, яъни табиий география билан иқтисодий география фанларининг яхлит – бутун эканлигида айрим номутаносибликлар бор. Унинг бир бутунлигига назарий асос, юқорида қайд қилинганидек, диалектикадир. Австриялик биолог олим Людвик Фон Берталанфи томонидан 1950 йилларда яратилган “тизимларнинг умумий назарияси” бир бутунликнинг амалий исботидир. Бир вақтлар таниқли иқтисодий географлар Н.Н.Баранский, Ю.Г.Саушкин, В.А.Анучинлар бу ғоянинг тарафдорлари, жарчилари бўлганлар. Ўзбекистон географларининг сардорларидан бири А.С.Солиев “Табиий географик билимлар иқтисодий географиянинг илдизлари”, деб тан олган эди. Илдизсиз дарахт қуруқ ўтин эмасми? Ҳудуддаги табиий пойдеворни, муҳитни, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ажратиб бўладими?

Хулоса шуки, ҳозирги кунда олиб борилаётган географик тадқиқотлар умумгеографик синтез тамойили асосида олиб борилмоғи лозим. Шундагина географик тадқиқотлар тўлақонли, самарали бўлади [7]. Умумтаълим ва олий таълим тизимида ҳам география фанининг ўқитилиши умумгеографик синтез тамойили асосида амалга оширилмоғи лозим.

Ҳозирги кунда табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўндан ортиқ глобал муаммолар юзага келган. Бу салбий оқибатлар Ўзбекистон ҳудудини четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар туфайли инсоннинг табиатга бўлган таъсирининг кучи тобора ортмоқда. Ҳатто сунъий ландшафтлар (иссиқхоналар) пайдо бўлмоқда. Экологик муаммолар тобора хавфли тус олмоқда. Бу муаммоларни ечиш “калити” осмонда эмас, ерда, ҳар бир инсоннинг қўлида. Рус ёзувчиси А.П.Чехов “ҳар ким ўзи турган жойни гулзор қилса, бутун олам гулга бурканади”, деган эди. Ислом таълимотида Оллоҳ одамни тупроқдан яратганлиги қайд қилинади. Энг аввало инсон ўзини, она ерни, ҳудудни асраши лозим. Ҳудудни асрамай туриб геологик, биологик, ижтимоий хилма-хилликларни

асраб бўладими? Албатта йўқ! Шу боис умумгеографик мазмунга эга бўлган геоэкологик тадқиқотларни кун тартибига қуймоқ лозим. Чунки, географ – худудлар экологи. Бунга шубҳа йўқ.

Тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув даврида, фалсафий – географик дунёқараш Она Ватан кадр-қимматини, унинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини теранроқ англашга ундайди. Ўзбекистонда ўн та табиий-тарихий минтақалар таркиб топган. Булар Фарғона, Чирчиқ-Охангарон, Мирзачўл, Ўрта Зарафшон, Қуйи Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Қизилқум, Қуйи Амударё ва Устюрт кабилардир [2]. Ушбу минтақалар асосида 14 та маъмурий худудлар ташкил қилинган. Бу мамлакатимиз қомуси – конституцияси билан мустақамланган (69-модда). Ҳар бир минтақа ўзига хос табиий, тарихий, ижтимоий, иқтисодий хусусиятларга эга. Бу худудларда яратилган маънавий кадриятлар, иқтисодий салоҳиятлар ўзига хос. Шу боисдан, келгусида олиб бориладиган маросим тадбирлар, илмий географик тадқиқотлар шаклан минтақавий, мазмунон миллий тамойил асосида бажарилмоғи лозим. Ана шундагина жаҳон ҳамжамияти олдида миллий кадриятларимиз доимо бўй чўзиб туради.

**Хулоса.** Фалсафий – географик дунёқараш маънавий, назарий, қудратли кучга эга. Бу географик дунёқараш кўламини кенгайтиради ва юксалтиради. География фанининг ҳозирги давр муаммоларини теран англашга, уларни ечими йўлидаги изланишларга йўл очади. Мазкур дунёқарашга эришиш мақсадида олий таълим тизимида географ-бакалавр, географ-магистр кадрларни тайёрлашда махсус курс сифатида “География фанининг фалсафий муаммолари” фанини ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Анучин В.А. Теоретические основы географии. – М.: Мысль, 1972. - 430 с.
2. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Естественно историческое районирование Узбекистана // Растительный покров Узбекистана. Книга 1. – Ташкент: Фан, 1971. - С. 98-117.
3. Каримов И., Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2007. - 224 б.
4. Қахҳорова Ш.Б. Фалсафага кириш. – Тошкент, 2005. - 60 б.
5. Маънавийят юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. - 400 б.
6. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. - 212 б.
7. Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С. География фанининг фалсафий мазмуни ва амалиёт // ЎзМУ хабарлари. №1/4. 2017. – Б. 193-196.
8. Назаров И.Қ., Ҳалмова Г.С. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазибаларнинг айрим географик жиҳатлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 50-жилд. – Тошкент, 2017. – Б. 15-22.
9. Солиев А. Толе Қуёши // Университет менинг ҳаётимда. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. - Б. 74-76.
10. Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Тошкент: Меҳнат, 2000. - 216 б.
11. Туленов Ж. Философские проблемы науки. – Ташкент, 2001. - 121 с.
12. Фалсафа. Қомусий лугат. – Тошкент: Шарқ, 2004. - 496 б.
13. Шокиров Р.Ў., Шокиров М.Р. Диалектик мантиқ. – Бухоро: Бухоро, 2009. - 111 б.

**Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А.\***

#### **ПАЛЕОГЕОГРАФИЧЕСКИЕ И ГЕОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЧВЕННЫХ ГОРИЗОНТОВ НА СЕВЕРО- ВОСТОКЕ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация.** В данной статье представлены некоторые результаты изучения региональных особенностей формирования почвенных горизонтов на базе стратифицированных разрезов четвертичного периода на территории Узбекистана в

\* Абдуназаров Уктам Кобулжанович – доцент НУУз имени Мирзо Улугбека, к.г.н.

Крахмаль Константин Андреевич – независимый исследователь, кандидат исторических наук

*бассейне реки Чирчик как одной из выразительных геологических структур Западного Тянь-Шаня.*

**Ключевые слова:** ландшафтная зональность, почвенный покров, антропоген, поздний кайнозой, четвертичный период, физическая география, геоморфология.

**Ўзбекистоннинг шимולי-шарқий қисмидаги тупроқ қатламлари шаклланишининг палеогеографик ва геоморфологик хусусиятлари**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги Фарбий Тянь-Шань тоғларининг геологик тузилиши ёрқин намоён бўлган Чирчиқ дарёси ҳавзсидаги стратиграфияси аниқланган тўртламчи давр ётқизиқларининг кесимлари асосида қадимги тупроқ горизонтлари шаклланишининг минтақавий хусусиятларига оид маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ландшафт зоналлиги, тупроқ қатлами, антропоген, кайнозой охири, тўртламчи давр, табиий география, геоморфология.

**Paleogeographic and geomorphological features of the formation of soil horizons in northeast Uzbekistan**

**Abstract.** This article presents some results of studying the regional features of the formation of soil horizons, based on stratified sections of the Quaternary, in Uzbekistan and the Chirchik River Basin, in particular, as one of the expressive geological structures of the Western Tien Shan.

**Key words:** landscape zonality, soil cover, anthropogen, Late Cenozoic, Quaternary, physical geography, geomorphology

**Введение.** В процессе определения хроностратиграфической последовательности в развитии ландшафтной зональности в четвертичном периоде на территории Узбекистана особое внимание сосредоточено на методах изучения генезиса почвенного покрова, как современного, так и сформировавшегося в ранние геологические эпохи. В системной детализации временной последовательности развития природы почвенные горизонты представляют собой комплекс информативных источников по истории четвертичного периода. Почвы, как основной компонент древней поверхности конкретно выделенного региона и этапа геологического развития природы, являются основным индикатором, наиболее детально реагирующим на геофизические, физико-географические и биологические изменения.

Мир почвы наиболее разнообразен и составляет основу развития растительности и животных на протяжении длительного периода геологического формирования планеты и представляет собой незаменимый источник информации по изучению истории климатических и физико-географических преобразований природы, на фоне которых происходило формирование человека. Изучение особенностей образования почвенных горизонтов и дальнейших генетических преобразований, на протяжении позднего кайнозоя является основным направлением в междисциплинарной разработке вопросов палеогеографии, хронологии, стратиграфии геологической истории формирования земной поверхности.

**Цель и задачи работы.** Целью является изучение генезиса почвенных горизонтов в регионе, определение генетических связей между природными феноменами и наиболее полной аргументацией хроностратиграфических выводов. Задачами исследований были изучение генезиса почвенного покрова и взаимосвязей «человек - окружающая среда», исходя из физико-географических и геолого-геоморфологических особенностей развития природы на разных этапах формирования покровных отложений неоген-четвертичного периода в геохронологической последовательности.

**Основная часть.** На территории Узбекистана, в результате изучения региональных особенностей эволюционного формирования почвенных горизонтов, как основных компонентов физико-географического развития природной среды, определены основные этапы, рассмотрены важнейшие разделы теории, включающие представления о геологическом времени в строении поверхности Земли [1]. На основе синтеза полученных данных проведена детализация основных хроностратиграфических этапов формирования природы в четвертичном периоде на территории Узбекистана, выявлена стратиграфическая последовательность и определены основные климатические особенности в периоды накопления осадков и образования палеопочвенных горизонтов начиная с эоплейстоцена по голоцен включительно [2].

В регионе исследований открыта древнейшая на азиатском континенте материальная культура. Изучается путь эволюционного развития древнейших гоминид, рассматриваются

экологические условия, на фоне которых происходило формирование и дальнейшее взаимодействие общества и природной среды [3]. Результаты данного направления исследований показывают, что почвенные горизонты во все периоды истории человечества являлись неотъемлемой частью природного окружения и в значительной степени определяли региональное и локальное развитие материальной культуры. В изучении хронологических этапов развития антропологических, археологических, историко-геологических, физико-географических и биогеографических аспектов проблем происхождения человека - ее «ключом», является именно проблема взаимоотношения человека и окружающей его среды в периоды раннего антропогенеза.

Эта проблема необычайно актуальна для нашего времени и для всего будущего человечества, не смотря на то, что ее исторические корни, без которых нельзя понять настоящее и предсказать будущее, уходят в глубину геологического летоисчисления.

Основные направления комплексных междисциплинарных исследований истории развития природной среды в четвертичном периоде в хроностратиграфической последовательности на территории Узбекистана подчеркнуты в многочисленных публикациях и исследованиях посвященных теме «Комплексная оценка положения нижней границы эоплейстоцена Узбекистана и определение временного объема четвертичного периода» на базе Национального Университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека [4].

В историографическом плане необходимо отметить, что изучение процессов формирования почвенного покрова проводится международным научным сообществом в течение многолетнего развития почвоведения как науки. В процессе многолетних исследований почвы разработано и используется ряд методов. Среди основных методов выделяются полевые, основанные на визуальных характеристиках, и более точные лабораторные методы. Для детальных хроностратиграфических исследований истории формирования почвенных горизонтов в четвертичном периоде, в регионе исследований, разработан соответствующий комплекс междисциплинарных методов включающих в себя ряд современных методов археологии, палеоботаники и палеомагнетизма.

В соответствии с целями и задачами изучения генезиса почвенных горизонтов в четвертичном периоде, рассматривается истории эволюционного развития комплекса природных объектов и явлений, начиная с геологических эпох формирования континентальной поверхности в их генетической последовательности, в эволюционном соподчинении и целостности. Методы исследований включают фундаментальное определение реальности иерархического ряда экзогенных и эндогенных процессов, характеризующих обстановку формирования качественно новых явлений в истории геологического развития природы района исследований в периоды палеозоя, мезозоя и кайнозоя.

В методическом плане исследования особое внимание уделено фиксации комплексному междисциплинарному изучению генетических особенностей образования почвенного покрова, который самым непосредственным образом отражает изменения в развитии экзогенных и эндогенных процессов, кратковременных изменений рельефа и климата. Разрабатываются методы изучения генезиса почвенных горизонтов, которые представляет собой природное тело, образовавшееся путем накопления органического и неорганического материала на поверхности Земли.

Почва формируется во времени в результате взаимодействия различных процессов, как геофизических, тектонических, гидрологических, климатических, геоморфологических, так и почвообразовательных. Поэтому структура почвы рассматривается как динамическая среда, включающая магнитную восприимчивость и магнитную вязкость пород. На этом основании разрабатываются методы изучения геофизических, неотектонических процессов, гидрологических особенностей и климатических вариаций в регионе исследований с целью определения обусловленной взаимосвязи с формированием почвенного покрова. Изучается также комплекс процессов, протекающих в почвах во времени, которые непосредственно связаны с геофизическими явлениями планетарного характера, локальными геоморфологическими особенностями развития рельефа, и являются важным фактором генезиса погрешных почв.

Методы изучения фациальных образований почвы заключается в определении временных параметров развития природных процессов, региональных и локальных особенностей историко-геологических и физико-географических процессов, создавших условия

для образования соответствующего минералогического и биологического состава почвенных горизонтов и их ассоциаций. В процессе изучения фациальных особенностей почвенных горизонтов особое внимание уделено локальным особенностям геологического формирования района исследований, которые предшествовали и обусловили образование четвертичных отложений.

Реконструкции палеогеографических условий и процессов формирования почвенных горизонтов проводился методом изучения геоморфологических признаков и их проявлений в отложениях четвертичного периода. Выявлены процессы, влияющие на образования почв в разных геоморфологических уровнях Чаткало-Кураминской горной системы. Условия геоморфологического строения земной поверхности, как и ряд других природных факторов, определяют состав и свойства осадочных горных пород. Влияние рельефообразующих эндогенных и экзогенных факторов на почвообразование меняется от водораздельной части Чаткало-Кураминского, Угамо-Пскемского, Каржантауского хребтов по направлению к долинам главных рек или предгорных равнин.

На изучаемой территории, для изучения почвенного покрова, выделены вертикальные геоморфологические зоны, соответствующие им комплексы и генетические типы рельефа. Первая, самая высокая, зона характеризуется большими абсолютными (более 2500 м) отметками со скалистыми островершинными водоразделами, относительно глубокими, крутыми ступенчатыми склонами. Распространены преимущественно осадочные, метаморфические, магматические породы палеозоя, широко развиты осыпи, а также ледниковые формы рельефа и связанные с ними моренные отложения. Из других генетических типов четвертичных отложений развиты элювиальные, элювиально-делювиальные, аллювиальные, аллювиально-пролювиальные генетические типы, но они занимают незначительную (5-6%) площадь речных террас, склонов, водораздельные участки. Общий контур этой зоны намечился в конце палеогена в результате интенсивных тектонических движений с последующим неоген-четвертичным региональным поднятием.

Характерной особенностью зоны является то, что вся длительная геологическая история развития земной поверхности, включая неоген- четвертичный период, происходил в условиях орогенного этапа развития, в результате чего здесь все породы сильно дислоцированы, прорваны магматическими процессами и приподняты на значительную высоту. В зоне сильно развиты денудационно-эрозионные процессы, что связано с тектоническими поднятиями. Поэтому почвы и рыхлые отложения образованные в древние эпохи не сохранились, они смыты или переотложены в более низкие участки. Водораздельные (наиболее высокие) участки покрыты ледниками, снежниками. Верхняя часть долины мелких рек обычно заполнена осыпями и другими склоновыми образованиями. Здесь распространены эрозионно-гляциальные и эрозионные генетические типы рельефа. На участках, где есть условия для формирования почвенного покрова, развиты высокогорные скелетно-суглинистые и грубосклетные светло- бурые почвы луговых степей.

Геоморфологическая зона среднегорных и низкогорных структур по географическому положению включает рельеф, приуроченный к склонам общего поднятия. С продвижением от верхней части зоны в сторону предгорий в строении рельефа наблюдаются некоторые изменения. В верхней части, в пределах абсолютных отметок 2000-2500 м зоны рельеф слабо расчлененный, имеются пологие ступенчатые склоны, уплощенные вершины и встречаются элементы рельефа более древнего возраста. К ним относятся днища древних обширных региональных денудационно-эрозионных врезов.

В средней части, в пределах абсолютных отметок 1800-2000 м рельеф зоны довольно глубоко расчленены, преобладают выпуклые склоны. Начиная с 1800 м и ниже, при значительном проявлении отложений мезозойского и третичного возраста, рельеф становится более пологим, задернованным, наблюдается ослабление активности глубинной эрозии и расширение долин. В зависимости от литологического состава пород поперечное сечение долин принимает различную форму. В верхней и средней части зоны долины V-образные, а в нижней – преимущественно в виде трапеции. На склонах хребтов и бортах долин появляются мощные накопления элювиальных, делювиальных, аллювиальных, аллювиально-пролювиальных образований. В пределах зоны преимущественно распространены эрозионные, частично аккумулятивные (на поймах первой и второй надпойменных террас) и связанные со складчатыми процессами формы рельефа. В результате полевых исследований, отмечено, что



именно здесь, подготавливается основная (90%) масса рыхлообломочных, мелкоземистых материалов, транспортируемых рекой в предгорья и предгорные равнины. В данной зоне наиболее широко распространены разные типы коричневых почв.

Геоморфологическая зона предгорий включает территорию с абсолютными отметками от 1200 до 600 м и развивается, во-первых, в результате расширения территории второй зоны, во-вторых, поднятие и расчленение предгорных равнин. Время формирования рельефа предгорий относится в основном к четвертичному периоду. В южной, юго-западной частях, обращенных в сторону р. Сырдарьи. Чаткальского и Кураминского хребтов большая часть предгорий приходится на возвышенности типа адыров, которые отделены друг от друга впадинами. Они расчленены многочисленными сухими саями, глубина их расчленения колеблется от 200 до 500 м. Эти впадины сложены в основном аллювиально-пролювиальными отложениями мощностью до 300-500 м, где толщина лессовых пород изменяется от 0,5 до 35 м. Палеогеоморфологическом и палеогеографическом отношении именно лессовые отложения являются наиболее информативными, так как именно в них присутствуют горизонты погребенных почв свидетельствующие о неоднократном изменении палеоклиматических условий в неоген-четвертичное время. Под покровом толщи лессовых пород залегают обычно галечники, конгломераты, а ниже - неогеновые и палеогеновые образования. В этой зоне в четвертичное время господствовали как эрозионно-денудационный, так и аккумулятивный процессы. Но при формировании рельефа они часто имели переменный характер. Аккумулятивно-террасовые поверхности широко распространены в основном в нижней части предгорий по бортам долины рек Чирчик, Ангрэн, Кассансай и их притоков, а денудационные, аккумулятивно-денудационные - в высокой части предгорий, в районе адыров.

Геоморфологическая зона предгорных равнин включает территорию ниже 800-600 м юго-западной, западной, северо-западной частей и 500-600 м северо-ферганской части региона. Равнина в Приташкентском районе имеет уклон с северо-востока на запад и с юго-востока на северо-запад, с северо-востока на юго-запад в сторону р. Сырдарьи. Средняя абсолютная высота не превышает 400-450 м. северо-ферганская часть равнины имеет уклон с северо-востока на юго-запад, также в сторону долины р. Сырдарьи; средняя абсолютная высота здесь составляет 500-550 м. Рельеф холмисто-волнистая наклонная равнина, расчлененная многочисленными естественными голодностепскими и сырдарьинскими системами суходолов, а также искусственными антропогенными водотоками. В строении зоны участвуют в основном пролювиальные и аллювиальные генетические типы четвертичных отложений, представленные лессами и лессовидными суглинками, шохами, галечниками, валунами, конгломератами. Здесь в течении плейстоцена преобладал интенсивный процесс аккумуляции, поэтому палеопочвенные горизонты очень вытянуты по профилю и выражены не так четко чем в более высоких частях низкогорий и среднегорий. Для данной зоны в современном этапе наиболее характерными являются светлые, типичные и темные сероземные почвы.

В результате анализа геоморфологического строения Чаткало-Кураминской системы структур необходимо отметить следующее: современный рельеф (горы, речные долины, предгорные равнины) региона стал намечаться в неоген-нижнечетвертичное время и до настоящего времени продолжает изменяться. Особое влияние, в регионе исследований, оказывают тектонические процессы, совпадающие с определенным тектоническим ритмом. Анализ морфологической структуры речных долин и генетических типов рельефа показывает, что за неоген-четвертичное время наиболее активные процессы рельефообразования происходила в конце неогена и начале нижнечетвертичного времени. Средняя часть каждого циклов совпадает со временем покоя и аккумуляции отложений.

На территории первой и второй зон, т. е. выше абсолютных отметок 1800- 2000 м в основном распространены эрозионные, эрозионно-денудационные, денудационные генетические типы рельефа, а в нижней части второй, третьей и четвертой зон - эрозионно-аккумулятивные (аккумулятивно-террасовые). Соотношение абсолютных и относительных высот, а также строение генетических типов рельефа показывает, что процессы эрозии, совпадающие с моментом тектонических поднятий, и аккумуляции, совпадающие с моментом тектонического затишья, во всех выделенных геоморфологических зонах происходили по-разному. Так, эрозия и аккумуляция, происходившие в предгорных, предгорно-равнинных зонах, соответствуют циклам глубинной и боковой эрозии.

Проведенные нами полевые маршрутные показали, что процессы физического

выветривания наиболее интенсивно протекают в среднегорных и высокогорных частях изучаемой территории, т. е. в поясе со среднегодовой температурой ниже +8-10°C и в основном в виде морозного выветривания. В низкогорных и предгорных предгорно-равнинных частях, где среднегодовая температура воздуха в пределах + 8-10°C и больше, роль физического выветривания очень незначительна или физическое, химическое, органическое выветривание действуют совместно. На территории региона процессы физического выветривания довольно отчетливо и интенсивно проявляются в гранитах, гранодиоритах, порфирах, песчаниках, сланцах, глинах.

Химическое выветривание на территории региона особенно заметно в пределах абс. отм. 1000-1800 м, где среднегодовая температура воздуха составляет 10-12° С, количество атмосферных осадков - 500-700 мм/год.

Как показывает анализ рельефа, почвенного, растительного покрова и геологического строения региона, органическое выветривание довольно интенсивно проявляется также на высоких и низко горных частях территории. Отмечено, что здесь органическое и химическое выветривание протекают совместно. Их следы наблюдаются довольно на больших глубинах 5-10 м и более. Эрозионные процессы протекают во всех выделенных нами геоморфологических зонах. Основные агенты эрозии - поверхностные воды и атмосферные осадки. Интенсивность ее зависит от степени тектонических поднятий, прочности размываемых горных пород, местных базисов эрозии и силы потока. В свою очередь сила потока и его истирающие способности зависят от характера атмосферных осадков, крутизны склонов и количества, образуемых водотоком наносов, а также от времени прохождения и мощности потока. Благодаря совместным действиям этих агентов образуется расчлененный рельеф, являющийся основой формирования почвенного покрова.

Таким образом в качестве вывода можно утверждать, что физико-географические, геолого-геоморфологические процессы и явления в регионе исследований, оказывают большое влияние на формирование современного мозаичного почвенного покрова и на ландшафтную структуру региона.

#### **Использованная литература:**

1. Абдуназаров У.К., Тойчиев Х.А., Стельмах А.Г. Палеопочвенные горизонты лессовых отложений четвертичного периода. - Ташкент, 2012. - 100 с.
2. Далимов Т.Н., Троицкий В.И. Эволюционная геология (история геологической эволюции Земли). – Ташкент: Университет, 2005. - 584 с.
3. Крахмаль К.А. Древний каменный век Ферганы. Автореф. дисс. ... к.и.н. - Самарканд, 2004. - 28 с.
4. Крахмаль К.А., Тойчиев Х.А., Абдуназаров У.К., Стельмах А.Н. Комплексная оценка положения нижней границы эоплейстоцена Узбекистана и определение временного объема четвертичного периода. - Ташкент, 2008. - 81 с.

**Абдуғаниев О.И., Комилова Т.Д., Турдибоева Ш.Х.\***

#### **МИНТАҚА ЭКОЛОГИК-ХЎЖАЛИК МУВОЗАНАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** *Мақолада экологик-хўжалик мувозанат концепциясининг моҳияти ва антропоген юкни баҳолаш бўйича турли тадқиқотчилар томонидан олиб борилган методик ёндашувларнинг қисқача таҳлили келтирилган. Экологик-хўжалик мувозанатни баҳолаш натижаларига асосланиб, минтақада антропоген босимни меъёрлаштириш бўйича тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *экологик-хўжалик мувозанат, антропоген юк, барқарор ривожланиш, геоэкоосоциотизим, табиий ҳимояланиш коэффициенти, экологик заҳира ерлар, экологик каркас, антропоген зўриқиш.*

#### **Геоэкологические направления оценки эколого-хозяйственного баланса региона**

**Аннотация.** *В статье дается краткий обзор концепции эколого-хозяйственного*

---

\* **Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович** – Фарғона давлат университети география кафедраси докторанти. E-mail: Abduganiev76@mail.ru.

**Комилова Турсуной Дилмуродовна** – Фарғона шаҳар 47-мактаб ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси.

**Турдибоева Шахло Ҳакимжон қизи**– Фарғона давлат университети география кафедраси магистранти

баланса и методологических подходов, применяемых различными исследователями для оценки антропогенной нагрузки. На основании результатов оценки эколого-хозяйственного баланса предложены рекомендации по нормализации антропогенной нагрузки в регионах.

**Ключевые слова:** эколого-хозяйственный баланс, антропогенная нагрузка, устойчивое развитие, геоэкосоциосистема, коэффициент естественной защищенности, земли экологического фонда, экологический каркас, антропогенная напряженность.

### **Geoecological direction of the assessment of the ecological-economic balance of the region**

**Abstract.** The article gives a brief overview of the concept of environmental-economic balance and methodological approaches used by various researchers to assess the anthropogenic load. Based on the results of the assessment of the environmental and economic balance, recommendations are proposed for normalizing the anthropogenic load in the regions.

**Key words:** ecological and economic balance, anthropogenic load, sustainable development, geoeosocial system, coefficient of natural security, lands of the ecological fund, ecological framework, anthropogenic tension, protected areas.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қайд этилганидек, “вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш; социал-иқтисодий жадал ривожланиши, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хом ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш; атроф-табиий муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш”<sup>1</sup> жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, табиий ландшафтларнинг такрор ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаш орқали экологик муаммоларнинг олдини олиш – бу Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган давр учун муҳим миллий стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш концепциясида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, асосан, табиат хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган янги ёндашувларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бундай ёндашувлардан бири ҳудуднинг экологик-хўжалик мувозанати (ЭХМ) концепцияси бўлиб, инсоннинг хўжалик фаолияти билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган шаклини белгилаш ва қўллаб-қуватлашга қаратилгандир [18].

ЭХМ концепциясида асосий эътибор, ер фондининг тоифа ва турларига мос ҳолда, антропоген юк даражасини таҳлил қилиш орқали ер тузиш соҳасини экологиялаштиришга йўналтирилади. Шунинг учун, ЭХМни баҳолаш натижалари асосида инсоннинг ҳаёти ва фаолияти барқарорлигини таъминлашда муҳим бўлган инфратузилмани (экологик каркас) яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш ва уларни ер ресурсларига бўлган эҳтиёжини оптимал даражада қондириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ишнинг мақсади экологик-хўжалик мувозанат концепциясининг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш, тадқиқотчилар томонидан антропоген босимни балансга келтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларни таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотчилар томонидан ер фондининг ҳолати, уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришини таҳлил қилиш, минтақалардаги атроф-табиий муҳитнинг ҳолати ва аниқланган геоэкологик муаммоларнинг ечими бўйича таклиф қилинган тавсияларни баҳолаш ишда белгиланган асосий вазифалари ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Ҳудуднинг ЭХМ концепцияси қуйидаларни ўз ичига олади: маъмурий-ҳудудий тузилмаларни минтақанинг ландшафт-экологик асосига кўра ташкил этиш ва тартибга солиш; табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тикланишини таъминлай оладиган экологик каркас элементларини оптимал танлаш; ҳудуднинг табиий-ресурс имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш; соғлом турмуш тарзини сақлаш ва қўллаб қуватлаш, мақбул ҳаёт тарзига эришиш ва уни таъминлаш [9, 10, 11, 12]. Шунинг учун, тадқиқотчилар томонидан асосий эътибор, ЭХМ баҳолаш орқали минтақанинг ердан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль. <http://lex.uz/pages/getpage>.

фойдаланиш тузилмасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида геоэкологик вазиятни баҳолаш бўйича методик ёндашувлар А.А.Рафиқов, А.А.Абулқосимов, Л.А.Алибеков, Н.И.Сабитова, А.С.Солиев, Ш.Зокиров, А.Н.Нигматов, Ю.Аҳмадалиев, О.Рахматуллаев, Ш.Шарипов ва бошқалар томонидан такомиллаштирилган. Мазкур тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистоннинг умумий экологик ҳолати, минтақаларнинг экологик вазияти ва уни кескинлашувига таъсир этувчи омиллар, тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби кўрсаткичлар асосида антропоген юк даражаси ўрганилган бўлиб, геоэкологик вазиятни оптималлаштиришда системали ва комплекс географик ёндашувнинг афзалликлари ёритилган. Геоэкологик тадқиқотларнинг ландшафтлар чегарасида олиб борилиши лозимлиги А.А.Рафиқов [20] томонидан асослаб берилган. Бундай ёндашувларда табиат ва унинг ресурслари хўжаликни ривожланишини таъминловчи манбаа ҳамда минтақанинг экологик инфратузилмасининг ўзига хос элементи сифатида баҳолашга эътибор қаратилади.

Ландшафтлар ёки маъмурий ҳудудий бирликлар доирасида антропоген босим кўрсаткичларини таҳлил қилишда ҳудуднинг ЭХМни аниқлаш энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. ЭХМ ландшафтнинг табиий имконияти билан антропоген босим ўртасидаги ўзаро нисбатни акс эттиради. Бугунги кунда минтақа ёки ҳудудларнинг экологик-хўжалик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича, бир-бирига ўзаро яқин ҳамда бир-бирини тўлдирадиган иккита, яъни экологик-хўжалик ҳолат (ЭХХ) ва экологик-хўжалик мувозанат (ЭХМ) тушунчалари мавжуд. ЭХХ ва ЭХМ таҳлил қилиш бўйича дастлабки методик ёндашувлар Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов ва В.А.Лабковскийлар [10, 11] томонидан амалга оширилган.

ЭХМни аниқлаш услубларини яратиш жараёнида Б.И.Кочуров ишлатган атамалар ва берилган таърифларга айнан ўхшаш тушунча ҳамда терминологик маъноси бир-бирига яқин бўлган дастлабки изоҳлар, А.Г.Исаченко томонидан ҳудудий-экологик оптималлаштириш методларини тадқиқ этиш жараёнида қўлланилган [7]. Лекин, А.Г.Исаченко тадқиқотларида асосан, “табиий-антропоген тизим”, “табиий-худудий комплекс”, “геотизим” каби тушунчалардан фойдаланган. Б.И.Кочуров эса, “геоэкосоциотизим” тушунчасини қўллади, бу табиий, табиий-антропоген тизимлар ва техноген элементларнинг ўзаро алоқадорлигида юзага келган ҳамда муайян барқарорлик ва мувозанатга эга бўлган симбиозни (икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб, бирга яшаши) англатади [10, 11, 16]. Б.И.Кочуров табиий-антропоген тизимларни инсон томонидан бошқарилиши ҳисобга олиб, уларда муайян барқарорликни таъминлаш имконияти мавжудлигига алоҳида эътибор қаратган.

Б.И.Кочуров ва Ю.Г.Ивановлар томонидан ишлаб чиқилган экологик-хўжалик мувозанат (ЭХМ) концепцияси Россиянинг Европа қисми (Москва, Воронеж, Волгоград, Нижний Новгород, Тамбов, Ростов, Калуга, Мордовия, Краснодар ўлкаси) ҳудудларида синовдан ўтказилган. Россиянинг Осиё қисми бўйича ЭХМ баҳолаш ишлари эса, бир қатор ҳудудларга, жумладан, Олтой ўлкаси, Бурятия Республикасининг Заиграев райони ва Обь-Томский дарёлари оралиғидаги ҳудудларда амалга оширилган [3, 4, 13, 14, 17].

Э.А.Еремин [4] минтақанинг экологик-хўжалик мувозанатини оптималлаштириш муаммолари ва ландшафтлар антропогенизациясининг иктисодий-географик жиҳатларини ўрганилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш схемасини тузишда Э.А.Еремин ландшафтларнинг барқарорлигини белгиловчи табиий ва антропоген омилларни тадқиқ этишга эътибор қаратган. Шунингдек, экологик каркас схемаси ҳамда ландшафт-экологик мониторингини бошқариш йўллари тавсия этилган.

Ю.Аҳмадалиев [1] ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича таклифларни минтақанинг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш асосида амалга оширган. Бу борада антропоген таъсир қўлами юқори бўлган Фарғона водийси мисолида минтақанинг табиий-аграр имконияти ва геоэкологик-хўжалик жиҳатдан зўриқиш даражасини баҳолаш методлари ишлаб чиқилган. Олинган натижалар асосида ердан фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этиш ва ЭХМни оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Т.В.Краснова [13] ЭХМнинг энг муваффақиятли шаклларида бири бу—табиий ландшафтларга тутшиб кетган қишлоқлар тизими деб тушунади. Шунингдек, экологик-хўжалик мувозанатни тиклаш ва қишлоқ хўжалигида рентабелликка эришиш мақсадида, этник

манзилгоҳларни ва анъанавий ердан фойдаланиш шакллариини тиклаш, янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд(МЭТХ)ларни ташкил этиш орқали экологик каркасни шакллантириш, табиий яйлов ва ўрмонларни муҳофаза қилиш каби тадбирларга алоҳида эътибор қаратган.

Мордовия Республикасининг маҳаллий бошқарув органлари доирасида экологик-хўжалик ҳолатни мувозанатлаштириш бўйича тадқиқотлар А.В.Кривов [14] томонидан олиб борилган бўлиб, маҳаллий бошқарув органлари доирасида табиий-экологик қулайликни баҳолашда ҳар-бир объект учун нисбатан аҳамиятли бўлган қуйидаги табиий-экологик кўрсаткичларни ажратиб олишни тавсия қилади:

– қишлоқ туманларнинг маъмурий бирликлари бўйича табиий ҳимояланиш коэффициенти, яъни ҳудуднинг экологик-хўжалик ҳолатини характерловчи;

– қишлоқ туманларнинг маъмурий бирликларининг умумий майдонига нисбатан муҳитни барқарорлигини таъминлаш юқори бўлган, яъни экологик каркас элементларининг оптимал улуши;

– қишлоқ туманларнинг маъмурий бирликларининг умумий майдонига нисбатан муҳитни барқарорлигини таъминлаш паст бўлган, яъни саноат, транспорт, ижтмоий бинолар ва бузилган ерлар улуши.

Ш.М.Шарипов [22] тадқиқотларида табиатни муҳофаза қилиш ва жамиятнинг табиатга муносабатини оптималлаштириш чора-тадбирларини мавжуд геоэкологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда табақалашган тарзда амалга оширишнинг айрим жиҳатларини Тошкент вилояти мисолида ёритиб берилган. Шунингдек, геотизимларга бўлаётган антропоген юкнинг миқдорини белгиловчи энг интеграл ва мажмуали индикатори бўлган аҳоли зичлигини баҳолашга эътибор қаратган. Ш.М.Шариповнинг таъкидлашича, аҳолининг зичлиги қанчалик юқори бўлса, геотизимларнинг антропоген элементлар билан бандлиги ортиб боради. Яъни, ҳудуда турли бинолар, саноат корхоналари, транспорт тизимлари, йўллар ва ҳ.к. шунчалик кўп ва зич бўлади. Натижада, ерлардан фойдаланиш интенсивлиги ва антропоген босим кўрсаткичлари ортиб боради.

Ердан фойдаланиш таркибини экологик-хўжалик ҳолатни баҳолаш орқали ландшафт режалаштириш асосида оптималлаштириш ва қишлоқ-хўжалигида фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқотлар И.В.Миронова [17] томонидан амалга оширилган. И.В.Миронова Орёл вилоятида экологик-хўжалик ҳолатни яхшилаш учун ер фонди таркибини экологик-ландшафт жиҳатдан жиддий оптималлаштириш зарур деган хулосага келган. Бунинг учун, Орлов вилоятида экологик фонд ерларини улушини 35 % дан кам бўлмасли кераклигини асослаб берган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида самарадорлиги паст бўлган ерларни фойдаланишдан чиқариш, кучли ўзгаришга учраган ерларни 10%га қисқартириш орқали қониқарли экологик-хўжалик ҳолатини сақлаб қолиш мумкинлиги тўғрисида тавсиялар берган.

Т.В.Верещака ва Г.А.Качаевларнинг [3] фикрича, ҳудудларни экологик баҳолаш (экодиагностика) экологик муаммолар ва вазиятларнинг кескинлик даражасини таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак. Шунингдек, ландшафт компонентларининг ўзгариши, табиий-ландшафтларнинг ҳудуд бўйича табақаланиши, экологик-ресурс потенциали, ҳар бир ландшафтга кўрсатилаётган антропоген таъсир ва ландшафтларнинг антропоген босимга қарши тура олиш қобилияти каби жиҳатларига эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги муаммоларнинг ечими сифатида ҳудуднинг экологик каркасини шакллантиришни тавсия этган.

А.Ю.Карандеев [8] Липецк шаҳрининг табиий-экологик каркас тузилмасини таҳлил қилинган бўлиб, уни такомиллаштиришда экологик-хўжалик мувозанатни ҳисобга олиш зарурлигини асослаб берган. Тадқиқотчи томонидан, Липецк шаҳри ва шаҳар атрофидаги ер участкаларнинг экологик-хўжалик мувозанати бошқариш учун барқарор геоэкосоциосистемани шакллантиришни таклиф этган.

Қирғизистон Республикасида Норин, Ош ва Чўй вилоятлари мисолида экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш ишлари Г.И.Ибраимов ва Г.К.Рыскуловлар [6] томонидан амалга оширилган. Тадқиқотчилар томонидан ЭХМ зўриқиш даражаси ва табиий муҳитнинг барқарорлигини муайян ҳудуддаги аҳолининг зичлиги ҳамда хўжалик фаолиятига боғлиқ эканлигини асослаб берилган бўлиб, табиатни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишларини белгилашда демографик босим ҳам ҳисобга олинган.

З.Б.Латыпова ва М.К.Омаровлар [15] Павлодар вилояти мисолида геоэкологик мувозанатни баҳолашнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқилган. Баҳолаш натижаларига

таяниб, геоэкологик районлаштириш схемасида МЭТХлар тизимини яхлитлигини таъминлаш орқали, экологик каркасни яратиш зарурлигини асослаб берган. Шунингдек, худудларни антропоген босимни даражаси ҳамда картографик маълумотларга асосланиб геоэкологик районлаштириш карта-схемаси тайёрланган ва бу асосида экологик каркасдаги асосий элементларнинг тузилиши моделлаштирилган.

Экологик-геоморфологик тизимлар доирасида экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқотлар Х.Ш.Забураеванинг [5] ишларида ўз аксини топган. Олинган таҳлилларга асосланиб, тадқиқотчи Шимолий Кавказда МЭТХларнинг минтақалараро ривожлантириш схемаси ва турли даражадаги тарқоқ объект ва худудларни ўзида бирлаштирган геоэкологик каркас тузилмасини яратиш бўйича амалий таклифлар берган.

А.Рахматуллаевнинг [21] тадқиқотларида Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларидаги антропоген юк ва унинг таъсирида экологик вазиятни ўзгариши тадқиқ қилинган. Шунингдек, геосистемаларидаги антропоген юкни ўрганиш, унинг майдон бирлигига тўғри келадиган меъёрий кўрсаткичларини, босим даражасини ва баҳолаш мезонларини аниқлаш ҳамда геоэкологик вазиятни баҳоловчи карталарни тузиш методикасини ишлаб чиқилган.

Ю.В.Бадмаеванинг [2] фикрича, Красноярск ўлкасидаги ўрмон-дашт зонасининг қишлоқ хўжалиги мақсадида ўзлаштирилиши минтақадаги экологик барқарорликнинг бузилишига ва антропоген босимни ортиб боришига сабаб бўлган. Шунингдек, ҳозирги кунда ҳам, қишлоқ хўжалиги ерларининг барқарорлиги экологик жиҳатдан ўзгарувчан бўлиб, нисбатан юқори антропоген босим таъсири остида қолган.

Н.В.Помазкова ва Л.М.Фалейчиклар [19] Байкалорти ўлкаси худудининг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолашган. Баҳолашда турли даражадаги антропоген босимни характерлаш хусусиятга эга бўлган ердан фойдаланувчилар ва асосий ер тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат эътиборга олинган. Н.В.Помазкова ва Л.М.Фалейчиклар экологик-хўжалик ҳолатнинг энг юқори ва энг паст зўриқиш кўрсаткичлари асосида Байкалорти ўлкасини кластерларга ажратишган. Ҳар бир кластерга мос ҳолда ердан фойдаланиш тузилмаси ўзгартириш ва МЭТХлар майдонини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юқорида ЭХМ баҳолаш орқали табиатни муҳофаза қилишнинг худудий тизимининг шакллантириш бўйича келтирилган таҳлилар минтақада МЭТХлар тизимини такомиллаштириш ҳамда экологик сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш имкониятини беради. ЭХМни баҳолаш натижалари минтақада экологик каркас концепциясига асосланган инфратузилмасини яратиш ҳамда экологиялаштирилган бошқариш моделини ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, худуднинг экологик-хўжалик мувозанати – бу ландшафтларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим бўлган модда ва энергия алмашувини қўллаб қуватлаш, табиий ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариш функциясини сақлаб қолиш ҳамда табиатдан фойдаланиш жараёнида иқтисодийнинг турли соҳаларидаги фаолият турлари ўртасидаги ўзаро нисбатнинг оптимал ҳолати сақлаб туриш ҳисобланади. Яъни, хўжалик фаолият турларини ландшафтларнинг табиий имкониятига мослаштириш орқали минтақанинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

**Хулоса.** ЭХМ баҳолашнинг назарий ва методик асослари геоэкологик жиҳатдан такомиллаштириб борилмоқда. Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида ердан фойдаланиш тузилмасининг ҳозирги ҳолати ва уни оптималлаштириш имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, антропоген юк ва унинг меъёрий кўрсаткичлари ҳамда уни баҳолаш бўйича географ, эколог мутахассис олимларнинг қарашлари ва йўналишлари турлича эканлигини кўришимиз мумкин. ЭХМни оптималлаштиришнинг геоэкологик ечими сифатида минтақада экологик каркас ёки геоэкосоциосистемани шакллантириш, МЭТХлар тизимини такомиллаштириш ва муайян улушдаги экологик заҳира ерларни сақлаб туриш каби тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Минтақа ландшафтларидаги фрагментация жараёнларининг кўлами ва йўналишларини аниқлаш учун, ер фондининг таркиби, уни микдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ЭХМнинг қулай ҳолатини таъминлаш, табиий ландшафтлар ва улардаги биологик хилма-хилликнинг самарали муҳофазасини амалга оширишнинг энг оптимал вариантлардан бири - МЭТХларнинг оптимал катталиқдаги майдонини сақлаб туриш ҳамда экологик каркас тузилмасини яратиш деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю. И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. –Т. 2014. -340 б.
2. Бадмаева Ю.В. Охрана земель сельскохозяйственного назначения лесостепной зоны Красноярского края //Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. Барнаул, 2018. - 19 с.
3. Верещака Т.В., Качаев Г.А. Методическое пособие по использованию топографических карт для оценки экологического состояния территории. – М.: Изд-во МИИГАиК, 2013. - 65 с.
4. Еремин Э.А. Антропогенезация ландшафтов и проблемы оптимизации эколого-хозяйственного баланса территории (на примере Краснодарского края). Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. - Краснодар, 2005. - 24 с.
5. Забураева Х.Ш. Геоэкологические основания оптимизации природопользования в горных регионах России (на примере Северо-Восточного Кавказа). Автореф. дис. ... доктора геогр. наук. - Калининград, 2017. – 40 с.
6. Ибраимова Г.И., Рыскулова Г.К. Оценка эколого-хозяйственного состояния территорий (на примере Нарынской, Ошской и Чуйской областей) // Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана. № 6, 2016. – С. 67-74.
7. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований. – Л.: Наука, 1980. – 222 с.
8. Карандеев А.Ю. Оценка геоэкологического состояния урбанизированных территорий с использованием ГИС-технологий. Дисс. ... канд. геогр. наук. – Липецк, 2015. – 183 с.
9. Карпова Л.А. Экологический каркас территории Красногорского и Советского районов Алтайского края // Известия Бийского отделения Русского географического общества. - Вып. 33. 2012. - С. 137-141.
10. Кочуров Б.И. Геоэкология: экодиагностика и эколого-хозяйственный баланс территории: учеб. пособие. – Смоленск: СГУ, 1999. – 154 с.
11. Кочуров Б.И., Иванов Ю.Г., Лобковский В.А. Основные направления развития землеустройства в России // Экологическое планирование и управление, 2006. – № 1. – С. 51–57.
12. Кочуров Б.И., Марунич Н.А., Хазиахметова Ю.А., Краснов Е.В. Экологически сбалансированная структура земель и энергоэффективность ведения лесного хозяйства в Приднестровье // География и природные ресурсы. 2017. №4. – С. 197-202.
13. Краснова Т.В. Оптимизация ландшафтно-земельного фонда Оренбургского Зауралья в постцелинный период. Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. - Барнаул, 2007. - 19 с.
14. Кривов А. В. Эколого-хозяйственный баланс и устойчивое развитие локальной территории (на примере Торбеевского района республики Мордовия). Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – М., 2009. – 22 с.
15. Латыпова З.Б., Омаров М.К. Методологические аспекты геоэкологической оценки территории (на примере Павлодарской области) // Педагогический журнал. 2017. Том 7. № 1В. - С. 421-429.
16. Лобковский В.А. Оценка эколого-хозяйственного состояния территории: теоретические аспекты, практика применения. - Москва, 2005. - 103 с.
17. Миронова И.В. Эколого-хозяйственный баланс земель агроландшафтов Орловской области // Проблемы региональной экологии. – 2012. – №2. – С. 65–69.
18. Морковкин Г.Г., Байкалова Т.В., Максимова Н.Б., Овцинов В.И., Литвиненко Е.А., Демина И.В., Демин В.А. Антропогенная трансформация пахотных почв степной зоны Алтайского края // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2014. - № 6. - С. 43-48.
19. Помазкова Н.В., Фалейчик Л.М. Оценка эколого-хозяйственного баланса территории Забайкальского края // Вестник ВГУ. Серия: География. Геоэкология, 2018, № 2. – С. 5-15.
20. Рафиқов А.А., Абиркулов Қ.Н., Хожиматов А.Н. Экология: ўқув кўлланма. — Т.: ТДИУ, 2004. -144 бет.
21. Рахматуллаев А. Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятни географик оптималлаштириш. География фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018. –229 б.

22. Шарипов Ш.М. Табиатни муҳофаза қилишда геоэкологик ёндашув (Тошкент вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т. 2011. - 24 б.

Шомуродова Ш.Ф.\*

### ЧИМЁН-ЧОРВОҚ КУРОРТ-РЕКРЕАЦИЯ ЗОНАСИДА ЖОЙЛАШГАН СОЙЛАР ВА УЛАРДАН ТУРИЗМДА ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация.** Мақолада Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган сойларнинг табиий географик ўрни, шунингдек, бугунги кунда сойлардан туризмда фойдаланиш ва туристлар ташрифини йўлга қўйиш каби фикрлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Угам, Чотқол, Писком, Чорвоқ сув омбори, сой, сел, тоғ, сурилма, музлик, туризм.

#### Реки курортно-рекреационной зоны Чимган-Чарвак и их значение для туризма

**Аннотация.** В статье описывается естественное географическое расположение ручьев, расположенных в Чимган-Чарвакском курортно-рекреационной зоне, а также использование ручьев и туристических достопримечательностей сегодня.

**Ключевые слова:** Угам, Чаткал, Пскем, Чарвакское водохранилище, река, сел, горы, оползень, ледник, туризм.

#### Rivers of resort-recreation zone Chimgan-Charvak and their importance for tourism

**Abstract.** The article describes the natural geographical location of the streams located in the Chimgan-Charvak resort-recreational area, as well as the use of streams and tourist attractions today.

**Key words:** Ugam, Chatkal, Pskom, Charvak reservoir, river, mud, mountains, slopes, glaciers, tourism.

**Кириш.** Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси ички сувларга ниҳоятда бой ҳудуд ҳисобланади. Айниқса, бу ерда сойларнинг кўплиги туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган катта ва кичик дарёлар билан бир қаторда сон-саноксиз сойлар, булоқлар ва жилғалар мавжуд.

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган сойлар зонанинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яхши ривожланган. Сойларнинг ёнбағирларида табиат ўзига хос бўлиб, ранг-баранг ўрмон ва ўтлоқлари, хилма-хил ҳайвонот дунёси, айниқса, сайроқи кушларнинг мавжудлиги билан бошқа жойлардан ажралиб туради. Шу сабабли, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги дарё ва сойларнинг ёнбағирлари ёз фаслининг жазирама иссиқ кунларида туристларни ўз бағрига чорламоқда.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тақдим этилаётган мақоланинг мақсади Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган сойларнинг рекреацион имкониятларини очиб беришдир. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим деб топилди: 1) Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган сойларнинг гидрографик тўрини тавсифлаш; 2) ўрганилаётган ҳудуддаги сойларнинг рекреацион имкониятларини очиб бериш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида илмий-амалий тақлифларни ишлаб чиқиш.

**Асосий қисм.** Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг сув объектлари жуда нотекис тақсимланган бўлиб, қиш узоқ давом этадиган ва ёз фасли салқин келадиган баланд тоғларида табиат йирик музликлар, чуқур сойликлар, тоғ кўллари ва бир қанча катта-кичик сойларни пайдо қилган. Бу эса сойлар атрофида туризмни ривожлантиришнинг асосий имкониятларидан бири ҳисобланади. Сабаби, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида ташриф буюрган туристлар бу ерда нафақат сойларни томоша қилиш, балки Пском, Майдонтол тоғларидаги музликлар ва унга туташ бўлган чуқур сойликлар, Пском, Чотқол каби тоғларда жойлашган кўллар табиати билан танишадилар.

Ваҳоланки, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида бир қанча сойлар мавжуд бўлиб, бу сойлар асосан Ғарбий Тяншан тоғининг жануб ва жануби-ғарб томонига йўналган тармоқлари, жумладан, Қоржантоғ, Угом, Пском, Чотқол ва Кўксув тизмалари ўзаро сойлар орқали боғланиб туради. Шунингдек, бу сойлар Пском, Угам, Чотқол, Кўксув дарёларига ўз

\* Шомуродова Шахноза Ғайратовна – ЎЗМУ табиий география кафедраси таянч докторанти



сувини қуяди. Қуйида (1-жадвалга қаранг) тадқиқот объектидаги йирик сойлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

## Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги сойлар

№	Сойларнинг қуйилиши	Сойларнинг номи	Сойлар манбаи жойлашган тоғ тизмалари
1	Пском дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Онаўлгансой, Қорақизсой, Оғалисой, Қурумсой, Ўрунғочсой, Курсой, Тепарсой, Кукувсой, Харамзодасой, Новалисой, Яхаксой, Сижжаксой, Чақмоқсой, Кирдиктирсой, Майдонтолсой, Чикчаксой, Танибердисой, Яхансой, Қайнарбулоқсой, Қорабулоқсой	Уғом тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Ақсарсой, Алвастисой, Авғонсой, Кульченган, Караулма Каптаркумушсой, Когари-Капчагайсой, Бодаксой, Пскомсой, Семизсой, Лиралма, Ихночсой, Юлдисой, Маштагансой, Муллалисой, Испайсой, Катта Кумишсой	Кўксув тоғи Пском тизмаси
2	Ойгаинг дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Сарибашсой, Текешсой, Тўрақайинсой	Майдонтол тоғи
		<b>Чап ирмоқ:</b> Шовурсой, Терметаш, Қарасу, Караканиш, Иссенатансой, Аксакайсой, Қизилтор, Туноуксой, Барқроқсой, Акканчиғайсой, Бешторсой, Караус	Пском тизмаси
3	Шовурсой	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Тюзашусой	Талас Олатоғи
		<b>Чап ирмоқ:</b> Аккапчагай, Таштарсой	Пском тизмаси
4	Бешторсой	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Сулукчуқуртор, Қизилтор, Жаяктор	Пском тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Қоқбелсой	
5	Кўксув дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Мингжилғисой, Замдатсой, Захтансой, Корумналсой, Келинчаксой, Чаватасой	Пском тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Даматпарисой, Оқбулоқсой, Чалташсой, Сепаксой, Кулосиёсой	Кўксув тоғи
6	Чотқол дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Палтовсой, Чуқраксусой, Худайдадсой, Казанаксой	Кўксув тоғи
		<b>Чап ирмоқ:</b> Оқсой, Гуликамсой, Мозорсой	Чотқол тизмаси
7	Угам дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Оркутсой, Кўксой, Қўрғонтошсой	Уғом тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Қизилжарсой, Кансайсой, Керагилисой (Пўстинлисой)	Уғом тизмаси
8	Суренота паст тоғлари ва адирлар	<b>Чап ирмоқ:</b> Караманасой, Акулубашсой, Жудураксой, Ачисой, Катта Ачисой, Онкантайсой	Суренота паст тоғлари
9	Хўжакент сув омбори	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Қизилсув, Авлиёсой, Қорақиясой, Оқтошсой, Озодбошсой, Қайнарбулоқсой, Уштасой	Қоржантоғ тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Бодаксой, Қорақулсой, Ғалвасой	Чотқол тизмаси
10	Оқсоқотасой	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Самичасой, Опиштасой, Белдирсой, Қозоқсой, Нурекотасой, Тогонбулоқсой, Давансой	Мойгашкан, Мингтўқим, Чимён тоғи

		<b>Чап ирмоқ:</b> Караарчасой, Каинсой, Чириксой, Архитсой	Қизилнура тоғи
11	Нурекотасой	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Акбудайсой, Каттаробошсой	Қизилнура тоғи
		<b>Чап ирмоқ:</b> Навашаксой, Берката, Заут	Кумбел тоғи
12	Чирчиқ дарёси	<b>Ўнг ирмоқ:</b> Уштас, Қизилсув, Авлиёлисой, Оқтошсой, Оқбулоқсой, Туятошсой, Шўрабосалсой, Мадасой, Саркесой, Товоксой, Озодбошсой, Сарбулоқ	Қоржантоғ тизмаси
		<b>Чап ирмоқ:</b> Булоқсув, Оққантайсой, Ачисой, Улкунайчисой, Карабастау, Аксагашарик, Оқсоқотасой, Ғалвасой, Қоранқулсой, Буоқсув	Чотқол тизмаси

Жадвал муаллиф томонидан тузилди

Юқоридаги жадвалда келтирилган Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги дарё ва сойлар баланд, ўтача баланд ва паст тоғлардан бошланади. Бу эса дарё ва сой ҳавзалари табиатининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. 1-жадвалда келтириб ўтилган сойлар ўзининг ҳавзаси, табиий географик ўрни, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан бири-бирдан тубдан фарқ қилади.

Мазкур сойларнинг ҳавзалари ҳаминша кўркам ва манзаралидир. Улар ўзининг табиати билан ташриф буюрган туристлар эътиборини бефарқ қолдирмайди. Жумладан, Харамзодасой, Майдонтолсой, Гуликамсой, Барқроқсой, Шовурсой, Пўстинлисой, Бешторсой, Ихночсой, Бадаксой, Тюзашусой каби ўзига хос сойлар бугунги кунда туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятлардан бири ҳисобланади. Айниқса, Харамзодасой ва Майдонтолсой сойларининг ўзани ва сув сифими бошқа сойларга қараганда катта бўлиб, рафтинг билан шуғулланувчи туристлар учун дам оладиган масканлардан ҳисобланади. Туристлар бу йўналишнинг кўп кунлилиги, қийинчилиги, шунингдек, ландшафт, дарё тўсиқларининг кўплигига қизиқади. Харамзодасой сойининг рафтинг йўналишидаги 50 дан кам бўлмаган тўсиқлар рафтинг ишқибозларини кутиб олади. Улардан энг қийинлари шаршаралар, тез оқувчи қияликлар, саёз тош, куюмлар ва қояли оқимлардир.

Гуликамсой ва Барқроқсой, Шовурсой, Палтовсой каби сойларда делтаплан, параплан, треккинг каби спорт турларини ривожлантириш мумкин. Ташриф буюрган туристлар ушбу спорт турлари билан шуғулланишлари баробарида сой ҳавзаларининг хушманзара табиатини, Пском, Майдонтол, Чимён каби тоғларнинг йиллик қор ва музликларини, сурилмаларни, шаршарларни, қўлларни, қоятошларни, серостона сойларни томоша қилишлари мумкин. Айниқса, туристлар Палтовсойнинг Чотқол дарёсига қуйилиш жойидан 4,5 км юқорида жойлашган бу сойнинг сувида катта миқдорда қадимдан маълум бўлган рудали тоғ жинсларининг мавжудлиги билан боғлиқ табиий географик жараёнларни кўришлари мумкин. Жумладан, Палтовсой сойининг кенлиги 14-16 метр бўлган тор дара бўйлаб оқиб, кучли сув оқими 38 метр баландликдан тушади [1]. Шу сабабли, Палтовсой рафтинг қизиқувчилари учун дам олиш масканларидан бири ҳисобланади.

Қолаверса, Ихночсой, Тюзашусой, Испайсой, Сижжаксой, Каптар кумушсой, Пскомсой, Белдирсой, Шовурсой каби сойлар бугунги кунда туристлар учун треккинг спорт турини ривожлантиришда жуда ҳам қулай ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу каби сойларнинг турфа хил хушманзара табиати ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зона ҳудудида жойлашган тоғ ёнбағирлари бўйлаб пиёда юриш ва тоғнинг ажойиб кўринишини ҳис қилиш имкониятини беради.

Айтиш жоизки, делтаплан ва параплан орқали Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги сойларни юқоридан томоша қилиш туристларга ўзгача завқ беради.

Географик шароитнинг ўзгариши билан сойларнинг гидрографик тузилиши, морфологик шароити, тўйиниш хусусиятлари, сув режими, ниҳоят типлари ҳам алмашиб боради [2]. Бинобарин, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги олиб борилган тадқиқот давомида сойларнинг табиий географик хусусиятлари, гидрографик тури ва сув режимини ҳисобга олиб, уни 3 типга ажратиш лозим деб топилди. Ушбу (2-жадвалга қаранг) типлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида яшовчи маҳаллий аҳолининг маълумотларига кўра, 2-жадвалда келтирилган сойларнинг 90 % и шаррос ёмғирлар ва селлар натижасида ҳосил

бўлиб, 2-5 соатгача чўзилар экан. Қорнинг тез эришидан пайдо бўлган селлар эса нисбатан узокроқ давом этади.

Сой ҳавзаларида тупроқнинг турлари хилма-хил. Тоғ олди ва этақларида бўз, паст ва ўртacha баландликка эга бўлган тоғларда жигарранг, кўнғир, баланд тоғ ўлкаларида оч тусли кўнғир каби тупроқ турлари мавжуддир. Соё водийларида ўзига хос табиий географик жараён ва ҳодисалар ҳукм суради. Чунончи, сел, сурилма, тупроқнинг чўкиши ва силжиши, тоғ жинсларининг кўчиши ва нураши шулар жумласидандир. Соё водийларида хушбўй, зиравор, доривор ва маданийлаштирилган ўсимликлар кенг тарқалган. Жумладан, дастарбош, бўймодарон, қиркбўғим, сарик андиз, эрмон, дешикчали дала чой каби доривор ўсимликларни соёларнинг ёнбағрига учратиш мумкин. Ушбу доривор ўсимликлардан илмий тиббиётда ҳар хил касалликларни даволашда кенг фойдаланиб келинмоқда.

2-жадвал

**Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги соёларнинг гидрографик типлари**

№	Соёлар тип	Соёлар номи
1	Баланд тоғлардан бошланувчи соёлар	Харамзодасой, Майдонтолсой, Испайсой, Тепарсой, Тюзашусой, Сарибосой, Тўрақайинсой, Барқроқсой, Шовурсой, Пўстинлисой, Бешторсой, Чакмоқсой, Сижжаксой, Ақсарсой, Пскомсой, Ихночсой, Таштарсой, Гуликамсой, Бодаксой, Галвасой.
2	Ўртacha тоғлардан бошланувчи соёлар	Қизилжарсой, Кансайсой, Курганташсой, Керагилисой, Сепаксой, Оқбулоқсой, Даматпарисой, Кўлсой, Авлиёсой, Озодбошсой, Уштасой, Қайнарбулоқсой, Каттаробосой, Мадасой, Товоқсой, Авлиёсой, Каптар кумушсой, Белдирсой, Оқсоқотасой.
3	Паст тоғлардан бошланувчи соёлар	Навашаксой, Берката, Давансой, Нурекотасой, Жудураксой, Ачисой, Ақулубашсой, Караманасой, Онкантайсой, Заут.

Жадвал муаллиф томонидан тузилди

Таъкидлаганимиздек, соёлар туристлар учун нафақат рафтинг, балки улар соёнинг ёнбағирларида треккинг каби спорт турларини ташкил қилиш, хаттоки ўсимликларидан доривор сифатида фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги соёларга ташриф буюрган туристлар эътиборини бефарқ қолдирмайди.

**Хулоса.** Соё ҳавзаларидаги тадқиқотлар табиий омилларни ўрганиш билангина тамом бўлмайди, балки улар ўртасидаги ўзаро муносабат, бир-бирига таъсир ҳамда улардан келиб чиққан табиий географик ҳосилаларни аниқлаш зарурдир. Ҳозирги кунда соёлар атрофида дам олиш, даволаниш марказларини ташкил қилиш ва у ердаги табиат мўъжизасидан баҳраманд бўлиш, ташриф буюрган туристлар учун катта қизиқиш уйғотади.

Туризм соҳасида дарё ва соёларни табиий географик шароитнинг ҳосиласи деб, унга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, соёлар маълум типдаги ландшафтларнинг, шунингдек, адир ва ўрта баландликка эга бўлган тоғ ландшафтларининг маҳсулидир. Соёларнинг табиий хусусиятлари, сув режими уларнинг қандай табиий географик шароитда юзага келганлиги билан бевоста боғлиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Гадоев К., Бердиева С. Сайёрамиз мўъжизалари. - Т., 2012. – 204 б.
2. Саидов А. Тоғ соёлари – суғориш манбаи. - Т., 1974. – 14 б.

**Қориев М.Р.\***

**СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЪСИРИДАГИ АДир ТУПРОҚЛАР ЭРОЗИЯСИ БОРИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада тоғолди адир тупроқларини ҳудудда фаол тарзда олиб борилаётган суғорма деҳқончилик натижасида эрозияга учраши Наманган вилоятининг

\* Қориев Мирзоҳид Рустамжонович – Наманган давлат университети таянч докторанти. E-mail: qoriyevmirzohid@mail.ru

*шимоли-шарқий адирлари мисолида ёритиб берилган. Шунингдек, суғорма эрозиянинг олдини олиш ҳамда унинг хавфлилик даражасини камайтириш учун бир нечта чора - тадбирлар режаси тақлиф этилган.*

**Калит сўзлар:** адир минтақаси, суғорма деҳқончилик, суғорма эрозия, юзалама эрозия, жарланиш эрозияси, тупроқ унумдорлигининг пасайиши.

### **Эрозия адырных почв под воздействием орошаемого земледелия и меры борьбы с ней**

**Аннотация.** В статье рассматривается эрозия адырных почв под воздействием орошаемого земледелия, на примере северо-восточных адыров Наманганской области. В также с тем, предлагаются некоторые меры для предотвращения ирригационной эрозии и снижения степени ее опасности.

**Ключевые слова:** адырная зона, орошаемое земледелие, ирригационная эрозия, поверхностная и овражная эрозия, снижение плодородия почвы.

#### **Erosion of soils of adyr as results of irrigated agriculture and measures to combat it**

**Abstract.** The article discusses the erosion of adyr soils due to irrigated agriculture as an example of north-east of Namangan Region adyrs and the measures to combat it. In addition to this, some measures are offered to prevent from irrigated erosion and reduce its degree of danger.

**Key words:** adyr zone, irrigated agriculture, irrigation erosion, surface and gully erosion, reduction of soil fertility.

**Кириш.** Наманган вилоятидаги жами суғориладиган ерларнинг 70 % қисми адир минтақасига тўғри келади [2,4]. Адир минтақасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмай, унинг катта майдонларини ўзлаштириш ва суғоришга тортиш (айникса, кўп сув талаб экинларни экиш) тупроқ эрозиясини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Натижада тупроқларнинг унумдор юза қатламлари ювилиб кетмоқда ва ҳосилдорлик кескин камайиб бормоқда. Жарланиш эрозияси эса янада хавфли тус олиб, адирларнинг структурасини сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Шунингдек, адирларнинг ноёб фаунаси ва флораси ҳам жиддий зарар кўрмоқда. Шу боис, суғорма деҳқончилик таъсирида юзага келаётган суғорма эрозия жараёнларини тадқиқ этиш, хавфлилик даражасини баҳолаш ҳамда унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Наманган вилояти Уйчи туманининг шимолидаги адирларда суғорма деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда юзага келган суғорма эрозия жараёнини атрофлича тадқиқ этиб, унинг қишлоқ хўжалигига кўрсатаётган салбий таъсирини аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги иш амалга оширилди:

- адир минтақасидаги суғорма эрозия жараёнларини тадқиқ этиш учун ўрганиш объекти аниқлаб олинди;

- ҳудуддаги барча турдаги суғорма эрозияга учраган майдонлар аниқланиб, эрозияланиш даражаси ўрганилди;


- суғорма эрозияга учраган майдонларни эрозияланмаган ҳудудлар билан таққослаб, мазкур жараённинг адир минтақаси структурасига кўрсатаётган таъсирини кўрсатиб берилди;

- суғорма эрозияга сабаб бўлаётган етакчи омиллар аниқлаштирилди ва шу асосда суғорма эрозияни олдини олиш ҳамда эрозияланган майдонларни қайта тиклаш бўйича бир нечта самарали тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Асосий қисм.** Тупроқ унумдор қатламининг юқалиги (15-20 см), механик таркибининг асосий қисми кум, қумоқ, арзик, шағал каби сув ўтказувчан ва сувга чидамсиз жинслардан таркиб топганлиги адир тупроқларининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади [4]. Шунинг учун адир минтақасида кенг тарқалган лёсс ва лёссимон ётқизикларда рельеф қиялиги 2° дан ортиши билан суғорма эрозия бошланади ва 3,5° да анча тезлашади. Адирларнинг асосий қисмини қиялик даражаси 3-5° ни ташкил этувчи нишаб қирликлардан иборат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, адирларда тупроқ эрозияси росмана тараққиёт салоҳиятига эга эканлигини кўрсатади. Шу боис суғорма деҳқончилик адир тупроқларининг кучли эрозияланиб боришига сабаб бўлмоқда.


Суғорма эрозия жараёнларини ўрганиш мақсадида Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адир ҳудудлари (Уйчи туманининг шимоли) тадқиқ этилди (1-расм). Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу ҳудудда ҳам барча адир минтақаларида бўлгани каби суғорма

эрозиянинг ҳамма турлари фаол содир бўлаётганлиги кузатилди. Суғориш эрозияси ўз навбатида иккига: ёппасига ювилиш ёки юзалама эрозия ва узунасига рўй берадиган ёки жарланиш эрозиясига бўлинади. Ўрганилган адир минтақасида эрозиянинг ушбу икки тури ҳам суғорма деҳқончилик натижасида кенг ривожланаётганлиги аниқланди.



1-расм. Тадқиқот амалга оширилган ҳудуднинг географик ўрни

Маълумотларга кўра, Наманган вилоятидаги жами суғориладиган адир тупроқларининг 60-65 % турли даражада эрозияга учраган [4]. Биз кузатиш олиб борган адир ҳудудларидаги суғорма майдонларнинг қарийб 80 % суғорма эрозияга, айниқса юзалама эрозияга учраган. Фақатгина, нишаблиги жуда паст бўлган ёнбағирликларда ва адир ботиқларида шаклланган текислик майдонларда эрозия жараёнлари деярли сезилмайди. Балки, суғориш натижасида юқори нишабликларнинг тупроқ қатламларини емириб, қуйи қисмлардаги ботиқлар ва текисликларга ётқизилиши оқибатида унумдор тупроқ қатлами қалинлашиб бораётган кичик майдонлар ҳам учрайди.



2-расм. Уйчи туманининг суғорма деҳқончилик қилинадиган адир ҳудудларида юза эрозиянинг ривожланиб бориши. I – 40 йилдан бери суғорма деҳқончилик олиб бориладиган майдон. II – суғоришга тортилмаган майдон.



**3-расм. Уйчи туманининг суғорма деҳқончилик қилинадиган адир ҳудудларида шаклланган юза эрозия оқибатида шағалли қатламларнинг очилиб қолиш жараёнлари**

Суғорма эрозия натижасида тупроқ ювилиши ҳар йили гектарига 100-150 тоннагача ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин (нишаблиги 5° дан кўпроқ бўлган қияликларда гектарига 500 тоннага қадар боради), ана шу тупроқ билан бирга гумуснинг йиллик нобудгарчилиги гектарига 500-800 кгни, азотники 100-120 кг ни, фосфорники 75-100 ва ундан кўпроқ килограммни ташкил этиши мумкин [5]. Ушбу жараён кузатилаётган асосий минтақа – бу нишаблиги юқори бўлган адирлар ҳисобланади. Шунинг учун адир тупроқларининг чиринди миқдори 30-45%гача камайган [6]. Бунинг оқибатида эса қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосил миқдори ва сифати пасайиб бормоқда.

Наманган вилоятининг адир ҳудудларини ўзлаштириш мақсадида Катта Наманган каналини қозиш ишлари бошланди ва 1975 йили унинг 62 км ли биринчи навбати ишга туширилди [1]. Айнан шу йилдан бошлаб, биз кузатиш олиб борган Уйчи туманининг адирлари ҳам фаол ўзлаштирила бошланган. 1980-йилларга келиб эса адирларнинг катта майдонларида суғорма деҳқончилик ишлари йўлга қўйилди. Суғорма деҳқончилик ишлари фаол тарзда бошланган 1980-йилдан ҳозирга қадар бўлган, қарийб 40-йиллик давр мобайнида суғорма эрозия жараёнлари ўз натижаларини яққол намоён қилиб улгурди. Мисол учун, 2-расмга эътибор қаратадиган бўлсак, юзалама эрозиянинг 40-йиллик натижаси келтириб ўтилган.

Ундан кўриниб турибдики, адирларнинг суғориш тизими бошланадиган нишабликнинг юқори қисмлари юзалама эрозияга кескин берилган бўлиб, қуйига томон камайиб боради. Жумладан, нишабликнинг энг юқори қисмларида 10 метрлик, айрим жойларда унданда қалинроқ тупроқ қатламлари, ўрта қисмларида 5 метр, қуйи қисмларида 0,5-1 метрлик унумдор юза қатламлари суғорма сувлари таъсирида ювилиб кетганлигини кўриш мумкин. Шағалли қатламлар юзароқ жойлашган майдонларда эса, юзада жойлашган унумдор тупроқ жинслари ювилиб, шағалли қатламлар очилиб қолмоқда (3-расм).

Эрозиянинг яна бир тури - жарланиш эрозияси бўлиб, у адирларни суғориш натижасида юзага келадиган энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Адирларда сув оқимини нотўғри тақсимланиши, суғориш жараёнидаги бепарволик, сув қувурлари ва ариқлардаги носозликлар сабаб ёнбағирларнинг юқори қисмида юзага келган катта ва тез сув оқими тупроқ заррачаларини эритиб, ёнбағирларнинг қуйи қисмига томон окизиб кетмоқда. Натижада турли катталиқдаги жарлар юзага келмоқда. Жарланиш эрозияси эрозиянинг бошқа турларига нисбатан анча хавфли ҳисобланади. Чунки, жарланиш юзага келган майдон деҳқончилик фондидан батамом чиқиб кетади. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра жарли ерлар майдони 150 минг гектардан ортганлиги аниқланди [3].

Тадқиқот олиб борилган Уйчи туманининг адирларида ҳам жарланиш эрозияси анча катта майдонда шаклланганлиги кузатилди (4-расм). Жумладан, “Уйчи соҳибкор бўstonи” агрофирмасига қарашли адир ерларининг бир км<sup>2</sup> майдонидаги жарлар ўрганилганда, жами бўлиб 10 та турли катталиқдаги (асосан 10 м<sup>2</sup> дан катта) жарлар юзага келганлиги аниқланди. Уларнинг жами эгаллаган ҳудуди ўртача 5-5,5 гектарни ташкил этиб, бу майдон деҳқончилик фондидан батамом чиқиб кетган. Жарлар атрофидаги яна 1-1,5 гектар майдон ҳам ярқоксиз

ҳолга келган. Ушбу жарларнинг энг йириги 1,5-2 гектар, энг кичиги эса 0,1-0,2 гектар майдонни эгаллаган.



**4-расм. Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида юзага келган жарланиш эрозияси**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, адир тупроқларини эрозияга учрашига табиий омиллар, жумладан жала ёгинлари, шамол ва бошқаларнинг ҳам таъсири анча юқори. Аммо, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, суғорма эрозия янада кучлироқ намоён бўлмоқда.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, эрозияланиш муаммоси соҳа мутахассислари томонидан жиддий эътиборни талаб этади. Шу мақсадда олиб борилган изланишлар натижаси ўларок, адир тупроқлари эрозиясининг олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Адирларни кўп сув талаб суғорма деҳқончилик мақсадида ўзлаштиришни буткул тўхтатиш ва шу билан бирга, кўп сув талаб экин (пахта, пийёз, сабзи, картошка, булғор қалампери ва б.) майдонларини босқичма-босқич қисқартириб, уларнинг ўрнига кам сув талаб (буғдой, нўхат ва б.) экин майдонларини кенгайтириш;

2. Адирларнинг суғориладиган экин майдонларига сув етказиб берувчи каналлар, ариқлар ҳамда сув қувурларини мавсум бошида тозалаш, уларда юз бериши мумкин бўлган носозликларни олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида таъмирлаш;

3. Суғориш жараёнини доимо назоратда сақлаш ва жўяқларга, сув оқими тезлигини инобатга олган ҳолда, меёрида сув оқизиш;

4. Майдон бирлигига экиладиган экинлар сонининг камлиги ҳисобига кам сув талаб этиладиган деҳқончилик тармоқларини (боғдорчилик, узумчилик ва б) кенг жорий этиш;

5. Боғдорчиликни инновацион ва сув тежамкор усуллардан фойдаланиб, қуйидаги бир қатор йўналишларда жадаллик билан ривожлантириш:

- томчилатиб суғориладиган интенсив ва ананавий боғдорчиликни кенгайтириш;

- нишаб адир ерларида террасалар олиб, боғ ташкил этишни йўлга қўйиш;

- табиий намликдан самарали фойдаланиб, лалми боғдорчиликни ривожлантириш;

6. Умуман суғорилмайдиган – лалмикор полизчилик ва ярим суғориладиган полизчилик тармоқларини кенгайтириш;

7. Сувдан нотўғри ва нооқилона фойдаланиш натижасида юз берадиган сув исрофгарчилигига барҳам бериш (бунинг учун назорат ишларини кучайтириш ва шунга мос ҳолда малакали агрономлар тавсияларини бериб бориш);

8. Адир минтақасида инновацион сув тежамкор (томчилатиб, ёмғирлатиб, туман ҳосил қилиб ва б.) суғориш технологияларини жорий этиш (сув ёмғирлатиб пуркалганда ва томчилатганда тупроқнинг юза қисмида оқим вужудга келмайди ва эрозия содир бўлмайди);

9. Атмосфера ёгинларини мақсадли тўплашга ва тупроқда тўпланган табиий намликни буғланиб кетишига қарши муносиб тўсиқ яратиш, уни узоқ вақт сақлашга асосланган лалми деҳқончилик тармоқларини ривожлантириш (бунинг учун тупроқни мулчлаш тадбирларини амалга ошириш талаб этилади. Мулчлаш воситаси сифатида эса ўсимлик барглари, ёғоч

кириндиси, сомон, похол, шоли кипиғи, гўнг ва ишлатишга энг қулай бўлган полиэтилен плёнкадан фойдаланиш мумкин);

10. Тупроқларни эрозиядан сақлайдиган ерни ишлашнинг мақбул усулини қўллаш, жумладан адирларнинг нишаб ерларини шудгорлаш жараёнида кўндаланггига чуқур ҳайдаш ишларини йўлга қўйиш;

11. Тупроқларни эрозиядан ҳимоялаш имконини берувчи фитомелиорация усулларидан фойдаланиш ва ўрмон полосаларини ташкил этиш;

12. Тупроқ унумдорлигини оширишга ва эрозия жараёнини камайитиришга ёрдам берувчи ем-хашак экинларини, жумладан, беда майдонларини кенгайтириш;

13. Алмашлаб экиш тартибига қатъий риоя қилиш;

14. Тупроқ унумдорлигини органик (гўнг, торф, турли компостлар ва б.) ўғитлардан кенг миқёсда фойдаланган ҳолда муттасил ошириб бориш;

15. Сидерат ўсимликлар экишни катта майдонларга тадбиқ этиш.

**Хулоса.** Тадқиқот натижалари кўрсатиб турибдики, адир минтақасида фаол тарзда олиб борилаётган суғорма деҳқончилик оқибатида суғорма эрозиянинг ҳар иккала тури ҳам тўхтовсиз ривожланиб бормоқда ва ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Катта-катта ер майдонлари деҳқончилик ҳисобидан чиқиб кетмоқда ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари йил сайин камайиб бормоқда. Бу эса, адир худудларида қишлоқ хўжалигини юритишдан кўриладиган иқтисодий самарадорликнинг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Шу боис, эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилган ва ижобий натижаси кафолатланган юқоридаги бир қатор агротехник тадбирларни амалга ошириш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун сезиларли туртки беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев А. Наманган вилояти. – Наманган, 1995. – 150 б.
2. Мирзамахмудов О. Шимолий Фарғона адирларининг геоэкологик муаммолари // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2003. – Б. 49-51.
3. Холиқулов Ш., Узоқов П., Бобоҳўжаев И. Тупроқшунослик. - Т.: 2011. - 571 б.
4. Қозоқов А. Фарғона водийси адирларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2003. – Б. 36-38.
5. Ғафурова Л.А., Абдуллаев С.А., Намозов Х.Қ. Мелиоратив тупроқшунослик. – Т.: “O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi”, 2003. – 190 б.
6. Ҳамидов А.А., Рафиқов А.А., Тўраева З.Р. Фарғона водийсида таркиб топган экологик вазиятлар ва уларнинг ўзгариш йўналишлари // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2003. – Б. 51-53.

**Алланов К.А., Чориев А.К.\***

### **ПРОЦЕСС ОПУСТЫНИВАНИЯ В СУРХАН-ШЕРАБАДСКОЙ ДОЛИНЕ И БОРЬБА С НИМ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются причины развития процесса опустынивания в Сурхан-Шерабадской долине с аридным климатом, а также мероприятия, необходимые для преедотвращения этих процессов.

**Ключевые слова:** опустынивание, аридный климат, долина, предгорные равнины, пастбища, деградация.

#### **Сурхон-Шеробод водийсида чўлланиш жараёни ва унга қарши кураш**

**Аннотация.** Мақолада арид иқлимли Сурхон-Шеробод водийсида чўлланиш жараёнининг содир бўлиш сабаблари ва унга қарши олиб борилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида сўз юритилган.

---

\* **Алланов К.А.** – доцент кафедры географии Термезского государственного университета, кандидат географических наук. E-mail: allanov52@mail.ru

**Чориев А.К.** - преподаватель кафедры географии Термезского государственного университета.



**Калит сўзлар:** чўлланиш, арид иқлим, водий, тоғолди текисликлар, яйловлар, деградация.

**The process of desertification in the Surkhan-Sherabad valley and the fight against it**

**Abstract.** *The article discusses the causes of the desertification process in the Surkhan-Sherabad valley with an arid climate, as well as the mandatory measures taken against it.*

**Key words:** *desertification, arid climate, foothill plants, pasture, degradation.*

**Введение.** В настоящее время одной из острых геоэкологических проблем, стоящих перед человечеством, является проблема опустынивания. Опустынивание присуще аридным регионам, где наблюдается деградация земельно-водных и биологических ресурсов [3,4].

В Сурхан-Шерабадской долине с аридным климатом, где в результате действия природных и антропогенных факторов, процесс опустынивания относительно интенсивен по сравнению с другими территориями нашей страны, поэтому для борьбы с опустыниванием ландшафтов здесь требуются определённые научно обоснованные мероприятия.

**Цель и задачи работы.** Цель работы заключается в анализе природных предпосылок и антропогенных факторов опустынивания ландшафтов Сурхан-Шерабадской долины и разработке на этой основе предложений по борьбе с негативными проявлениями аридизации в местных условиях. Для этого выполнена краткая характеристика физико-географических условий и предпосылок опустынивания ландшафтов района исследований, анализ антропогенной нагрузки на опустынивающиеся территории Сурхан-Шерабадской долины, а также предложены некоторые мероприятия по борьбе с аридизацией в регионе.

**Основная часть.** Сурхан-Шерабадская долина расположена в южной части Узбекистана, её площадь в административных границах Сурхандарьинской области составляет 20,1 тыс. кв. км, или 4,6% всей территории страны. Крайнее южное расположение в пределах Узбекистана и особенности орографии долины определяют субтропический характер местного климата. Так, среднемесячная температура января здесь составляет +1-+4 °С, а среднемесячная температура июля +28°С. В городе Термез в летние месяцы температура воздуха в тени достигает +50°С. Количество дней с температурой выше +5°С на территории Сурхандарьинской области доходит до 290-320 [5]. Такие климатические условия позволяют выращивать здесь субтропические культуры. Однако, долина не богата водными ресурсами. Основными реками являются Сурхандарья и Шерабаддарья.

Орошаемая зона расположена в равнинной и предгорной частях долины и занимает более 300 тысяч га. Более 1600 тысяч га территории области занимают горы, пески, галечники, водные объекты. Богарные земли сосредоточены, главным образом, в Байсунском и Сариасийском районах.

По почвенно-климатическим особенностям орошаемые земли долины относятся к двум природно-сельскохозяйственным зонам:

- субтропическая пустынная зона предгорных низменных равнин;
- субтропическая полупустынная зона предгорных расчлененных равнин [5].

Зона пустынных равнин долины охватывает Шерабадский, Музрабадский, Кизырыкский, Ангорский, Джаркурганский и Термезский административные районы. Характерными признаками почв пустынной зоны являются низкое содержание органического вещества, высокая карбонатность, загипсованность, подверженность засолению при близком уровне грунтовых вод. Характерным для этой зоны является горячий сухой ветер юго-западного направления “афганец”, оказывающий губительное воздействие на культурные растения.

Климатическая зона предгорных и межгорных равнин расположена в административных границах Алтынсайского, Байсунского, Узунского, Сариасийского, Кумкурганского, Денауского и Шурчинского районов, на высоте 450-1000 м над уровнем моря. В этой зоне развиты орошаемые типичные сероземы, главным образом, на однородных лёссовых и слоистых, местами щебневатых, аллювиально-пролювиальных наносах конусов выноса, а также на межгорных равнинах и предгорьях [2]. Эти типы ландшафтов издавна используются местным населением в скотоводстве, зерноводстве и садоводстве [2].

В последние годы неуклонный рост населения и развитие производства привели к увеличению антропогенного воздействия на ландшафты в Сурхан-Шерабадской долине. У

местного населения сильно увеличилось поголовье скота, пасущегося на пастбищах, сформировались новые населенные пункты, расширились площади сельхозугодий.

Однако, из-за нерациональной хозяйственной деятельности населения наносится большой урон природным ландшафтам региона, что приводит к развитию процессов опустынивания [1].

Чрезмерное увеличение поголовья скота и его беспорядочный выпас в предгорных адырах и в горных районах, которые занимают большую часть территории долины, привели к тому, что растительность редет, почва растаптывается под копытами животных и становится скважистой. Измельченная скважистая почва легко и быстро уносится сильными ветрами, тем самым усиливая дефляцию. Она уносит плодородный слой почвы, снижая ее продуктивность, вследствие чего растительность становится редкой, даже исчезает и приводит к опустыниванию природных пастбищ. Такое явление наблюдается на массиве Хатынрабат, в предгорных равнинах Бабатага, на песчаных массивах Аккапчигай и Каттакума, в Пашхуртской долине, на склонах Келиф-Шерабадской гряды.

Песчаный массив Каттакум, где наблюдается образование песчаных барханов, расположен, в основном, на территории Термезского и Джаркурганского районов. В целях борьбы с ветровой эрозией здесь посажен саксаул и другие древесно-кустарниковые растения. Усилению процессов опустынивания способствует вырубка саксаула населением.

С каждым годом увеличивается численность населения в Байсунских и Кугитангских горах, расширяются горные кишлаки, в горных впадинах расширяется сеть артезианских колодцев, и часть населения поселяется вокруг новых колодцев. С ростом демографической нагрузки на территорию возрастает и поголовье скота, что, несомненно, оказывает отрицательное воздействие на природу гор. Например, из-за интенсивного выпаса скота вокруг горных кишлаков Пашхурт, Сайроб, Акташ, Зарабаг, Карабаг, Чинар, Худжабулган, Туда, Мачай, Даштигаз, Пулхаким природный растительный покров сильно деградировал.

Опустыненные пастбища занимают в 2-3 раза больше площади, чем пастбища, где интенсивно растут травы. Происходит дефляция и эрозия почвы, что, в свою очередь, приводит к уменьшению водности саев и родников. Таким образом, в Сурхан-Шерабадской долине в результате действия антропогенных и некоторых природных факторов наглядно наблюдается развитие процессов опустынивания. Все это приносит большой урон экономике региона.

**Выводы.** Для предотвращения развития процессов опустынивания в Сурхан-Шерабадской долине считаем целесообразным проведение следующих мероприятий:

- увеличение площадей под защитные лесонасаждения в южных районах долины, где сильно воздействие ветра-“афганца”;
- запрещение вырубки саксаула в пустыне Каттакум с целью остановки образования песчаных барханов, увеличение площадей под саксауловые леса;
- увеличение разнообразия видов растений на пастбищах, а для этого необходимо внедрение таких засухоустойчивых и кормовых растений, как кейреук, терескен, верблюжья колючка, полынь;
- в горных районах расширение площадей арчовых и фисташковых насаждений;
- создание садов и виноградников на массивах Аккапчигай и Хатынрабат, в предгорьях Бабатага и в Пашхуртской долине, обеспечение этих мест водой путем сооружения насосных станций;
- рекультивация земель в районах горнодобывающей промышленности и их вовлечение в сельскохозяйственный оборот;
- своевременная очистка открытых и закрытых дренажных сооружений в южных районах долины с целью предотвращения засоления почв.

Таким образом, процесс опустынивания для Сурхан-Шерабадской долины представляет серьезную угрозу. Изучение этой многогранной геоэкологической проблемы с научной точки зрения и разработка мероприятий по борьбе с ней является актуальной проблемой.

#### **Использованная литература:**

1. Алибеков Л.А. Эколого-географические проблемы Центральной Азии. - Самарканд, 2010. - 416 с.
2. Алибеков Л.А. Ўрта Осиё табиий географияси. - Самарканд, 2006 - 163 б.
3. Бабаев А.Г. Проблемы освоения пустынь. – Ашгабат: Ёлым, 1995.-340 с.

4. Толба М. Опустынивание можно остановить // Проблемы освоения пустынь. 1985. № 3. – С. 21-25.
5. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. - Тошкент, 1996. - 116 б.

**Юлдашов А.У.\***

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ПРИНЦИПЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Марказий Осиёда умум қабул қилинган экологик муносабат қоидаларидан регионал экологик муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш механизми масалалари кўриб чиқилган. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир, яъни маҳаллий ва минтақавий шароитларни инобатга олган ҳолда, экологик тадбирларни олиб бориш зарурдир.

**Калит сўзлар:** БМТ, экологик сиёсат, халқаро ҳуқуқ, Марказий Осиё, трансчегаравий экологик муаммолар, концептуал принциплар, халқаро қоидалар, зарурат, барқарор ривожланиш.

**Научно-концептуальные принципы решения трансграничных экологических проблем в Центральноазиатском регионе**

**Аннотация.** В статье раскрывается механизм решения региональных проблем в Центральной Азии через призму общепризнанных экологических принципов. Охрана природы и рациональное использование природных ресурсов носят региональный характер, что означает необходимость учёта локальных и региональных словий при реализации экологической политики.

**Ключевые слова:** ООН, экологическая политика, международное право, Центральная Азия, трансграничные экологические проблемы, концептуальные принципы, международные правила, необходимость, устойчивое развитие.

**Scientifik-conceptual principle of solving transbordering ecological problems in the regions of Central Asia**

**Abstract.** The article reveals the mechanism for solving regional problems in Central Asia through the prism of universally recognized environmental rules of relations. Nature protection and rational use of natural resources are regional in nature, which means the rules of environmental protection measures taking into account local and regional conditions.

**Key words.** UN, environmental policy, international law, Central Asia, cross-border, ecology, problems, conceptual principles, international rules, necessity, sustainable development.

**Кириш.** Маълумки, БМТнинг олий органи – Бош Ассамблея атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммолар юзасидан унга аъзо бўлган барча давлатларга ва Хавфсизлик кенгашига тегишли тавсиялар беришга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам Бош Ассамблея сессияларида йирик жамоат, давлат ва сиёсат арбобларининг маърузалари тингланади ҳамда улардан тегишли хулосалар қилинади. Марказий Осиё давлатларининг экологик принципи уларни атроф муҳитни муҳофаза қилиш, тарансчегаравий табиий ресурслардан (сув, ер, атмосфера, ўсимлик ва ҳайвотот дунёси) оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш рекультивация қилиш принциплари ва уларни амалга ошириш тизимида намоён бўлади. Минтақавий экологик муносабатда ҳар бир ҳолатга алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу ишнинг асосий мақсади регионал экологик муаммоларни ҳал этиш қоидаларини халқаро қоидаларга мувофиқлаштириш ва бу борада халқаро қоидаларнинг устуворлигини таъминлашни Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон мисолида ёритишдан иборат.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборини Орол денгизи ҳавзаси ва унинг оқибатида келиб чиқаётган

---

\*Юлдашов Абборжон Убайдуллаевич – Гулистон давлат университети Табиий фанлар факультети декани, география фанлари номзоди.

экологик инкирозли ҳолатга қаратди [1]. Чунки Марказий Осиёдаги энг катта регионал муаммолардан бири - Орол ҳавзасидаги халқаро сув объектларидан оқилона фойдаланишдир.

БМТнинг 55/2 резолюцияси билан 2000 йил 8 сентябрда қабул қилинган “БМТнинг Минг йиллик декларацияси”нинг I қисм 1-2 - моддаларида “Биз, давлат раҳбарлари ва ҳукуматлар ...учинчи минг йиллик арафасида тинч-тотув яшаш, тараққиёт ва адолатли ҳаётнинг асоси сифатида яна бир бор Ташкилот ва унинг Низомига қатъий амал қилишимизни тасдиқлаб, ... ўзимизнинг жамоамиз ҳамда бутун инсоният олдидаги глобал бурчимизни ҳис этган ҳолда, шахсий ва жамоавий жавобгарлик принципларига (тамойилларига) амал қилишни эътироф қиламиз”[2, 3], деб битилган. Мазкур халқаро тамойил БМТнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатга белгиланган стратегик йўналишидир. Бундан келиб чиққан тарзда, ҳар бир БМТ аъзоси ва муайян бир минтақадаги мамлакатлар ўз миллий ёки минтақавий экологик қонунчилигини айнан шу йўналтирувчи қоида асосида ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйиши зарурлигини тасдиқлаб берган. Марказий Осиё давлатлари ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Н.Ф.Реймерс ўзининг “Инсониятнинг яшаб кетиш умидлари: концептуал экология” монографиясида [4] «Экология, кенг маънода, инсонларнинг яшаб кетиши ҳақидаги таълимот», деб бежиз айтмаган. Чунки, инсонларнинг Ер қуррасида яшаш муддати уларнинг экологик қарашларини амалда татбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади. Фанда буни экологик концепция деб атайдилар. Экологик концепция – жамиятнинг табиатга нисбатан муносабати тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни бу моддий дунёда кишиларнинг ўрни, аҳамияти ва моҳиятини акс эттирувчи қарашларини қисмларга ажратиш ва иерархик поғоналашдир. Марказий Осиё давлатларининг экологик концепцияси БМТ Низомининг муқаддимасида келтирилган сўзларда ўз аксини топган, яъни “...халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормалари манбаларидан келиб чиққан тарзда, адолатга олиб келувчи ва мажбуриятларни ҳурмат қилувчи шароитларни яратиш мақсадида, сабр-тоқат ва биргаликда яшаш, ўзаро тотувлик, яхши қўшничилик, халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, биз, бирлашган миллатлар халқлари қатъиян киришамиз”.

Марказий Осиё давлатларининг *экологик принципи* уларни атроф табиий муҳитга нисбатан қаратилган экологик муносабатларида, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш принциплари ва уларни амалга ошириш механизмида намоён бўлади. Шундай қилиб, минтақавий экологик муносабатда биз икки ҳолатга ўзимизнинг алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим [5].

Биринчиси, экологик муносабат принциплари, айнан табиат ва жамият қонунларини уйғунлаштиришга йўналтирилади. Зеро, табиат қонунлари-одамларни ўраб турувчи атроф табиий муҳитда кечаётган ҳодиса ва жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсунмайдиган ва инсон фаолиятисиз ҳам намоён бўла оладиган жараёнлардир.

Умумэътироф этилган экологик муносабат принципларидан яна бири - *табиий ҳодиса ва жараёнлар кўп қирралидир*. Шунинг учун ҳам табиий ҳодиса ва жараёнлар ҳар томонлама объектив баҳоланиши лозим. Бу дегани – сўз ҳар бир табиий ҳодиса ёки жараёнга хўжаликнинг бирламчи соҳавий заруриятига қараб ёндашиш талаб этилади. Лекин бу соҳавий ёндашув, авваламбор, инсонлар яшайдиган геотизимларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш нуктаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиё минтақаси табиий шароитида ўрмонлар қурилиш ёки кимёвий хом ашё манбаи эмас, балки геотизимларни бир меъёردа ушлаб турувчи компонент сифатида қаралиши керак. Минтақанинг ҳеч қанча майдонини эгалламайдиган сийрак дарахтзор ва бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида «яшил қалқон», иқлимни мўътадиллаштирувчи «кондиционер», аҳолининг маданий дам олишини таъминлайдиган «оромгоҳ» сифатида қарашни тақозо этади.

Дарёлар суви Марказий Осиё шароитида, биринчи навбатда, суғориш ва аҳолининг маиший хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки, иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида, сув аҳоли учун ҳаёт манбаи. Оқар сувлар инсон ҳаётида билвосита – қишлоқ хўжалиги, металлургия, тоғ-қон, кимё саноати каби сувни кўп талаб қилувчи иқтисодиёт тармоқларига хизмат қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир, яъни маҳаллий ва минтақавий шароитларни инобатга олган ҳолда, экологик тадбирларни олиб бориш қоидаси демакдир. Минтақавий барқарор ривожланишнинг таянчи

бўлган табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш табиий ресурсларни ҳар томонлама баҳолашни, истиқболли йўналишларни аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларни инобатга олган ҳолда, уларни амалга тадбиқ этишни талаб этади. Чунки Марказий Осиё минтақасида (умуман Ер қуррасида) табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган.

Бирон-бир минтақада маълум бир табиий объект ёки ресурсларнинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг етишмаслигини қопламайди ёки бирон-бир минтақада экологик хавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инқирозини бартараф этишга асос бўла олмайди.

*Табиий ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлангандир.* Юқоридаги экологик принципларнинг давоми сифатида шуни айтиш керакки, табиатнинг маълум бир объектини муҳофазалаш ёки уни бузиш, қолган табиий объектларга ўз ижобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказиши, яъни у «занжир реакцияси» усулида ишлайди. Масалан, табиатда дарё ва кўллارни муҳофазалаш ўз-ўзидан ундаги балиқларни ва сув ўтларини муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асраш эса, авваламбор, улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавоси ва сувларнинг тозаллигини сақлаб туришга, тупроқнинг унумдорлик хусусиятини сақлаб қолишга имкон беради. Аксинча, ўрмонларда тупроқ унумдорлигини йўқотиш, ўсимлик дунёсининг сийраклашувига, уларда яшовчи ва озикланувчи ҳайвонот дунёсининг камайишига ёки қирилиб кетишига олиб келади. Экотизимдаги бир объект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

*Табиатда ҳамма нарса мувозанатдадир.* Масалан, минтақамизда ташкил этилган қўриқхоналарда ҳайвонлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсининг сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, маълум бир объект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни, қолган табиий объектлар имкониятларига мос равишда ва илмий асосланган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида зикр этилган тўрт экологик тамойил, бизлардан, *табиат муҳофазасига комплекс ёндашув принципини* татбиқ қилишни тақозо этади. Табиатни муҳофаза қилиш ва, шу билан бир қаторда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бирон-бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Унга комплекс равишда – соҳалараро бошқарув ва назорат асосида ёндашувни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти худди ана шу комплекслилик принципига асослангандир.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида маҳаллий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш умумий экологик принципдан келиб чиққани, яъни табиатда кечаётган барча жараёнлар ва ҳодисалар ҳеч қандай маъмурий чегараларга бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлатнинг миллий экологик қонунчилигида халқаро экологик нормаларни имплементация (тадбиқ) қилиш зарур. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ис газини ҳеч қачон шу ерда муаллақ ҳолда туриб қолмайди, балки қўшни давлат ва халқаро ҳамжамиятга хавф туғдиради.

Экологик жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан (ҳоҳ у табиатни муҳофаза қилиш, ҳоҳ у табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўладими), албатта, салбий юридик оқибатларни келтириб чиқариши лозим. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда ва, айниқса, Марказий Осиёда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳар қандай давлатлараро шартнома, декларация, резолюция ва шу каби юридик ҳужжатларда жавобгарлик санкциялари белгиланган, уларни амалга ошириш механизми аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши лозим.

Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш, бир қараганда, табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга ўхшайди. Лекин, табиатдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашинуви ҳам табиий объектларнинг ўзаро таъсири, яъни фойдаланиш ва муҳофаза қилиш асосида бўлади. Ҳеч қайси бир тирик мавжудот (ҳоҳ у ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёси ёки инсон бўлсин) атроф табиатдан фойдаланмасдан ҳаёт кечира олмайди. Муайян экологик меъёрдаги бу ҳаракатлар экотизимларни ушлаб туривчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан, бир вақтнинг ўзида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ҳам фойдаланиш қоидалари келиб чиқади.

Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган концепцияси экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин унинг тескараси эмас.

Халқаро экологик муносабат механизми авваламбор ҳуқуқ нормаларида акс этади. Механизм – грекчада «methane» - қурол, қурилма деган маънони англатиб, у бирон-бир ҳаракатни бажариш учун зарур ва узвий боғланган қисмлар тизимидир. Халқаро экологик-ҳуқуқий механизм – халқаро экологик муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминловчи қисмлар тизимидир.

Экологик-ҳуқуқий механизм муайян давлатнинг экологик сиёсатига, экологик дунёқарашига, қурилиш ва бошқариш шаклига тўғридан-тўғри боғлиқ. Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми Ўзбекистонда айнан ана шу принципларни инобатга олган тарзда тузилиши ва унга монанд равишда ҳаракат қилишни талаб этади.

Халқаро экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш унга ҳуқуқий таъсир этиш, уни амалга ошириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш орқалигина олиб борилади.

Халқаро экологик-ҳуқуқий механизм занжирининг «ҳалқа»лари қуйидагилардан иборат: экологик хавфсизликни таъминловчи халқаро ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш; халқаро муносабат нормалари ижросини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжатларни тезкор равишда ишлаб чиқиш; кафиллик нормаларини яратиш; экологик-ҳуқуқий муносабатларни ташкиллаштириш.

Экологик хавфсизликни таъминловчи халқаро ҳуқуқий меъёрлар – қатъий нормалардан иборат. Улар глобаллашув даврида экологик сиёсатни мужассамлаштирган тарзда ифодаланади. Экологик хавфсизлик эса одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондира оладиган тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолатидир.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, минтақавий миқёсда давлатларнинг табиат компонентларига нисбатан йўналтирилган қоидалари экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган механизмдан иборат бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда инсониятнинг ягона яшаш макони – Ер сайёрасини барқарор сақлаб қолиш, кўшничилик муносабатларини эса мўътадил ушлаб туриш мушкуллашиб боради.

Шунингдек, Марказий Осиёда аҳоли сонининг мунтазам ўсиши, ривожланишдаги тараққиёт сувга ва ер ресурсларига бўлган талабни янада ошириб бориши билан бир қаторда иқлимнинг глобал иссиши ҳам минтақада сув ресурслари тақчилигига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари истикболда Амударё ва Сирдарё хавзаларидан фойдаланиш кўлами кенгаяди, бу эса мавжуд муаммони янада кескинлаштириши мумкин. БМТнинг озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) президенти Ж.Диоф таъкидлаганидек: “Сув инқирози энергетика ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқ”дир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. БМТнинг 55/2 резолюцияси. <https://www.un.org/ga/55/docs/55/res1.shtml>.
2. Всемирный саммит по Устойчивому развитию: основные итоговые документы. – Алматы: РЭЦ, 2003.- С.9.
3. Нигматов А.Н., Юсупов Р. Геоэкология ва унинг асосий муаммолари. Ўзбекистон экологик хабарномаси. 6-сон, 2005. – Б. 14-16.
4. Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества: Концептуальная экология. – М., ИЦ «Россия молодая» - Экология, 1992. - 367 с.
5. <http://uza.uz/oz/politics/O`zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ  
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ****Мадреимов А., Тлеумбетова У.Ж., Турсымуратова У.М.\*.  
О ВРЕДНЫХ САНИТАРНО-ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРАХ В РЕСПУБЛИКЕ  
КАРАКАЛПАКСТАН И ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ЗЛОКАЧЕСТВЕННЫМИ  
НОВООБРАЗОВАНИЯМИ**

**Аннотация.** В результате анализа ведущих санитарно-экологических факторов окружающей среды, приводящих к загрязнению организма человека и формирующих уровни заболеваемости среди населения РК в 2001-2009 годах обнаружено, что имеется связь между показателями первичной заболеваемости злокачественными новообразованиями и нестандартными по химическому составу пробами водопроводной воды, установлены прямые корреляционные связи. Уровни заболеваемости и смертности в северной группе районов взаимосвязаны с уровнями загрязненности открытых водоемов и атмосферного воздуха.

**Ключевые слова:** заболеваемость злокачественными новообразованиями, химические загрязнения питьевой воды, корреляционные связи.

**Қорақалпоғистон Республикасидаги зарарли санитария-экологик омиллар ва хавфли ўсмалар билан касалланиш ҳақида**

**Аннотация.** Қорақалпоғистон Республикасида 2001-2009 йилларда инсон организмининг ифлослантираётган ва аҳоли касалланишини шакллантираётган табиқий муҳит етакчи омилларининг таҳлили натижасида хавфли ўсмалар билан бирламчи касалланиш ва водопровод суви намуналарининг кимёвий ностандарт кўрсаткичлари орасида тўғри корреляцион боғланишлар ўрнатилган. Касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг очиқ сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** хавфли ўсмалар билан касалланиш, ичимлик суви кимёвий ифлосланиши, корреляция.

**On harmful sanitary and environmental factors in the Republic of Karakalpakstan and the incidence of malignant neoplasms**

**Abstract.** Analysis of the leading sanitary and environmental factors of the environment leading to human pollution and forming incidence rates among the population Republic of Karakalpakstan in 2001–2009 found that between indicators of primary incidence of malignant neoplasms and non-standard chemical composition samples of tap water had a direct correlation, morbidity and mortality rates in the Northern group of districts are interconnected with the levels of pollution of open water bodies and atmospheric air.

**Key words:** malignant neoplasms, chemical pollution of drinking water, correlation

**Введение.** В Нукусском филиале Ташкентского педиатрического медицинского института проводится научно-исследовательская работа по изучению и оценке важнейших загрязнений окружающей среды, определению их влияния на здоровья человека, а также определению наиболее загрязненных территорий, и выявлению групп риска по ведущим в республике заболеваниям.

В конце XX века и начале XXI века, в результате резкого сокращения объема притока воды рек Амударьи и Сырдарьи в Аральское море, фактического исчезновения Аральского моря, в Приаралье было нарушено экологическое равновесие, территория подвергалась к деградации, изменилась внешняя среда, возникла экстремальная для проживания людей обстановка [1, 2, 3, 4].

Загрязненные атмосферный воздух, почва и вода служат источником загрязнения растительной и животноводческой продукции, в дальнейшем используемой населением в качестве продуктов питания [2, 3, 4].

\* **Мадреимов А.** – профессор Нукусского филиала Ташкентского педиатрического медицинского института (ТашПМИ), доктор медицинских наук, профессор.

**Тлеумбетова Умитхан Жумамуратовна** - старший преподаватель Нукусского филиала ТашПМИ.

**Турсымуратова Умида Максеговна** - ассистент Нукусского филиала ТашПМИ.

Одним из видов заболеваний, требующим изучения в связи с вредными экологическими факторами в Республике Каракалпакстан (далее-РК), являются злокачественные новообразования (ЗН) с впервые установленным диагнозом.

**Цель и задачи работы.** Целью работы является выявление и оценка ведущих санитарно-экологических факторов окружающей среды, приводящих к загрязнению организма человека и формирующих уровни заболеваемости ЗН среди населения РК. Материалами для исследования послужили отчетные формы ф-12-здрав Института здоровья МЗ РУз и МЗРК, результаты исследований лабораторного комплекса Республиканского Центра ГСЭН МЗ РК за 2001-2015 гг.

**Основная часть.** Динамика заболеваемости ЗН в РУз и РК имеет тенденцию к медленному снижению (табл. 1).

Таблица 1

**Первичная заболеваемость злокачественными новообразованиями в Республике Узбекистан и в Республике Каракалпакстан (на 100 тысяч чел.)**

Годы	РУз	РК
1991	76,2	79,0
1995	68,5	63,1
2000	71,7	65,2
2005	63,7	66,1
2010	67,7	67,3
2015	67,7	69,6

По данным статистических отчетов онкологических диспансеров в 2010 году в РУз интенсивные показатели заболеваемости злокачественными новообразованиями составили 71,0 на 100 тыс. населения, среди сельских жителей 79,0, среди женщин 73,4. В структуре онкологической заболеваемости в целом по РУз первое место занимает рак молочной железы (11,9%), второе место – рак желудка (9,5%), третье – лимфатической и кровеносной ткани – (8,62%). А в РК на долю рака пищевода приходится 17,6% (первое место), рака желудка 10,4% (второе место), рака шейки матки 10,0% (третье место). По сравнению с 2007 годом в 2010 году в РУз отмечен рост заболеваемости раком молочной железы на 1,9%, в РК на 14,0%.

Учитывая неравномерное распределение заболеваемости по территориям и по времени территория РК условно разделена на 4 зоны: на приморскую зону (Муйнакский район), северную зону (Чимбайский, Кунградский, Кегейлийский, Тахтакупырский, Канлыккульский, Караузьякский и Бозатауский районы), центральную зону (г.Нукус, г.Тахиаташ, Ходжейлийский, Шуманайский и Нукусский районы), а также южную зону (Турткульский, Берунийский, Амударьинский и Элликкалинский районы).

С целью повышения наглядности полученных результатов, изучаемый 10 летний период условно разделен на 2 пятилетки: 2001-2005 и 2006-2010 гг.

При изучении динамики заболеваемости ЗН с впервые установленным диагнозом, в первой и второй пятилетках выявлен рост уровня заболеваемости в приморской (на 6,5%), южной (на 3,5%) и северной (на 0,6%) зоне, а также относительное снижение в центральной зоне (на 0,6%).

При сравнении первичной заболеваемости ЗН по РК по пятилетним данным (2001-2005 гг.) равен (65,5), имелись высокие показатели в Муйнакском (77,3), Кегейлийском (76,1), Ходжейлийском (74,4), Тахтакупырском (72,0) районах и г.Нукусе (70,8).

В следующей пятилетке при среднем (по РК) показателе (66,5) высокие показатели первичной заболеваемости ЗН регистрировались в Муйнакском (82,3), Чимбайском (75,1), Нукусском (74,0), Тахтакупырском (72,6), Берунийском (70,3) районах и в г.Нукусе (76,4) (таб.2).

Относительно низкие показатели первичной заболеваемости ЗН выявлялись в первой пятилетке в Канлыккульском (57,8), Нукусском (59,0) и Элликкалинском (51,6) районах, во второй пятилетке – в Канлыккульском (50,1), Шуманайском (57,7) и Элликкалинском (48,6) районах.

Наиболее высокие показатели заболеваемости ЗН были зарегистрированы в 2001 и 2004 гг. в Муйнакском районе (96,2 и 101,0 соответственно). Самый низкий показатель отмечен в Шуманайском районе в 2009г (32,0).



Мы попытались связать динамику первичной заболеваемости ЗН с основными вредными санитарно-экологическими факторами, укоренившимися в регионе Южного Приаралья – с уровнями химической загрязненности питьевой воды и атмосферного воздуха.

Таблица 2

Первичная заболеваемость злокачественными новообразованиями по административным единицам Республики Каракалпакстан (на 100 тысяч чел.)

№	Районы и города	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1	Муйнакский	<b>96,2</b>	65,9	69,7	<b>101,0</b>	52,4	<b>95,1</b>	70,4	<b>84,2</b>	<b>84,2</b>	77,5
2	Чимбайский	69,8	65,0	40,0	<b>83,5</b>	<b>80,0</b>	70,1	77,7	76,0	69,1	<b>82,8</b>
3	Кунградский	46,9	74,6	76,2	62,9	68,3	66,4	59,2	65,8	67,7	67,2
4	Кегейлийский	<b>84,7</b>	60,8	<b>84,7</b>	77,5	73,0	59,5	64,2	71,4	63,1	71,3
5	Тахтакупырский	<b>83,5</b>	68,0	63,4	<b>92,1</b>	53,0	76,2	79,8	<b>80,4</b>	<b>90,0</b>	50,8
6	Канлыккульский	65,9	54,8	66,7	48,7	53,1	64,6	54,6	40,0	<b>86,0</b>	43,1
7	Караузьякский	<b>88,6</b>	52,6	52,3	65,6	43,0	67,5	72,0	60,5	48,8	57,3
	<b>Северная зона РК</b>	<b>67,9</b>	<b>65,3</b>	<b>62,8</b>	<b>72,0</b>	<b>66,1</b>	<b>66,8</b>	<b>69,4</b>	<b>68,8</b>	<b>69,4</b>	<b>67,0</b>
8	г Нукус	69,7	64,8	75,1	67,7	76,7	75,1	75,7	78,4	73,3	79,7
9	Ходжейлийский	<b>86,2</b>	68,3	62,1	<b>89,1</b>	66,4	63,4	77,6	62,2	50,1	65,5
10	г Тахиаташ	75,0	54,4	46,8	<b>87,4</b>	42,7	74,5	62,6	75,3	64,7	60,9
11	Шуманайский	48,0	<b>89,6</b>	72,5	72,4	51,5	76,9	74,4	59,2	32,0	46,0
12	Нукусский	53,3	57,7	64,1	72,7	47,4	<b>85,0</b>	<b>82,0</b>	67,8	69,6	67,1
	<b>Центральная зона РК</b>	<b>71,8</b>	<b>66,0</b>	<b>68,2</b>	<b>75,7</b>	<b>66,8</b>	<b>72,8</b>	<b>71,2</b>	<b>68,8</b>	<b>63,1</b>	<b>70,8</b>
13	Турткульский	57,9	65,9	58,0	46,9	57,3	59,6	58,8	70,2	65,0	52,6
14	Берунийский	<b>82,4</b>	69,6	57,1	64,6	74,7	69,5	71,4	71,8	68,1	74,2
15	Амударьинский	61,6	65,3	61,7	64,6	63,0	58,8	70,1	61,5	58,5	71,7
16	Элликкалинский	47,5	51,9	50,7	55,1	52,8	50,6	45,0	54,5	41,5	59,5
	<b>Южная зона РК</b>	<b>62,5</b>	<b>63,9</b>	<b>56,9</b>	<b>57,4</b>	<b>59,7</b>	<b>60,5</b>	<b>62,6</b>	<b>65,2</b>	<b>59,4</b>	<b>65,0</b>
	<b>Всего по РК</b>	<b>68,3</b>	<b>65,1</b>	<b>62,8</b>	<b>68,7</b>	<b>63,7</b>	<b>66,8</b>	<b>68,2</b>	<b>68,3</b>	<b>63,7</b>	<b>67,3</b>

На начало 2011г. водопроводной водой были обеспечены 62% населения республики, остальная часть пользуется колодезной водой (преимущественно водой трубчатых колодцев) и водой открытых водоемов.

Характерно, что в РК уровни заболеваемости ЗН взаимосвязаны с уровнями загрязненности открытых водоемов (рис.1) и атмосферного воздуха (рис.2), только колебания показателей заболеваемости более выражены, что, вероятно, связано со сроками выявления впервые заболевших.





Рис.1. Показатели заболеваемости злокачественными новообразованиями и % ненормативных проб воды открытых водоемов по химическим показателям

С целью определения корреляционных связей между показателями первичной заболеваемости ЗН и нестандартными по химическому составу пробами водопроводной воды по зонам и районам РК, нами произведены расчеты по способу Пирсона.




**Рис.2. Показатели заболеваемости злокачественными новообразованиями и % ненормативных проб атмосферного воздуха по химическим показателям**

Вычисление корреляционных связей между показателями первичной заболеваемости ЗН и нестандартными по химическому составу пробами водопроводной воды соответствующих территорий показало, что между этими показателями установлены достоверные средние прямые корреляционные связи в Чимбайском ( $r_{xy}=0,64$ ;  $m_r=0,045$ ), Кунградском ( $r_{xy}=0,52$ ;  $m_r=0,06$ ), Кегейлийском ( $r_{xy}=0,45$ ;  $m_r=0,069$ ), Тахтакупырском ( $r_{xy}=0,53$ ;  $m_r=0,059$ ), Караузякском ( $r_{xy}=0,65$ ;  $m_r=0,04$ ), Ходжейлийском ( $r_{xy}=0,41$ ;  $m_r=0,07$ ), Турткульском ( $r_{xy}=0,34$ ;  $m_r=0,08$ ), Амударьинском ( $r_{xy}=0,35$ ;  $m_r=0,08$ ) районах.

Это означает, что, чем выше удельный вес нестандартных проб водопроводной воды в указанных районах, тем выше показатели первичной злокачественной онкологической заболеваемости.

В 2001-2009 гг. показатели смертности от ЗН имели зависимость от качества воды открытых водоемов (рис.3) и от уровня загрязненности атмосферного воздуха.

За весь изучаемый период самые высокие показатели смертности от ЗН имели место в Муйнакском (94,1 – 2004г., 80,7 – 2008г., 84,5 – 2010г.), и в Чимбайском районе (86,7 – 2007г.). Существенное снижение показателя смертности от ЗН во второй пятилетке изучаемого периода в Тахтакупырском районе с 53,3 до 32,9 требует дополнительного изучения.



**Рис. 3. Показатели заболеваемости злокачественными новообразованиями и % ненормативных проб воды открытых водоемов по химическим показателям**

**Выводы.** Таким образом, высокие показатели смертности от ЗН приходится на население территорий РК, наиболее жестоко пострадавших от экологического кризиса – на приморскую (Муйнакский район) и группу районов, составляющих северную зону республики.

Анализ показал, что в РК уровни смертности от ЗН так же, как и уровни заболеваемости, связаны с уровнем загрязненности открытых водоемов и атмосферного воздуха. При планировании мероприятий по снижению загрязненности объектов окружающей среды можно воспользоваться полученными нами результатами, дающими возможность дифференциального подхода к конкретным территориям республики.

#### **Использованная литература:**

1. Абдиров Ч. Здоровье населения и приоритетные проблемы медико-экологических исследований в условиях Южного Приаралья // Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. – Нукус, 1991. – С. 41-44.

2. Абдиров Ч. А., Агаджанян Н. А., Северин А. Е. Экология и здоровье человека. – Нукус: Каракалпакстан, 1993. – 103 с.

3. Атаниязова О. А. Аральский кризис и медико-социальные проблемы Каракалпакстана. – Нукус: Билим, 2002. – 116 с.

4. Реймов Р.Р., Константинова Л.Г. Экстремальность среды обитания и экология человека в Южном Приаралье // Тезисы докладов респ. науч. практ. конф. «Экология человека и краевая патология Приаралья». - Нукус, 1993. – С. 23-25.

5. Шардакова Л.Ю., Усманова Л.В. Статистический анализ пыльных бурь в Приаралье // Сб. тез. межд. науч. практ. конф. «Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья». – Нукус, 2006. – С. 171-173.

6. Статистические сборники Института здоровья и медицинской статистики Минздрава Республики Каракалпакстан, 2001-2015 гг. Нукус.

7. Материалы лабораторного контроля объектов окружающей среды Республиканского Центра ГСЭН Минздрава РК.

**Ахмадалиев Ю.И., Алимджанов Н.Н.\***

### **ҲУДУДЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келишини жаҳон ва Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари, шартлари кўриб чиқилган. Шунингдек, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ер ресурсларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилди.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, қишлоқ хўжалиги, Рим клуби, экологик императив, экологик инқироз, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги ерлари.

#### **Место и значение землепользования в устойчивом развитии территорий**

**Аннотация.** В статье рассматриваются предпосылки формирования концепции устойчивого развития в мире и в Узбекистане. Уделено особое внимание месту и значению земельных ресурсов в обеспечении устойчивого развития территорий.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, сельского хозяйство, Римский клуб, экологический императив, экологический кризис, земельные ресурсы, сельскохозяйственные земли.

#### **The place and the meaning of the land using in stable developing of the territory**

**Abstract.** In the article it is being considered the premises of appearing of conception of stable developing in the world and in Uzbekistan. Also it is given an attention to the place and importance of land resources in ensuring of stable developing of territories.

**Key words:** sustainable development, agriculture, Rome club, ecological imperative, ecological accident, land resources, agricultural lands.

---

\* **Ахмадалиев Юсуфжон Исмоилович** – Фарғона Давлат университети география кафедраси профессори, г.ф.д.

**Алимджанов Нозимжон Нимаджанович** – Наманган давлат университети, Экология кафедраси таянч докторанти.

**Кириш.** Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев минтақамизда, hozirgi кундаги иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги шароитида, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш жамиятнинг барқарор ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоғи зарурлиги, бироқ, hozircha бу ҳолатни яхши эмаслигига эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, Президентнинг 2017 йил 31 май куни “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида шундай дейилади “...ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишлар қониқарсиз, деб ҳисоблансин” [2]. Фармонда таъкидланган барқарорликни таъминловчи ҳудудий дастурларни ер билан боғлиқ бандларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, уни ҳал этишда бошқа соҳа вакиллари (ер тузувчилар, тупроқшунослар, иқтисодчилар...) билан географлар ҳамкорлиги кутилган натижани беради.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур ишнинг мақсади жаҳонда ва Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келиши ҳамда унинг ҳаётга тадбиқ этилишида ер ресурсларининг ўрнини, унинг ўзига хос шароитлари ва сабабларини ўрганиш, истиқболдаги йўналишларини белгилашдан иборат. Мақсаддан келиб чиқиб, мазкур концепцияни юзага келиш тарихи, шароитлари ва ер ресурслари билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш асосий вазифалар қилиб белгиланди.

**Асосий қисм.** Қарийб 30 йил давомида жаҳон ҳамжамияти ва илмий изланишларда кенг қўлланиб келинаётган инглиз тилидаги “Sustainable Development” ибораси ўзбек тилига “Барқарор ривожланиш” деб таржима қилинади. Фанда унинг турғун, қўллаб-қувватланаётган, авайланаётган, давомли, узлуксиз, мувозанатли, яшил ривожланиш (тараққиёт) каби юздан ортик муқобилларини учратиш мумкин.

Жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ер ресурсларини беқиёс ўрнини асослаш учун кишилиқ жамиятининг табиатдан фойдаланиш тарихига қисқача назар ташладик. Ҳозиргача бўлган табиатдан фойдаланиш тарихида тўртта бурилиш (қайта қуриш) нуқтасининг ҳар бирида ер билан боғлиқ ҳолатлар асосий ўринни эгаллаганлиги диққатга сазовордир [14].

Табиатдан фойдаланишдаги биринчи кескин ўзгаришга сабаб бўлган жараёнлар бундан тахминан 10 минг йил бурун содир бўлиб, неолит революцияси номи билан аталган. Бунда жаҳон халқларининг катта қисми ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиб, ер ресурсларидан яйлов ва термачилиқда фойдаланишдан воз кечиб, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишга ўтган. Айниқса, обикор деҳқончиликнинг ривожланиши жамиятда барқарорликни, фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшган. Иккинчи кескин ўзгариш XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада юз берган индустриалаштириш даври билан боғлиқ. Бунда аҳолиси зич мамлакатларда ер ресурсларининг етишмаслиги хунармандчилик ва саноатнинг кескин ривожланишига туртки берган. Учинчи даврда XX асрнинг илмий-техника тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Айниқса қишлоқ хўжалигидаги кимёлаштириш, механизациялаштириш ва ирригация тизимининг ривожланиши бу давр учун хос бўлган хусусиятлардир.

Бу учта революцион ўзгариш кишилиқ жамиятининг имкониятлари чексиз, у нафақат она ер табиатни балки, бутун оламни бўйсундирилиши мумкин деган ҳаёлий тушунчани келтириб чиқарди. Бироқ, XX асрнинг ўрталарига келиб жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан қатъий чекланган Ер сайёраси ва унинг ресурслари хажми ўртасида номутоносиклик борлиги маълум бўлди. Яқин келажакда, ўн йилликлар орасида ер шарида юз бериши мумкин бўлган *экологик инқироз хавфи* ҳақидиги фикрларни пайдо бўлди. Ундан қутилишнинг ягона йўли сифатида анъанавий хўжалиқ юритиш тизимида тубдан ўзгариш қилишни талаб қилувчи тўртинчи бурилиш нуқтаси сифатида “Барқарор ривожланиш” концепцияси юзага келди.

Бу концепциянинг яратилишига кишилиқ жамиятининг айниқса, жадал иқтисодий ўсишнинг ер шари табиатига кўрсатаётган таъсири ва унинг оқибатларини кескин намоён бўлиши сабаб бўлди. Саноатнинг жадал ривожланиши натижасида биринчи марта инсон ўлимига сабаб бўлган табиатдаги ходиса “смог туманлари” кузатилди. Лондонда 1952 йилда 4 кун мобайнида 4 минг одам, 1963 йилда Нью-Йоркда 300 одам вафот этди. Бундай ҳолатлар, 1956, 1957, 1960 йилларда тез-тез такрорланиб турди. Шу билан бирга ер ресурсларининг деградацияси, ор ости бойликларининг миқдор жиҳатдан тугаб қолиш хавфи (айниқса нефть

ресурслари), дунё океани ва оқар сувларнинг ифлосланиши, кислотали ёмғирлар ёғиши, озон туйнуғи каби ҳолатлар кишилиқ жамиятини ривожланишида бошқа алтернатив йўлларни қидириб топиш зарурлигини тақозо этувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Барқарор ривожланиш концепциясининг дастлабки назарий асоси сифатида рус олими В.И.Вернадский томонидан яратилган ноосфера тўғрисидаги таълимот олинди. Инсониятнинг хўжалиқ юритишда глобал қайта қуришни амалга оширишни назарда тутувчи бу концепция, биосферани “ноосфера”га ўзгартиришни ҳаётий зарурат деб қарашни назарда тутди [6].

Амалиётда бу концепцияни дастлаб, италиялик ишлаб чиқарувчи Аурелио Печчеи ривожлантирди. У халқаро миқёсда сиёсий, молиявий, маданий ва илмий соҳа вакиллари бирлаштирган Рим клуби – халқаро жамоат ташкилотини (аналитик марказ) тузди. Ташкилот биосферани ривожлантириш истикболлари ва инсоннинг табиатга нисбатан гуманистик жиҳатдан муносабатда бўлиши борасида улкан ишларни бажарди [17].

Рим клуби аъзоларидан Д.Форрестернинг “Мировая динамика” [20] ҳамда Д.Медоузнинг “Пределы роста” [15] номли асарлари жаҳон ривожланишининг атроф-табиий муҳитга боғлиқ томонларини таҳлил этиш билан кўпчилиқнинг диққатини ўзига тортди. Рим клубида қилинган маърузада улар томонидан “Агар шу темпда аҳоли сони, индустриалаштириш ва атроф-муҳитни ифлосланиши давом этса, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва табиий ресурслар миқдорини тугаши ўз чегарасига етиши ундан сўнг бирданига бошқарилмайдиган тарзда аҳоли сонининг камайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмини камайиши кузатилиши башорат қилинди” [15].

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан атроф-муҳит ҳолати ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини илмий жамоатчилик 1960-йилларнинг бошларида тушуниб ета бошлади. Бу ҳақидаги дастлабки бутун дунёга овоза бўлган асар АҚШлик биолог олима Рейчел Карсон томонидан ёзилган “Соқов баҳор” (“Silence spring”, 1965) [9] асари бўлди. Олима атроф-муҳит ифлосланиши маълум чегарагача давом этиши, ундан ортса табиий муҳит инқирозга юз тутиши мумкинлигини асослаб берди. Унинг асари кишилиқ жамияти аъзоларининг экологик онгини, савиясини оширишга катта ҳисса қўшди [14].

Шундан сўнг, Барқарор ривожланиш бўйича салмоққа эга бўлган илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши, ишлаб чиқариш, демографик ҳолат ва атроф-муҳитнинг ҳолатини таҳлил этиш ва моделлаштиришга, экологик муаммоларга бағишланган конференциялар фаол равишда ўтказила бошланди [17, 18].

Халқаро майдонда дастлабки экологик йўналишдаги конференция 1972 йил Стокгольмда ўтказилди. Мазкур конференциядан сўнг жаҳон фани ва ижтимоий ҳаётига қуйидаги янги тушунча ва иборалар киритилди. Айниқса, “*Экологик императив*”, “*Экологик мониторинг*”, “*Экологик инқироз*”, “*Экологик ҳалокат*” иборалари бугунги экологик тадқиқотларнинг марказига қўйилди [14].

Конференция хулосалар асосида экологик қонунчилик ривожлана бошлади, табиат муҳофазаси бошқарувига асосланган вазирликлар ва муассасалар пайдо бўлди [17].

1983 йил Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси ташкил этилиб, унга Гро Харлем Брундтланд раҳбарлик қилди [13]. Уч йил давомида комиссия иқтисодий, ижтимоий-маданий ва экологик омилларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги масалаларини ўрганди. Шу комиссия “барқарор ривожланиш” (sustainable development) тушунчасини илк бор бутун жаҳон ҳамжамиятида оммалаштирди.

1987 йили “Бизнинг умумий келажагимиз” деб номланган “Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия” маърузасида “Барқарор ривожланиш” зарурати қайд этилиб, унга “бугунги кун эҳтиёжларини қондириш келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондиришига тўсқинлик қилмаслиги керак” [21] деган тавсиф берилди ва у бугунги кунда кўпгина мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.

Навбатдаги Рио-де-Жанейро (1992) да бўлиб ўтган атроф-муҳит муҳофазаси ва ривожланишга бағишланган конференцияда келгуси ўн йиллик учун экологик, иқтисодий ва ижтимоий ҳаракат дастури “XXI аср учун кун тартиби” қабул қилинди. Унда Ер шарида барқарор ривожланишни таъминлаш учун қуйидаги тавсия ва мезонлар берилган:

– иқтисодиётнинг ўсиши Ер сайёрасининг экологик имкониятлари чегараларига мос тушиши керак;

– иқтисодий ривожланиш атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши керак;

- ривожланишни барқарор қилиш–ҳозирги авлод эҳтиёжларини келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини таъминлаш қобилиятларини хавф-хатарга қўймай таъминлаш;
- ер ва табиий ресурсларни ялпи миллий бойлик сифатида кўриш;
- одамларнинг фаоллигини уларга ерга эгалик қилиш ва ресурслар, молиявий таъминлаш ва уларнинг маҳсулотларининг адолатли баҳоларда бозорга чиқариш воситаларида таъминлаш ҳуқуқини бериш йўли билан рағбатлантириш;
- айрим кимёвий моддаларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфлилигини аниқлаш;
- пестидцитларни ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш воситалари билан алмаштириш;
- туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва кадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усулларини эътироф этиш.

Мазкур тавсия ва тамойиллар замирида эҳтиёжни кондириш даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли сонини, табиатдаги антропоген ўзгаришлар улуши ҳамда тикланмайдиган ресурсларни ишлатиш миқдорини имкон қадар чеклаш *ривожланишнинг барқарор* йўлига ўтишни асосий шартларидан бири эканлиги ётади [7].

БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича 2012 йили Рио-де-Жанейрода “Рио+20” номини олган конференцияси очилишида сўзга чиққан БМТнинг Бош котиби Пан Ги Мун инсоният янги даврга қадам қўяётганлигини қайд этди. У 2040 йилга бориб Ер шарининг аҳолиси 9 млрд.га кўпайишини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг эски модели ўз аҳамиятини йўқотганлигини таъкидлади [17].

2015 йил 25 сентябрда Нью-Йоркда БМТнинг 193 та аъзо мамлакатлари 2015 йилдан кейин амалга ошириладиган ҳаракатлар борасида барқарор ривожланиш соҳасида Кун тартибини қабул қилишди. Башоратларга кўра мазкур дастурда қашшоқлик 2030 йилга келиб бартараф этилади ва барқарор келажак қурилади.

Янги мақсадлар ва янги вазифалар комплекс ва ажралмас характерга эга бўлиб, унинг марказида барқарор ривожланишнинг уч тамойили – иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазасини чамбарчас боғловчи ва барчани, айниқса аёллар, болалар, ёшлар ва келажак авлоднинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга бириктирилган 169 та вазифа туради [21].

Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТнинг мазкур дастурига қўшилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори қабул қилиниб, унга кўра, барқарор ривожланиш мақсадларини давлат ривожланиш дастурларига аста-секин интеграциялаш, шунингдек Барқарор ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистонда амалга оширилиши бўйича мунтазам миллий маърузалар тайёрланишини кўзда тутилган.

Миллий мақсаднинг 15.3-вазифасида эса “2030 йилгача саҳроланишга қарши кураш, емирилган ерлар ва тупроқларни, шу жумладан саҳроланиш, курғоқчилик ва сув тошқинига учраган ерларни тиклаш ва ерларнинг емирилишини нейтрал балансига эришиш” кўзда тутилган. Мазкур масалалар “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам ўз аксини топган. Унда “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш” юзасидан муҳим вазифалар белгиланган [1].

Барқарор ривожланишни концепциясини жаҳонда қишлоқ хўжалиги соҳасига (ердан фойдаланишга) татбиқ этиш натижасида *қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш концепцияси* - (sustainable agriculture) яратилди [3, 4, 5, 19].

Ушбу концепция нуқтаи-назаридан ёндашилганда, ердан фойдаланишни барқарор ташкил этиш 3 та талабга (мезонга) жавоб бериши лозим:

- ижтимоий барқарорликни таъминлаши, яъни аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш тармоқларига эса қишлоқ хўжалиги хом ашёси етказиб бериши;
- экологик жиҳатдан хавфсизликни, агрогеотизимларни барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаши, салбий деградацион жараёнларнинг ривожланишига йўл қўймаслиги;

– иқтисодий жиҳатдан унумдорликни, ишлаб чиқариш тармоқларидаги даромадни етарли миқдорда бўлишини таъминлаши керак.

Аммо, таъкидлаш керакки, барқарор ривожланиш концепциясининг бу уч таркибий қисмидаги талаблар ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди, қолаверса, узоқ вақт давомида иқтисодий мезонларга кўпроқ эътибор қаратилди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида қилинган ҳаракатлар натижасида экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий унумдорликни ошириш учун сарфланган харажатлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда, уларни ўз вақтида қоплаш, етиштирилган маҳсулот таннархини камайтириш ривожланган мамлакатлардаги асосий муаммолардан бирига айланмоқда.

**Хулоса.** Географияда турли ривожланиш қонунлари асосида фаолият юритувчи худудий-ишлаб чиқариш ва табиий-худудий тизимларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи модель яратилган [12]. Бунда ишлаб чиқариш (қишлоқ хўжалиги) ва табиий тизимларнинг ўзаро алоқаси юз берадиган жой, ўзининг табиий (иқлим, рельеф, тупроқ, сув...) ва ишлаб чиқариш (ҳайдалма ер ўтлоқ, мевазор...) унсурларига эга бўлган қишлоқ хўжалик ерларидир. Бу тизимларнинг ўзаро муносабатини мувофиқлаштириш ҳам ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Оқилона фойдаланиш мезони бўлиб эса ижтимоий-экологик ва иқтисодий унумдорлик хизмат қилади. Ер ресурсларидан фойдаланишда барқарорликни таъминлаш воситаларидан бири сифатида бир-бирига қарама-қарши бўлган худуднинг экологик ва хўжалик балансини баҳолаш ҳамда такомиллаштириш концепцияси тавсия этилмоқда [8, 11]. Бу концепцияга мувофиқ худудлардаги барқарорлик экологик ва хўжалик балансини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сонли Фармони.
3. Altieti M.A., Agroecology: The Science of Agriculture 2<sup>nd</sup> Edition Boulder: Westview Press-1995- 423 p.
4. Francis C.A., Madden J.P., Designing the Future: Sustainable Agriculture in the U. S// Agriculture, Ecosystems and Environment, 1995, №1 -4- P. 123-134.
5. O'Connell P.F., Sustainable Agriculture // Agriculture and the Environment (Yearbook of Agriculture).- Washington: USDA, 1991.- P. 175-185.
6. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М.: Наука, 1989. – 261 с.
7. Джумаев Т. Устойчивое развитие горной зоны Узбекистана (социально-экономические аспекты). Автореф. дисс. ... докт. геогр.наук. – Т., 2004. - 50 с.
8. Иванов Ю.Г., Кочуров Б.И. Характеристика эколого-хозяйственного состояния земель при землеустроительном проектировании // Проблемы охраны земель и повышение их продуктивности. – М.: 1985. - С. 113-121.
9. Карсон Р. Безмолвная весна: пер. с англ. - М.: Прогресс, 1965. - 216 с.
10. Концепция устойчивого развития // Эл. доступ: [http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija\\_i\\_ustojchivoje\\_razvitie](http://testent.ru/publ/studenty/ehkologija_i_ustojchivoje_razvitie)
11. Кочуров Б.И. Геоэкология: экодиагностика и эколого-хозяйственный баланс территории. - Смоленск: СГУ, 1999. - 154 с.
12. Крючков В.Г. Использование земель и продовольственные ресурсы. – М.: Мысль, 1987. – 231 с.
13. Кузнецова Ю.А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый, 2013. №5. - С. 339.
14. Марфенин Н.Н. Концепция устойчивого развития.// Россия в окружающем мире. Отв. ред. Н.Н.Марфенин - М.: Изд-во МНЭПУ, 2002. - 336 с.
15. Медоуз Д.Х., Медоуз Д.Л., Рендерс Й., Беренс В.В. Пределы роста. – М.: Изд-во МГУ, 1991. – 201 с.

16. Морозова В.Н. Мировая экологическая политика и международное экологическое сотрудничество // Эл. доступ: <http://txtb.ru/23/index.html>
17. Нигматов А., Кулматов Р., Расулов А., Мухамедов Ш. Барқарор ривожланиш ва унинг тизимли индикаторлари. - Т.: Spectrum Media Group, 2015. - 120 б.
18. Нигматов А. ва бошқалар. Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари. Қўлланма - Т.: Talqin, 2007. - 144 б.
19. Романова Э.П., Алексеев Б.А. Реализация концепции устойчивого развития в агроландшафтах Западной Европы. // Вестн. Моск. ун-та. Сер.5. География. 2005. №3. -С.62-68.
20. Форрестер Д. Мировая динамика. Пер. с.англ. - М.: Издательство АСТ - СПб.: Terra Fantastica, 2003. - 379 с.
21. Қосимова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари - барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасидаги ҳамкор сифатида. Ўқув-амалий қўлланма. - Т., 2018.

**Максакова Л.П.\***  
**СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ**  
**В РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация.** Работа посвящена анализу состояния социальной работы в регионах Узбекистана и возможностей использования зарубежного опыта для ее совершенствования. В данной статье социальная работа рассматривается как одной из направлений социальной защиты населения.

**Ключевые слова:** регионы, уязвимые слои, социальная работа, старение населения, услуги на дому, зарубежный опыт, современные модели, профессиональная подготовка, предложения.

**Ўзбекистон ҳудудларида ижтимоий ишнинг ҳолати ва муаммолари**

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистон минтақаларида ижтимоий ишнинг ҳолати ва уни такомиллаштириш мақсадида хорижий тажрибадан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилишга бағишланган. Унда ижтимоий иш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бир йўналиши сифатида кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** минтақалар, заиф қатламлар, ижтимоий иш, аҳолининг қариши, уйда хизмат кўрсатиш, хорижий тажриба, замонавий моделлар, касбий тайёргарлик, таклифлар.

**Status and problems of social work in the regions of Uzbekistan**

**Abstract.** In given article social work is considered as one of directions of social protection of the population. It is devoted the analysis of a condition of social work in regions of Uzbekistan and possibilities of use of foreign experience for its perfection.

**Key words:** regions, vulnerable layers, social work, ageing of the population, service in-home, foreign experience, modern models, vocational training, offers.

**Введение.** Роль и место социальной работы в системе социальной защиты населения целесообразно рассматривать в рамках социального обслуживания. Можно согласиться с определением российского исследователя этой проблемы Р.Баркера, который рассматривает социальное обслуживание как «представление конкретных социальных услуг людям для удовлетворения потребностей, необходимых для их нормального развития, людям, зависящим от других (тем, кто не может сам о себе позаботиться)» [1, с.133]. По сути дела, такой подход дает методологическое направление исследования этого вида деятельности.

В системе социального обслуживания большое место занимает социальная работа, т.е. профессиональный вид деятельности по оказанию услуг уязвимым слоям населения, нуждающимся в особой поддержке. Как профессия она зародилась на рубеже 19-20 веков. В становление и развитие ее огромный вклад внесли европейские страны. Начало этому положили Германия и Франция, затем к ним присоединились другие страны континентальной Европы.

---

\* **Максакова Людмила Петровна** - доктор экономических наук, академик Межгосударственной Академии Труда и занятости, главный научный сотрудник МНБФ «Соғлом авлод учун». E-mail: [lyudmila.maksakova@gmail.com](mailto:lyudmila.maksakova@gmail.com)



Социальная работа предполагает осуществление комплекса целенаправленных услуг уязвимым слоям населения, а также определенным группам, находящимся в зоне риска. Основными направлениями ее является оказание помощи по реабилитации инвалидов, послеоперационных больных, уход за нетрудоспособными членами семьи, а также в решении бытовых проблем. Как показывает мировой опыт, несовершеннолетним детям, гражданам, пострадавшим в результате чрезвычайных ситуаций, а также лицам с низким уровнем доходов, социальные услуги, как правило, предоставляются бесплатно, в соответствии с установленными в стране правилами, а для остальных категорий населения - за определенную плату. При этом значительная часть социальной работы приходится на обслуживание определенных категорий населения на дому, особенно медицинских услуг по поддержанию здоровья.

В мире накоплен обширный опыт работы по оказанию медицинской помощи на дому. Эта помощь осуществляется по двум основным направлениям. С одной стороны, обслуживание на дому происходит в форме дневного пребывания в стационаре, проведения периодических курсов оздоровительного лечения при сочетании услуг на дому со стационарным обслуживанием. Дневные центры социального обслуживания укомплектованы социальными работниками и специалистами требуемого профиля (психологи, терапевты, медсестры, инструкторы, средний медицинский персонал и т.д.). С другой стороны, медико-санитарное обслуживание осуществляется непосредственно на дому.

На современном этапе развития Узбекистана одной из приоритетных задач является обеспечение достойной социальной защиты населения. По мнению Президента страны Ш.М.Мирзиёева, «необходимо обеспечить соответствие модели социальной защиты, действующей в Узбекистане, общепризнанным международным стандартам и современным требованиям» [6]. В свете вышесказанного исследование процессов и проблем развития социальной работы в регионах Узбекистана видится актуальной проблемой.

**Цель и задачи работы.** Целью данного исследования является изучение состояния социальной работы в республике, анализ соответствующего зарубежного опыта и проблем профессиональной подготовки кадров для этой сферы деятельности.

**Основная часть.** В процессе социальной работы оказываются разнообразные виды услуг по бытовому обслуживанию уязвимых слоев населения: доставка обедов и продуктов на дом, купание в ванне, мытье, стрижка, стирка, смена белья, транспортные услуги, гимнастика с помощью инструктора, ремонт и благоустройство квартир и т.д. Определенная часть социальной работы направлена на приобретение этими людьми навыков и умений, которые со временем помогут им адаптироваться и в большей мере рассчитывать на собственные силы. К таким видам работ относятся обучение навыкам самообслуживания, приобретение умений приготовления пищи, пользования общественными местами.

**Мировой опыт в сфере социальной работы.** Обобщая зарубежные практики социальной работы, следует выделить работы общего профиля и специализированные. Социальная работа общего профиля предусматривает три сферы:

1. Социальная терапия на индивидуально-личностном и семейном уровне с целью социальной адаптации и реабилитации человека;
2. Социальная работа с группами, которые могут классифицироваться по возрасту (детские, молодежные, престарелые), по полу, по интересам или схожим проблемам (группы бывших заключенных, алкоголиков, наркоманов и пр.);
3. Социальная работа в общине, по месту жительства, ориентированная на расширение сети услуг, укрепление общинных связей, создание благоприятного психологического климата в местах проживания людей.

В современном мире сложились две основные модели социального обслуживания - американская и европейская. Они существенно отличаются друг от друга. Исторически системы социальной защиты зародились в Европе, и в большинстве стран – по инициативе государства, поэтому здесь сложился и до настоящего времени преобладает государственный тип социальной поддержки населения. В отличие от нее, американская модель ориентирована на всемерное привлечение частных инициатив при минимальном участии государственных структур. Обе эти модели предполагают необходимость осуществления профессиональной социальной работы, но реализация американской модели во многом зависит от материального

состояния семьи, а в европейских странах высокая степень участия государства обеспечивает больше гарантий и возможностей для поддержки своих граждан.

В Европе помощь уязвимым слоям населения оказывает широкий круг организаций, которые оплачивают расходы за предоставляемые услуги за счет государственных фондов, пожертвований отдельных граждан и гонораров, а также местные власти, которые обеспечивают большую часть социальных услуг в дневных центрах, пансионатах и общежитиях, больницах, интернатах или дневных школах.

Европейская социальная работа развивается в тесной взаимосвязи с социальной политикой, что воплощено в развитии такого понятия, как «социальное государство». На современном этапе, со снижением темпов экономического роста, старением населения в некоторых европейских странах происходит ограничение социальных программы. Для сохранения высокого уровня социальной защиты проводятся необходимые структурные преобразования, обеспечивающие улучшение экономической ситуации. Социальное законодательство европейских стран по-прежнему отличается высокой степенью участия государства в определении направлений, планировании, финансировании и проведении в жизнь социальной политики.

Специализированная социальная работа ведется на индивидуальном уровне, с привлечением специалистов в сфере занятости, здравоохранении, медико-реабилитационных службах, учреждениях образования, домах престарелых, пенитенциарных учреждениях, вооруженных силах.

Как показывают исследования, мировое население стареет. Процессы демографического старения уже охватили все развитые и целый ряд развивающихся стран. Даже в странах с молодой возрастной структурой населения эти процессы тоже обозначились. В условиях демографического старения важным направлением по оказанию социальных услуг в европейских странах является внедрение целого ряда профилактических мер по поддержанию активной жизни пожилого населения, предотвращению сугубо «старческих недугов». Во многих странах (из СНГ – в Беларуси) функционируют «Институты третьего возраста» или «Университеты третьего возраста», работающие с целевыми группами населения старше 50 лет. В них с помощью инструкторов – пожилых волонтеров- организуются компьютерные курсы, настольные игры, творческие студии, охватывающие различные виды искусств, поддержание физической активности, спортивных занятий, организация досуга (посещение общественных мероприятий, выставок, музеев, выставок, театров, кафе).

Как показывает опыт развитых стран, эффективная организация социальной работы требует создания необходимой законодательной и нормативной базы, развитой инфраструктуры, сложившейся в соответствии с национальными и историческими особенностями населения, а также системы профессиональной подготовки кадров и специалистов для такой сферы деятельности

**Социальная работа в регионах Узбекистана.** В Узбекистане уязвимые слои населения также являются объектом особой заботы и государственной поддержки. Законодательством Узбекистана определены следующие формы предоставления социальных услуг: услуги социального сопровождения и консультативные услуги, социальные услуги в учреждениях дневного и(или) кратковременного пребывания, в интернатных учреждениях и на дому [2].

Услуги по социальному сопровождению и консультативные услуги включают в себя: консультирование по вопросам предоставления социальных услуг, направление в соответствующие органы и организации, содействие в трудоустройстве, содействие в установлении опеки и попечительства, усыновлении (удочерении), принятие детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, на воспитание в семью (патронат), в детские интернат-учреждения. А также подготовку родителей или лиц, их заменяющих, к приему воспитанника детских интернатных учреждений в семью, содействие в жилищно-бытовом устройстве и получении материальной помощи, содействие в получении протезно-ортопедических изделий и технических средств реабилитации.

По данным Госкомитета по статистике, социальная защита населения имеет достаточно большие и растущие масштабы. В 2017 году численность лиц, получивших пенсии и пособия, составила 3488,9 тыс. человек, что в 1,4 раза больше, чем в 1991 году [5, с.151]. Из них 2568,3 тыс. человек получили пенсии по возрасту и 920,6 тыс. человек инвалидности, потеря кормильца, социальные пособия. Государство финансирует детские интернатные учреждения,

особое внимание уделяя домам – специальным интернатам для детей с инвалидностью [5, с.154-167].

Однако при достаточно динамичном развитии сфере социального обслуживания именно в области социальной работы имеется немало проблем, требующих своего решения. Прежде всего, при всех позитивных сдвигах масштабы социального обслуживания недостаточны, особенно на дому. По данным Госкомстата, в 2016 году в Узбекистане государственную социальную помощь на дому получили 14,7, в 2017 – 15,3 тыс. человек, а число социальных работников составило соответственно всего 2,2 и 2,0 тыс. человек (табл. 1)

Как видно из приведенных данных, по наиболее значимой абсолютной численности социальных работников выделяются регионы Ферганской долины (Андижанская, Наманганская, Ферганская области), а также Ташкентская и Самаркандская области. В то же время в отдельных регионах эти величины являются крайне малыми.

По данным Агентства по медико - социальной помощи населению, созданного при Министерстве здравоохранения Узбекистана (далее – Агенство), они оказывают услуги по бытовому обслуживанию (приобретение и доставка на дом продуктов питания, необходимых промышленных товаров и медикаментов, содействие в приготовлении пищи и уборке, осуществлении гигиены).

Таблица 1

**Число одиноких лиц и престарелых, обслуживаемых службой социальной помощи на дому, по регионам, человек**

	Число одиноких лиц и престарелых, обслуживаемых на дому		Число социальных работников, человек	
	2016г.	2017	2016	2017
Республика Узбекистан	14688	15302	2191	2024
Республика Каракалпакстан	1324	1249	209	205
Андижанская	1888	1838	292	261
Бухарская	591	596	86	90
Джизакская	130	363	48	48
Кашкадарьинская	1126	1098	187	180
Навоийская	541	524	92	88
Наманганская	2304	2480	279	279
Самаркандская	1476	1525	234	190
Сурзандарьинская	158	183	35	38
Сырдарьинская	204	355	47	48
Ташкентская	1354	1540	215	141
Ферганская	2763	2693	360	349
Хорезмская	204	231	37	35
г. Ташкент	625	627	70	72

**Источник:** Электронный ресурс. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Социальная защита населения Узбекистана, 2017 год. - Ташкент, 2018. - С. 9.

Однако и размеры социальной работы, и набор основных направлений деятельности свидетельствуют о недостаточном развитии этой сферы обслуживания (табл. 2), особенно на фоне наиболее успешных зарубежных стран. Из динамики фактических данных нельзя также делать выводы о существенных позитивных изменениях, т.к. в 2016 г. на одного социального работника приходилось 6,7 подопечных, а в 2017 г. – 7,7 человек. В отдельных регионах увеличение нагрузки на одного социального работника особенно заметно. В Ташкентской области, например, она возросла в 1,7 раза, в Джизакской – в 2,8 раза, в Сырдарьинской – в 1,7 раза и т.д. Однако, по данным Агентства за более продолжительный период (2011-2017гг.), вследствие определенных позитивных изменений нагрузка на одного социального работника снизилась с 10,5 до 7,7 человека.

Однако надо иметь в виду, что действительная потребность населения в социальном обслуживании на дому не ясна. Когда люди попадают в трудные ситуации, то эта проблема

ложится главным образом на семью. Зачастую кому-то из членов семьи приходится оставить работу, чтобы обслуживать своих родственников в сложившейся ситуации.

Следует отметить, что это направление деятельности становится все более актуальным, учитывая рост численности населения, происходящие повсеместно процессы демографического старения, а также современные подходы и повышенные требования людей к качеству жизни и социальному благополучию. Не случайно в Узбекистане недавно был принят закон «О социальных услугах для престарелых, инвалидов и других социально уязвимых категорий населения» (№ ЗРУ-415 от 26 декабря 2016 г.), регулирующий эту сферу деятельности.

Таблица 2

**Динамика обслуживания одиноких лиц и престарелых службой социальной помощи на дому, по регионам, человек**

	Темп роста числа социальных работников за 2017 год, в %		Число социальных работников на 1000 населения, человек	
	2016	2017	2016	2017
Республика Узбекистан		104,2	6,7	7,7
Республика Каракалпакстан		94,3	6,3	6,1
Андижанская		97,4	7,0	6,5
Бухарская		100,8	6,9	6,6
Джизакская		279,2	2,7	7,6
Кашкадарьинская		97,5	6,0	6,1
Навоийская		96,9	5,9	6,0
Наманганская		107,6	8,3	8,9
Самаркандская		103,3	6,3	6,5
Сурхандарьинская		115,8	4,5	4,8
Сырдарьинская		174,0	4,3	7,4
Ташкентская		113,7	6,3	10,9
Ферганская		97,5	7,7	7,2
Хорезмская		113,2	5,5	6,6
г. Ташкент		100,3	8,9	8,7

**Источник:** Электронный ресурс. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Социальная защита населения Узбекистана, 2017 год. - Ташкент, 2018. - С. 9

**Направления возможного использования международного опыта.** Исходя из своих возможностей и приоритетов, каждая страна вырабатывает собственные подходы и механизмы социального обслуживания населения. В указанном выше законе сформулированы принципы оказания социальных услуг, соответствующие условиям республики и международным практикам применения. Основными из них определены: законность, соблюдение прав человека, гуманность, доступность, профилактическая направленность, добровольность и адресность (Статья 3). Как показывают международные практики, они согласуются с основными принципами социального обслуживания очень многих стран.

В законодательстве Узбекистана предусмотрены точные механизмы выявления нуждающихся категорий граждан и предоставления им современных услуг. Оцениваются условия жизни лица, нуждающегося в социальной помощи, разрабатывается индивидуальная программа социальных услуг, ведется мониторинг ее выполнения. Результаты мониторинга являются основанием для пересмотра или прекращения индивидуальной программы.

Сравнительный анализ показал, что в республике предстоит немало усилий по совершенствованию этой сферы деятельности. Зарубежный опыт характеризуется значительно большим разнообразием и организаций, предоставляющих социальные услуги, и самих услуг. В развитых странах система социального обслуживания представлена целой сетью организаций по оказанию широкого спектра социальных услуг. Среди них стационарные, нестационарные, обслуживание на дому, системы срочного обслуживания и т.д. Спектр социального обслуживания охватывают целый ряд услуг по реабилитации людей в послеоперационный период, при тяжелых заболеваниях, ампутациях и т.д. Многие услуги оказываются на платной

основе, но они в определенной мере освобождают семью от полной ответственности за своих членов, оказавшихся в тяжелом положении. Имеются практики организации санаториев на дому, т.е. оказание больным людям из уязвимых слоев медицинских услуг на дому в течение 21-24 дней по полной программе стационарного санаторного лечения.

В процессе осуществления разнообразных видов профессиональной социальной работы происходит реализация многих функций социальной защиты населения и полноценное функционирование самого социального института системы социальной защиты.

По опыту развитых стран, в республике целесообразно всемерно усиливать внимание к вопросам реабилитации населения трудоспособного возраста, особенно молодым людям, оказавшимся в сложной жизненной ситуации. Важнейшим приоритетом в этом направлении является обеспечение эффективной работы по возвращению людей этой категории к трудовой деятельности.

В настоящее время назрела необходимость расширения возможностей предоставления социальных услуг. По мнению исследователей, махалля, являясь механизмом реализации адресной социальной политики Узбекистана, действительно осуществляет немалую работу в этом направлении, «но в условиях быстро развивающегося и модернизирующегося общества комплексное решение проблем возможно при участии социальных служб, осуществляющих профессиональную помощь нуждающимся». [4, с. 372-374]

С учетом опыта развитых стран и современных тенденций в Узбекистане целесообразно разработать и реализовать комплекс мер по укреплению всей системы социального обслуживания населения, включая социальную работу по обслуживанию уязвимых категорий населения на дому, которые становятся все более приоритетными и востребованными во многих странах.

**Профессиональная подготовка социальных работников.** С развитием социальной работы как профессии и достаточно распространенного вида трудовой деятельности возникла потребность в соответствующей подготовке кадров. Первые школы социальной работы и профессиональные организации социальных работников появились в начале XX века в Бельгии, Норвегии, Италии. В Швеции и других европейских странах в эти годы стали создаваться институты, готовившие социальных работников. Соответственно с этим расширялись масштабы и разнообразились виды социальной работы. В 1928 г. в Париже был учрежден Международный совет по социальному благосостоянию, в функции которого входила координация усилий различных стран в сфере социальной работы. В 1930-е гг. подготовку специалистов по социальной защите стали осуществлять практически все европейские страны. В них постепенно формировались национальные школы по подготовке социальных работников, с учетом культурных и национальных особенностей стран, степени зрелости и характера взаимодействия различных социальных институтов, уровня профессионального образования. В настоящее время профессиональная подготовка социальных работников приобрела огромные масштабы. Только в Европе существует свыше 500 специализированных учебных заведений и факультетов в вузах по этому направлению. Достаточное развитие они получили также в США, Канаде, Австралии, Новой Зеландии и других странах.

С распадом советской системы необходимость социальной работы как самостоятельной формы профессиональной деятельности и подготовки кадров для этой сферы возникла и в государствах СНГ. Об этом, в частности, свидетельствуют сложившиеся практики в России. В начале 90-х годов в российских вузах стала формироваться система подготовки и переподготовки специалистов с высшим образованием по специальности «Социальная работа». По данным российских исследователей, в 1994/1995 учебном году десять вузов России осуществили первый выпуск профессиональных социальных работников. В настоящее время в российских вузах по очной, заочной и очно-заочной формам обучается более 30 тыс. будущих социальных работников. В подготовке специалистов по социальной работе в России участвует более 3 тыс. преподавателей, 2/3 из них доктора и кандидаты наук, профессора и доценты.

Следует отметить, что социальная работа является достаточно сложной и эмоционально нагруженной деятельностью. Это многопрофильная деятельность, к тому же социальная работа — это работа с особым контингентом пользователей, оказавшихся в трудных жизненных ситуациях. Она предъявляет особые требования к личности специалиста. Им приходится работать как с традиционным контингентом - с детьми, инвалидами, пожилыми людьми, так и с

нетрадиционным (с большими СПИДом и их семьями, жертвами преступлений и т.д.), Поэтому подготовка специалистов для этой сферы деятельности требует обучения по целому комплексу дисциплин: социологии, педагогики, психологии, праву, медицине, теории управления. В некоторых вузах студенты по специальности «Социальная работа» изучают более широкий круг предметов, включая философию, историю, культурологию, основы деловой речи, экологию. Как правило, обучение социальной работе происходит с учетом специализации. В Испании, например, учебный план четко разделен по разным аспектам знания. В Великобритании специализация осуществляется по группам клиентов — престарелые, дети, инвалиды, люди с различными отклонениями. Продолжительность вузовской подготовки социальной работе составляет от двух до четырех лет. В США существуют три уровня подготовки социальных работников: начальный уровень, магистратура и докторантура.

Подготовка социальных работников в высшей школе происходит в тесном сотрудничестве и партнерстве с соответствующими агентствами по социальной защите населения, на его основе осуществляется последующее предоставление выпускникам рабочих мест. Продолжительность практики в Австралии, например, составляет не менее 140 дней, т. е. 980 часов, в Новой Зеландии - 120 часов.

В Узбекистане подготовка социальных работников осуществляется в Национальном Университете Узбекистана, в вузах Ферганской долины, но в относительно небольших размерах. В регионах республики проводится подготовка этих работников среднего профессионального уровня. Из-за ограниченности или отсутствия возможностей получения помощи на дому людям приходится обращаться за помощью к частным лицам, не имеющим соответствующей профессиональной подготовки.

В настоящее время к решению этой проблемы подключились международные организации. Реализуется совместный проект Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Детского фонда ООН (ЮНИСЕФ) и Колумбийского университета по обучению и повышению квалификации социальных работников. Эксперты Колумбийского университета обучили 27 специалистов. Участникам программы (педагоги высших учебных заведений и сотрудники системы социальной защиты уязвимых слоев населения) были вручены сертификаты международного образца, дающие право обучать новых специалистов работе с социально уязвимыми слоями населения. Кроме того, специалисты Колумбийского университета провели циклы тренингов по основам практики социальной работы, нацеленные на обучение методам работы с социально уязвимыми слоями населения на основе мирового опыта.

В современном мире проблема подготовки и переподготовки специалистов по социальной работе стоит все острее. С учетом специфики этой сферы деятельности возникает необходимость формирования многоступенчатой, многоуровневой системы подготовки и переподготовки социальных работников соответственно с особенностями социально – экономического и демографического состояния стран и регионов.

**Выводы.** С учетом международного опыта в Узбекистане следует уделить внимание следующим направлениям дальнейшего развития социального обслуживания населения:

- совершенствование законодательства о социальном обслуживании населения;
- создание специализированных организаций по обеспечению адаптации граждан, находящихся в трудной жизненной ситуации;
- разработка стандартов обслуживания на дому и в специализированных учреждениях;
- усиление партнерства государственных, негосударственных, благотворительных организаций и бизнеса в сфере социального обслуживания населения, в частности, по созданию специального фонда по социальной поддержке особо уязвимых слоев населения;
- расширение подготовки кадров для профессиональной социальной работы в образовательных учреждениях различного уровня, включая курсовое обучение в системе среднего профессионального образования, а также высшие учебные заведения;
- организация научных исследований в области социальной работы, с изучением возможностей использования зарубежного опыта применительно к условиям республики;
- более широкое привлечение волонтеров к работе по социальному обслуживанию населения;

- ориентация на активные формы социальной защиты, содействие вовлечению в трудовую деятельность людей с ограниченной трудоспособностью, внедрение удачных зарубежных практик социального предпринимательства;

- внедрение социальных инноваций на основе адаптации лучших зарубежных практик.

Реализация этих направлений позволит выработать соответствующие формы и методы дальнейшего совершенствования сферы социального обслуживания населения, включая социальную работу.

#### **Использованная литература:**

1. Баркер Р. Словарь социальной работы. -М.: Институт социальной работы, 1994
2. Закон Республики Узбекистан «О социальных услугах для престарелых, инвалидов и других социально уязвимых категорий населения» (№ ЗРУ-415 от 26.12. 2016 г.), Статья 13.
3. Малофеев И. В. Развитие системы социальных услуг для населения: опыт и проблемы // Учёные записки ЗабГУ. Серия: Философия, социология, культурология, социальная работа. 2012, № 4.
4. Мирзахолов Х. Т. Социальная работа: концепция, проблемы, перспективы // Молодой ученый, 2016, №5.
5. Семья в Узбекистане 2013-2017. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент, 2018.
6. Электронный ресурс: <https://uzbekistan.lv>

**Тожиева З.Н., Жалолитдинов Н.Х.\***

#### **АҲОЛИ ҚАРИШИ МУАММОСИ ВА УНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариши ва бу жараёндаги ўзгаришлар кўриб чиқилган. Аҳоли қариши демографик жиҳатларининг замонавий кўриниши баҳоланган ва улардаги ўзгаришларнинг сабаблари аниқланган. Туғилишининг пасайиши кўрсаткичлари бўйича умр кўриши давомийлиги ҳисобланган.

**Калит сўзлар:** туғилиши пасайиши, аҳоли қариши, аҳоли умр кўриши давомийлиги даражасининг индекси, демографик қариши.

#### **Проблема старения населения и её демографические аспекты**

**Аннотация.** В статье рассматриваются изменения процесса старения населения Республики Узбекистан. Оценены современные демографические аспекты старения населения и определены причины их изменения. Рассчитаны показатели ожидаемой продолжительности жизни исходя из снижения показателей рождаемости.

**Ключевые слова:** рождаемость, старение населения, индекс продолжительности жизни, демографическое старение.

#### **Problems of aging population and its demographic aspects**

**Abstract.** The article discusses changes in the aging process of the population of the Republic of Uzbekistan. The purpose of the work is to assess the current state of population aging taking into account demographic aspects and explain the reasons for its change. Life expectancy is calculated as a result of declining birth rates.

**Key words:** fertility, population aging, life expectancy index, demographic aging.

**Қириш.** Аҳоли ўртасида ўртача умр кўриш даври йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, туғилишининг пасайиши, аҳоли ёш таркибида қари ва кекса кишилар улушининг кўпайиши, келгусида аҳолининг қаришига замин тайёрлайди. Аҳоли қариши муаммоси бугунги кунда бутун дунё хамжамиятини қамараб олаётган бир пайтда унинг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечмоқда. Аҳоли қариши муаммоси давлатлар доирасида иккита демографик жараён туғилиш ва ўлим жараёнларидаги ўзгаришлар натижаси ҳисобланади. Айниқса, туғилиш даражаси кам бўлган давлатларда қарияларнинг миқдори кўпайиши, бунда аввало ўртача туғилганда кутилаётган умр кўриш даврининг узайиши туфайли, рўй беради.

---

\***Тожиева Зулхумор Назаровна** - ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудири, профессор, г.ф.д. E-mail: z\_tadjieva@mail.ru.

**Жалолитдинов Низомиддин Хусниддинович** - ЎзМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси магистранти.

Ўлим жараёнлари нисбатан паст, туғилиш камаяётган, аммо туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлиги хали юқори бўлмаган минтақаларда ҳам аҳолининг қариши муаммоси кузатилади. Аҳоли қариши билан боғлиқ муаммолар ижтимоий –иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу боисдан, мазкур глобал жараён билан шуғулланиш, унинг илмий-демографик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади аҳоли қариши жараёнининг бориши ва уни худудий-даврийлик қонунияти асосида ёритиб беришдан иборат. Ишнинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дунё миқёсида аҳоли қаришининг асосий сабаблари ва омилларини баҳолаш;
- давлатлардаги умр кўриш давомийлигидаги динамик ўзгаришларни турли даврларга ажратиш илмий асослаш;
- аҳоли қаришининг худудий жиҳатларини ва “**демографик қариш**” ҳамда “**демографик ёш**” гуруҳидаги давлатларни махсус мезонлар бўйича қариш даражасининг босқичларини ажратиш кўрсатиш.

**Асосий қисм.** Қарияларнинг миқдори, кўп ёки камлиги демографиядаги муҳим кўрсаткич бўлган туғилганда кутилаётган ўртача умр кўриш даври билан чамбарчас боғлиқ экан, аслида бу кўрсаткич қандай ифодаланиши тўғрисида тушунчага эга бўлиш лозим. “Аҳоли умр кўриш давомийлиги даражасининг индекси – бу жаҳон мамлакатларида кутилаётган ўртача умр кўриш кўрсаткичи бўлиб, у ёки бу давлатнинг ижтимоий-демографик ривожланишининг энг муҳим мезонларидан биридир” [1]. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бугунги кунда дунё мамлакатлари айнан аҳоли умр кўриш давомийлигига кўра учта гуруҳга ажратилмоқда. Биринчи гуруҳга умр кўриш давомийлиги ўсишда давом этаётган давлатлар, иккинчи гуруҳга эса умр кўриш давомийлиги инқирозга юз тутаётган, учинчи гуруҳга умуман умр кўриш давомийлигида ривожланиш бўлмаган ва бўлмаётган давлатлар. Жумладан, биринчи гуруҳга Европа ва Осиёнинг қатор ривожланган давлатлари киради. Мазкур давлатлар аҳолиси ўртасида умр кўриш давомийлиги ҳозирда энг юқори даражани ташкил этади. Масалан, Европа давлатларидаги умр кўриш давомийлигидаги динамик ўзгаришлар турли даврларда турлича ривожланган, уни тўртта даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

- Биринчи Жаҳон урушидан кейинги пайтдаги аҳоли умр кўриш давомийлигидаги ўсиш;
- баъзи давлатларда аста секинлик билан умр кўриш давомийлигида пасайиш;
- бозор ислохотларининг бошланғич даврида умр кўриш давомийлигидаги сезиларли қисқариш;
- трансформацион инқироздан чиқиш ва оқибатда умр кўриш давомийлигида кўтарилиш рўй бериши, айрим давлатларда бу унчалик сезиларли бўлмади.

Мазкур ривожланиш босқичларини босиб ўтган Европа давлатлари бугунги кунда қариялар салмоғи энг кўп, аҳолиси узоқ умр кўрувчи давлатларга айланди. Аҳолисининг умр кўриш давомийлигига кўра Швейцария, Нидерландия, Лихтенштейн, Люксембург, Франция, Германия в.х. каби қатор Европа давлатларида аҳолининг туғилганда кутилаётган умр кўриш даври 80 ёшдан баланд [3]. Фақатгина Шарқий Европа давлатлари аҳолисида бу кўрсаткич 80 ёшга етмайди. Шунингдек, Жанубий Европа давлатларидан Босния ва Герцеговина, Хорватия, Косово, Македония давлатларида ҳам туғилганда кутилаётган умр кўриш даври 80 ёшдан паст, қолган барча давлатларда унинг даражаси жуда юқори. 65 ёш ва ундан юқори ёшдагиларнинг жами аҳолидаги ҳиссаси ҳам айнан шу давлатларда энг кўп. Масалан, шимолий, ғарбий ва шарқий европа мамлакатларида 65 ёшдагиларнинг жами аҳолидаги улуши 15 фоиздан баланд (Энг кўпи Монокода 26 фоиз, Германия 21 фоиз, Италияда 23 фоиз, 2018 й.). Ушбу давлатлар аҳолисини тўлалигича демографик жиҳатдан кексайган дейиш мумкин. Шу жиҳатдан, бу давлатлар ижтимоий-демографик сиёсати марказида қарияларга алоҳида эътибор қаратиш, улар муаммоси билан шуғулланиш муҳим ўрин тутади ва бу борада жуда катта тажрибага эга.

Иккинчи гуруҳ давлатларига, яъни умр кўриш давомийлиги инқирозга юз тутган давлатларга яққол мисол сифатида Россияни келтириш мумкин. Россиядаги умр кўриш давомийлигидаги инқироз ўтган 20-асрнинг 60-йилларидан бошланган. Қисқа муддатдаги умр кўриш давомийлигидаги ўсиш 1986-1988 йилларда ичкиликка қарши оммавий кураш билан бошланган даврга тўғри келади. 1990 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида бирдан ўлим жараёнида кўпайиш ҳодисаси кузатилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу давлат аҳолиси умр кўриш давомийлиги динамикасига иккита салбий ҳодиса ўзининг таъсирини



сезиларли кўрсатган. Булар 1990 йиллардаги ижтимоий - иқтисодий инқироз, иккинчиси ўлим ҳодисасидаги ўсиш. Қолаверса, экспертларнинг берган баҳосига кўра, Россиянинг умр кўриш давомийлигидаги қолоқлигида бугунги кунда аҳоли ўртасида даромадларнинг тенг тақсимланмаганлиги ҳам сабабдир. Аммо шунга қарамасдан, аҳолиси ёш таркибида 65 ёшдан ошганларнинг жами аҳолидаги улуши 2018 йилда 14 фоизга тенг бўлмоқда [2]. Бу борада, Россияни бугунги кунда аҳоли қариш даражасини белгилловчи махсус мезонларга кўра, “**демографик қариш**” гуруҳига киритилади.

Учинчи гуруҳга умуман умр кўриш давомийлигида ривожланиш бўлмаган ва бўлмаётганга, бу Африканинг қатор давлатларини келтириш жоиз. Бу ҳудуддаги Сомали, Жанубий Судан, Танзания, Уганда, Замбия, Ангола, Камерун, Марказий-Африка республикаси, Чад, Конго, Конго Демократик республикаси, Экваториал Гвинея каби давлатларидаги аҳоли ўртасида туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлиги 60 ёшга ҳам етмайди. Айтилган вақтда бу давлатлар аҳолиси ўртасида 65 ёшдан ўтганларнинг жами аҳолидаги улуши 2-3 фоизни ташкил этади холос [3]. Демографик мезонларга кўра, Африка давлатлари аҳолисини қариш даражасига кўра “**демографик ёш**”, деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Осиё мамлакатлари ичида ҳам аҳолисининг умр кўриш давомийлиги йилдан -йилга ортиб бораётган ривожланган биринчи гуруҳга кирувчи давлатлар мавжуд. Фақатгина Хитой – Гонконг, Хитой – Макао ва Японияда умр кўриш давомийлиги 80 ёшдан баланд ҳамда қариялар улуши кўплиги жиҳатдан биринчи гуруҳга киритиш мумкин [3]. Қолган биронта Осиё мамлакатада аҳолисининг умр кўриш давомийлиги 80 ёшга етмайди. Қарияларнинг улуши ҳам 3-5 фоиз батрофида. Осиёнинг Марказий қисмида жойлашган Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ҳам борган сари 65 ёшдан ошганлар салмоғи кўпайиб, аҳоли ўртасида узок умр кўрувчилар миқдори ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳар доим жамиятда инсонларни битта савол мунтазам қизиқтириб келади, яъни инсон ўзи ўртача қанча умр кўриши мумкин ёки ўлимнинг ўртача ёши қандай? Агар сўз аҳолининг умр кўриш давомийлиги тўғрисида гап кетса, ҳар иккала савол ҳам нотўғри. Ўлганларнинг ўртача ёши кўп жиҳатдан аҳоли ёш таркибига боғлиқ, қайсики, ўз навбатида, туғилиш даражаси ва бошқа қатор омиллар билан аниқланилади. Ҳаммага маълумки, мамлакатда туғилиш даражаси ўсиб борар экан, бир вақтда болалар ўлими ҳам бараварига кўпайиб боради, натижада, шу билан бир вақтда ўлганларнинг ўртача ёшида ҳам пасайиш кузатилади.

Биобарин, демография фанида ўлганларнинг ўртача ёшини аниқлашда ўлимнинг ёш бўйича коэффициентидан фойдаланилади. Ўлимнинг ёш бўйича коэффициенти, бу шу йилдаги маълум бир ёшдаги кишилар ичида ўлганлар сонини йил ўртасидаги шу ёшдаги ҳаёт бўлган, яъни тирик кишилар миқдорига нисбати орқали аниқланилади. Одатда бундай коэффицентларни ҳисоблашда беш йиллик ёш гуруҳлари олинади. Масалан, 2017 йилдаги 40-44 ёшдагилар ичида ўлганлар сонини 2017 йил 1 июлдаги шу ёшдаги тириклар сонига нисбати орқали ҳисобланади. Айнан шу ўлимнинг ёш бўйича коэффицентидан фойдаланиб ўлим жадвали тузилади. Ўлим жадвали ҳар 100 000 туғилгандан маълум бир ёшгача қанчаси яшашлиги тўғрисида энг мукаммал тўғри жавобни беради. Аниқроқ қилиб айтганда, аҳолининг умр кўриш давомийлигини топишда фақат ва фақат ўлим жадвалига асосланилади. Мисол сифатида Ўзбекистон аҳолисида аёллар учун 2016-2017 йиллардаги ўлим жадвали (1-жадвал)ни келтирамиз.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аёллар ўлими жадвали, 2016-2017 йил**

Ёш гуруҳлари	X-ёшгача яшаш эҳтимоли $x_i$	X-ёшда ўлганлар сони $(x_i, x_{iK1})$	X-ёшгача яшайдиганлар сони $(x_i, x_{iK1})$	X- ёш ва ундан катта ёшдагилар сони $x_i$
$x_i$ to $x_{iK1}$	$l_x$	$d_x$	$L_x$	$T_x$
0-1	100000	956	99127	7485746
1-2	99044	177	98955	7386619
2-3	98867	86	98823	7287664
3-4	98780	52	98755	7188841

Муаллифлар томонидан бажарилган ҳисоб китоблардан намуна сифатида келтирилмоқда.

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 2016-2017 йилларда 100 000 та туғилгандан бир йилдан сўнг 99044 киши тирик қолган бўлса, 956 та киши ҳаётининг биринчи йилидаёқ вафот этишган. Яна бир йилдан кейин эса 99044 та бир ёшгача тирик қолганлардан 98867 та киши тирик яшаб қолишган (1-жадвалга қаранг) ва бошқалар. 2016-2017 йилларда 100 000 та тирик туғилганларнинг йилма – йил, аста – секинлик билан ўлим ходисаси туфайли сони камайиб бориши рўй беради. Жадвалдаги  $d_x$  берилган ёшдаги ўлганлар сонининг шу ёшгача яшаб қолганларга нисбатини ифодалаб, йил давомидаги мазкур ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим эҳтимолини кўрсатиб беради,  $t_x$  катталиқ эса  $X+1$  ёшгача яшаганлар сонининг  $X$  ёшгача бўлганлар сонига нисбатини билдириб, шу йил давомида мазкур ёшдагиларнинг тирик қолиш эҳтимолини тасвирлайди [5].

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида аҳолининг ўртача умр кўриш даври аниқланади. Бу албатта жуда мураккаб ҳисоб - китобларни талаб этади, аммо мамлакат ижтимоий – иқтисодий ҳолатини белгиловчи муҳим мезон ҳисобланмиш туғилганда кутилаётган умр кўриш даврини аниқлашда, айнан шу аҳолининг ўлим жадвалига таянилади. Бинобарин, 2016-2017 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриш даври 72 ёшни ташкил этди дейдиган бўлсак, бу 2016-2017 йилларда туғилганлар ўртача 73 йил яшайди дегани бўлади [3], бунда албатта шу йилдаги аҳоли ўлими даражасидан келиб чиқилади. Аҳоли ўлимининг ҳар қандай даражаси пасайиши келгусида ўртача умр кўриш даврининг узайишига олиб келади. Худди шу тахлитда маълум бир ёшга етганларнинг ҳам кутилаётган ўртача умр кўриш даврини аниқлаш мумкин.

**Хулоса.** Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикаимиз аҳолиси ўртасида ўлим даражасининг барча ёш ва гуруҳлардаги пасайиши, туғилганда кутилаётган умр кўриш даврининг узайишидаги муҳим омиллардан эканлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, аҳоли ўртасида кексаларга алоҳида давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, аҳоли турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар барча – барчаси аҳоли ўртасида ўртача умр кўриш давомийлигининг ортишига хизмат қилмоқда. Бугунги демографик жараёнлар натижасидан келиб чиқиб, аҳоли қариши билан боғлиқ боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида демографик қариш билан боғлиқ демографик хавф-хатарларга тайёр туриш лозимлигини тақозо этади. Бу эса аҳоли сиёсатида қарияларга алоҳида эътибор бериш, Ўзбекистон ижтимоий-демографик сиёсати марказида аҳолининг юқори ёшдаги қатлами ҳамиша диққат марказида бўлиши кераклигини, аҳоли қариши билан боғлиқ тадқиқотларнинг ҳудудлар кесимида олиб бориш заруриятини кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014.- 238 б.
2. Клулт М.А. Демография регионов Земли. – СПб.: Питер, 2008. – 291 с.
3. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – 276 б.
4. Population Reference Bureau. 2018 World Population Data Sheet, Population Reference Bureau. World Population Data 2018.
5. Tojiyeva Z.N. Mortality and life expectancy rates of population of the republic of uzbekistan in the years after independence // European science review. Scientific journal № 3-4, 2016 (march-april). – Vienna, 2016. - P. 24-27.

**Назаров М.И., Жумаев Х.Х., Умарова М.Х.\***

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САЛОҲИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада вилоятнинг сайёҳлик рекреация ресурслари салоҳияти моддий маданий мерос ёдгорликлари мисолида, шаҳар ва қишлоқ туманлари миқёсида таҳлил қилинган.

---

\***Назаров Маматқодир Исматиллаевич** – ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти, г.ф.н.

**Жумаев Хайрулла Хайитович** – Қарши давлат университети география кафедраси ўқитувчиси.

**Умарова Махбуба Хамроевна** – Термиз давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси.

**Калит сўзлар:** сайёҳлик, рекреация, рекреацион ресурслар, маданий мерос, сайёҳлик инфратузилмаси.

**Потенциал развития культурно-исторического туризма в Кашкадарьинской области**

**Аннотация.** В статье проанализирован туристский потенциал Кашкадарьинской области на примере культурно-исторических достопримечательностей в разрезе городов и сельских районов.

**Ключевые слова:** туризм, рекреация, рекреационные ресурсы, культурное наследие, туристская инфраструктура.

**The potential of the development of cultural-historical tourism in Kashkadarya region**

**Abstract.** In the article on the example of material cultural-historical heritage the tourist and recreational potential of the Kashkadarya region in the context of cities and rural areas is analyzed.

**Key words:** tourism, recreation, the recreational resources, cultural heritage, tourist infrastructure.

**Кириш.** Ҳар қандай мамлакатнинг ҳар томонлама, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг ички минтақаларининг мутаносиблигини таъминлашда, энг аввало ҳудудларнинг табиий-ресурс, демографик, транспорт – коммуникация, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон ҳўжалиги тараққиётининг бугунги даврига келиб, турли мамлакатлар ва халқлар ҳаётида, уларнинг ривожланиш даражасини белгилашда, нафақат анъанавий бирламчи ва иккиламчи сектор ҳўжалик тармоқлари, балки тез ривожланиб бораётган ҳамда минтақалар, мамлакатлар иқтисодиётига шиддат билан кириб бораётган учламчи сектор, яъни хизматлар соҳасининг роли ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги даврда хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар миллий иқтисодиётининг етакчи жабҳасига, ялпи ички маҳсулотнинг асосий яратувчисига айланишга улгурди. Улар таркибий жиҳатдан ўта турли-туманлиги, катта меҳнат салоҳиятини жамлай олиши ва банд қилиши, бевосита аҳолининг турмуш шароитлари ва фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борада туристик-рекреацион хизматларнинг алоҳида мавқе ва аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигини яққол кўриш мумкин.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур тадқиқотнинг бош мақсади мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутган Қашқадарё вилоятининг маданий тарихий сайёҳлик ресурс салоҳиятини таҳлил қилиш ва унинг минтақавий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Асосий қисм.** Сўнгги даврларда жаҳон ҳўжалигида кечаётган жараёнлар, чунончи туризм ва рекреациянинг шиддат билан ривожланиши тенденциялари турли минтақа ва мамлакатлар қатори Марказий Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти, Президент Ш.Мирзиёев томонидан ушбу соҳани ривожлантиришга бўлган кучли эътибор, қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек туристларни жалб қилиш ва туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш билан боғлиқ ўзгаришлар бунинг ёрқин исботидир.

Аммо, шулар билан бирга, ҳозирда Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозоридаги мавқеини, унинг мавжуд улкан сайёҳлик-рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасини юқори дейиш мушкул. Республикамиз улкан сайёҳлик салоҳияти ва имкониятларига эга бўлишига қарамасдан, таклиф этилаётган турмахсулотлар ҳажми, бу борада айниқса ички минтақа ва вилоятларнинг иштироки даражасини суст эканлиги кўзга ташланади.

Агарда, мамлакатимиз ҳудудини мавжуд сайёҳлик - рекреация ресурслари салоҳиятига кўра шартли уч гуруҳга (интенсив фойдаланилаётган, экстенсив фойдаланилаётган, фойдаланилмаётган) ажратилса, бунда интенсив фойдаланилаётганлари кам улушни, экстенсив фойдаланилаётганлари ва деярли фойдаланилмаётганлари эса катта улушни ташкил қилади. Бинобарин, вилоятлар турлича сайёҳлик - рекреация ресурслари салоҳиятига эга бўлиши билан бирга, улар туристик - рекреацион фаолиятга турлича даражада тортилган. Ҳозирда эса республикамиз сайёҳлик фаолиятининг шаклланиб улгурган етакчи ҳудудий вектори – бу, асосан “Тошкент – Самарқанд – Бухоро - Хива” йўналиши бўлиб қолмоқда.

Турли минтақа ёки ҳудудларнинг сайёҳлик – рекреация салоҳиятини тадқиқ қилишдан аввал, уларнинг замонавий мазмуни, таркиби ҳамда ривожланишининг географик жиҳатларини

аниклаб олмоқ муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Аввало, салоҳият тушунчаси ҳақида тўхталар эканми, у турли манбаларда кўпроқ *захира, имконият, восита* маъносига эга эканлигини, қайсидир бир мақсад ва вазифани хал қилишда фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади [2]. Шулар билан бирга, салоҳият тушунчасининг моҳиятини моддий асоссиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мавжуд адабиётларда ҳудудларнинг сайёҳлик ёки рекреация салоҳияти борасида турлича қарашлар ўз аксини топган. Жумладан, В.И.Кружалин ва бошқаларнинг фикрича, ҳудудларнинг рекреация ресурслари салоҳияти – бу, рекреациянинг ривожланишини фаоллаштирувчи, таъминловчи рекреацион (табiiй, маданий-тарихий) ресурсларнинг ҳудудий уйғунлиги ва шарт-шароитлари сифатида тушунилади [1, Б. 68-69].

Ҳудудларнинг туристик-рекреация салоҳияти деганда эса юқоридаги муаллифлар, аҳолининг туристик – рекреацион фаолиятга бўлган эҳтиёжларини кондиритишга қаратилган туристик-рекреацион ресурслар ва уларнинг ҳудудий уйғунлигини тушунадилар.

Кўпчилик муаллифлар томонидан ҳудудларнинг туристик-рекреацион ресурслар салоҳияти уч гуруҳга (табiiй, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий) ажратилса, В.И.Кружалин ва бошқалар [1] томонидан 4-чи яъни ахборот туристик-рекреацион ресурслар гуруҳи ҳам ажратилади.

Бинобарин, **табiiй сайёҳлик рекреация ресурслари** ўз ичига иқлим, сув ресурслари (дарё, кўл, сойлар, шаршара, сув омборлар), ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиат ёдгорликлари ва табиат қўриқхоналари, гўзал ландшафтларни қамраб олса, **маданий-тарихий сайёҳлик рекреация ресурсларига** - *археологик ёдгорликлар* (эски шаҳарлар қолдиқлари, кўрғонлар, қадимги аҳоли пунктлари қолдиқлари, истехкомлар, каналлар, йўллар, қадимги қабристонлар, тош хайкаллар, қояга туширилган расмлар, қадимги нарсалар); *тарихий ёдгорликлар* (бинолар, иншоотлар, муҳим тарихий воқеалар билан боғлиқ жойлар ва нарсалар, фан-техниканинг ривожланиши ёки халқларнинг маданияти, турмуши, машҳур инсонларнинг ҳаёти билан боғлиқ жойлар ва предметлар); *шаҳарсозлик ва архитектура* (архитектура ансамбллари ва мажмуалари, шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларининг тарихий марказлари, майдонлари, кўчалари, қадимги шаҳарлар режалари ва қурилишларининг қолдиқлари, фуқаролик, саноат, ҳарбий, диний архитектура, халқ меъморчилиги ёдгорликлари ва б.); *санъат* (монументал асарлар, тасвирий санъат, декоратив ва амалий санъат ва б.); *документал ёдгорликлар* (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино-фотоҳужжатлар ва овоз ёзишлар, шунингдек, қадимги қўлёзмалар ва архивлар, фольклор ва мусиқа ёзувлари, ноёб босма нашрлар ва б.); *бошқа объектлар* (музейлар, кўрғазмалар, театрлар, оригинал саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари, спорт иншоотлари, ботаника боғлари ва б.), **ижтимоий-иқтисодий сайёҳлик рекреация ресурсларига** -ҳудуднинг транспорт қулайлик даражаси, транспорт тўрининг ривожланганлик даражаси, иқтисодий-географик ўрни, аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ва таълимий ресурслари, ахборот ресурслари, молиявий ресурслар, бошқарув ресурслари, туризм инфратузилмаси (меҳмонхоналар, мотеллар), туристик базалар, савдо ва овқатланиш корхоналари, транспорт корхоналари, туристик анжомлар прокати, туристик йўлланмаларни сотиш пунктлари, туристик клублар, туристик станциялар ва бошқалар киритилган.

Мазкур тадқиқотда эса асосий эътибор Қашқадарё вилоятининг маданий тарихий сайёҳлик рекреация ресурслари салоҳияти, вилоятнинг моддий маданий тарихий мерос объектлари мисолида ўрганишга қаратилган. Бунда уларнинг тури (археологик, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлар), сони, жойлашуви, тоифаси (махаллий, республика), шаҳар ва қишлоқ туманларининг сайёҳлик рекреация ресурслари салоҳияти тадқиқот объекти сифатида олинган.

Тадқиқ қилинаётган Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ҳудуди 28,57 минг км.кв.ни (6,3 %) ташкил қилгани холда, аҳолиси 3148,4 минг кишига (9,6 %) тенг. Вилоят маъмурий ҳудудий жиҳатдан 13 та қишлоқ тумани, 12 та шаҳар ва 117 та шаҳарчалардан иборат.

Вилоятнинг табiiй географик хусусиятлари, аҳоли жойлашуви тизимлари характери, хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, энг аввало, унинг ер юзаси тузилишига (текислик, тоғолди, тоғ), гидрографик тўри, айниқса ерларнинг ўзлаштирилиши билан чамбарчас боғланган. Шулардан келиб чиқиб, тарихан вилоят ҳудудида иккита ўзига хос

маданий тарихий минтақа шаклланган. Булар, эски ўзлаштирилган Китоб-Шаҳрисабз гуруҳ туманлар ҳамда янги ўзлаштирилган Қарши зонаси гуруҳ туманлар.

Агарда, Қарши зонаси (Қарши шаҳри – вилоятнинг маъмурий, иқтисодий, фан ва маданият марказидир) вилоятнинг жануби-ғарбий текислик – чўл қисмида жойлашган бўлса, Китоб-Шаҳрисабз зонаси вилоятнинг шимолий-шарқий ва шарқий тоғолди, тоғ худудларини қамраб олган.

Қишлоқ туманлари ўзининг худуд ва демографик салоҳияти, хўжалик ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш салоҳияти, ривожланиш даражаси ва шунингдек сайёҳлик рекреация ресурслари салоҳиятига кўра бир – биридан фарқ қилади. Улар орасида Китоб-Шаҳрисабз гуруҳ туманлар туристик-рекреацион салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради.

1-жадвал

**Қашқадарё вилояти моддий маданий сайёҳлик рекреация  
объектларининг шаҳар ва қишлоқ туманлари бўйича худудий таркиби  
(2019 йил ҳолатига)**

№	Шаҳар ва туманлар	Жами		Археология ёдгорликлари		Архитектура ёдгорликлари		Монументал санъат ёдгорликлари	
		сони	тойфаси	сони	тойфаси	сони	тойфаси	сони	тойфаси
1	Қарши шаҳри	59	53/6	28	28/0	24	18/6	6	6/0
2	Дехқонобод тумани	40	36/4	33	33/0	4	1/3	2	2/0
3	Касби тумани	95	90/5	79	79/1	11	6/5	3	3/0
4	Китоб тумани	158	8/150	135	4/131	16	1/15	3	3/0
5	Косон тумани	92	83/9	76	76/0	11	2/9	4	4/0
6	Миришкор тумани	18	11/7	9	9/0	6	0/6	2	2/0
7	Муборак тумани	8	6/2	2	2/0	3	2/1	2	2/0
8	Нишон тумани	7	6/1	3	3/0	1	0/1	3	3/0
9	Чироқчи тумани	77	50/27	56	40/16	16	7/9	3	3/0
10	Шаҳрисабз шаҳри	58	50/8	29	29/0	24	16/8	5	5/0
11	Шаҳрисабз тумани	159	132/27	138	132/6	19	0/19	-	-
12	Яккабоғ тумани	237	185/52	195	157/38	38	26/12	2	2/0
13	Қамаши тумани	66	63/3	59	59/0	3	1/2	1	1/0
14	Қарши тумани	128	113/15	105	105/0	15	2/13	4	4/0
15	Ғузур тумани	109	100/9	94	94/0	9	3/6	3	3/0
	Вилоят бўйича:	1311		1041		200		43	

Бинобарин, моддий-маданий мерос ёдгорликлари (археологик, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлар) бўйича қишлоқ туманларининг салоҳияти, аввало уларнинг жойлашган ўрнига, табиати, аҳолининг зич ёки сийрак жойлашувига, айниқса бой тарихий ўтмишига, шунингдек ерларнинг қадимдан ўзлаштирилиши ва аҳолининг яшаб келиши билан чамбарчас боғланган. Масалан, табиий-географик шароити қулай, ранг-баранг ҳамда аҳоли қадимдан зич яшаб келган Китоб-Шаҳрисабз гуруҳ туманларда (Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб туманларида) моддий-маданий мерос ёдгорликлари сони кўп, турли-туман бўлса, аксинча, вилоятнинг янги ўзлаштирилган қишлоқ туманларида (Нишон, Муборак, Миришкор) уларнинг сони ва турлари камлиги билан ажралиб туради.

2019 йил январ ҳолатига Қашқадарё вилоятида жами 1311 та моддий маданий тарихий мерос ёдгорликлари (объектлари) рўйхатга олинган. Шулардан, 1041 таси – археологик ёдгорликларга, 200 архитектура, 43 монументал санъат ёдгорликларига, 27 диққатга сазовор жойларга тўғри келади. Улар вилоятнинг шаҳар ва қишлоқ туманлари бўйича турлича жойлашган.

1-жадвал маълумотларидан маълум бўладики, ҳақиқатдан ҳам вилоятнинг маданий тарихий моддий мерос салоҳияти юқори бўлган қишлоқ туманлари қаторига Яккабоғ (237 та), Шаҳрисабз (159 та), Китоб (158 та) туманлари мансуб. Улар бу борада вилоятнинг 42,2 %

Показатели проведенного исследования ярко свидетельствуют о том, что большинство людей не только изменили, отношение к своему здоровью после начала семейных отношений, но и поддерживают здоровый образ жизни.



**Рис. 1. Результаты опроса респондентов на вопрос, какой фактор в настоящее время является наиболее значимым**

Очевидно, что среди значимых факторов введения здорового образа жизни, как и риска приобщения подростков к табаку и алкоголю – комплекс семейных факторов. Одним из подтверждающих факторов важности и значимости здоровья жизни любого человека, как и здоровья семьи сами за себя говорят результаты ответов на вопрос: «Какой из факторов в

настоящее время является наиболее значимым для вас лично». Значительное число респондентов ответило, что хотели бы обладать крепким здоровьем и прожить долгую жизнь в кругу своей семьи и близких – 64 %. Вторая часть респондентов выбрало ответ «иметь крепкую семью, детей и внуков» - 31 % (рис. 1).

По результатам социологического опроса можно с уверенностью сделать вывод о том, что повышение значения семьи в дальнейшем развитии духовных основ общества, усиления внимания и заботы со стороны государства и общества в решении проблем повышения материального благосостояния каждой семьи, является основным приоритетом в нашей стране.

Анализ результатов анкетирования подростков показал недостаточный уровень заинтересованности учащихся в здоровом образе жизни, отсутствие стремления в отказе от вредных привычек (37 %). Нет достаточно сформированной внутренней мотивации к здоровому образу жизни, учащиеся не видят причинно-следственных связей между своим поведением и собственным развитием и здоровьем (17%). Основную информацию о здоровье и факторах, его определяющих, получают в школе (62% во всех регионах), роль же родителей в информировании и формировании установок на ведение здорового образа жизни недостаточна (34%). В связи с этим, как никогда актуальным, становится вопрос разработки здоровьесформирующего подхода в процессе школьного обучения.

Анализ результатов анкетирования женщин фертильного возраста показал, что женщины хорошо осведомлены о ЗОЖ, но ведение и соблюдение всех параметров ЗОЖ не выполняются. На это влияет многие факторы, в том числе и материальные.

**Выводы.** В результате обследования демографии и здоровья выявили населения, которые нерегулярно пользуются услугами здравоохранения, помогли уточнить многие специфические результаты по здоровому образу жизни, питанию и оказанию услуг населению, санитарии, гигиене и др. Подобные обследования среди населения, обследование бюджетов семей и влияние экономического благосостояния на здоровье и качество населения даёт возможность составить программы по выводу из бедности и организовать адресную социальную помощь.

В связи выше изложенными данными нами были выработаны следующие практические рекомендации и предложения:

1. Семья призвана в раннем детстве заложить основы здорового образа жизни. Дети усваивают образ жизни родителей, их привычки, их отношение к жизни, в том числе к физической культуре. Положительный пример родителей существенно влияет на формирование у детей стремления заниматься физической культурой в свободное время всей семьей. Формы могут быть разными - туристические походы пешком, игры, участие в коллективных соревнованиях и т.д.

2. Создание у граждан мотивации к личной ответственности за своё здоровье. Этому в первую очередь способствует пропаганда здорового образа жизни, целенаправленное распространение информации, прежде всего через массовые источники информации с целью воздействия на общественное мнение и формирование интереса у различных групп населения к занятиям физической культурой и спортом и соблюдение здорового образа жизни.

3. Проведение просветительской работы среди населения, включая детей, подростков и молодежь, направленной на борьбу с социально значимыми заболеваниями, таким, как алкоголизм, наркомания, токсикомания. Широко использовать средства массовых информационных, включая Интернет, теле- и радиовещание, социальную рекламу, переориентировав эти информационные потоки на здоровый образ жизни.

4. Развитие волонтерской основы проведения профилактической работы. Обучение волонтеров-подростков приемам ведения профилактической работы на улице, в неформальных подростковых группах (лекции, игры, тренинги, консультирование по результатам «уличной» работы и т.п.); содействие деятельности молодежных общественных организаций по противодействию злоупотреблению ПАВ, пропаганде здорового образа жизни в подростковой и молодежной среде (организационная, информационная, методическая и другая помощь).

5. Создание и дальнейшее развитие спортивных клубов во всех видах и типах образовательных учреждений.

6. Формирование у молодого поколения «моду» на здоровый образ жизни. Разработка и распространение буклетов и брошюр по ведению ЗОЖ, содержащих конкретные рекомендации для каждой целевой группы населения. статей.

**Использованная литература:**

1. Баженова Е.С. Проблемы народонаселения Китая. - М., Прогресс, 1990.
2. Введение в демографию / Под ред. В.А. Ионцева и А.А. Саградова. - М.: ТЕИС, 2003.
3. Завьялов А.Н. Формирование здорового образа жизни молодежи в современной России. Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – М., 2013.
4. Мироедов А.А. Качество жизни в статистических показателях социально-экономического развития // Вопросы статистики, 2008, № 12
5. Шок Н.П. Социальная политика в отношении молодой семье как фактор социальной стабильности в РФ // Ученые записки Российского государственного социального университета. 2009. № 10.
6. Материалы государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.
7. Jeffers L.W., Dobos J. Communication and Public Perceptions of the Quality of Life. New Dimensions in 3. Marketing. Quality-of-Life Research. / ed. by M.J. Sirgy, A. Coskun Samli. – Connecticut, 1995.
8. Power T.W. The Economic Value of the Quality of Life. – Boulder, CO, 1980.

**Рўзметов Д.Р., Рўзметов И.Р., Қурбонов Ш.Б.\***

**ЕНГИЛ САНОАТДА ХОМ АШЁ ВА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МУАММОЛАРИ**

**Аннотация.** *Енгил саноат тармоқларини жойлаштиришида хом ашё ва меҳнат ресурслари омиллари асосий саналади. Шу туфайли мақола Ўзбекистоннинг замонавий шароитида енгил саноатда хом ашё ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги айрим муаммоларни тадқиқ этишига бағишланган.*

**Калит сўзлар:** *енгил саноат, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари, хом ашё, ишчи кучи, истеъмол, социал регуляторлик функцияси.*

**Проблемы использования сырьевых и трудовых ресурсов в легкой промышленности**

**Аннотация.** *В легкой промышленности сырьё и трудовые ресурсы являются основными факторами их размещения. Статья посвящена некоторым проблемам рационального использования сырьевых и трудовых ресурсов в современных условиях Узбекистана.*

**Ключевые слова:** *легкая промышленность, текстильная промышленность, факторы размещения производства, сырьё, рабочая сила, потребление, функция социального регулятора.*

**Problems of the use of raw materials and labor in light industry**

**Abstract.** *In light industry, factors of raw materials and labor are considered the main factors of accommodation. The article is devoted to some problems of rational use of raw materials and labor resources in modern Uzbekistan.*

**Key words:** *light industry, textile industry, factors of distribution of production, raw materials, labor, consumption, function of the social regulator.*

**Кириш.** Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этиш турли омилларга боғлиқ. Жамият, фан-техника тараққиёти, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан омилларнинг таъсирчанлиги ҳам ўзгара боради. Фан-техника инкилоби чуқурлашиб бораётган ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш тобора илм-талаб ва серхаражат бўлиб бормокда. Замонавий технологиялар ва конъюктура ишлаб чиқаришни тобора камхарж, малакали ишчи ва фанталаб бўлишига олиб келмокда. Ушбу ҳол саноатнинг эски анъанавий хом ашё ва меҳнатталаб тармоқлари, жумладан, енгил саноат тармоқлари жойлашинишига таъсир этувчи омилларнинг маълум даражада турланишига олиб келган.

\***Рўзметов Дилшод Рузимбоевич** – Хоразм Маълум академияси илмий котиби, Урганч давлат университети Геодезия, картография, география кафедраси доценти, г.ф.н. e-mail: ruzmetovd\_77@mail.ru

**Рўзметов Ибрат Рузимбоевич** – Хоразм вилояти Шовот тумани 19 умумий таълим мактаби география фани ўқитувчиси;

**Қурбонов Шухрат Бекметович** – ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти в.б., PhD.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Енгил саноатни худудий ташкил этишда асосий ўрин тутувчи хом ашё ва меҳнат ресурсларининг “омилчанлиги”нинг замонавий турланишини таҳлил этиш ушбу ишнинг мақсади саналади.

Бозор муносабатлари шароитида республика енгил саноати хом ашё базасидаги ўзгаришлар, техника ва технологиялар тез ривожланиб бораётган ҳозирги даврда меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги худудий муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш тадқиқотнинг вазифалари сифатида белгиланган.

**Асосий қисм** Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, табиий ва ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, енгил саноат хом ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Технологияларнинг такомиллашиб, алмашилиш муддатларининг қисқара бориши етакчи мамлакатларда замонавий технология, малакали кадрларга таянган ишлаб чиқаришни сақлаб қолган. Хом ашё ва меҳнатталаб, қуйи, эски саноат босқичлари ҳамда тармоқлари эса ривожланаётган мамлакатларга кўчирилган. Шу жумладан, енгил саноат ҳам хом ашёси ва арзон ишчи кучи мавжуд мамлакатларда (Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон ва ҳ.к.) мазкур тармоқ юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Улар ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ анъанавий енгил саноат марказлари бўлган Европа ва Америка давлатларини жаҳон бозоридан сиқиб чиқарди. Жаҳоннинг етакчи (пост)индустриал мамлакатларида енгил саноатнинг - “премиум” соҳаларигина сақланиб қолинган, холос. Енгил саноат тармоқларининг жаҳон миқёсидаги ўзгариш ҳолатлари мамлакатимизда ҳам ушбу саноат тармоқларини ривожлантиришга қулай имкониятлар яратади. Ушбу ҳолат тармоқ ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар (хом ашё ва меҳнат ресурслари)нинг соҳа тармоқларига жойланиши таъсирининг замонавий жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини ҳал этишни талаб этади.

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хом ашё ва меҳнатга тўланадиган харажатлар асосий ўринни эгаллайди. Собиқ Шўро даврида енгил саноат тармоқларида хом ашё (АСК маҳсулоти, саноат полуфабрикатлари, кимё саноати хом ашёси)га сарфланадиган харажатлар, хусусан ип газлама саноатида 70 фоизгача, ипак газлама саноатида 80-90, трикотаж саноатида 90-95, тикувчилик, текстил – галантереяда 97-99 фоиз атрофида (1-жадвал) бўлган. Меҳнат ресурсларига сарфланадиган харажатлар давлат томонидан белгиланган ва жаҳон ўртачасига яқин – умумий харажатнинг 5-6 фоизини ташкил этган [2].

1-жадвал

Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби (1989 й., фоизда)\*

Тармоқлар					Харажатларнинг умумий ҳажмдаги улуши (%)
Ип газлама	Ипак газлама	Трикотаж	Тикувчилик	Текстил-галантерея	
					90 гача
			2		80 гача
	2				70 гача
		2			60 гача
				2	50 гача
2				3	40 гача
1	1		3		30 гача
		1, 3			20 гача
	3				10 гача
4		5, 6		4, 5	5 гача
	5	4			1 гача
3, 5, 6	4, 6		4,5,6	6	0,5 гача


\*меҳнат ресурсларисиз.

**Изоҳ:** Харажатлар таркиби: 1-АСК маҳсулоти, 2-саноат полуфабрикатлари 3-кимё саноати хом ашёси, 4-энергия, 5-ёқилги, 6-транспорт.

**Манба:** Юсупов А.Т. Совершенствование отраслевой и территориальной структуры легкой промышленности Узбекистана. - Т., 1990. - С. 79.

Тадқиқотлар давомидаги таҳлиллар кўрсатмоқда-ки, бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган ҳозирги даврда ҳам республика енгил саноатида маҳсулот бирлигига сарфланаётган харажатлар нисбати деярли ўзгармай қолмоқда (1-расм), ишлаб чиқариш


харажатлари таркибида хом ашё ва асосий материалларга (жамига нисбатан 83-87 фоиз атрофида), ишчи кучига (5,5-6,5 фоиз атрофида) сарфланадиган харажатлар асосий ўринни эгаллайди.



1-расм. Енгил саноат тармоқларида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, фоизда

Фақат юқоридаги нисбат эркин бозор иқтисодиёти шароитида барқарор бўлмай, бозордаги вазиятга, яъни конъюктурага қараб бироз ўзгариб туради, холос. Бу эса, ўз навбатида, енгил саноат тармоқларини жойлаштиришда эса асосий эътиборни хом ашё тайёрлаш сифати ва миқдорига, ундан фойдаланиш масалаларига, саноат объектларини жойлаштиришда меҳнат ресурслари миқдор ва сифатининг ҳудудий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Чунки ушбу омилларни эътиборга олинмаслик транспорт, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилма билан боғлиқ харажатларнинг ҳам ортишига олиб келади (1-расм).

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида бир ёқламаликни тугатишга қаратилган чора тадбирлар, хусусан, ғалла ва бошқа озуқа экин турлари майдонларининг кенгайтирилиши натижасида пахта экин майдони 1990 йилга нисбатан 35-40 фоизга камайди. Бунга мос равишда пахта толаси ишлаб чиқариш миқдори ҳам қисқариб борди.



2-расм. Республикада пахта тозалаш саноати корхоналарининг қувватидан фойдаланиш даражаси (1988 йилга нисбатан., %)


Расм ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида 1,6-1,5 млн., янги аср бошида 1,1-1,2 млн., ҳозирда 0,9-1,0 млн тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда. Оқибатда пахта тозалаш корхоналарида маълум қувватларнинг бир қисми фаолиятсиз туриб қолган. Агар 1988 йилда, пахта тозалаш саноати корхоналарининг мавжуд қувватидан фойдаланиш даражаси 100 фоиз деб олинса, бу кўрсаткич 2010 йилда 70,1 фоизни, 2018 йилда эса 47,8 фоизни ташкил этди (2-расм). Юқоридаги ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жуда кучли, Бухоро, Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ўртача, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида нисбатан кучсиз кўринишга эга.

Табиийки, ҳудудларда пахта етиштиришнинг камайиб кетганлиги туфайли, пахта тозалаш саноати тармоғи қувватларининг тегишли қисми фаолиятсиз туриб қолмоқда. Минтақалар пахта тозалаш саноатида вужудга келган юқоридаги ҳолат тармоқда жиддий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар ўтказишни талаб этди. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб айрим пахта тозалаш корхоналари, 2020 йилдан барчаси пахтачилик-тўқимачилик кластерлари таркибига киритилмоқда. Айримларининг бўш туриб қолган фондларида тўқимачилик мажмуалари барпо этилмоқда.

Айни вақтда, пахтачиликка илғор технологияларни жорий этиш натижасида пахта ҳосилининг ошиши ишлаб чиқариш қувватларини етишмаслик муаммосини кучайтириши мумкин. Бироқ, ушбу жузъий камчиликлар пахта тозалаш корхоналарини замонавий техника ва воситалар билан қуроллантириш орқали ҳал этилиб борилади.

Тўқимачилик саноатининг **ипак газлама тармоғида** ҳам ашё омили ип газлама саноатиникига нисбатан ҳам катта аҳамият касб этади (1-жадвал). Аммо, ипак газлама тармоқ ҳам ашёси - пиллани тайёрлаш яқингача камайиб келди ва олиб борилаётган ислохотлар туфайли кейинги йилларда соҳада вазият қайтадан ўнганмоқда (3-расм).




3-расм. Ўзбекистонда пилла тайёрлаш динамикаси (1990-100%)

Расм статистик маълумотлар асосида тузилган

Кўриниб турибдики, қаралаётган даврда республикада пилла тайёрлаш 1/4 га камайган. Анъанавий ипакчилик маркази Фарғона водийсида пилла тайёрлаш бундан ҳам пасайиб кетган. Хусусан, мамлакатнинг энг йирик ипакчилик райони-Фарғона вилоятида 2004-2016 йилларда пилла тайёрлаш 1990 йилга қараганда 2,4 марта камайган. Пилла тайёрлаш ҳажмини пасайиши, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларини ҳисобга олмаганда, республиканинг барча ҳудудларида кузатилади (3-расм). Сўнги йилларда ўтказилаётган чора-тадбирлар туфайли пилла етиштириш ҳажми ортмоқда, пиллашқашлик корхоналари сони ортиб ҳозирда республикада 20 га яқин пиллашқашлик фабрикаси фаолият юритмоқда.

Тўқимачилик саноати кейинги йўналиши - **жун тўқимачилик саноатининг** янада ривожланиши учун республикада қулай шарт-шароитлар мавжуд. Мамлакатимиз Марказий Осиёда жун етиштириш бўйича учинчи ўринни, МДҲ да Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан кейинги тўртинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда 90-йиллар бошида йилига 24-25 минг т. ювилган жун тайёрланган бўлса ҳозирда келиб бу кўрсаткич 37-38 минг т. ни ташкил этмоқда (4-расм).





**4-расм. Республикада жун тайёрлаш динамикаси (тола ҳисобида, т.)**

Расм ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган


Мамлакатда қўйчилик билан барча минтақаларда шуғулланилсада, ушбу соҳада республиканинг Зарафшон ҳамда Жанубий иқтисодий районлари ажралиб туради. Қўйчиликда асосан қорақўлчиликка ихтисослашилган, шу сабабли тайёрланаётган жуннинг 98 фоизга яқини дағал жун турига киради. Ушбу турдаги жун хом ашёсидан юқори сифатли газлама (камвол) ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш имкони чекланган бўлиб, ундан кўпроқ мовут ва гилам тўқишда ишлатилади [2].

Кейинги йилларида тармоқ ҳудудий таркибида бироз ижобий силжишлар кузатилсада, унинг хом ашё базасига нисбатан жойланишидаги катта фарқлар сақланиб қолмоқда. Масалан, жун газлама ишлаб чиқариш Фарғона, Наманган ва Навоий вилоятларида мужассамлашган. Айни вақтда республиканинг қолган вилоятларида тармоқ корхоналари мавжуд эмас ёки кичик тадбиркорлик соҳасидагина ташкил этилган, холос [2].

Тўқимачилик саноатида аҳамияти анча катта, бироқ соҳа ялпи маҳсулотида унчалик катта ўрин эгалламаётган **нотўқима материаллар**, каноф тўқимачилик ҳамда кимёвий тола ва ипдан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам хом ашёга сарфланадиган харажатлар муҳим ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда тармоқ ишлаб чиқариш қувватларини тикланиб, ҳудудий таркиби анча такомиллашиб бормоқда ва соҳада асосан паст навдаги пахта толаси хом ашё сифатида ишлатилади.

Кимёвий ип ва тола - акрил, пропилен, нитрон, вискоза толаси гилам ва палос маҳсулотлари, лавсан, штапель - ип ва ипак газлама ишлаб чиқаришда қўлланилади. Чунки, кимёвий тола ва синтетик иплар табиий толалардан анча мустаҳкам ва чидамли ҳамда маҳсулотга юқоридаги сифатлар билан бирга эластиклик хусусиятини беради. Ҳозирги кунда кимёвий иплар ишлаб чиқариш локализацияланган.

Енгил саноатининг пойабзал ва чарм-галантерея тармоғи хом ашё базаси қайта тикланмоқда. Ҳозирги кунда республикада 90-йиллаар ўрталарига қараганда 1,5 марта кўп тери ишлаб чиқарилмоқда (5-расм). Табиий равишда тери-атторлик ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.



**5-расм. Тери тайёрлаш ҳажми (минг дона)**

Расм ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Аммо, республикада ушбу саноат тамоқлари маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми 90-йилларниқига қараганда анча паст. Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, республика енгил саноати тармоқларининг хом ашёга бўлган талаби деярли бир хил

бўлгани ҳолда, юзага келган шароит ҳам ашё базасини такомиллаштиришда турлича саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Енгил саноат ишчилар миқдори улуши бўйича республикада етакчилик қилади. Тармоқда ўртача республика саноатида банд бўлганларнинг (13 млн. дан ортиқ) 20-21 фоизи (140 мингдан ортиқ) меҳнат қилади. Ишчи сони бўйича енгил саноат тармоқлари оарсида тўқимачилик, кейинги ўринларни тикувчилик ва чарм-мўйна саноати эгаллайди [2].

Енгил саноат тармоқлари ўртасида ниҳоятда меҳнат талаблиги ва асосан аёллар меҳнатидан, бунда унчалик малакали бўлмаган ишчи кучидан фойдаланилиши билан ажралиб туради. Ушбу ҳолат эътиборга олинб, илгарилари енгил саноати, айниқса тикувчилик, тўқимачилик саноат корхоналари меҳнат ресурслари ортиқча ва ишлаб чиқариш жинсий таркибида ижтимоий тенгсизлик вужудга келган оғир саноат марказларида барпо этилган [1].

Енгил саноатда ишлаб чиқаришга кетадиган маблағ таркибида ишчи кучига сарфланадиган харажатлар ҳам ашё харажатларидан кейинги ўринли эгаллайди. Тармоқ энг аввало қўл меҳнат талабида банд бўлган меҳнат ресурсларининг иккинчи хусусияти-асосан махсус малакага эга бўлмаган кадрларнинг ишлашидир. Соҳада фаолият юритаётган ишчиларнинг (бошқариш ва ишни ташкил этиш ходимлари билан биргаликда) 70-85 фоизини ўрта маълумотлилар ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, тармоқда ишчиларни тайёрлаш учун катта сарф-харажатлар шарт эмас. Тармоқда фаолият юритаётган меҳнат ресурсларининг учинчи хусусияти - ишлаб чиқаришда асосан аёллар меҳнатидан (пойабзал саноатидан ташқари) фойдаланилишидир.

Шу жойда қайд қилиш лозимки, юқорида таъкидланганидек, пахтачилик-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани ижобий ҳолат бўлса-да, аксарият йирик кластерларида меҳнат ресурслари билан таъминланиш боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, аҳолиси 50 мингдан кам туман марказлари ёки кичик шаҳар ва шаҳарчаларда жойлашган корхоналарни яқин ареалдаги мавжуд ишчи кучи билан таъминланиш имконияти йўқ (2-жадвал).

2-жадвал

**Республиканинг айрим тўқимачилик корхоналарида ўтказилган тадқиқот натижалари**

№	Корхона номи	Тадқиқот ўтказилган йили	Тадқиқотда қатнашганларнинг ишга қатнаш радиуси, фоизда				
			0-5 км.	5-10 км.	10-15 км.	15-20 км.	20< км.
1	«Хоразм бахмал» ХЖ*	2003	51,5	48,5	-	-	-
2	«Элтекс» ХЖ	2003	5,0	73,5	18,0	1,0	2,5
3	«Гурлан» ХЖ	2003	38,5	45,9	10,0	5,3	0,2
4	«Бобур» ХЖ*	2004	28,1	53,1	10,1	2,9	5,8
5	«Антекс» ХЖ	2004	80,6	16,4	2,3	0,7	0,0
6	«Наманган-текстиль» ХЖ*	2004	23,9	52,2	15,0	5,9	3,0
7	«Кобул-Фарғона Ltd»*	2004	45,2	30,3	12,0	10,2	2,3
8	«Катқалъатекс» ХЖ**	2015	14,9	45,5	24,5	9,9	5,2

\*2008 йил бошида фаолиятини тўхтатган.

\*\* Ҳозир “Узтексгруп” таркибига киради.

Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлари асосида тузилган

Ушбу муаммо, келгусида, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ҳудудлар урбанистик салоҳиятини кўтариш сиёсати, шаҳарсозлик масалалари доирасида қатор тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади. Хусусан, қишлоқ жойларда аҳолига уй-жой беришни кескин камайтириш, туман марказлари ва саноат ўсиш кутбларида кўп қаватли уй мажмуалари барпо этиш ва уларни аҳолига имтиёзи ипотека кредитлари орқали бериш амалиётини қўллаш талаб этилади. Ушбу амалиёт қимматли қишлоқ хўжалик экин майдонлари ҳудудларини сақлаб қолиш ва ҳатто аҳолини шаҳар жойларга кўчириш орқали қишлоқ хўжалик айланмасидаги экин майдонларини кенгайтириш имконини бериш баробарида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, саноат учун малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам ечиш имконини беради.

Ҳозирги кунда олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, меҳнатга жалб қилинмаган меҳнат ёшидаги аҳоли шаҳар жойларга қараганда қишлоқ туманларида кўпчиликни

ташқил этади. Ушбу ҳолат қишлоқ жойларда аҳолининг табиий кўпайиши шаҳар жойларга қараганда юқорилиги ҳамда янги иш ўринлари шаҳар жойларда нисбатан кўпроқ яратилаётганлиги билан изоҳланади. Мазкур муаммони ечишда енгил саноатининг устунлик томонлари, меҳнат талаблиги ҳамда махсус малакага эга бўлмаган ишчи кучини талаб этиши, аёллар меҳнатидан фойдаланилиши айниқса кўл келади.

**Хулоса.** Енгил саноатда хом ашё ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келган. Хусусан республикада енгил саноат хом ашёсини асосий турларини тайёрлаш, дастлабки қайта ишлаш ҳажми анча камайган. Пахта толаси ва пиллани ҳисобга олмаганда, бошқа енгил саноат хом ашёсини йирик хўжаликларда ишлаб чиқариш, яъни маълум тур ва ассортиментда ишлаб чиқариш тартиби издан чиққан. Кўплаб кимёвий бутловчи унсурлар ташқаридан олиб келинмоқда.

Саноат тармоғида, айниқса, ип газлама саноатида, урбанистик салоҳияти паст худудларда шу жойнинг ўзида ишчи кучи билан таъминланишида муаммолар мавжуд. Ишчиларнинг катта қисми корхонадан 5 км дан узоқ масофадан ташиб келинади. Бу эса кўшимча транспорт ва бошқа харажатларни келтириб чиқармоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Афанасьевский Е.А. Лёгкая промышленность: экономические проблемы размещения - М.: Мысль, 1976. - 261 с.
2. Рўзметов Д.Р. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ривожланиши ва худудий таркибини такомиллаштириш муаммолари. Геогр. фан. ном. ... дисс. - Т., 2009. -168 б.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. Дарслик. - Т.: Университет, 2014. - 403 б.
4. Юсупов А.Т. Совершенствование отраслевой и территориальной структуры легкой промышленности Узбекистана. - Т.: Мехнат, 1990. - 95 с.

**Рахманов Б.Б.\***

### **СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ КАК ИНСТРУМЕНТ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация.** В статье рассмотрены факторы и условия развития СЭЗ Узбекистана в масштабе регионов и крупных городов. Проведена группировка административно-территориальных единиц (регионов, сельских районов и городов областного подчинения) по объёму промышленной продукции на душу населения. Определены перспективные точки создания СЭЗ и основные направления их развития.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона (СЭЗ), объём промышленной продукции, территориальная структура промышленности, экономико-географическое положение, инфраструктура, депрессивный район, региональная экономическая политика.

**Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) – Ўзбекистон саноати худудий таркибини  
такомиллаштириш воситаси сифатида**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда ЭИЗ ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитлари минтақалар ва йирик шаҳарлар миқёсида кўриб чиқилган. Шунингдек, маъмурий-худудий бирликлар (минтақа, қишлоқ туманлари ва вилоятга бўйсўнувчи йирик шаҳарлар) аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулотига кўра гуруҳлаштирилган. ЭИЗ лар ташқил қилиш учун истиқболли худудлар ва улар ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зона (ЭИЗ), саноат маҳсулоти ҳажми, саноатнинг худудий таркиби, иқтисодий географик ўрин, инфратузилма, депрессив район, минтақавий иқтисодий сиёсат.

**Free economic zones (FEZ) as a tool for improving the territorial structure of Uzbekistan  
industry**

**Abstract.** The article considers the factors and conditions of FEZ development in Uzbekistan on the scale of regions and large cities. Also, the grouping of administrative-territorial units (regions, rural areas and large cities of regional subordination), in terms of industrial output per capita, was carried out. The perspective points of creation of FEZ and the main directions of their development

---

\* Рахманов Бекзод Баходирович – базовый докторант кафедры экономической и социальной географии НУУз.

are defined.

**Key words:** *free economic zone (FEZ), the volume of industrial production, territorial structure of industry, geographic position, infrastructure, depressed district, the regional economic policy.*

**Введение.** На сегодняшний день обеспечение устойчивого экономического роста и совершенствование территориальной и отраслевой структуры экономики страны, в том числе путём привлечения иностранных инвестиций, относятся к приоритетным задачам, стоящим перед Узбекистаном. Для решения этих задач важное значение имеет создание свободных экономических зон (СЭЗ).

В настоящее время под свободной экономической зоной понимается специально выделенная территория с четко определенными административными границами и особым правовым режимом, создаваемая в целях привлечения отечественного и иностранного капитала, прогрессивной технологии и управленческого опыта для ускоренного социально-экономического развития зоны.<sup>1</sup>

В условиях нашей страны можно выделить следующие предпосылки создания СЭЗ:

- необходимость активизации структурной перестройки национальной экономики страны, возрастания доли производств с высокой добавленной стоимостью;
- стремление к преодолению негативных сторон экономико-географического положения (ЭГП) республики и расширению внешнеэкономических связей;
- необходимость сглаживания региональных диспропорций и осуществления активных сдвигов в территориальной структуре экономики;
- целесообразность разработки стратегии комплексного социально-экономического развития в масштабе страны, областей и районов.

Вышеперечисленные предпосылки, а также необходимость всестороннего изучения влияния СЭЗ на развитие как отдельных отраслей, так и регионов Республики Узбекистан, обуславливают актуальность темы данной статьи.

**Цель и задачи исследования.** Основной целью работы является определение выявления роли СЭЗ как инструмент совершенствования территориальной структуры промышленности Узбекистана. В соответствии с этой целью определены следующие задачи исследования:

- ретроспективный анализ смены функциональной роли СЭЗ на разных этапах истории их формирования;
- обоснование необходимости создания СЭЗ, исходя из ЭГП, внешнеторговой, структурной и региональной экономической политики Узбекистана;
- характеристика функционирующих СЭЗ в Узбекистане;
- группировка административно-территориальных единиц (сельских районов, городов областного подчинения) по объёму промышленной продукции на душу населения;
- определение, с учётом экономического потенциала городов и сельских районов, наиболее перспективных точек создания СЭЗ в Узбекистане.

**Основная часть.** Создание свободных экономических зон имеет многовековую историю формирования. При этом можно выделить определённую логику в смене функциональной роли этих зон.

Первый этап в развитии СЭЗ – этап, когда они предназначались, главным образом, для торгового капитала – продолжался с античных времён (ещё в 166 г. до н.э. была создана зона порто-франко на острове Делос) до первой половины XX века включительно.

Второй этап пришёлся на 1950-60-е годы XX столетия, когда в формировании свободных экономических зон ведущую роль начал играть уже не торговый, а промышленный капитал. В это время создавались так называемые промышленно-производственные и экспортно-производственные зоны.

После экономического кризиса 1973-75 гг., когда темпы роста индустриально развитых стран резко замедлились и обострились структурные и территориальные диспропорции, обозначилась потребность, с одной стороны, в стимулировании структурной перестройки

---

<sup>1</sup>Закон Республики Узбекистан от 25.04.1996 г. № 220 - I «О свободных экономических зонах» (в новой редакции от 20.08.2015 № ЗРУ - 391.

экономики, с другой, в решении проблем депрессивных и отсталых регионов. Тогда и сформировалось третье поколение СЭЗ: зоны развития, которые были призваны стимулировать развитие проблемных территорий, технополисы, активизирующие рост новых отраслей и производств, а также оффшорные зоны.

И очень скоро, вслед за мировым экономическим кризисом 1980-82 гг., появились СЭЗ четвёртого поколения. Это были трансграничные зоны роста – своеобразное отражение процессов глобализации и региональной экономической интеграции. Одновременно продолжало увеличиваться число СЭЗ третьего поколения, что свидетельствовало о возрастании в мировой экономике доли отраслей третичного и четвертичного секторов. Данные тенденции, отражающие смену подходов отдельных правительств к целям формирования СЭЗ, необходимо учитывать и в Узбекистане.

Поскольку перед Узбекистаном стоит задача войти в число индустриально развитых стран, мы должны в стратегии создания свободных экономических зон учитывать необходимость стимулирования, в первую очередь, структурной перестройки экономики. То есть надо создавать инновационные зоны и технопарки. Так формирование СЭЗ может стать важным комплексным инструментом структурной экономической политики.

Так как часть продукции, производимой в СЭЗ, предназначена на экспорт, то, следовательно, создание СЭЗ способствует более полному использованию сравнительных преимуществ Узбекистана в международном разделении труда, и является шагом по преодолению недостатков внутриконтинентального положения нашей страны. Таким образом, формирование СЭЗ способно быть инструментом внешнеторговой политики.

В том же случае, если СЭЗ создаются в промышленно не развитых (Джизакская область) или депрессивных (Ангренский промышленный узел) территориях, то их формирование способствует активизации развития этих территорий и способно превратиться в инструмент региональной экономической политики.

Таблица 1

Группировка районов и городов областного подчинения по Республике Каракалпакстан и областям Республики Узбекистан по объёму промышленной продукции (млн. сум., 2014 г.)

№	Регионы	Число районов и городов областного подчинения	Объём промышленной продукции на душу населения (в тыс. сум)	Группы						
				I	II	III	IV	V	VI	VII
				> 100	100 - 300	300 - 1000	1000 - 3000	3000 - 10000	10000-30000	30000 <
1	Республика Каракалпакстан	14 (1)	8340.3	-	4	9	1 (1)	-	-	-
2	Андижанская	14 (2)	43819.0	-	2	9	3	(1)	(1)	-
3	Бухарская	10 (2)	91323.9	-	-	6	3 (1)	(1)	-	1
4	Ферганская	15 (4)	28498.5	-	4	10 (1)	1	(3)	-	-
5	Джизакская	12 (1)	10068.0	-	5	5	2 (1)	-	-	-
6	Наманганская	11 (1)	7525.9	-	2	8	1 (1)	-	-	-
7	Навоийская	8 (2)	22380.9	-	-	5 (1)	3	(1)	-	-
8	Кашкадарьинская	13 (1)	36075.9	-	2	9	(1)	1	1	-
9	Самаркандская	14 (2)	15787.5	-	3	9	1 (1)	1 (1)	-	-
10	Сырдарьинская	8 (3)	15016.5	-	-	3 (1)	4 (2)	1	-	-
11	Сурхандарьинская	13 (1)	7755.1	1	1	10 (1)	1	-	-	-
12	Ташкентская	14 (4)	65744.4	-	-	7	4 (1)	3 (1)	(2)	-
13	Хорезмская	10 (1)	9776.0	-	1	8	1 (1)	-	-	-
	Всего	157 (25)	440249.0	1	24	98 (4)	26 (10)	6 (8)	2 (3)	1

Таблица составлена на основе данных Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике  
**Примечание:** число городов областного подчинения указано в скобках

Цели структурной, внешнеторговой и региональной экономической политики Узбекистана идеально сочетаются при создании свободных экономических зон в недостаточно развитых в индустриальном отношении регионах и районах. Следует особо подчеркнуть что,

эти СЭЗ ориентированы на разработку новых технологий и производство наукоёмкой предназначенной на экспорт промышленной продукции.

Таким образом, по нашему мнению, свободные экономические зоны выступают важнейшим инструментом совершенствования отраслевой и региональной структуры как хозяйственной системы в целом (страны и её регионов), так и важнейшей отрасли современной экономики – промышленности.

В этой связи для совершенствования сети СЭЗ Узбекистана целесообразно определить перспективные точки создания новых СЭЗ с учётом промышленного потенциала районов и городов областного подчинения с учётом различий в душевом объёме промышленного производства по административным районам и городам страны. В таблице 1 дана группировка районов и городов областного подчинения по Республике Каракалпакстан и областям по объёму промышленной продукции на душу населения в денежном выражении, в таблице 2 – по душевому объёму промышленной продукции вне зависимости от их размещения в областях и Республике Каракалпакстан.

Таблица 2

**Группировка районов и городов областного подчинения Республики Узбекистан по объёму промышленной продукции на душу населения (млн. сумов, 2014 г.)**

Группа (млн сум)	Сельские районы и города областного подчинения	Число административных единиц	Доля в %
VII (более 30,0)	Караулбазарский	1	0,6
VI (10,1-30,0)	г. Ханабад, Асакинский, Мубарекский, г. Алмалык, г. Бекабад	2 (3)	1,2
V (3,1-10,0)	г. Андижан, г. Каган, г. Фергана, г. Кувасай, г. Коканд, г. Навои, Гузарский, г. Самарканд, Джамбайский, Сырдарьинский, г. Чирчик, Ахангаранский, Зангиатинский, Кибрайский	6 (8)	3,8
IV (1,1-3,0)	г. Нукус, Мўйнакский, Ходжаабарский, Шахриханский, г. Бухара, Алатский, Бухарский, Каганский, Ромитанский, Ташлакский, г. Джизак, Дуслукский, Пахтакорский, г. Наманган, Учкурганский, Карманинский, Кызылтепинский, Навбахорский, г. Карши, г. Каттакурган, Самаркандский, г. Гулистан, г. Янгиер, Гулистанский, Акалтынский, Сардобский, Сайхунабадский, Джаркурганский, г. Ангрэн, Бостанлыкский, Уртачирчикский, Юкоричирчикский, Янгиюльский, г. Ургенч, Хазараспский	26 (10)	16,4
III (0,31-1,0)	Амударьинский, Берунийский, Караузьякский, Кегейлийский, Кунградский, Нукусский, Турткульский, Ходжейлийский, Элликалинский, Андижанский, Балыкчинский, Бозский, Джалалкудукский, Избасканский, Улугнорский, Кургантепинский, Мархаматский, Алтынкульский, Вабкентский, Гиждуванский, Каракульский, Пешкунский, Жондорский, Шафирканский, г. Маргилан, Багдадский, Бешарыкский, Дангаринский, Язьяванский, Алтаарыкский, Риштанский, Ферганский, Фуркатский, Узбекистанский, Кувинский, Арнасайский, Зааминский, Зарбдарский, Зафарабадский, Фаришский, Мингбулакский, Касансайский, Наманганский, Нарынский, Папский, Туракурганский, Уйчинский, Чустский, г. Зарафшан, Канимехский, Нуратинский, Тамдынский, Учкудукский, Хатырчинский, Дехканабадский, Каршинский, Касанский, Касбинский, Камашинский, Нишанский, Миришкорский, Шахрисабзский, Яккабагский, Булунгурский, Каттакурганский, Нарпайский, Ақдарьинский, Пайарыкский, Пастдаргомский, Пахтачийский, Тайлакский, Ургутский, г. Ширин, Баяутский, Мирзаабарский, Хавастский, г. Термез, Ангорский, Денауский,	98 (4)	62,2

	Кызырыкский, Кумкурганский, Музрабадский, Сариасийский, Термезский, Узунский, Шерабадский, Шурчинский, Аккурганский, Бекабадский, Букинский, Куйичирчикский, Паркентский, Пскентский, Чиназский, Багатский, Гурленский, Кошкупырский, Ургенчский, Ханкинский, Шаватский, Янгиарыкский, Янгибазарский		
II (0,11-3,0)	Канликульский, Тахтакупырский, Чимбайский, Шуманайский, Булакбагинский, Пахтаабадский, Бувайдинский, Коштепинский, Сохский, Учкуприкский, Бахмальский, Галляаральский, Джиззакский, Мирзачульский, Янгиабадский, Чартакский, Янгикурганский, Китабский, Чиракчинский, Иштыханский, Нурабадский, Кошрабадский, Байсунский, Хивинский	24	15,2
I (до 0,1)	Алтынсайский	1	0,6
Всего		157 (25)	100

Таблица составлена автором на основе данных Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике

**Примечание:** в скобках указано число городов областного подчинения

Данные этих таблиц показывают, что первое место в стране по этому показателю по состоянию на 2014 год занимает Караулбазарский район Бухарской области – единственный район с объёмом промышленного производства более 30 млн. сумов на душу населения. В группе с доходом от 10 до 30 млн. сум оказались два сельских района – Асакинский и Мубарекский – и три города – Алмалык и Бекабад Ташкентской и Ханабад Андижанской области. Аутсайдером в рассматриваемом отношении является Алтынсайский район Сурхандарьинской области. Судя по таблицам, наиболее многочисленна по стране в целом и в большинстве областей группа районов с рассматриваемым показателем от 0,3 до 1 млн. сум. Подобные различия, полностью преодолеть не удастся, но задачей региональной экономической политики страны выступает не преодоление, а сглаживание подобных диспропорций, и немалый вклад в решение этой задачи может внести формирование СЭЗ в отстающих регионах с выгодным ЭГП.

В Узбекистане в последние годы ведется последовательная политика в области создания свободных экономических зон. Следует особо подчеркнуть, что при создании СЭЗ в стране немаловажную роль в обеспечении их успешного функционирования играет пакет льгот, предлагаемый правительством применительно к каждой СЭЗ, исходя из целого ряда социально-экономических факторов региона расположения.

В настоящее время в стране формируется 21 свободная экономическая зона с различной специализацией (таблица 3). Активно действующими являются СЭЗ «Навои», СЭЗ «Ангрен» и СЭЗ «Джизак» (последние две – бывшие свободные индустриально-экономические зоны – СИЭЗ), созданные в соответствии с Указами Президента страны. Срок функционирования СЭЗ – 30 лет с возможностью последующего продления.

В вышеуказанных зонах реализованы 36 инвестиционных проектов общей стоимостью 300 млн. долл. США. Ведутся работы по реализации 23 проектов стоимостью свыше 123 млн. долл. США [4].

Создание свободных экономических зон стало одним из факторов привлечения в экономику страны инвестиций для модернизации старых, а также освоения отечественными производителями новых конкурентоспособных на внутреннем и внешнем рынках производств телекоммуникационного, нефтегазового, медицинского оборудования, легковых и грузовых автомобилей, химикатов.

В последние годы созданы 8 фармацевтических СЭЗ (табл. 3). Из них кроме Бостанлык-фарм, располагающейся в имеющем достаточно развитую индустриальную базу и значительный рекреационный потенциал Бостанлыкском районе столичного региона, все остальные размещаются в районах, требующих активизации экономического развития. В их числе и Паркентский район Ташкентской области.

## Свободные экономические зоны в регионах Узбекистана по специализации

Регионы	Отрасли специализации СЭЗ			
	Промышленные	Фармацевтические	Сельскохозяйственные	Туристские
Республика Каракалпакстан		СЭЗ «Нукус-фарм»		
Андижанская		СЭЗ «Андижан-фарм»		
Бухарская	СЭЗ «Гиждуван»		СЭЗ «Бухара-агро»	
Ферганская	СЭЗ «Коканд»			
Джизакская	СЭЗ «Джизак»	СЭЗ «Заамин-фарм»		
Наманганская	СЭЗ «Наманган»	СЭЗ «Касансай-фарм»		
Навоийская	СЭЗ «Навои»			
Кашкадарьинская				
Самаркандская	СЭЗ «Ургут»			
Сырдарьинская	СЭЗ «Сырдарья»	СЭЗ «Сырдарья-фарм»		
Сурхандарьинская	СЭЗ «Термез»	СЭЗ «Бойсун-фарм»		
Ташкентская	СЭЗ «Ангрен»	СЭЗ «Бостанлык-фарм» СЭЗ «Паркент-фарм»	СЭЗ рыбопромышленной специализации	Свободная туристская зона «Чарвак-Чимган»
Хорезмская	СЭЗ «Хазарасп»			
Всего	10	8	2	1

Таблица составлено автором на основе данных веб-сайта [www.sez.gov](http://www.sez.gov) [4]

**Заключение.** По нашему мнению, при формировании перспективных СЭЗ необходимо учитывать экономический потенциал территории предполагаемого размещения СЭЗ и особое внимание уделять тем пунктам с выгодным ЭГП, которые размещаются в приграничных районах, т.е. создавать приграничные зоны роста, которые будут способствовать региональной экономической интеграции в Центральноазиатском регионе, стимулируя процесс, несомненно, выгодный нашей стране.

Учитывая ресурсный, сельскохозяйственный, промышленный потенциал и ЭГП, мы полагаем, что наиболее перспективными точками создания СЭЗ в Узбекистане являются следующие:

- Карасу (Андижанская область) – возможно создание торгово-складчатой СЭЗ, которая, располагаясь на трассе будущей трассы в Китай, может стать основой приграничной зоны роста;
- Чуст (Наманганская область) – СЭЗ с промышленно-производственной специализацией;
- Риштан (Ферганская область) – СЭЗ со специализацией на туристических и сервисных услугах;
- Пап (Наманганская область) – логистическая СЭЗ;
- Хаваст (Сырдарьинская область) – логистическая СЭЗ;
- Гагарин (Джизакская область) или Сырдарья (Сырдарьинская область) – промышленно-производственная и торгово-экспортная СЭЗ;
- Заамин (Джизакская область) – туристическая СЭЗ;
- Каттакурган (Самаркандская область) – комплексная (производственно-сервисно-транспортно-коммуникационная) СЭЗ;
- Каракалпакстан (Устюрт, Республика Каракалпакстан) – торгово-складчатая, экспортоориентированная;
- Алат (Бухарская область) – торгово-складчатая;
- Термез (Сурхандарьинская область) – приграничная зона роста (в случае политического решения конфликта в Афганистане).



Создание этих СЭЗ будет способствовать развитию не только промышленности, но и других отраслей экономики.

В перспективе сеть СЭЗ на территории Республики расширится, что, несомненно, будет способствовать модернизации хозяйственной системы страны в целом и приблизит вхождение Узбекистана в число индустриально развитых государств.

**Использованная литература:**

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Ташкент: Узбекистан, 1997.
2. Ата-Мирзаев О., Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население экономика. -Ташкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2009.
3. Салиев А.С. Ўзбекистон географияси. Дарслик. - Ташкент: Университет, 2014.
4. www.sez.gov

**Жумаханов Ш.З., Тошпўлатов А.М.\***

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТУРИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ ВА  
ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Наманган вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари минтақа туристик имкониятларини баҳолаш ва туристик ҳудудларининг хусусиятларини ёритиш асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** туризм, рекреация, туристик имконият, маданий мерос объектлари, туристлар оқими.

**Особенности туристского потенциала и развития туристической инфраструктуры  
Наманганской области**

**Аннотация.** В статье, на основе оценки туристического потенциала региона и особенностей местных туристических территорий, проанализированы перспективы развития туризма на примере Наманганской области.

**Ключевые слова:** туризм, рекреация, туристические возможности, объекты культурного наследия, туристский поток.

**Features of tourism potential and the development of tourism infrastructure in Namangan region**

**Abstract.** This article analyzes the prospects for the development of tourism by assessing the tourist opportunities of the territory, highlighting the features of tourist facilities by the example of Namangan region.

**Key words:** tourism, recreation, tourist opportunity, monument cultural legacy, tourists flow.

**Кириш.** Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш даврида бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу жумладан, туризмни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Чунки, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири сезиларли даражада юқори ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан маълумки, туризм ва рекреация соҳаси давлат бюджети учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини шакллантириш ва, шу билан биргаликда, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади.

Жаҳон туризми ҳамда туристик бизнесни ривожлантирувчи куч юқори даромад олишгина эмас, балки инсониятни жаҳон маънавий бойликларини билишга интилиш, жаҳон туризмнинг аҳамиятига молик жойлари: табиий, тарихий-маданий, рухий, миллий-этнографик меъмориалларини кўриш ва ўрганишдан иборатдир. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон муваффақиятли ва кенг миқёсдаги туристик фаолият учун минтақавий ҳамда трансмиллий даражада уникал объект ҳисобланади. Республиканинг рекреацион имконияти табиий-иқлимий шароити, флора ва фаунаси, минерал ресурслари туфайли бой ва хилма-хилдир. У ўз ичига миллий парклар, кўриқхона, дам олиш зоналари, туристик соғломлаштириш комплекслари, минерал ва

\***Жумаханов Шавкатжон Заиржонович** – Наманган давлат университети География кафедраси доценти, география фанлари номзоди. E-mail: shavkat\_72@mail.ru

**Тошпўлатов Абдуқодир Махаммаджон ўғли** – Наманган давлат университети География йўналиши талабаси, Мирзо Улуғбек номли Давлат стипендияси совриндори. E-mail: abduqodir98.98@mail.ru

бальнеологик манбалар, туристик база ва болалар экскурсион – туристик станцияларни олиб, туризмни ривожлантириш ва давлат бюджети даромадининг асосий манбалари бўлишига асос бўлиши мумкин [6, 12 б].

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Наманган вилояти туристик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланиш йўналишларини баҳолаш ҳамда замонавий туризм муҳитини шакллантириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Фарғона минтақасидаги истиқболли туристик ҳудуди ҳисобланган Наманган вилоятининг туристик-рекреацион имкониятларини баҳолаш;
- Наманган вилоятидаги туристик объектларни классификация қилиш;
- туризмни ривожлантириш учун олиб борилаётган ишлар, хусусан, уларнинг вилоят туристик жозибадорлигини такомиллаштиришдаги аҳамиятини ёритиб бериш;
- Наманган вилояти туристик объектларини ҳудудий хусусиятларини таҳлил қилиш;
- мавжуд туристик муҳитни янада яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон ўзининг потенциал туристик имкониятларга эга. Шунингдек, тарихий архитектура ёдгорликлари, мафтункор табиати, хилма-хил таомлар, миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондўст халқки бор. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган имкониятлардан яна бири эса сиёсий барқарорлик ҳисобланади. Юқоридаги бир қатор омиллар ўлароқ, туристлар оқимини жадаллаштириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси доирасида административ бўлиниш натижасида тўртта – Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм; қолаверса, учта истиқболли – Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта Қорақалпоқ туристик районларига ажратилган [3]. Уларнинг ҳар бири ўзининг турлича хусусият ва устунликларига эга.

Хусусан, Наманган, Андижон ва Фарғона маъмурий-ҳудудий бирликларидан иборат Фарғона туристик райони мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган. Мазкур ҳудуд мамлакат майдонининг 4,1 фоизини ташкил этиб, унда республика аҳолисининг 28,6 фоизи тўпланган.

Район табиий ресурсларга бой эмас, унда меҳнат ресурслари кўпроқ, холос. Бинобарин, водий учлигини, яъни табиати, аҳолиси, хўжалигини пирамида шаклида тасвирланса, унинг биринчи қавати (табиати) ниҳоятда нозик; иккинчи қавати, яъни демографик юки вазмин; хўжалиги эса ўртача. Шу боис, айтиш мумкинки, Фарғона иқтисодий районида антропоген босимнинг ниҳоятда юқорилиги, ер-сув ресурсларининг чекланганлиги бу ҳудуднинг энг муҳим географик хусусиятларини белгилаб беради [5, Б. 170].

Фарғона водийсида туризмни ривожлантириш учун потенциал имкониятларга эга бўлган ҳудуд – бу Наманган вилояти ҳисобланади. У ўзига хос географик жойлашувга эга бўлиб, асосан, Сирдарёнинг ўнг соҳилини эгаллайди. Шимоли Чотқол тизмасининг жанубий тоғолди адирлари, ғарбий қисми Қурама ва Чотқол тоғлари, ўрта қисми ҳамда шарқи тоғолди ва адир, вилоятнинг жануби эса текисликлардан иборат.

Наманган вилояти ҳудудида туристик объектларнинг табиий ва тарихий-маданий типдагилари мавжуд. Табиат қўйнида: тоғолди ва дарё бўйларида кўплаб дам олиш масканлари ташкил этилган. Вилоятда 282 та маданий меърос объектлари бўлиб, уларнинг 155 таси археологик ёдгорлик, 103 таси архитектура ёдгорлиги, 8 таси монументал санъат асари, 16 таси диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлардир (1-жадвал).

Ҳудуднинг имкониятлари кўп бўлишига қарамай, туристлар оқимини жиддий чеклаб қўяётган омиллардан бири шуки, дам олгани ва ҳордиқ чиқаргани келганлар бутун вилоятдаги энг машҳур ёдгорликлар, дам олиш масканлари, ажабтовур шаҳар қурилиш ансамбилларини томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг саёхатчиларни қабул қилиш имконияти ҳозирча пастдир.

Шу жиҳатдан, Наманган вилоятида туризмни ривожлантириш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ туризмни ривожлантириш жараёнида энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш каби вазифаларни амалга оширишга кенг йўл очган бўлса, 2019

йил 5 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–5611-сон фармонида мувофиқ, туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини куриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгилаб қўйилган.

**1-жадвал**

**Наманган вилоятидаги туристик объектларнинг классификацияси**

№	Объектларнинг гуруҳланиши	Туристтик-рекреацион объектлар	Жойлашган дарё хавзаси
<b>А. Табiiй туристик-рекреацион объектлар</b>			
1	Гидрорекреацион	“Оналар кўзёши” мўътабар булоғи	Чодаксой
		“Балиқкўл” зиёратгоҳидаги кўл, “Чортоқ” ва “Қирққиз” булоқлари	Чортоқсой
		“Чуст суви” шифобахш булоғи, “Биби она” зиёратгоҳидаги булоқ	Ғовасой
2	Геологик рекреацион	Ахсикент геологик қирқими	Подшоотасой
		Қазилма моллюскалар ва балиқ, ўсимлик қолдиқлари тошқотмаси	Резаксой
3	Морфорекреацион	Ўнғор: Уйқудаги малика тепалиғи	Подшоотасой
<b>Б. Тарихий-маданий туристик-рекреацион объектлар</b>			
1	Археологик ёдгорликлар	Ахсикент шахристони, Куюктепа, Қўрғонтепа, Култепа, Бўриттепа, Дахякота, Тарикмозортепа, Ноғо-раттепа, Гўртепа, Номсизтепа мавзе	Сирдарё
		Ғурумсаройтепа, Лангармозортепа	Чодаксой
		Мунчоктепа, Баланди, Буонамозор	Ғовасой
		Қизилтепа	Резаксой
		Муғтепа, Ёртепа, Қуйимозор мавзеи	Косонсой
		Ғозовонттепа, Бердихўжа, Илонттепа	Подшоотасой
		Гулдиоров қоризлари, Овчибулоқ зиёратгоҳи	Чортоқсой
2	Меъморий ёдгорлик ва муқаддас қадамжолар	Мадрасалар	Мавлоно Мулла Қирғиз, Ғойибназар қози
		Масжидлар	Косонсой, Атоуллоҳон Тўра, Ғўзапоя, Чодак, Маҳдум Эшон, Ғурумсарой, Исҳоқхон тўра Ибрат, Кўк тўнли ота, Сирли, Ғойибёр, Абу Бакр Сиддиқ номли
		Мажмуалар	Хўжаамин, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мулла Бозор Охунд, Мавлавий Намангоний, Лангарбува, Юсуфхон Эшонтўра, Хотира
		Макбаралар	Нодим Намангоний, Девонабобо, Отчопар Эшон бува, Чиллаҳона, Маҳдуми Аъзам Косоний, Алком Ача, Айритом Азиз (ялонғоч қори), Фалосбон ота, Имом ота
		Зиёратгоҳ	Девонаи Баҳоуддин Балогардон, Султон Саид Увайс Қараний, Биби Наима, Чирчирмомо, Аҳтам саҳоба, Булоқмозор, Ўн бир Аҳмад, Биби мушкулкишот, Абдурахмон хожа ибн Авф, Тирикмозор, Султон Саййид Жалолижжин, Садамозор, Қораполвон, Қурбон бува, Бобояхуз, Бобо Юсуфи Ҳамадоний, Парда Турсун, Шоҳ Сулаймон, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган

Наманган вилоятида бугунги кунда 1300 та сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга 25 та меҳмонхона, 8 та сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. 2018 йилда Наманган вилоятига

туристлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида 7 та янги меҳмонхона қурилиши бўйича дастур ишлаб чиқилди. Буларнинг натижаси ўлароқ, 2018 йили жаҳоннинг 82 та мамлакатидан 9000 дан зиёд туристлар ташриф буюрди [7].

Вилоятда “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорининг ижросини таъминлаш борасида кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилиб, қурилиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан:

Наманган шаҳрида 2019 йилнинг сентябрида “Афсоналар водийси” кўнгилочар боғининг бир қисми фойдаланишга топширилиб, у нафақат шаҳар, балки вилоят туристик салоҳияти ва жозибadorлигига ҳам ўзининг жуда катта ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Мазкур паркнинг умумий лойиҳа қиймати 171,0 млн АҚШ долларини ташкил этади. 110 гектар майдонни эгаллаган ушбу паркда очик ва ёпик сузиш ҳавзаси, кичик ўйингоҳ, муз саройи, тўрт юлдузли меҳмонхона, савдо шохобчалари, кутубхона ва ҳунармандлар маркази ташкил этилади [8]. “Туллар шаҳрининг юраги”, “Афсоналар диёри” дея эътироф этилаётган рекреацион гўша, айниқса, тўлиқ фойдаланишга топширилиши билан Наманган шаҳрининг туристик жозибadorлигини бир неча баробар оширади. Энг эътиборлиси шуки, ушбу боғда йилига 100 минг кишига хизмат кўрсатиш мўнжалланиб, 1500 га яқин янги иш ўрни ҳам яратилади.

Наманган вилоятининг энг шимолий қисмида жойлашган Нанай, Мамай, Заркент, Кўкёр ҳудудлари туризм учун жуда қулай бўлиб, бу жойларда замонавий масканни ташкил этиш учун “Нанай кичик туристик зонаси”даги дам олиш масканлари хатловдан ўтказилди. Аниқланган 79 та дам олиш масканининг умумий ер майдони 100 гектардан ортиқ бўлиб, шундан 15 та дам олиш масканининг ер майдони 1 гектар ва ундан ортиқ бўлганлиги сабабли, улар йирик дам олиш масканлари рўйхатига киритилди.

Чортоқ тумандаги “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Chartak Resort” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон – Нидерландия қўшма корхонаси томонидан умумий лойиҳа қиймати 149,0 миллиард сўм бўлган 250 ўринли, замонавий чет эл технологияларига асосланган “Санатория ва соғломлаштириш маркази” барпо этилмоқда. Бу марказни қуриш учун 15,2 гектар ер майдони ажратилган. Бу ерда бир йил давомида 6000 фуқарога, шундан 2300 хорижий сайёҳга хизмат кўрсатиш мўнжалланган. Натижада, 250 та янги иш ўрни яратилади. Бу эса ҳудуднинг туристик салоҳиятини сезиларли ортишига олиб келади.

2019 йил якунига қадар Наманган вилоятида 50 дан ортиқ замонавий санитар-гигиеник шохобчалар барпо этиш, туристик объектларга олиб борувчи 86 йўл кўрсаткич белгиси ўрнатиш, 25 та меҳмон уйини ташкил қилиш, замонавий ва барча қулайликларга эга 4 та меҳмонхона қуриб битказилиши ва 20 та меҳмонхона қурилиш ишлари давом эттирилиши ҳамда Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманларидаги сув омборхоналарида экотуризмни ташкил қилиш мўнжалланган. Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ташрифини кўпайтириш учун уларга қулай шароитлар яратиш, хизматлар турини кенгайтириш мақсадида “Наманган вилоятида санитар-гигиена узеллари ҳолатини яхшилаш маҳаллий дастури” ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш мақсадида “Mega Gromada” МЧЖ билан Наманган вилоятида замонавий модулли санитар-гигиеник шохобчаларни қуриш бўйича келишувлар олиб борилмоқда.

**Хулоса.** Наманган вилоятида замонавий туризм муҳитини шакллантириш учун:

- хизмат кўрсатиш соҳалари инфратузилмаларини янада такомиллаштириш;
- туристик зоналарни ташкил этиш;
- маданий-меъморий обидаларни таъмирлаш;
- археологик ёдгорликлар ва зиёратгоҳларда талабга жавоб бера оладиган туризм

салоҳиятини барпо қилиш учун унинг ҳолатини яхшилаш лозимдир.

Умуман олганда, Наманган вилоятида туризмни ривожлантириш учун етарли ресурс ва инфраструктура имкониятларга эга. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш вилоятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида республиканинг энг муҳим туристик қутбларидан бирига айланишига муҳим замин яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5611-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

3. Норчаев А.Н. Халқаро туризм/Маъруза матнлари. -ТДИУ, 2005. - 65 б.

4. Рўзинов Б., Ражабова С., Убайдуллох А., Қосимов А., Исмоилов Ю. Наманган вилояти маданий меъроси. – Наманган, 2013. - 116 б.

5. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Дарслик – Т.: Университет, 2014. - 404 б.

6. Юльчиев Д.А. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истикболлари. Магистрлик диссертацияси. – Т., 2011. - 76 б.

7. Наманган вилоятининг туристик салоҳияти ва қилинаётган ишлар:

<http://googleweblight.com/i?u=http://uza.uz/uzsociety/namanganda-turizm-rivoji-yolida-keng-qamrovli-ishlar-qilinm-04-02-2019&hl=uz-Uz>

8. “Афсоналар водийси” кўнгилочар боғи ва унинг рекреацион ҳолати:

<http://www.google.com/client=lightning&biw=320&bih=430&q=afsonalar+vodiysi+bitdi&oq=aqs=heirloom=srq&hl=uz-Uz>

**Тўраев Қ.Т.\***

### **ЎЗБЕКИСТОН ДИНИЙ ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

**Аннотация.** *Мақола Ўзбекистон диний туристик объектларини таснифлаш масалаларига бағишланган. Бунда диний туристик объектларнинг мақсади ва тарихий хусусиятини очиб беришга эътибор қаратилган. Мамлакатимизда ислом, буддизм ва христиан динларига оид зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг таснифи ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *диний туристик объектлар, дин, ислом, буддизм, христианлик динлари, зиёрат, қадамжо, ибодатхона, пайгамбар, тур, хусусият, тасниф.*

#### **Классификация религиозных туристических объектов Узбекистана**

**Аннотация.** *В статье рассматриваются вопросы классификации объектов религиозного туризма в Республике Узбекистан. Классифицированные объекты охарактеризованы по целям посещения и историческим особенностям. Особое внимание уделено святым местам ислама, христианства и буддизма, имеющимся в нашей республике.*

**Ключевые слова:** *объекты религиозного туризма, религия, ислам, буддизм, христианство, паломничество, святое место, храм, пророк, тур, особенность, классификация.*

#### **Classification of objects of religious tourism in Uzbekistan**

**Abstract.** *This article describes the classification of religious sites in Uzbekistan. A classificatory study of religious tourist attractions, their types, aims of visits and characteristics has been developed in the republic. Also it is analyzed places of Islam, Buddhism and Christianity and their classification in this country.*

**Key words:** *objects of religious tourism, religion, Islam, Buddhism, Christianity, pilgrimage, holy place, temple, prophet, tour, feature, classification.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Мукаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 120-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш бўлимиди ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон тўғрисида ислом дини ва бошқа динларнинг маданий-тарихий ва илмий-теологик маркази сифатида ахборот материалларини тарғиб қилиш ва тарқатиш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб

---


\* **Тўраев Қувончбек Тохирович** – Термиз давлат университети География кафедраси ўқитувчиси, эркин изланувчи. E-mail: quvonchbek755@mail.ru

берилган. Булар, ўз навбатида диний туризмни кенг ривожлантириш учун имкониятларни яратади.

Мамлакатимизда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Сўфи Оллоёр, Ал Хаким ат-Термизий, Ал Мотрудий, Чор Бакир, Муҳаммад Зоҳид, Зангиота каби алломаларнинг бой тарихга эга бўлган табаррук кадамжолари, зиёратгоҳлари борлиги юртимизда диний туризмни кенг миқёсда ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур диний туристик объектларнинг кўплиги ва қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланиши уларнинг илмий асосланган таснифини яратиш вазифасини кўяди.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ўзбекистонда диний туристик объектларнинг турлари, мақсади ва ўзига хос хусусиятиларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш ушбу ишнинг мақсади ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Диний туризм тушунчасига туристик тадқиқотлар билан боғлиқ адабиётларда маданий мерос туризми, маданий туризм, маданий ва маънавий сайёҳлик сифатида қаралган. Диний туризм ҳозирги вақтда туризмнинг оммаланиб бораётган турларидан бири ҳисобланади. Диний туризм – турли эътиқод вакилларининг диний мақсадларда яқка ёки жамоавий саёҳат қилиш учун тўпланиш жараёнини англатади. Одатда, туристик объектларни иқтисодий географик жиҳатдан ўрганишда уларни таснифлаш мақсадга мувофиқ. Бу борада, мамлакатимиз [1;2;3;6] ва хорижий [9;10;11] тадқиқотчилар ишларида зиёратгоҳ ва кадамжоларнинг пайдо бўлиши ва аҳолини ўзига жалб қилиш хусусиятларига кўра таснифлаш масалаларига эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан республикамиздаги диний туристик объектларни ижтимоий-табиий ва ижтимоий-маданий йўналишга ажратишимиз мумкин. Ҳар бир йўналиш эса ўз навбатида, объектлар гуруҳини ўз ичига олади (1-расм).



1-Расм. Ўзбекистондаги диний туристик объектларининг таснифи.

Расм муаллиф томонидан тайёрланган

Биринчи ижтимоий-маданий йўналиш кишиларнинг рухий покланиши, эътиқоди, ибодат қилиши ва диний билимларини ошириши натижасида маданий қадриятларга нисбатан ҳурматининг ошишига олиб келади. Натижада аҳоли орасида ақлий меҳнатнинг аҳамияти ортади ва бу ўз навбатида, ижтимоий-маданий омиларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Айниқса, йўналишнинг мақбара ва қабр, ибодат, билим каби гуруҳлари диний туристлар учун асосий ўрин тутувчи бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, муқаддас жойларнинг энг мураккаб тизими маданий бўлиши мумкин: монастыр, черков ва табиий жойлар - кўл, оқим, ўрмон, тош [8].

Ижтимоий-маданий йўналиш учта гуруҳни ўз ичига олган бўлиб, мақбара ва қабр, билим (мадраса, диний тадқиқот марказлари) ва ибодат (масжид, черков ва буддизм ибодатхонаси) кабилардан ташкил топган.

*Мақбара ва қабр* ўз ичига пайғамбар, саҳоба, ҳадисшунос, тасаввуф илми билан шуғулланган кишилар, ўз даврида диний даражаси ва лавозими бўлган кишилар, тарихий жойлар (эски шаҳар) каби даражасига қараб объектлар гуруҳидан иборат.

*Пайғамбар* (форс.-“хабар келтирувчи”) – бирор динни тарғиб этувчи ва шу дин илоҳи номидан даъват қилувчи шахс [14; б. 231]. Масалан, Зулқифл Куръонда номи зикр этилган пайғамбарлар рўйхатида 13-рақамда жой олган. Сурхондарё вилояти жанубида, Амударё дарёси Термиз шаҳри яқинидан икки тармоққа ажралиб оқади, булардан бири кичик (чап соҳили), бири катта (ўнг соҳил) бўлиб эни 5-6 километр, узунлиги оқим бўйлаб саккиз километрдан сўнг яна бирлашади. Катта ўнг соҳил яқинида оролнинг жанубида, Зулқифл номи билан аталувчи мақбара қад рослаб турибди, орол номи шунинг учун Пайғамбар ороли деб юритилади. Адабиётлардан маълумки, милoddан аввалги VI-VII асрларда яшаган бу тарихий шахснинг дунёда иккита қабри-мозори бор. Улардан бири Ироқнинг Кифл шаҳрида, иккинчиси ана шу оролда жойлашган. Манбаларда қайд этилишича, Зул-Кифл қабри XI аср, яъни Ғазнавийлар даврида оролга кўчириб келтирилиб, мақбара ва масжид бунёд этилган.

*Саҳоба* (ёхуд ас-саҳоба, соҳиб –“тарафдор”нинг кўплиги - ашоб) – Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари, у зот билан мулоқотда бўлган ёхуд ғазотларида қатнашган кишилар; кейинчалик Муҳаммад (с.а.в.)ни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар Саҳоба деб атала бошланган. У Дорил-ирфондан дарс олган ва ҳузур Расулдан бир лаҳза ҳам айрилмаган. Ажойиб фақиҳ бўлиб, ифто (фатво берувчи) мавкеига кўтарилган [7.б.264]. Абу Хурайра араб ҳалифалигини мустаҳкамлаш ва маҳаллий аҳолига ислом динни тарғиб қилиш мақсадида Сурхондарёнинг Қоратоғ ва Тўпаланг - икки дарё кўшилган жойга келади ва шу ерда истиқомат қилади. Ушбу шахснинг қабрлари Явнадаги (Исроил) ва Сурхондарё вилояти Узун тумани Телпакчинор қишлоғида жойлашган. Ҳозирда зиёратгоҳ сифатида фаолият юритилади. У зиёратгоҳни “Оқ остонабобо” ҳам дейишади, асли “оқ” сўзи гумбаз иморатда қўлланилган бўлиши мумкин. Остона сўзи шахс номи эмас “остона” сўзининг асл маъноси “бўсаға” тарзида изоҳланади. Балким оқ гумбаз бўсағада қабрга нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин [5].

*Ҳадисшунос*. Ҳадис (араб. – “хабар”, “янгилик”), ҳадислар - Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Ислом оламида энг обрўли ҳисобланган, ҳадислар тўпламлари қаторида “Саҳиҳи Бухорий” ва “Сунани Термизий” аълоҳида ўрни бор.

*Тасаввуф илми билан шуғулланган кишилар*. Тасаввуф, сўфийлик - исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги қараш. Бу атама ва ундан ясалган мутасаввиф (сўфий, “сўфийлик қилувчи”) ва сўфий (тасаввуф изидан борувчи) сўзларининг келиб чикиши ҳақида турли тахминлар бор. Сўфийлик бу тарки дунё қилган ўзини худога бағишлаган одам тушунилган. Баҳоуддин Нақишбандий, Ал Ҳаким Ат-Термизий, Сўфи Оллоёр, Хўжа Муҳаммад Мавлонои Зоҳид шулар жумласидандир. Бу ҳақда Бахтиёр Навруз-Зода ва Зебинисо Навруз-Зода “The Destination Marketing Development of Religious Tourism in Uzbekistan” номли мақоласида [6] зиёрат туризмни ташкил қилишда сўфийликнинг ўрнини юқори баҳолайди. Муаллифлар Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришда сўфийлик манфаатларига асосланган туризм хизматларини географик диверсификация қилиш кераклигини айтади.

*Ўз даврида диний даражаси ва лавозими бўлган кишилар*. Бу объектларни республикамизнинг барча қишлоқ туманларида учратишимиз мумкин. Қишлоқ жойларда ўз даврида диний даража ва лавозимга эга бўлган, эъзозланган кишилар қабри ва мақбарасини зиёрат қилишга (фақат шу кичик ҳудуд доирасида маълум ва машҳур бўлган кишилар) нисбатан ишлатилади. Масалан, Сурхондарё вилоятида Самандар Термизий, Такия ота, Музработ ота, Сулоймон ота, Хўжа Ҳасан Илғорий, Хожа Алоуддин Аттор, Хўжапириёх, Тошкент вилоятида - Ҳазрати али, Жиззах вилоятида - Дўснат ота, Андижон вилоятида - Фозилмон ота, Қутайба Ибн Мусли, Бибисешанба, Мирпустин, Имом ота, Фарғона вилоятида - Пир Сиддик, Қашқадарё вилоятида - Лангар ота, Ҳусан ота каби мажмуалар шулар жумласидандир. Булар бошқа гуруҳларга нисбатан зиёратчилар доираси кичик, зиёратгоҳ жойлашган қишлоқ ёки унинг қўшни қишлоқлари қамрови бўлиши мумкин.

*Тарихий жойлар (эски шаҳар).* Тошкент шаҳрида Юнусхон ва Бароқхон, Самарқанд шаҳрида Гўри Амир ва Шоҳизинда, Хивада Саид Аловиддин ва Саид Мағрумжон, Термиз тумани Кокилдор ота ва Султон Саодат макбаралари ва қабрлари эски шаҳар худудида бор. Бу мажмуалар эски Термиз Саидлари макбаралари сақланиб қолган объектлар: унда бир неча макбара ва қабрлар мавжуд. Худудида жойлашган мазкур тарихий объектлар эски шаҳар-Термиз сайидлари сулоласининг турли даврларда қурилган макбара ва маросим хоналаридан ташкил топган бир бутун ҳолига келтирилган меъморий мажмуадир.

*Билим ўз ичига халқаро илмий - тадқиқот маркази, мадраса* каби объектлар гуруҳидан иборат.

*Мадраса.* Тошкент шаҳрида Кўкалдош ва Бароқхон, Бухорода Мир Араб ва Абдулазизхон, Самарқандда Улуғбек ансамбли, Шердор ва Тиллақори, мадрасалари, Хоразмда Шерғозихон, Оллоқулихон, Мухаммад Аминхон ва Мухаммад Раҳимхон, Наманган вилоятида Мулла Қирғиз, бундан ташқари Саййид оталиқ мадрасаси, Сурхондарё вилоятида ягона мадраса Хожа Алоуддин Атторга, у Денов туманининг марказида икки қаватли қилиб қурилган. Мадраса XVI асрда Хожа Алоуддин Атторга атаб қурилган бу зот Баҳоуддин Нақшбанднинг қуёвлари бўлган. Тарихнинг барча қийинчиликларини кўрган. 1991-йиллар ҳам ишлаган. Ҳозирги вақтда ёпилган.

*Халқаро илмий – тадқиқот маркази.* Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар, ватандошларимиз Имом Бухорим ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази шулар жумласидандир. Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва Термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

*Ибодат ўз ичига масжид, черков, ибодатхона* каби объектлар жой олган. *Ибодат* (араб. - қуллуқ қилиш, бўйсунуш, ўзини паст олиш, итоат қилиш) – худога сиғиниш, илтижо қилиш. *Ибодатхона* (монастир): Сурхондарё вилояти Термиз туманида Фаёз тепа, Қора тепа будда дини монастир республикада ягоналиги ва қадимийлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари *Черков*: республикамизда рус проваслав черковлари сони 38 та бўлиб, черковларнинг архитектураси, рассомлар санъати, ундаги жозибадорлик маданий мерос ёдгорликлари сифатида кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Александр Невский черкови шулар жумласидандир. Ушбу диний объектлар минтақадаги мамлакатларда диний, зиёрат, тарихий ва маданий сайёҳлик объектлари вазифасини бажариши, жумладан, Россия ва бошқа проваслав динига эътиқод қиладиган аҳоли кўп бўлган хорижий сайёҳлар учун хизмат қилиши мумкин [4].

Юқорида икки йўналишга ажратилишига асосий сабаблардан бири сифатида табиий жойлар бўлса, буларнинг орасидаги кўприк, боғловчиси бу ибодат ҳисобланади, бир вақтнинг ўзида иккисида ҳам мавжуд яъни ҳар бир зиёратгоҳга борган зиёратчи хоҳ ижтимоий-маданий хоҳ ижтимоий-табиий бўлсин ўз ибодатини амалга оширади.

Иккинчи ижтимоий-табиий йўналиш. Юртимизда мавжуд кўплаб зиёратгоҳ жойларнинг булоқлар билан боғлиқлиги, тарихан ижтимоий ва табиий йўналиш мужассамлашуви, ҳам диний, ҳам табиий аҳамиятга эга жойлар намоён бўлади. Унда макбара ва қабр, табиатнинг қизиқарли объектлари, жумладан ғор, булоқлар, кўллар, дарахтлар ва бошқалар жой олган. Буларга Сурхондарё вилоятидаги Хўжайипок ота (ғор ва булоқ), Ҳазрати Султон Валий (омонхона булоғи), Самарқанд вилоятида Ҳазрати Довуд (ғор), Ширвоқ ота зиёратгоҳи (ғор ва булоқ), Жиззах вилоятида Новқа ота зиёратгоҳи (кўл), Теракли ота зиёратгоҳи (булоқлар), Хўжамушкент ота мажмуаси (булоқлар), Навоий вилоятида “Чашма” мажмуаси шулар жумласидан. Ислом дини кириб келгач, бу культларнинг барчаси ўз аҳамиятини йўқотиб, ўрнини ислом оламининг авлиёларига бўшатиб берганлар ва натижада табиат кучлари авлиёнинг ёки унинг макбарасини бир омили сифатида сақланиб қолган.

Зиёратчиларни жалб қилиш даражаси бўйича вилоятлар миқёсида жуда катта фарқлар мавжуд эмас. Шифобахш булоқлар асосий зиёратчиларни ўзига жалб қилувчи муқаддас, табиий объект ҳисобланади. Бундан ташқари диний туризмнинг ўзига хос бўлган яна бир қанча кичик таснифланишлари мавжуд. Буларга ислом динида зиёрат қилишда зиёратчиларнинг хоҳишига қараб: *ихтиёрий* ва *мажбурий*, иштирок этувчилар: *оилавий*, *гуруҳ*, *индивидуал*, мавсумий: *йил давомида* ва *диний байрамларда*, бўлиши мумкин.



Масалан, хоҳишига қараб динда ажратилган фарз зиёрат турига ислом динидаги ҳаж зиёратини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунда Ҳаж - Маккани зиёрат қилиш назарда тутилади. Исломнинг беш асосий рукнларидан бири, ҳаж амали, уни адо этишга қурби этган барча мусулмонлар учун (жуда бўлмаганда умрида бир марта) фарздир; унга қурби етмаганлар ўзларининг ўринларига “ўринбосар” (вакил ал-ҳаж.) юборишлари мумкин [7, б. 92].

Ўзбекистонда диний туристик объектлар зиёратчиларни ўзларига жалб қилиш даражасига қараб 3 кўринишда намоён бўлади. Булар: 1. Халқаро (юқори); 2. Минтақавий (ўрта); 3. Маҳаллий (кичик). Республикамиз диний туристик объектлар классификациясида ижтимоий - маданий объектлар асосий ўринга эга бўлиб, ижтимоий – табиий объектларнинг бу борадаги мавқеи бироз пастроқни ташкил этади.

**Хулоса.** Юқоридагилардан кўришиб турибдики, диний туризм ва зиёрат дунё миқёсида одамлар ҳаракатланишида катта аҳамият касб этади. Саёҳатлар хоҳ диний, хоҳ дунёвий ёки белгиланмаган бошқа қизиқишлар туфайли амалга оширилиши аҳамиятли эмас. Асосий ғоя миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари томонидан кенг эътибор қаратилмаган дин билан боғлиқ саёҳатларнинг кенгайтиши ва кўламини ёритиб беришига боғлиқ.

Мамлакатимизда диний туристик объектларни ўзига жалб қилиш белгилари, омиллари бўйича таснифини яратиш, махсус йўналишларни (маршрутларни) ишлаб чиқиш асносида бевосита туризмнинг диний йўналиши бўйича ташриф буюраётган туристларни кўпайишига эришиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдулахатов Н. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари мисолида). – Т.ф.н. ... дисс. автореф. – Т., 2008.
2. Абидова З.Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот) тарих фан. док (PhD) ... дис. автореферати. – Т., 2018.
3. Джураева С. Сурхондарёдаги муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг аҳоли диний маънавий ҳаётидаги ўрни. – Т.ф.н. ... дисс. автореф. – Т., 2009.
4. Федорко В.Н. География Русской православной церкви в странах Средней Азии // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 50-жилд. – Т., 2017. – С.80-93.
5. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 2001. – 45 б.
6. Navruz-Zoda, Bakhtiyor and Navruz-Zoda, Zebiniso (2016) "The Destination Marketing Development of Religious Tourism in Uzbekistan," International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 4: Iss. 7, Article 3.doi:10.21427/D7G01X Available at: <https://arrow.dit.ie/ijrtp/vol4/iss7/3>
7. Zuhridin Husniddinov tahriri ostida “Islom Ensiklopediyasi” «Oʻzbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, - Toshkent 2004.
8. [http://libartrus.com/arch/files/2018/3/03\\_180370\\_Aksenova\\_v3\\_207-216.pdf](http://libartrus.com/arch/files/2018/3/03_180370_Aksenova_v3_207-216.pdf) ISSN 2305-8420 Российский гуманитарный журнал. 2018. Том 7. №3. 207-214
9. <https://www.scribd.com/document/.../07-chapter2-pdf>
10. Charles R. Goeldner, J. R. Brent Ritchie. “TOURISM” principles, practices, philosophies. John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey – 2009. 11 pp.
11. Griffin, Kevin and Raj, Razaq Dr.(2017) “The Importance of Religious Tourism and Pilgrimage: reflecting on definitions, motives and data” International of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 5: Iss. 3, Article 2.

**Хужамкулов Б.Э., Қурбонов П.Р.\***

#### **ҲИСОР ҚҶРИҚҲОНАСИ РЕКРЕАЦИОН-ТУРИСТИК ОБЪЕКТ СИФАТИДА**

**Аннотация.** Мақола катта рекреацион-туристик потенциалга эга Ҳисор тоғлари ва унда ташкил этилган Ҳисор қўриқхонасидан туризм мақсадларида самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган. Ҳисор қўриқхонаси бўйлаб турли йўналишида туристик маршрутлар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг тўлиқ таърифи берилган.

\* **Хужамкулов Баҳром Эшбоевич** – Қарши давлат университети Биотехнология ва микробиология кафедраси мудири, б.ф.н., доцент. E- [hojamqulovbahrom@mail.ru](mailto:hojamqulovbahrom@mail.ru).

**Қурбонов Пахлавон Рустамович** – Қарши давлат университети География кафедраси мудири, г.ф.н., E- [Pahlavon82@mail.ru](mailto:Pahlavon82@mail.ru).

**Калит сўзлар:** *экотуризм, сталагмит, сталактит, ер ости зори, Амир Темур зори, карст жараёнлари.*

### **Гиссарский заповедник как объект отдыха и туризма**

**Аннотация.** *Статья посвящена вопросам использования Гиссарских гор и Гиссарского природного заповедника, которые имеют большой рекреационный и туристический потенциал. Туристические маршруты по Гиссарскому заповеднику разработаны и детализированы.*

**Ключевые слова:** *экотуризм, сталагмит, сталактит, подземная пещера, пещера Амира Темура, карстовые процессы.*

### **Gissar reserve as an object of recreation and tourism**

**Abstract.** *The article is devoted to the use of the Hissar Mountains and the Hissar Nature Reserve, which have great recreational and tourist potential. Hiking trails in the Gissar reserve are designed and detailed.*

**Key words:** *ecotourism, stalagmite, stalactite, underground cave, Amir Temur cave, karst processes.*

**Кириш.** Ҳозирги вақтда тоғлар қазилма бойликлари қазиб олинган, тоғ-кон саноати ҳудудларидан кўра, кўпроқ соғлиқни тикловчи, ҳордиқ чиқарувчи, лўнда қилиб айтганда рекреация хусусиятлари билан инсонларни қизиқтирмакда. Республиканинг аҳолиси зич, йирик суғорма деҳқончилик ва кўп тармоқли саноат мажмуаси шаклланган Қашқадарё вилоятида тоғ туризми, алпинизм, тоғ-чанғи спорти, экотуризм, зиёрат туризми, спелеотуризм ва этнотуризм каби туризм турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Бунда асосий эътибор Ҳисор тоғлари ва Ҳисор кўриқхонасининг табиий тоғ ландшафти сақлаб қолган ҳолда, янги йўналишдаги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан саналади.

Бу эса ўз навбатида янги тадқиқотлар ўтказиш, илмий экспедиция ва саёҳатлар ташкил этиш лозимлигини тақозо этади. Мазкур мақолада муаллифлар шахсан ўзлари томонидан Ҳисор кўриқхонаси ва Амир Темур ғорига амалга оширилган илмий экспедиция натижалари бўйича фикр ва хулосаларини баён этилган.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ҳисор кўриқхонасининг ноёб фауна ва флорасини ўрганиш, доривор ўсимликлар популяциясини тадқиқ этиш улардан амалиётда фойдаланиш;

Амир Темур ғори, унинг табиий ландшафти, ички кўриниш ва мавжуд туристик имкониятлари билан кенг жамоатчиликни таништириш;

Ҳисор кўриқхонасининг туристик-рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Асосий қисм.** Ўзбекистоннинг энг баланд тоғ тизими ҳисобланган Ҳисор тоғлари ўзинг пурвикро кўриниши, шифобахш иқлими, зилол сувлари, ажойиб табобат ва наботат олами билан инсонларни қадимдан жалб этиб келган. Жумладан мазкур тоғ тизимида ташкил этилган Ҳисор кўриқхонасининг жанубий чегарасидан атиги 20–25 км. узоқликда халқаро аҳамиятига молик Тешиктош неандертал одам манзили ундан топилган қадимги инсон суяклари, тош қуроллари ва излари мазкур тоғлар инсонларнинг дастлабки яшаш макони бўлиб келганлигидан далолат [1].

Ҳисор кўриқхонаси ва унга туташ тоғларда қадимий темирчилик, кулолчилик, қосибчилик ва бошқа ҳунармандчилик ривожланганлигини кўрсатувчи далиллар талайгина. Тошқўрғон, Филон, Дўконхона, Зармас, Вори ва бошқа шу каби қишлоқлар атрофида металл эритиш устахоналарининг чиқиндилари–шлаклар бот–бот учраб туради. Дарвоқе, пичоқ, тақа, рўзғор ва деҳқончилик асбоб–ускуналари ясовчи устахоналар ҳозир ҳам фаолият кўрсатаётган қишлоқлар бор. Турган гапки, темир ва бошқа маъдандан ясалган иш ва ов қуроллари бу ерга бошқа ўлкалардан келтирилмаган. Бу мулоҳазаларни келтиришдан мақсад – одамларнинг ҳаёти доимо тоғлар билан боғлиқ бўлган, одамлар тоққа интилиб келганлигини таъкидлашдир[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8-мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 198-сонли қароридан Ҳисор тоғларининг туристик-рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари белгилаб берилган. Жумладан, қарорда Яккабоғ туманининг Зармас ва Вари қишлоқларида тарихий туризм ва спелеотуризмни ривожлантириш мақсадида Амир Темур ғори атрофида ғорга экскурсия ташкил этиш бўйича тайёргарлик пунктини ташкил этиш

режалаштирилган. Бунда асосий ўринни эгалловчи Тошқўрғон қишлоғи Ҳисор қўриқхонасининг нодир табиат ёдгорликларига бой, турли табиий фанлар манфаати жиҳатидан қизиқарли манзиллардан саналади. Шу билан бирга Тошқўрғонга элтувчи икки йўл ҳам Қашқадарё тоғли қисмининг жуда жозибадор рангин ландшафтли, инсоннинг табиатга муносабатлари таъсири яққол намоён бўлган тоғлар бўйлаб ўтади. Айни вақтда Яккабоғ–Тошқўрғон йўли ҳам, Қамаш-Лангар–Тошқўрғон йўли ҳам транспорт воситаларидан фойдаланиш имкони мавжуд йўллардан ҳисобланади. Тошқўрғон–Амир Темур ғори маршрутини студентлар ва ўқувчиларга илмий-ўқув, бошқа туристларга ўлкашунослик саёҳати сифатида тавсия этиш мумкин.

Тошқўрғон денгиз сатҳидан 1900–1950 метр баландликда бундан 500–600 йиллар муқаддам барпо этилган ўзига хос тузилишдаги қишлоқ. Қишлоқ уйлари, асосан икки қаватли бўлиб, пастида оғилхона ва омборхона, иккинчи қават баланд синчли, эшик ва олдинги устунлари нақшдор айвонли уйлاردан иборат. Токчали, шипи гулдор ёғоч билан безатилган. Кўчалар кенг, қишлоқнинг текис, аммо эгри–бугри кўчалари майдонларга бориб туташади. Айни пайтда қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми Қарши чўлини ўзлаштириш натижасида ташкил топган Касби туманидаги Тошқўрғон ва Шакаржўй (собик 14-15- давлат хўжаликлари) қишлоқларида яшаб келмоқда. Тошқўрғонда бундан 250 йиллар олдин қурилган жуда чиройли мачит бор. Нақшли гулдор безакларига кўра бу мачит шарқ меъморчилигининг нодир обидаси. Қишлоқда шу типдаги мачитлар сони тўртта бўлган. Уларнинг иккитаси 50–60 йил бурун бузилиб кетган бўлса, биттаси яқин йиллар орасида қаровсизликдан вайрона бўлган. Хуллас, азалдан темирчилик, дурадгор усталари билан машҳур бўлган бу маскан жанубий Ўзбекистон тоғ қишлоқлари меъморчилиги намунаси сифатида қўриқхона таркибида ўзига хос мозийгоҳга айлантирилса, айни муддао бўлур эди.

Қишлоқ Қизилдарёнинг ўнг соҳилида, дарё қирғоғидан 150–200 метрлар баландда ўрнашган. Қизилдарё ўзани қишлоқнинг жанубидан ўтади. Дарёга чапдан қишлоқ рўпарасида Қальасой дарёси келиб қўшилади. Айнан шу Қальасой ҳавзаси ўзининг ниҳоятда қизиқарли геологик объектлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Қальасой–Қамадарё–Қалъаишерон–Шерлар қалъаси атамалари ҳам бу дарёнинг водийси бошқа водийлардан ўзгача тор ва чуқур дара ҳосил қилиб, оқишини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, Қальасой дарёси ҳайратомуз улкан ўлчамли водий сифатида маълум ва машҳур. Дарё ўзанидан 40–140 метр баландликдан даранинг тик девори (каньон) бошланади. Айрим жойларда торгина супага ўхшаш текис токчалар ҳам бўлган танги деворларининг баландлиги 150–300 метрни ташкил этади. Дарё тангиси ниҳоятда тор: эни 40–56 метр, баъзида бироз кенгаяди. Тик деворли дарага фақат дарё оқими юқорисидан ёки куйи оқим бўйлабгина кириш мумкин. Қальасойнинг атроф жойлар билан алоқаси қийин бўлагининг узунлиги 7–8 кмни ташкил этади. Ғарбий Ҳисор тоғларида Қальасой дарасидан қолишмайдиган Зармас дараси (Қизилдарёнинг Вори билан Татар қишлоқлари оралиғидаги бўлаги) Лангар дарёсининг юқори оқимидаги дара каби ниҳоятда салобатли дараларга эга. Дара, танги, қопчиғай (Оққопчиғай, Торқопчиғай, Бўриқопчиғай Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқлар номи) атамаси билан юритиладиган дарё водийларининг тарқалиши кузатилганда муайян қонуният мавжудлиги маълум бўлади. Одатда бундай водийлар, асосан, сувда эрийдиган оҳақтошлар заминли тоғлардангина шаклланади экан. Ҳисор тоғларидаги Қальасой, Зармас, Лангар, Сангардак, Темир Дарвоза. Бойсун даралари геологик ўтмишнинг юқори юра ёшидаги оҳақтош қатларида шаклланган. Кўкиш–қорамтир рангдаги майда зарралар оҳақтошлар ўртача чуқурликдаги илиқ денгиз маҳсулотларидир. Бу ерда уларнинг 200 метргача қалинликда бўлишининг сабаби шу таҳлит денгиз шароити ўнлаб миллион йил давом этган Ҳисор оҳақтош мажмуалари–Ҳисор свитаси номи билан геологларга маълум. Бу ётқиқлар Ҳисор тизмасининг барча ҳудудларида ва Кўҳитанг тоғларида катта майдонларни ишғол қилади. Тик деворли даралар шаклланишига келганда шуни аниқ айтиш мумкинки, оҳақтошлар тоғ заминидан мавжуд ёриқларни оқар сув эрозияси (емирувчанлиги)га оҳақтош жинсларнинг фаолияти қўшилиши эвазига вужудга келади.

Дарвоқе, оҳақтошлар карстланиш жараёнига чалинувчи ётқиқлар қаторига киради. Шу боис Қальасой ҳавзасида карст жараёнларининг ҳам ер ости, ҳам ер усти рельеф шакллари кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Чунончи, Қальасой дарёси ва унинг ўнг ирмоғи–Саридевол дарёси бошларида кўпдан–кўп карст ўйиқлари–воронкалари борлиги аниқланган. Карстнинг шу таҳлит ер усти шакллари қор сувларини ўзига шимиб олиб, ер ости сувларининг захирасини тўлдиради, ер ости бўшлиқлари–карст ғорларининг ҳосил бўлишида замин

хозирлайди [2]. Қальасой деворларига қатлар орасидан сизиб чиқаётган Отдуми ва Хўкизбурун шаршараларининг манбаи оҳақтошли жинс қатлари орасидаги сувлар ҳисобланади. Қальасойнинг ўрта оқимидаги даранинг 150 метр баландликдаги ўнг соҳили деворларининг қок ўртасидан тушаётган ёмғирсимон шаршара Отдуми деб аталади. Қатлар орасидан сизиб чиққан бир неча литр ҳажмдаги сув соч тарамига ўхшаш шаррак ҳосил қилганки, дара шабадасида от думининг силкинишини эслатгани учун уни маҳаллий аҳоли Отдуми деб аташган, чамаси.

Даранинг яна шу ўнг биқинида кувурсимон иккита ёнма-ён ёриқдан отилиб чиқаётган шаршара эса, Хўкизбурун номи билан юритилади. Шарракнинг кўзи доирасимон кичик ёриқ бўлиб, у дарё юзасидан 40–50 метрлар чамаси баландликдаги қоядан шиддат билан отилиб чиқаётди. Эҳтимол, бу шаршара тоғ қаъридаги ер ости кўлининг сувидир. Тадқиқотлар натижасида аниқланганки, бундай тик деворлардан сувларнинг чиқиши фақатгина таркиби карстга чалинувчи жинслардан иборат қатларда учрайди. Кўриқхонадаги Қальасой дарасидан бошқа эътиборга сазовор нотирик табиат ёдгорликларидан бири Амир Темур Кўрагоний ғоридир. Йигирманчи асрнинг 60–йиллари ўрталарида ғорнинг карст ғори сифатида тадқиқ этган мархум географ олим, устоз Абдулла Маматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу улкан ғор Ўрта Осиёдаги энг қизиқарли ер ости бўшлиқлари қаторига киради. Ғорнинг номланиши хусусида шуни айтиш мумкинки, кўпчилик маҳаллий аҳоли Амир Темур Кўрагоний ғори деб юритадилар, зеро улар ишонадиларки, буюк соҳибқирондан бошқа одам яшамаган. Амир Темур ғори деб юритса ҳам тўғри бўлади, аммо шу номда Чирокчи тумани худудидаги Қоратепа тоғларида анчагина катта карст ғори машҳур. Шу сабабдан бўлса керакки, ер илми тадқиқотчилари бу ер ости бўшлиғини Яккабоғ ғори, Тошқўрғон ғори номлари билан ҳам юритадилар. Бизнингча, буюк соҳибқиронга маҳаллий халқнинг эҳтироми сифатида ғорни Амир Темур кўрғони деб юритилиши асосли бўлса керак. Боиси, яқин худудларда яшовчи аҳоли ўртасида кенг тарқалган ривоятларга қараганда Амир Темур йигитлик чоғларида ўз аскарни билан бу ерда куч тўплаган сарбозларини чиниқтирган. Бу ернинг энг баланд жойи (3855 м). Хўжаахчабурун тоғида туриб, Бухоро, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларидан чиққан душманларни кузатган, ғор олдидаги супаларда дам олишган, кенгашлар ўтказган. Ғорнинг “Отхона” қисми бўлажак жаҳонгирга сайисхона бўлиб хизмат қилган. Ривоятнинг ҳақиқатга яқинлиги шундаки, ғор оғизларида бўйи 20 метр, эни 10 метр келадиган супалар бор. Супалар қияликда барпо этилганлиги учун уларнинг дарёга қараган деворлари тош бўлақлари оралиғига ёғочлар ётқизишиб терилган. Бундай баланд тоғли овлоқ жойда каттагина куч ва маблағ талаб этиладиган иншоот Амир Темурга ўхшаган катта ишларга жазм этган кишилар томонидангина бунёд этилиши мумкин. Таниқли адиб, Евгений Березиковнинг “Легенды и тайны Узбекистана” китобидаги “Темур ғори” номли ҳикоясида ғорда Амир Темур яшаганлиги хусусида бир неча мулоҳазалар билдирилган. Шулардан бири: 1910 йилда Бухоро амири Абдулахадхон томонидан Шахрисабзга бек этиб тайинланган Мирза Салимбек ўзининг 20 га яқин йигитлари билан Темур бино этган Қалъа ҳақида кўришга келади ва ёзади. Бекнинг кундаликларида маълум бўладики, атрофида ва ғорда буюк саркарда яшаганлигини кўрсатувчи айрим ашёвий далиллар ўша вақтларда ҳам сақланган экан.

Амир Темур карст ғори тўртламчи даврининг Тошкент асри деб юритилган, тахминан бундан 500–600 минг йиллар илгари иқлим серёғин бўлган вақтларда шаклланган. Ғор оғзи денгиз сатҳидан 2937 метр, Қальасой дарёси юзасидан 190 метр баландликда, Тошқўрғон қишлоғидан 13 км жануби–шарқда Хўжаахчабурун тоғининг ғарбий ёнбағрида жойлашган. Бу улкан ер ости галереяси қачонлардир яхлит бир ғорнинг ўрта қисми деворларининг дарёга қараган қисми ўпирилиб тушиши туфайли бир-биридан ажралган мустақил ғордан иборат. Биринчиси икки оғизли 190 метр узунликдаги “Отхона” ғори, иккинчиси “Отхона”дан 20 метр чамаси масофада жойлашган умумий узунлиги 625 метрдан иборат бўлган Амир Темур ғоридир. Асосий ғорнинг оғзига ҳар иккала ғор учун умумий бўлган супадан бир неча зинапоя орқали кўтарилади. Ичкари томонга торайиб борувчи тўртбурчак шаклдаги ғор оғзининг баландлиги 27 метр, эни 4,5 метр. Ғор оғзидан 40 метр ичкарида 4,5 метр катталиқдаги қоятош ғор йўлини тўсиб қолган. Бу қоятош, ғор шипидан кўчиб тушган. Ғор йўлақларининг кенглиги 3–10 метр, баландлиги 10–25 метр келади. Шипдан ва деворлардан осилиб турган пастга томон ингичкалашиб борувчи сталактитлар ва ғор заминидан “ўсиб” чиққан, юкорига ингичкалашиб борадиган кўпдан-кўп сталагмитлар фонар ёруғида ғаройиб манзара касб этади. Тош сумалақларнинг айримлари мачит устунларини эслатса, бошқалари турли хайвон хайкаллари

ўхшайди. Ғор оғзидан 341 метр юрилгач, юз метрларга чўзилган “узун зал” бошланади. Залнинг эни 20, баландлиги 13–15 метр, замини (поли) нам, сирпанчик. Бу залнинг бурчагида пастга томон жуда тор туйнук кетади. Одам зўрға сигадаган ғадир–будур деворли, гоҳо бироз кенгайдиган ғор бўлагининг узунлиги 50 метрга яқин. Бир–биридан нам ва тор тешиқлар билан ажралган бир қадар кенроқ қисмларининг шаклига қараб, «Биринчи кичик зал», «Иккинчи кичик зал», «Гумбазли зал» деб номлади. Ғорнинг охиридаги залда кўл бор. Кўлли залнинг узунлиги 70, кенлиги 30–40 ва баландлиги 25–35 метр.

Залнинг ғарб томонида баландлиги 3–4 метр келадиган, усти ялтироқ кальцит кристаллари билан қопланган табиий супачалар мавжуд. Деворларда, шипда турли шаклдаги катта–кичик сталактитлар осилиб турибди. Зал ҳавосида сув томчилари кўплигидан ёруғлик тушганда бу тош сумалақлар сеҳрли рангда товланадики, киши ўзини афсонавий ер ости қасрида юргандек ҳис этади. Кўлли залнинг замини аста–секин кўтарилиб, зал ўртасида тепадан тушган қиррали йирик ҳарсанг тошлардан ташкил топган тўғонга дуч келинади. Тўғондан нарида тиниқ сувли ер ости кўли жойлашган. Кўл шимолидан жанубга 30 метр, ғарбдан шарққа 14 метр масофага чўзилган, чуқурлиги 1,5–2 метр. Кўл юзасидан шипгача бўлган масофа 2,5 метр бўлиб, шипдан кўлга шариллаб сув тушиб турибди. Суви чучук дарё сувига ўхшайди, унинг ҳарорати 8°C. Кўлдан нарида ғор йўлагини топа олмадик, айрим маълумотларга кўра, жуда тор йўлак сифатида ғор давом этиши мумкин, чунки ғорнинг охири унинг бошқа қисмларидаги каби оҳақтошли жинслардан таркиб топган. Шундай экан, бир неча юз минг йиллар мобайнида шаклланган турли соҳа тадқиқотчиларини қизиқтирадиган бу улкан ғорни чуқурроқ ўрганиш талай жумбоқларни ечишга ёрдам беради, энг муҳими она табиат яратган бу табиий ёдгорлик келажак авлодлар учун ҳам хизмат қилади.

Таърифланаётган саёҳат йўналишида Улоқўйнар магматик жинсли тоғлардан сув тўплайдиган Қальасойнинг ўзи ҳам, дарадаги кўпдан–кўп чашмалар, дара деворларида ҳали ўрганилмаган бир қанча ғорлар ҳам, тик деворларда яққол намоён бўлган тектоник синиқлар ҳам ер илми фанлари учун жуда қизиқарлидир. Айниқса, Қальасой ҳавзасида аниқланган аолен (юра) геологик асри тошқотган игнабаргли ўсимлик излари ва қолдиқлари, юра денгизларида яшаган игнатанлиларга мансуб қазилма денгиз қирпилари жонсиз табиатимизнинг камёб ёдгорликлари сифатида геологларни қизиқтириб келмоқда. Бу маршрутдаги энг қизиқарли ва ноёб табиат ёдгорлиги бўр даври динозаврларининг излари десак, муболаға бўлмас. Тошқўрғондан узоқ бўлмаган Қальасойнинг ўнг соҳилидаги қияликда 50x45 см, энг катталари 90–100 метргача ўлчамда 23 та издан иборат динозавр сўкмоғи аҳамияти жиҳатдан Кўҳитанг дарёси юқори оқимидаги машҳур Хўжафил ота юра динозаврлари изларидан қолишмайди. Динозавр излари ва бошқа геологик ёдгорлиқлар ўлкамизнинг юзлаб миллион йиллар олдинги тараққиётини тушунишда мислсиз аҳамияти бор.

Кўрикxonанинг иккинчи саёҳат сўкмоғи сифатида Тошқўрғон–Қизилдарё водийсининг Катта Хурсон дарё қуйилишигача бўлган ораликдаги йўналишини тавсия этамиз. Тахминан 20–25 км узунликдаги бу сўкмоқ геоморфологик, гидрологик объектлар билан бирга биологик объектлари ўзига хослиги билан диққатга сазовор. Бу саёҳатда шовкин солиб оқувчи чинакам тоғ дарёси бўлган Қизилдарё ва унинг ирмоқлари кузатилади. Бу ерда тошдан–тошга урилиб, кўпириб оқаётган муздек совуқ сувли тоғ дарёси нима эканлигини ҳис этиш имконияти туғилади. Дарёлар емирилиш ва эришга мойил чўкинди жинсли райондан ўтганда водийси кўлсимон кенгайишлар, бу тўғараксимон ботиқлари магматик деворлар ва қаттиқ кристалли метаморфик жинслардан ташкил топганлигини кузатганда экзоген геодинамик жараёнларнинг нақадар катта куч эканлигини ҳис этиш мумкин.

Бурмалар орасидан ўтишда тор тик ёнбағирдан туртиб чиққан турли шаклдаги қоялари бўлган, водий бўйлаб оқаётган тез оқар дарёни кузатиш ниҳоятда қизиқарли. Худди шундай водий дарёнинг Саритўқай ва Кўл ирмоқлари оралиғидаги бўлағида борлигини кўрамиз. Водийнинг мазкур бўлағи қизғиш–кўкиш рангли жуда зич бўр даври гилтошларидан ташкил топган. Бу ерда дарё бурамаларни кесиб ўтиб, тик ён бағирли дарасимон водийдан оқади. Водий ёнбағрининг баландлиги 80–90 метр. Бундан қуйида водий яна кенгайди.

Қизилдарёнинг ўнг соҳилида қад ростлайдиган Арратош тоғларининг жанубий ёнбағри анча юмшоқ тарашланган сер тепа қирлар мавжудлиги билан таърифланади. Бу ерда 2000–2100 метр баландликда юра даврининг хемоген чўкинди жинслардан тузилган. Гаурдак тузли жинс мажмуалари–гаурдак свитаси аталмиш бундай жинслар анчагина кенг майдонларни эгаллайди. Усти қизғиш гилли ётқизиқлар билан қопланган бу жинслар ангидрит, гипс, карналлит, силвит

каби сувда тез эрувчан хемоген жинс мажмуаларидан тузилганки, улар карст шаклли рельеф кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Хилма–хил ва кўп сонли карст ботиклари–ўйдум–чукурликлари деярли дарахтсиз яланғоч тепаликлар кўринишида намоён бўлган. Айни вақтда замини карстга чалинмаган кумтош, гилтош, гилли сланец таркибли майдонлар қалин арча ва уларга аралаш тоғ ўрмонлари сифатида яққол кўзга ташланади. Саёҳат давомида бундай бир–биридан кескин тафовутли манзарани кузатиш орқали карстнинг ландшафт ҳосил қилувчилик роли таъкидланади. Демак, ландшафтнинг гидрографик тўр ва ўсимлик қоплами каби икки кўзга ташланувчи етакчи компонентлари тарқалишига заминнинг таркиби–тоғ жинслари қай даражада таъсир кўрсатиши карст жараёнига боғлиқлиги аниқланади. Шу аснода, ландшафт компонентлари бир–бирига таъсир кўрсатувчи, бир–бирига боғлиқ ҳолда мавжуд бўла олиши мумкин, деган хулоса чиқарилади. Шунингдек, бу маршрут давомида, баъзи табиий объектлар, жумладан, Бум яйлови доирасидаги узунлиги 90 метр бўлган икки томони очик Мансур ғори билан юра даври оҳактош қатларида ҳосил бўлган Гул ғорлари билан танишиб ўтиш мумкин. Қизилдарёнинг ўнг ирмоғи ингичка жилғасининг бошланиш жойида, Тошқўрғон қишлоғидан 6 км шарқда ўрнашган Гул ғорининг узунлиги 68 метр. Бу сўқмоқдаги кўришга сазовор объектлардан яна бири – мавсумий ҳаракатга эга Оқбулоқ чашмасидир. Бу чашма табиати антика. Гап шундаки, ушбу чашманинг сув сарфи ўн–ўн бир ой мобайнида бир хил, секундига 2–3 литрга тенг. Май охирида бирданига тик қатли қоя тагидан отилиб чиқади. Бир тегирмонлик (500 л) чамаси сув июль бошларида тўсатдан камайиб, аввалги ҳолига келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чашманинг тўйиниш минтақаси бўлган Арратош тоғининг замини юра даврининг оҳактош ва жинсларидан ташкил топган. Тоғ ёнбағрида кўпдан–кўп карст чукурликлари бўлиб, қишда ёққан қорни ўзида тўплаб туради. Тоғда ҳароратнинг кўтарилиши чукурликларда қорнинг жадал эришига олиб келади, тоғ қаъридаги бўшлиқларни сув билан тўлгазиши ва бу бирданига булоқ кўзидан отилиб чиқади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ҳисор кўриқхонасининг Қизилсув бўлими табиатининг бойлиги билан Мироқи ва Танхоз дарё бўлимларидан сезиларли фарқ қилади. Шундай қилиб, ноёб фауна (қор қоплон, тоғ қўйи, қўнғир айик) ва флора (арчазорлар, наъматақзорлар, доривор ўсимликлар) турларига бой бўлган кўриқхонанинг Қизилсув бўлими хилма–хил мақсадларда саёҳат қилиш учун табиий объектларнинг турли–туманлиги билан ажралиб туради[4].

**Хулоса.** Кўриқхонанинг бошқа ҳудудларида ҳам саёҳатбоп сўқмоқлар кўп. Танхоз бўлимида шу номли дарё бўйлаб ўтадиган маршрут давомида магматик жинслар ва уларда шакланган нодир рельеф шакллари кузатиш мумкин. Мироқи бўлимида Ҳисорак қишлоғидан бошланган Тамшушдарё водийсида кенг баргли дарахтларни ўрганиш маршрути, Сувтушар дарёсидан Осмонтарош тоғи этакларида тугайдиган ниҳоятда турфа табиат ёдгорликларини, айниқса, Ғилондарё бўйлаб юритилган тоғ саёҳат сўқмоғи фауна ва флорасини ўрганиш учун қулай бўлган маршрутларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳисор тоғлари ва Ҳисор кўриқхонасининг табиий ландшафт хусусиятларини асл ҳолатида сақлаб қолиш билан бирга, унинг туристик-рекреацион имкониятларидан иқтисодиётда самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Амалга оширилган илмий экспедиция натижаларига кўра, тавсия этилаётган ҳар бир саёҳат йўналиши яқиндан ўрганилса, янги бир–бирини такрорламайдиган табиий объектлари кўплиги билан бир–биридан фарқланади. Кўриқхонада диққатга сазовор табиат ёдгорликларини аниқлаш, рўйхатга олиш, таърифни ёзиш, карталаштириш кўриқхона жамоаси билан тегишли илмий ташкилотлар ҳамда тадқиқотчиларнинг ҳамкорлигидаги иши бўлиши зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Джумаев Т. Горы Узбекистана: природа, хозяйство, отдых. – Т.: Мехнат, 1989. – 224 с.
2. Маматов А. Карст в палеозойских отложениях Яккабагских гор // Карст Узбекистана. - Т.: Фан, 1970.
3. Маматов А.М., Абдуллаев С.И., Хўжамкулов Б.Э. Ҳисор давлат кўриқхонаси – Ўрта Осиё тоғ табиатининг андозаси. – Қарши: Насаф, 2010. – Б. 7-63.
4. Хужамкулов Б.Э. Арчовники бассейна Кашкадарьи. Дисс. ... канд. биол. наук. – Т., 1998. С. 14-112.

**ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИ  
ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАРУБЕЖНЫХ ПАРТНЁРОВ****Мухаббатов Х.М.\*****ВОДА – ОСНОВА СОТРУДНИЧЕСТВА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы формирования и использования водных ресурсов Таджикистана. Проанализированы природно-географические условия и распределение водных ресурсов по экономическим районам. Отмечается, что после распада СССР проблемы водопользования в Центральной Азии приобрели межгосударственный масштаб, экономическое и политическое содержание. Демографический рост, опустынивание, потепление климата придают особую актуальность проблемам справедливого перераспределения водных ресурсов в регионе.

**Ключевые слова:** регион, водопользование, деградация, вододеление, потребление, регулирование, гидроэлектростанции, водно-энергетические ресурсы.

**Сув – Марказий Осиёдаги ҳамкорлик асоси**

**Аннотация.** Мақолада Тоҷикистон сув ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилиган. Республика иқтисодий районлари бўйича сув ресурсларининг тақсимланиши табиий географик шароит билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган. Собиқ Иттифоқ тарқалишидан сўнг Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммолари давлатлараро миқёсга ҳамда иқтисодий ва сиёсий мазмунга эга бўлиб қолганлиги таъкидлаб ўтилган. Демографик ўсиш, чўллашиш, иқлим илиши минтақада сув ресурсларини адолатли тақсимлаш муаммоларига янада долзарблик кўшиб бермоқда.

9	Терек ( <i>Populus</i> )	<i>Байтерек</i> зим., оз.; <i>Байтерексай</i> бал.; <i>Көктерек</i> бал., лет., разв., с., ур., зим., отд. дв.; <i>Костерек</i> разв.; <i>Терек</i> буг., зим.; <i>Терексай</i> , бал.; <i>Теректау</i> , ур., бал.; <i>Теректы</i> буг., зим. (2), зим. (2), лет., отд. дв., разв., р. (2); <i>Теректы</i> с., нежил., ур.; <i>Теректысай</i> бал. (3); <i>Теректытау</i> ур.
10	Ши ( <i>Achnatherum</i> )	<i>Акпаниши</i> сол.; <i>Акиши</i> зим. (5), отд. дв., разв., с., ур. (3); <i>Аралши</i> зим., ур.; <i>Астауши</i> ур.; <i>Ащышилисай</i> бал.; <i>Басиши</i> отд. дв., с.; <i>Бишикшисарыкөл</i> ур., <i>Жаманиши</i> род.; <i>Жаманиши</i> бал., к.; <i>Қараши</i> с., нежил.; <i>Қарашимола</i> мог.; <i>Қарашисай</i> бал.; <i>Киндикиши</i> ур.; <i>Кулакиши</i> бал., буг. (2), зим. (2), к., отд. дв. (2), разв., р., ур. (3); <i>Куланиши</i> зим.; <i>Қырыкшиказган</i> ур.; <i>Сағашили</i> с.; <i>Сориши</i> сол.; <i>Тасиши</i> г., зим., род.; <i>Тузиши</i> разв.; <i>Улкен Шибулаксай</i> бал.; <i>Шакырши</i> г.; <i>Ши</i> буг.; <i>Шибалак</i> зим.; <i>Шибулак</i> бал. (3), буг.(2), зим.(2), к. (3), отд. дв., разв.(2), р., с., ур. (3); <i>Шибулаксай</i> бал.; <i>Шибулаксор</i> ур.; <i>Шижага</i> зим., ур.; <i>Шиколь</i> зим.; <i>Шикудык</i> бал., буг. (2), зим., к. (2), лет., с., сол. к. (2); <i>Ши</i> бал., зим. (4), кург., разв., р. (5); <i>Шилиайрык</i> бал., к.; <i>Шилиаша</i> бал., разв.; <i>Шилиашасай</i> бал., р., сух. р.; <i>Шилибасат</i> зим.; <i>Шилибогет</i> разв., сол. р.; <i>Шилибулак</i> ур.; <i>Ши</i> <i>Караколь</i> разв.; <i>Шиликоль</i> разв., сол. оз., ур. (4); <i>Шиликоп</i> к.; <i>Шилисай</i> бал. (9), буг. (2), зим., овр. (3), разв. (4), <i>Шилисай</i> р. (5), с.; <i>Шилисатай</i> бал.; <i>Шилисор</i> сол.; <i>Шилитогай</i> бал., разв. (2); <i>Шиоба</i> буг., к.; <i>Шубарши</i> буг., зим. (2), пос., с., ур.; <i>Шукырши</i> с.; <i>Шыгырши</i> р., сух. р.; <i>Шыгыс Шилибогет</i> буг.(2)

Таблица составлена авторами по данным Каталога географических названий РК и на основе топографической карты Актюбинской области

На рисунке 2 показано количество видов растений в названиях географических объектов. Наиболее распространенным в топонимах территории является - *ши. Ши (чий)* – один из видов злаковых трав.





Рис. 2. Число топонимов Актюбинской области, образованных от названий некоторых растений

Ученые-геоботаники С.В. Викторов и А.Г. Чекишев использовали ши в качестве гидроиндикатора и выявили возможность его использования при определении глубины и минерального состава подземных вод. В частности, по виду ши были достоверно вычислены различные глубины подземных вод и степень минерализации [11, с. 29-30]. В труде под названием «Жизнь киргизских степей», выпущенном в Париже в 1897 году, Б. Залесский говорит о том, что казахи в степях, глядя на ши, определяли источник воды.

К.К. Каймулдинова пишет что, топонимы с участием термина «кокпек» являются индикаторами полупустынных ландшафтов [12, с.150-151]. На территории области выявлен 21 топоним с использованием названия растения кокпек и все они находятся в полупустынной зоне.



**Рис. 3. Распределение фитотопонимов по категориям географических названий**

На рисунке 3 показаны доли оронимов, гидронимов, ойконимов и других категорий топонимов в структуре географических названий, содержащих некоторые флористические термины. В частности, видно, что термин «караган» чаще встречается в составе оронимов, камыш - гидронимов, особенно в названиях озер.

Установлено, что на территории области имеются топонимы, связанные с редкими, находящимися под угрозой исчезновения и состоящими в Красной книге Казахстана видами растений, таких как ясень, красная береза, сосна, кандыгааш, турангы, можжевельник и другие. Их топонимическая активность на территории Актюбинской области представлена в таблице 3.

В Казахстане растут 2 вида сосны: сосна обыкновенная и сосна кедровая. В свое время сосновые леса, начинаясь от Семипалатинского Прииртышья, соединялись с Костанайской степью, доходя до Актюбинской области. Из-за антропогенного воздействия они исчезли [7]. Их следы сохранились только в географических названиях. *Чаган* - одно из редчайших деревьев в Казахстане, на юге произрастает на влажных землях, по берегам рек. В долине реки Чарын сохранились его реликтовые заросли. *Кандыгааш* - реликтовое растение, относящееся к березовой породе, занесен в Красную книгу Казахстана. На территории Актюбинской области его заросли имеются в долинах рек Елек, Жаксы Каргалы, Ор и поселения Оркаш [14, с.45]. *Красная берёза (Киргизская Береза)* - редкий эндемик, занесён в Красную книгу Казахстана. *Можжевельник* - вечнозеленое хвойное дерево. На территории области он растёт на южных склонах Жамантау, около станции Алабас, у поселения Аршалы [14, с.134]. На территории Казахстана распространены три вида *туранги*: черная туранга, белая туранга, Литвиновская туранга. Белая туранга является древним реликтовым видом на территории республики.

С особым уважением относился казахский народ к лесам. Казахи считали святыми одиноко произрастающие, особо растущие крупные деревья, старались сохранить их. Среди топонимов есть названия *жалгызагаиш* (8 наименований). На территории области около 40 топонимов, связанных с деревьями, в том числе 21 наименование со словом *караагаиш*.

С конца XX в. интенсивная хозяйственная деятельность на территории Актюбинской области, в частности вспашка целины, увеличение площади открытых карьеров, разведка и добыча нефти и газа, существенно изменили природные ландшафты и их компоненты. Дальнейшее освоение природных богатств области может привести к уничтожению природных ландшафтов, имеющих научную, эстетическую, хозяйственную, рекреационную ценность.



Поэтому очень важно исследовать и восстановить изменения в ландшафте. В настоящее время такие исследования проводятся на основе различных методов и приемов, к числу которых можно отнести и топонимический подход. Можно сравнить территорию распространения фитотопонимов и современные ареалы растений, получить результаты исследования с использованием исторических материалов и карт. Это направление топонимических исследований требует полноценного развития по отдельным регионам Казахстана.

Таблица 3

**Бликие к исчезновению, редкие виды растений на территории Актюбинской области и их топонимическая активность**

Виды растений	Топонимическая активность
Карагай ( <i>Pinus</i> )	<i>Тегискарагайлы</i> р. соединяет озёра Коссор и Тегиссор, <i>Солтустик Карагайлы</i> буг.; <i>Карагайбаз</i> зим., <i>Карагай</i> буг.; <i>Карагайлы</i> буг. (р-н Айтеке Би); <i>Карагай</i> буг. (2), <i>Карагайлы</i> буг. (Шалкарский р-н); <i>Карагайсай</i> бал., <i>Карагай</i> ур. (Мартоковский р-н); <i>Қарагайқұдық</i> қонысы (Актобе г.а.)
Шаган ( <i>Fraxinus</i> )	<i>Шаган</i> р., <i>Шаган</i> буг.(3), <i>Басшаган</i> к., <i>Басшаган</i> ур. (Шалкарский р-н.); <i>Шаган</i> буг. (Ыргызский р-н.); <i>Шаган</i> буг. (3), <i>Жалганишаган</i> р. (Байганинский р-н.)
Кандыагаш ( <i>Alnus</i> )	Кандыагаш город (Мугалжарский р-н.); Кандыагаш разв., Кандыагаш сух.р., Бас Кандыагаш зим., Сага Кандыагаш зим., Орта Кандыагаш зим. (Темирский р-н)
Кызылкайын ( <i>Betula kirghisorum</i> )	Кызылкайын буг., Кызылкайын р. – левый приток реки Ор, Кызылкайын ст. (Хромтауский р-н.)
Арша ( <i>Juniperu</i> )	Аршабулак зим., Аршалы ур. (Мугалжарский р-н)
Торангы ( <i>Populus section Turanga</i> )	Торангыл р.– правый приток реки Косестек (Қаргалинский р-н); Торангыл р. – правый приток реки Орта Борте; Торангыл р. – левый приток реки Киялы Борте; Торангыл с. (Мартоковский р-н); Торангыл зим.; Торангылкудық к., Торангылы ур. (Шалкарский р-н.)

Таблица составлена авторами по данным Каталога географических названий РК и на основе топографической карты Актюбинской области

**Выводы.** Анализируя данные топонимов, связанные с названиями растений, в том числе находящихся под угрозой исчезновения, редких видов растений на территории Актюбинской области, можно прийти к следующим заключениям:

- распространение фитотопонимов на территории Актюбинской области соответствует растительным сообществам природных зон региона;
- существует возможность использования топонимов, связанных с некоторыми видами растений, в ландшафтной индикации;
- в исследовании коренных типов ландшафтов и степени их изменения по отдельным регионам, наряду с прочими методами, определённое значение имеет топонимический метод.

**Использованная литература:**

1. Boillat S., Serrano E., Rist S., Berkes F. The Importance of Place Names in the Search for Ecosystem- Like Concepts in Indigenous Societies: An Example from the Bolivian Andes // Environmental Management. – 2013. – Vol.51(3). – p.663-678.
2. Fagundez J., Izco J. Spatial analysis of heath toponymy in relation to present-day heathland distribution // International Journal of Geographical Information Science. – March 2015. – p.2-10.
3. Conedera M., Vassere S., Neff C., Meurer M., Krebs P. Using Toponymy to Reconstruct past Land Use: A Case Study of ‘Brüsáda’ (Burn) in Southern Switzerland // Journal of Historical Geography. – 2007. - Vol. 33(4). – p.729–748.
4. Penko N. S. Engraved in the Landscape: The Study of Spatial and Temporal Characteristics of Field Names in the Changing Landscape // A Journal of Onomastics Names. - March 2018. - p.1–14.
5. Fagundez J., Izco J. Diversity patterns of plant place names reveal connections with environmental and social factors // Applied Geography. – 2016. - Vol. 74. - p. 23-29.

6. Kaimuldinova K., Abdimanapov B., Berdygulova G., Jangeldina D. and Abilmazhinova S. Toponymic Evidence of Change in the Water Regime of the Lakes in Kazakhstan // World Applied Sciences Journal. – 2014. - Vol. 30(2). - p.161-166.

7. Сапаров Қ.Т. Қазақстан топонимдерінің қалыптасуы мен дамуының географиялық негіздері (шығыс, солтүстік-шығыс өңірлері мысалында). Автореф.географ.ғыл.докт. – Алматы, 2010.

8. Қазақстан Республикасының Ұлттық атласы. - Т.1. - Алматы: VIT BRAND, 2010 – 149б.

9. Природные условия Актюбинской области [Электронный ресурс] URL: <http://libed.ru/knigi-nauka/792884-1-prirodnie-usloviya-aktyubinskoj-oblasti-soderzhanie-vvedenie-prirodnie-usloviya-aktyubinskoj-oblasti.php> (дата обращения 06.11.2019)

10. Қазақстан Республикасының географиялық атауларының мемлекеттік каталогы. 13 том. Ақтөбе облысы. – Алматы, 2016.

11. Викторов С.В., Чекишев А.Г. Ландшафтная индикация и ее практические применение. - М.: Издательство МГУ, 1990. – 200 с.

12. Каймулдинова К.Д. Қазақстанның аридті аймақтарының топонимиясы. – Алматы: Те-Color, 2010. – 208 б.

13. Материалы для ботанической географии Арало-Каспийского края И. Борщова. Записки Императорской Академии наук. Том седьмой. Кн.1.- Санкт-Петербург, 1865.

14. Айпеисова С.А. Конспект флоры Актюбинского флористического округа. - Ақтобе, 2012. – 175 с.

15. Каймулдинова К.Д. Қазақ топонимдерінің этноэкологиялық негіздері. - Алматы: Ғылым, 2001. – 92 б.

**ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ  
ТОПОНИМИКА И МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОГРАФИИ**

Ҳакимов Қ.М.\*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИ НОМЛАШ ВА  
ҚАЙТА НОМЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада республикадаги географик объектларни номлаш ва қайта номлашда амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишда мавжуд муаммолар аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** географик объект, номлаш, қайта номлаш, миллий топонимик сиёсат, давлат реестри, миллий стандартлаштириш.

**Законодательные основы наименования и переименования географических объектов в  
Республике Узбекистан**

**Аннотация.** В статье на конкретных примерах рассматриваются существующие правовые основы наименования и переименования географических объектов в Узбекистане.

**Ключевые слова:** географический объект, наименование, переименование, национальная топонимическая политика, государственный реестр, стандартизация.

**Legal bases for naming and renaming of geographical objects in the Republic of Uzbekistan**

**Abstract.** The article analyzes the need for strict adherence to existing legal regulations in the naming and renaming of geographical objects in the Republic.

**Key words:** geographic objects, named, renamed, national toponymic policy, the state register, national standardization

**Кириш.** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий топонимик сиёсатни амалга ошириш бўйича барча ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун (2011 й.) қабул қилинди. Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, уларни амалга жориш қилиш ҳамда географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори (2012 й. 12.10. № 295-сон) ҳам қабул қилинди.

Тўрт боб ва йигирма тўрт моддадан иборат бўлган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсади географик объектларни номлаш ва қайта номлашдаги муносабатларни тартибга солиш, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, ном ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, экспертизадан ўтказиш, миллий стандартлаштириш, номлардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда муҳофаза қилишдан иборат.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ишнинг мақсади географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилган:

- географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш;

- географик объектларга ном танлашда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган илмий талаб ва мезонларга қатъий амал қилиш заруриятини кўрсатиб бериш.

**Асосий қисм.** Қонунда илк бор географик объект тушунчасига таъриф берилди ва мамлакатимиз ҳудудидаги барча географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган давлат экспертизаси ҳамда топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуини амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органи белгиланди. Бу муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси) ва унинг

\*Ҳакимов Қўчқор Маҳкамович - Жиззах давлат педагогика институти профессори, география фанлари номзоди. E-mail: hakimov\_54@mail.ru

таркибида махсус ташкил этилган Республика топонимика хизмати маркази зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарори эса географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш билан боғлиқ меъёрлардаги номувофиқликларни тўла бартараф этиш ҳамда жой номларини бир хилда қўллаш имконини берди. Мазкур қарор билан географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар тўғрисида Низом ҳам тасдиқланди. Низомга кўра республика ва ҳудудий комиссиялар жойларда қонун талабларини бажарилишини назорат қилувчи махсус орган ҳисобланади. Қарорда ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан янги ташкил этилаётган географик объектларга қонун талабларига мувофиқ ном бериш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, қарор талабларига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар овуллар, аҳоли пунктлари ва унинг таркибий қисмларига (кўчалар, шохкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга) одамларнинг исми-шарифининг беришга, шуниндек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида йўл қўйилмайди. Фақат, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно дейилган.

Маъмурий-худудий бирликларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг маъмурий марказлари номидан, ёки маъмурий-худудий бирликлар жойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим. Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари, жумладан аэропортлар, вокзаллар, темир йўл станциялари номлари, уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктлари ёки уларнинг таркибий қисмлари номларидан ҳосил бўлиши керак.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунда географик объектларга бир хил ном берилишига йўл қўйилмаслик ҳақида ҳам аниқ норма киритилган. Унга кўра, республика таркибидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ҳамда бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга бир хил ном бериш мумкин эмас. Чунки, қайта-қайта такрорланадиган номлар кўпайиб кетса, улар жой номини мазмунан қашшоқлаштиради ва жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий номларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, такрорий ном топонимнинг бош фазилати бўлган адреслик функциясига салбий таъсир кўрсатади.

Географик объектларга тўла мос келадиган энг мақбул номни илмий жиҳатдан тўғри танлаш анча мураккаб масала. Агар ном тўғри танланса, у халқнинг ижод маҳсули сифатида чинакам халқ мулкига айланади. Бунинг учун энг аввало ном содда, оддий, ҳамма учун тушунарли, реал ҳақиқатни акс этадиган, чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Ҳеч қандай асоссиз баландпарвоз, ҳақиқий воқеаликдан узоқ номлар қўйиш, яъни мафкуравий лоф уришнинг ҳаётий сиёсат эмаслигини яқин ўтмишдаги аччиқ тажриба кўрсатди. Бинобарин, географик объектга реал воқеаликдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий, иқтисодий, ижтимоий, маданий омилларга асосланиб ном танланса “умри” бардавом бўлади.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан кейин пайдо бўлган номлар орасида мазмун-маъно жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам чинакам миллий топонимлар кўпчиликни ташкил қилади. Аммо, бир қарашда тушунарли, шарқона, чиройли номлар орасида баъзан оддий турдош отлар, ҳар хил чақириқлар, шиорлар, чучмал номлар ҳам учрайди. Масалан, баъзи жойларда аҳоли пункти ёки унинг таркибий қисмларига Илғор, Мусаффо, Фазо, Маҳорат, Тараққиёт каби кўплаб турдош отлар ном сифатида танланган. Таниқли топонимист олим Суюн Қораев таъбири билан айтганда, бундай турдош сўзлар географик ном бўлолмайди, уларда топонимлик «иммунитет»и йўқ, зўрма-зўраки топонимлик «паспорти» берилган. Олим таъбири билан айтганда, ҳамма сўз ҳам жой номи бўлолмайди, географик объект ўзига муносиб ном, сўз “танлайди”.

Мабодо, географик объект номини ўзгартириш зарурияти пайдо бўлса, унда қонунда белгилангандек, қуйидаги ҳолларда уни ўзгартиришга йўл қўйилади:

- географик объектнинг тарихий номини тиклаш зарур бўлганда;
- амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган, аббревиатурра, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;
- Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номларини бериш зарур бўлганда;
- шаҳар, туман, маҳалла доирасида географик объектларнинг номи бир хил бўлганда;

- географик объект икки ва ундан кўпга бўлинганда.

Вилоят, шаҳар, туман каби йирик географик объектларни номлаш ва номини ўзгартириш учун вилоят ҳокими илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилиши керак бўлади. Вазирлар Маҳкамаси илтимосномани кўриб чиқади ва тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади. Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси “Ергеодекадастр” давлат қумитасига топширади.

Шундан сўнг, республика комиссияси ўтказилган иш яқунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулосани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси хулосани ҳисобга олган ҳолда вилоят, шаҳар, туманга ном бериш ёки унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиш учун киритади. Олий Мажлис навбатдаги сессиясида таклифларни муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилади.

Агар шаҳарчалар, қишлоқлар ва уларнинг таркибий қисмлари каби нисбатан кичикроқ географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга тўғри келса, унда туман ҳокимининг таклифларини мос ҳолда вилоят комиссияси кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилиш учун Халқ депутатлари вилоят Кенгашига юборади.

Сўнгги йилларда, республика миқёсида жуда кўплаб янги уй-жойларнинг қурилиши янги кўча, маҳалла ва аҳоли пунктларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда, уларнинг барчасига қонун талабларига мос ном танлаш зарур. Энг аввало янгидан барпо этилаётган кўча, маҳалла ва аҳоли пунктларга ўша жойнинг халқона номи бўлса, уни бериш мақсадга мувофиқ, агар бундай ном бўлмаган тақдирдагина янги ном танлаш мумкин. Энг муҳими берилаётган янги номлар аввалгисидан фарқ қилиши, такрор бўлмаслиги ҳамда мавжуд топонимик тизим қоидаларини бузмаслиги керак.

Бунинг учун энг аввало вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиялари ишини жонлаштириш зарур. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигида шаҳар ва туманлардаги барча географик объектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай янги ташкил қилинаётган муассаса ва ташкилот ном танлашда маҳаллий ҳокимият қошидаги мазкур комиссиянинг хулосаси билан иш кўрса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ҳудудий комиссия аъзолари географик объектларга ном танлашда ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олишлари лозим. Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олган ҳолда, топонимларни маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига хизмат қилиши лозимлигини ҳам унитмаслик даркор.

Номларнинг адреслик функциясини инобатга олиб уларни расмий ҳужжатларда, хариталарда, дарсликларда ва бошқа оммавий нашрларда тўғри ҳамда доим бир хил ёзилиши таъминлаш лозим.

Қонунда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлашда қуйидаги илмий талаб ва мезонларга қатъий амал қилишни мақсадга мувофиқ:

- географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик керак;

- ном мазкур географик объект жойлашган ердаги топонимик тизимга мос тушиши лозим;

- ном жойнинг маълум табиий, ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларини ифодалаб, жой ва ном ўзаро иттифоқда бўлмоғи лозим;

- ном ўша ҳудудда яшовчи аҳоли тилининг лисоний хусусиятларига ёт бўлмаслиги, унда топонимик анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик сезилиб турмоғи керак;

- ном шаклан содда, оригинал ва тушунарли, аниқ, қисқа, лўнда, кўпи билан икки ёки уч таркибий қисмдан (уларни бири қўшимча бўлиши мумкин) иборат бўлиб, мўлжаллик(ориентирлик) вазифасини бажарсин;

- янги ном ўша худудда аввал мавжуд бўлган номларни такрорламаслиги, эсда осон сақланиб қоладиган, талаффузда енгил ва қулай бўлмоғи даркор;

- географик ном иложи борича, мафкуравий қарашлардан холи бўлмоғи керак;

- тарихий номлар ўтмиш гувоҳлари, уларни географик, лисоний, тарихий, сиёсий ва илмий аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиб ўзгартирмаслик лозим;

- географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, хизмат мавқеини суниистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш зарур;

**Хулоса.** Географик объектларга ном танлашда замонавий номларга мафтун бўлиб, жой тарихи ва географияси билан боғлиқ бўлган номлардан воз кечиш мутлақо ярамайди. Шунинг учун, ҳар бир танлаётган ном бизнинг ўзлимиз, миллийлимиз ва бой тарихимиз кўзгуси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Энг муҳими, соҳага оид қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўла риоя қилинса, мавжуд камчиликлар бартараф бўлади ва энг мақбул номни танлаш имконияти пайдо бўлади.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги 2011 йил 12 октябрдаги № ЎРҚ-303-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида” ги 2012 йил 16 октябрдаги № 295-сон Қарори.

3. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. - Т., 2005. - 240 б.

4. Хакимов Қ.М. Топонимика. - Т., 2016. - 368 б.

**Abdimurotov O.U.\***

#### **UMUMTA'LIM MAKTABLARI O'QUV ATLASLARI MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISHNING BA'ZI BIR MASALALARI (5, 6 VA 7-SINF ATLASLARI MISOLIDA)**

**Annotatsiya.** *Maqolada umumta'lim maktablarida hozirda qo'llanilayotgan o'quv atlaslari va darslikdagi ma'lumotlarning bir-biriga mos emasligi misollar yordamida yoritilgan. Shuningdek, o'quv atlaslarining mazmunini takomillashtirish borasida takliflar berilgan.*

**Kalit so'zlar:** *o'quv atlaslari, darslik, joy nomlari, karta, relyef, bilim, umumta'lim maktablari.*

#### **Некоторые вопросы улучшения содержания учебных атласов для общеобразовательных школ (на примере атласов для 5, 6 и 7 классов)**

**Аннотация.** *В статье на конкретных примерах показаны содержательные несоответствия между действующими школьными учебниками по географии и картами в учебных атласах для соответствующих классов общеобразовательных школ. В связи с этим даны некоторые предложения по улучшению содержания учебных атласов.*

**Ключевые слова:** *учебный атлас, учебник, географические названия, карта, рельеф, знания, общеобразовательные школы.*

#### **Some issues of improving the content of educational atlases for secondary schools (for example, atlases for grades 5, 6 and 7)**

**Abstract.** *The article shows specific examples of substantive discrepancies between existing school textbooks on geography and maps in educational atlases for the corresponding classes of secondary schools. In this regard, some suggestions by the author on improving the content of training atlases are given.*

**Key words:** *educational atlas, textbook, geographical names, map, relief, knowledge, comprehensive schools.*

---

\* **Abdimurotov Oybek Uralovich** – Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Geografiya kafedrasida o'qituvchisi. E-mail: o.abdimurotov@cspi.uz

**Kirish.** Umumta'lim maktablarida o'qitiladigan ko'plab fanlar qatori geografiya fani ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli yosh avlodni tarbiyalashda geografiya darslarini samarali tashkil etish maqsadga muvofiq. Buning uchun esa geografiya darslarida kartografik manbalar va texnologiyalardan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Bunday kartografik manbalar geografiya ta'limining barcha bosqichlarida qo'llaniladi. Kartografik materiallar umumta'lim maktablarida ko'pincha darsga qo'shimcha ko'rgazma sifatida ishlatiladi. O'quv atlaslardan o'qitishning barcha shakllarida, ya'ni dars berishda, amaliy ishlarda, mustaqil ishlarda, bilimlarni baholashda, o'quvchilarda ko'nikma va malaka hosil qilishlarida foydalanish imkoniyati yuqori. O'quv atlaslaridan foydalanish jarayonida ulardagi ma'lumotlar, darslikdagi ma'lumotlarga mos kelmasligini ko'p uchratamiz. Bu esa o'quvchilarda juda ko'p savollarni paydo qiladi. Bunday savollarni paydo qilmaslik uchun o'quv atlaslardagi ma'lumotlarni darsliklardagi ma'lumotlarga mos qilib berish lozim. Shuningdek, o'quv atlaslarining ma'zmunini takomillashtirish uchun ularga yangi dasturga asosan kartalar qo'shish maqsadga muvofiq bo'ladi.

**Ishning maqsadi va vazifalari.** Ishning maqsadi umumta'lim maktablari geografiya darslarida foydalaniladigan o'quv atlaslari mazmunini takomillashtirishga oid takliflar ishlab chiqishdan iborat. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun quyidagi vazifalar belgilandi:

- umumta'lim maktablari geografiya fani darsliklari va o'quv atlaslarida keltirilgan joy nomlari, turli xil ko'rsatkichlar va boshqa ma'lumotlarni o'zaro taqqoslash;
- darsliklarda berilgan ma'lumotlarni to'ldirish uchun zarur bo'lgan xaritalar tegishli o'quv atlaslarida to'liq bayon etilganligini tahlil qilish;
- o'quv atlaslarining tegishli darsliklar bilan o'zaro muvofiqligini tahlil qilish orqali o'quv atlaslarida mavjud bo'lgan muammolarni bartaraf etish va ularning mazmunini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

**Asosiy qism.** Umumta'lim maktablarining geografiya darslarida kartografik materiallardan samarali va muvaffaqiyatli foydalanish maqsadida har bir sinflar uchun alohida o'quv atlaslari nashr etilgan bo'lib, o'quvchilar har bir darsda o'quv darslik bilan bir qatorda o'quv atlaslaridan ham foydalanishadi.

**Atlaslar** – dastur asosida tuzilgan kartalar jamlamasi bo'lib, ular har bir sinf uchun alohida mazmunda chop etiladi. O'quv atlaslari quyidagi talablarga javob berishi lozim:

- atlas kartalarida ko'rsatilgan geografik obyektlar soni darslikdagidan ko'proq bo'lmog'i;
- atlas kartalaridagi geografik nomlar va raqamlarning o'quv darslikdagi ma'lumotlar bilan o'zaro mutanosibligi ta'minlanishi;
- atlas kartalari ma'lumotnoma ilovalari bilan to'ldirilishi;
- atlasda geografik nomlar ro'yxati bo'lishi [4].

Ushbu maqolada 5, 6, va 7-sinflar uchun nashr etilgan o'quv atlaslarining mazmuni yuqorida keltirilgan mezonlarga mos kelishi nuqtayi nazaridan tahlil qilinadi.

Amalda foydalanilayotgan o'quv atlaslaridagi kartalarda, darsliklarda tilga olinadigan va darslarda qo'llaniladigan ayrim diqqatga sazovor geografik obyektlarning o'rnini va nomi ko'rsatilmagan. Masalan, 6-sinf o'quv atlasidagi kartalarda quyidagi obyektlar ko'rsatilmagan: Afrika materigining eng past yeri hisoblangan **Afar botig'idagi Assal ko'li (-153 m)**, Antarktida materigining eng past joyi **Berd tekisligidagi Bentli cho'kmasi (-2555 m)**, Janubiy Amerika materigining eng past nuqtasi **Valdes yarim orolidagi Salinas-Chikas botig'i (-42 m)**, Janubiy Amerika materigidagi eng baland harakatdagi vulqon **Lyulyaylyako (6723 m)**, Yevrosiyo materigidagi Shimoliy yarimsharning "sovuqlik qutbi" bo'lgan eng sovuq hududi **Oymyakon (-71°C)**, dunyodagi eng ko'p yog'in tushadigan joy – Hindistondagi **Cherapunja** qishlog'i. Shunday diqqatga sazovor joylarning nomlari kartalarda ko'rsatilsa, o'quvchilar materiklar va okeanlarning yozuvsiz kartalari bilan ishlaganda ushbu obyektlarning geografik o'rnini ko'rib, ularni eslab qoladi. 7-sinf darsligida O'rta Osiyo o'lkasining chekka nuqtalari keltirib o'tilgan bo'lsada, o'quv atlasidagi o'lkamizning tabiiy xaritasida ushbu nuqtalar ko'rsatilmagan. Bu esa o'quvchilarga o'lka chegarasini aniq ko'rsatishda va tushuntirishda noaniqliklarga olib keladi.

O'quv kartalardagi geografik nomlar va raqamlar darslikdagi ma'lumotlar bilan bir xil bo'lishi lozim. Lekin dars berish jarayonida ushbu ikki manbadagi ma'lumotlar o'zaro mos kelmasligini ko'p kuzatamiz. Masalan, 5-sinf darsligida gidrosferadagi umumiy suv miqdori 1387,5 mln km<sup>3</sup>, Atlasda esa 1360 mln km<sup>3</sup>, darslikda Dunyo okeanidagi suv miqdori 1340 mln km<sup>3</sup>, Atlasda esa 1322 mln km<sup>3</sup> deb berilgan [1; 5].

6-sinf darsligi va o'quv atlasida ham ayrim ma'lumotlar bixillikka keltirilmagan. Masalan, 6-sinf darsligida Avstraliya materigidagi Xamersli tog'ining Brus cho'qqisi balandligi 1226 m, atlasda esa 1236 m, darslikda Janubiy Amerika materigida joylashgan dunyodagi eng sersuv Amazonka daryosining uzunligi 6992 km, atlasda esa 6400 km, darslikda Yevrosiyo materigining eng baland harakatdagi vulqoni Kamchatka yarimorolidagi Klyuchi Sopkasi balandligi 4750 m, atlasda esa 4780 m, deb berilgan [3; 6].

7-sinf darsligi va o'quv atlasida orasida esa quyidagi mazmuniy farqlar ko'zga tashlanadi. Masalan, darslikda O'rta Osiyoning eng katta tabiiy ko'li sifatida Orol ko'li ko'rsatilgan, atlasda esa O'rta Osiyoning eng yirik ko'llarining maydonlari quyidagicha keltirilgan: Balxash – 18,20 ming kv.km, Orol – 13,90 ming kv.km, Issiqko'l – 6,23 ming kv.km. Shuningdek, 7-sinf darsligida Sirdaryoning uzunligi 3019 km, atlasda esa 2982 km, darslikda O'zbekistonning eng past nuqtasi Qizilqumdagi Mingbuloq botig'ining mutlaq balandligi -12 m, atlasda esa shu raqam -12,8 m qilib ko'rsatilgan [2; 7]. Yuqoridagi misollarga o'xshagan nomutanosibliklar haqidagi ma'lumot 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

**7-sinf geografiya darsligi va o'quv atlasidagi xaritalarda keltirilgan ayrim relyef elementlarining mutlaq balandlik qiymatlaridagi nomutanosibliklar**

T/r	Relyef elementlari	Darslikda keltirilgan mutlaq balandligi, m	Atlasdagi tabiiy kartalarda keltirilgan mutlaq balandligi, m
1	Qorjontov tizmasining eng baland nuqtasi Mingbuloq cho'qqisi	2834	2824
2	Bobotog' timasining eng baland nuqtasi Zarkosa cho'qqisi	2289	2290
3	Surxontog' tizmasining eng baland nuqtasi	3882	3812
4	Sulton Uvays tog'i	473	478
5	Qorabovur qirining eng baland nuqtasi	292	287

Jadval muallif tomonidan tuzilgan

Bundan tashqari joy nomlarining yozilishida ham farqlar mavjud. Eratosfen tuzgan karta, 5-sinf darslikda ham, o'quv atlasida ham berilgan. Lekin ulardagi joy nomlarning yozilishida farqlar bor. Masalan, 5-sinf darsligida Albion oroli, atlasda esa **Britaniya oroli**, darslikda Kerne oroli, atlasda esa **Ierne oroli**, darslikda Patrobon oroli, atlasda esa **Taproban oroli**, darslikda Eritreya dengizi, atlasda esa **Eritrey dengizi**, darslikda Ganga daryosi, atlasda esa **Gang daryosi** ko'rinishlarda yozib keltirilgan. Beruniy tuzgan Dunyo kartasida esa quyidagilar farq qiladi: darslikdagi kartaning rasmda Janubiy tuman, atlasdakisida esa **Janubiy okean**, darslikda Varang daryosi, atlasda esa **Varang dengizi**, darslikda Bontus daryosi, atlasda esa **Bumtus dengizi**, darslikda Turkon tekisligi, atlasda esa **Turklar mamlakati** kabi joy nomlari o'zaro farqli ravishda keltirilgan.

6-sinf darsligida Afrikadagi eng yirik cho'l nomi Sahroyi Kabir deb, atlasda esa **Sahroi Kabir** deb berilgan, darslikda Avstraliyadagi eng yirik ko'l Eyr-Nord deb, atlasda esa **Eyr-Nort**, darslikda Hindukush tog'i, atlasda esa **Hindikush tog'i** deb berilgan [3; 6].

7-sinf darsligida Chimyon deb keltirilgan tog'ning nomi atlasda **Chimgan**, darslikda Mingbuloq cho'qqisi, atlasda esa **Minbuloq** cho'qqisi, darslikda Boboiob cho'qqisi, atlasda esa **Boboiyob** cho'qqisi, darslikda Chordara suv ombori, atlasda esa **Shardara** suv ombori, darslikda Kili g'ori, atlasda esa **Kils** g'ori, deb yozilgan [2; 7].

Bunday nomutanosibliklarni darslik va atlaslardagi kartalarda ko'plab uchratish mumkin. O'quv atlaslarning yangi nashrlarida bu xato va kamchilliklarni bartaraf etish lozim. Buning uchun har bir o'quv atlasini shu sinf darsligidagi ma'lumotlar asosida qayta nashr qilish talab etiladi.

O'quv atlasida o'quvchilar uchun ma'lumotnoma vazifasini bajarishi kerak. Buning uchun ularga atlaslardan to'g'ri va oqilona foydalanishni o'rgatish lozim, ya'ni atlaslarda keltirilgan rasm, jadval, diagramma va hokazolar bilan ishlashni o'rgatish kerak. Shundagina o'quvchilar ular yordamida berilgan topshiriq va vazifalarni to'g'ri bajaradilar.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, pedagoglar geografiya darslarini o'qitish jarayonida ba'zi qiyinchiliklarga duch kelmoqda, ya'ni o'quvchilarga mavzularni tushuntirish jarayonida ba'zi relyef shakllarini (estuariy, kryaj, kanyon, chink, barxan, dyuna, marsh, delta, ostona va hokazolar) tilga oladi. Ularni og'zaki tushuntirish biroz qiyinchilikni tug'diradi. Agar mana shunday relyef shakllarining suratlari o'quv atlaslari mavzulariga mos holda kiritilsa (hozir ham bunday rasmlar bor,



lekin ular tabiat manzarasi va shaharlar rasmidan iborat) o'quv atlaslarining mazmuni yanada boyigan bo'lar edi.

O'quv atlaslariga yangi dastur asosida kartalar qo'shish lozim. Masalan, yangi dastur asosida nashr etilgan 6-sinf darsligida har bir materikning aholisi va tabiiy o'lkalariga alohida mavzular ajratib berilgan. Shuning uchun ham yangi nashrdan chiqadigan o'quv atlaslariga aynan shu mavzudagi kartalarni qo'shish maqsadga muvofiq. Sababi o'quvchilar ular orqali aholining hudud bo'yicha tarqalishi va zinchligini o'rganadi hamda tabiiy geografik o'lkalarni chegaralash orqali qaysi geografik obyekt, qaysi o'lkaga tegishli ekanligini bilib oladi.

Yangi dastur asosida 2017-yilda qayta nashr etilgan 7-sinf darsligida O'zbekiston tabiiy geografik raoynlashirilishining asosiy taksonomik birligi sifatida tabiiy geografik okruglari olingan bo'lsa-da, atlasdagi tabiiy kartalari nomlanishida haligacha "tabiiy geografik rayon" atamasi qo'llanilib kelmoqda. Bu nomutanosiblikni tuzatish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan birga, atlasdagi tabiiy kartalarda O'rta Zarafshon va Quyi Zarafshon hamda Quyi Amudaryo va Orol tabiiy geografik okruglari o'rtasidagi chegaralar ko'rsatilishi lozim.

**Xulosa.** Umumta'lim maktablari geografiya darsliklari va o'quv atlaslarini o'zaro taqqoslash jarayonida ko'plab joy nomlari va turli xil ko'rsatkichlardagi tafovutlar aniqlandi. Ushbu nomutanosibliklarni bartaraf etish lozim. Shuningdek, darsliklarning ohirgi nashrlariga qo'shilgan yangi mavzularga oid kartalarni tegishli o'quv atlaslariga qo'shish maqsadga muvofiq. Bu choralarni amalga oshirish orqali geografiya fanini o'qitish tizimini yaxshilash, o'quv-uslubiy adabiyotlar sifatini oshirishga imkon yaratadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. G'ulomov P., Qurboniyozov R. Geografiya (Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi): 5-sinf uchun darslik. – T.: Yangiyo'l poligraf servis, 2015. – 104 b.
2. G'ulomov P., Vahobov H., Baratov P., Mamatqulov M. Geografiya (O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi. O'zbekiston tabiiy geografiyasi): 7-sinf uchun darslik. - T.: O'qituvchi, 2017. – 176 b.
3. Soatov A., Abdulqosimov A., Mirakmalov M. Geografiya (Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi): 6-sinf uchun darslik. – T.: O'qituvchi, 2017. – 160 b.
4. Vahobov H. Geografiya ta'limi metodikasi. Ma'ruzalar matni. – T., 2007. – 120 b.
5. Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi: 5-sinf atlas. – T.: O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr davlat qo'mitasi, 2019.
6. Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi: 6-sinf atlas. – T.: O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr davlat qo'mitasi, 2019.
7. O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi. O'zbekiston tabiiy geografiyasi: 7-sinf atlas. – T.: O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr davlat qo'mitasi, 2019.

**Миракмалов М.Т., Авезов М.М., Азимов Н.Б.\***

#### **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ ХУДУДЛАРИГА ХОС АЙРИМ ТОПОНИМИК ҚОНУНИЯТЛАР ХУСУСИДА (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Мақолада чўлларда географик жой номларининг шаклланиши ва тарқалишидаги қонуниятлар Бухоро вилояти топонимлари мисолида таҳлил қилинган. Чўлларда топонимик қонуниятлар асосида шаклланган ва тарқалган топонимлар мисоллар ёрдамида тушунтирилган, вилоятда “қум” компонентли топонимлар ареал ҳосил қилганлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** чўл, аффикслик қонунияти, топонимик позитивлик қонунияти, нисбий негативлик қонунияти, қаторлар қонуни, халқона этимология, индикаторлик қонунияти, топонимларнинг сийрак ва зич тарқалиш қонуниятлари.

---

\* **Миракмалов Мирали Туронбоевич** –Ўзбекистон Милиий университети Табиий география кафедраси мудир, г.ф.н., доцент;

**Авезов Мухриддин Максуд ўғли** –Ўзбекистон Милиий университети Табиий география кафедраси ўқитувчиси;  
**Азимов Нозимжон Ботир ўғли** – Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги 30-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

## О некоторых топонимических закономерностях, присущих пустынным территориям

## Узбекистана (на примере Бухарской области)

**Аннотация.** В статье анализируются закономерности формирования и распространения географических названий в пустынной зоне Узбекистана на материалах Бухарской области. Приводятся примеры топонимов, в формировании и распространении которых прослеживаются специфические топонимические закономерности пустынных территорий. Выявлено ареалообразующее значение топонима «кум».

**Ключевые слова:** пустыня, закономерность аффиксности, закономерность топонимической позитивности, закон относительной негативности, народная этимология, закон индикации, закономерности редкого и частого распространения топонимов.

**About some toponymic patterns inherent in the desert territories of Uzbekistan (on the example of the Bukhara region)**

**Abstract.** The article analyzes the patterns of the formation and distribution of geographical names in the desert zone of Uzbekistan based on materials from the Bukhara region. Examples of place names are given, in the formation and distribution of which specific toponymic patterns of desert territories are traced. The areal-forming value of toponym "cum" has been revealed.

**Key words:** desert, pattern of affinity, pattern of toponymic positivity, law of relative negativity, folk etymology, law of indication, patterns of the rare and frequent distribution of toponyms.

**Кириш.** Топонимика фани география, тарих ва тилшунослик (филология) фанлари қиррасида вужудга келиб, ривожланмоқда. Бу фан ўз тадқиқотларида ҳар уччала фаннинг тадқиқот натижалари ва методларидан фойдаланади. Топонимик тадқиқотларнинг натижалари натижасида фанда бир қанча қонуниятлар аниқланди. Кўпчилик топонимист олимлар томонидан географик жой номларининг шаклланишидаги ўзига хос жиҳатлар, номлар таркибидаги географик терминлар ва уларнинг маъносини аниқлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Лекин, шу изланишларни амалга оширишда ҳудуд ландшафтларининг хусусиятлари ва рельефини ҳисобга олган ҳолда чўл ва тоғ геотизимларига ажратиб, улардаги ўзига хос хусусиятлар ҳали ўрганилганича йўқ.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу ишнинг асосий мақсади чўл ҳудудларида географик жой номлари қандай қонуниятлар асосида шаклланиб, қайси қонуниятлар асосида тарқалганлигини Бухоро вилояти сингари типик чўл ҳудуди мисолида аниқлаш, вилоят топонимлари орасида ареал ҳосил қилган географик терминларни аниқлашдан иборат.

**Асосий қисм.** Топонимик қонуниятларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. **Географик жой номларининг вужудга келишидаги қонуниятлар.** Унга топонимик позитивлик қонунияти, нисбий негативлик қонунияти, ўзлашма номлар, қаторлар қонуни, халқона этимология ёки сохта этимология қонуниятларини мисол қилиш мумкин [7].

2. **Топонимларнинг тарқалиш қонуниятлари.** Бу қонуниятларга эса абстрактлик, аффикслик, индикаторлик қонунияти, топонимларнинг сийрак ва зич тарқалиш қонуниятлари мисол бўлади [4].

Бу қонуниятларнинг деярли барчаси Бухоро вилояти учун хос бўлиб, вилоят ҳудудининг турли қисмларида турлича тарқалган. Уларнинг баъзилари воҳалар учун характерли бўлса, айримлари чўл ҳудудлари учун хосдир. Чўл тушунчасига турли манбаларда турлича изоҳ берилади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида чўл тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Чўл – ўсимлик дунёсининг яхши ривожланишига йўл бермайдиган доимий қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги биом типи. Ер қуруқлик қисмининг 20% дан ортигини эгаллайди...” [6].

П.Ғуломов томонидан чоп этилган географик тушунча ва терминларнинг изоҳли луғатида эса чўлга қуйидагича изоҳ берилган: Чўл – 1) мўътадил, субтропик, тропик минтақалардаги жуда қуруқчил континентал иқлимли ерлар. Йиллик ёғин миқдори 200 мм дан ошмайди. Мумкин бўлган буғланиш жуда катта – ёғадиган ёғин миқдоридан 10-15 ҳисса кўп. Маҳаллий доимий оқар сув бутунлай йўқ... 2) ўсимлик кам, дарахт йўқ, кимсасиз кенг жойлар ҳам шу атама билан ифодаланади [8]. Бир вақтнинг ўзида чўл табиат зонасининг ҳам номидир.

Чўллар арид иқлимли ўлкаларнинг типик намунаси ҳисобланади. Сир эмаски, мамлакатимиз сингари Бухоро вилояти ҳудудининг ҳам катта қисмини чўллар ташкил қилади.

Вилоятда Кемиреққум, Яккачакка, Мирзақум, Ёғзоққум, Оққум, Қорақир, Сандикли, Сарикум, Тоштоққум, Учқум сингари чўллар ва қумликлар жойлашган. Уларнинг ҳудудида географик жой номлари воҳалардан фарқли ўлароқ ўзига хос қонуниятлар асосида вужудга келган ва тарқалган.

Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларида топонимлар, асосан, *нисбий неготивлик*, *топонимик позитивлик* ва *халқона этимология ёки сохта этимология қонуниятлари* асосида вужудга келган.

Вилоятнинг чўл қисмидаги аксарият географик жой номлари *нисбий неготивлик* қонунияти асосида шаклланган. Буларга *Қовоқли чўли*, *Учқир чўли ва баландлиги*, *Тўрташи қудуғи*, *Ковакли чўли*, *Узунқудуқ қудуғи*, *Ширинқудуқ*, *Аччиққудуқ*, *Дарахтли қудуғи* сингари кўплаб географик объектларнинг номларини мисол қилиш мумкин. Қуйида улардан баъзиларининг номларига қисқача изоҳ берамиз:

Вилоятнинг Қоракўл туманидаги дўнглик ва қудуқ **Ширинқудуқ** номи билан аталади. У Бухоро вилояти ҳудудининг (шу жумладан Қоракўл тумани ҳудудининг ҳам) Туркменистон Республикаси ҳудуди билан бўлган жануби-ғарбий давлат чегараси яқинида, Кемиреққум (аслида *Камтираққум*) чўлидан жануби-шарқда, Маринқўл ва Қамишлик қудуқларидан жанубда, Патталиқ урочишчесидан шимоли-ғарбда жойлашган. Топоним таркиби иккита сўз – *ширин* ва *қудуқ* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *ширин* сўзининг бу ерда қандай маънода келаётгани баҳсли. Топонимнинг иккинчи компоненти – *қудуқ* сўзи эса сув олиши учун қазилган тор ва теран чуқурликни билдиради. Гидронимни қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1. *Ширин* исмли киши қаздирган қудуқ. 2. *Ширин уруғи* вакиллари қаздирган ва уларнинг еридаги қудуқ. 3. *Суви истеъмолга яроқли, атрофдаги (ёки яқин ҳудуддаги) қудуқларга нисбатан суви чуқурроқ қудуқ, умуман чуқуқ сувли қудуқ*. Топоним дастлаб қудуқ номи бўлган, кейинчалик шу яқин орадаги дўнглик номига кўчган яъни топонимикада жуда кўп учрайдиган *трансонимизация* жараёни рўй берган.

**Узунқудуқ** вилоятнинг Шофиркон ва Ғиждувон туманларидаги қудуқларнинг номи. Географик ном таркиби иккита сўз – *узун* ва *қудуқ* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *узун* сўзи қудуқ чуқурлигининг кўлами меъёрдагидан анча ортиқ эканлигини билдиради. Қудуқнинг узунлиги ер тубига нисбатан, чуқурдан сув чиққан жойгача бўлган ўлчов билан ўлчанадиган меъзондир. *Узунқудуқ* – теварак-атрофдаги қудуқларга қиёслаганда теранлиги бирмунча чуқур бўлган сув ҳавзаси (қудуқ). **Бошқа бир талқин:** Топоним таркибидаги *узун* сўзи этноним. Бу ҳақида тилшунос олим Т.Нафасов қуйидагича ёзади: «... Қашқадарё, Сурхондарё кўнғиротлари кўштамғали бўлимига қарашли *бандиқучуқ* уруғининг *қўса*, *узун*, *бешёоч*, *бойботир*, *жобув*, *дамғорин*, *галамулла*, *хўжа* тармоқлари бор [5]. Этноним сифатида Зарафшон қипчоқлари таркибида бўлганлиги аниқланган. Қозоқ қипчоқларининг ўртажузида, қирғиз халқининг бағиш қабиласи таркибида *узун* уруғи мавжудлиги маълум. Қирғизларда *узун* чекли уруғи ҳам қайд қилинган. Тарихчи этнолог С.Губаева Фарғона қипчоқларида ҳам *узун* деган уруғ борлигини аниқлаган [7]. Узун этнонимига уруғ жамоасининг тамғаси шакли асос бўлган. Чорвадор тамғани ҳайвоннинг олд ва орқа оёғига, сағрисига, қўй-эчкининг қулоғига қўйишган. Академик К.Шониёзовнинг маълумотида кўра, молларнинг олдинги оёғига чўзиқ чизик қилиб босилган тамғани *узун* деб аташган» [7]. Агар бу уруғ вакиллари этноним сифатида Зарафшон қипчоқлари орасида бўлганлигини ҳисобга олсак, *Узунқудуқ* – «*узун уруғи вакил(лар)и қаздирган қудуқ*» маъносида бўлиши ҳам мумкин.

Қоракўл туманидаги дўнгликнинг номи **Учқир** деб аталади. Топоним таркиби иккита сўз – *уч* ва *қир* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *уч* сўзи *миқдорни*, *сонни*, *нарсанинг ингичка ўткир томонини*, *охирини*, *учини* билдиради. Топонимнинг иккинчи компоненти – *қир* сўзи эса «*узунасига чўзилган катта тепалик*», «*баланд текислик*» «*сертепа дашт*» деган маъноларни билдиради. «Қадимий турк луғати»да *қир* – «*ясси тоғ*», *қира* – «*шудгор*», «*экинзор*», Олтойда *қир* – «*тоғ*», «*тоғ тизмаси*» деган маъноларни англатади. Бу сўзнинг *қиранг* – «*пастроқ тоғнинг қирраси*», *қират* – «*пастроқ супа тоғ*» каби вариантлари ҳам бор. *Қир* сўзидан таркиб топган топонимлар Евросиёнинг кўп жойларида учрайди дейди атоқли топонимист олим Э.М.Мурзаев [3]. Демак, *Учқир* – «*учта дўнглик*», «*учта баландлик*» деган маънони билдиради. Мазкур дўнглик туянинг ўрқачига ўхшаш учта бир-бирига туташиб кетган чўққи (дўнглик) лардан иборат бўлганлиги сабабли ҳам шундай ном олган. **Бошқа бир талқин:** тилшунос олим Т.Нафасовнинг маълумотларига кўра, *уч* сўзи «*белгиланган (кўзда тутилган) ҳудуднинг ёки нарсанинг охири, сўнги жойи*» деган маънони билдиради [5]. Агар

юқоридаги фикр инобатга олинса, Учқир – «қўзда тутилган майдоннинг энг охиридаги узунасига чўзилган катта тепалик» демакдир.

Ҳозирги кунда, глобал иқлим ўзгариши жараёни натижасида сайёрамизда, айниқса, унинг арид минтақаларида сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучлироқ сезилмоқда. Ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дунё миқёсида, иқлим ўзгариши, аниқроғи илиши натижасида, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши, бу эса атмосфера ёғинларининг камайишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён Ўрта Осиё регионига, шу жумладан, Зарафшон дарёси ҳавзасига ҳам тегишлидир. Шу туфайли дарё ҳавзасида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши қандай оқибатларни келтириб чиқаришини аниқлаш ва ундан тегишли амалий хулосаларга келиш жиддий гидрометеорологик тадқиқотлар ўтказишни талаб этади [8, 9, 11].

Ўрта Осиё тоғ дарёларида, жумладан, Зарафшон дарёсида ҳам йиллик оқимнинг 80-85 фоизи тўлинсув даврида оқиб ўтади. Дарёда тўлинсув даври апрелнинг охири, май ойининг бошларидан бошланиб, октябргача давом этади. Тўлинсув давридаги оқим ҳажмининг атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати билан боғлиқлигини ўрганиш Зарафшон дарёси сув ресурсларида фойдаланишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган **долзарб** гидрологик масалалардан бири ҳисобланади.

Дарёлар оқимининг ҳосил бўлиши ва уларни иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда миқдорий баҳолаш масалалари кўплаб олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу муаммони ўрганишга қаратилган тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Л.Н.Бабушкин, В.А.Бугаев, А.М.Овчинников, Н.К.Лукиналар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Б.К.Царев, Ф.Ҳ.Ҳикматов, З.С.Сирлибаева, Л.М.Карандаева, Д.Ю.Юсупова, Б.Д.Салимова, Д.П.Айтбаев,

\* Зияев Р.Р. – ЎзМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси таянч докторанти.

Ҳикматов Ф.Ҳ. – ЎзМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси мудири, г.ф.д., профессор.

Мардиев И.А. – ЎзМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси магистранти.

Юлдошова З.О. – ЎзМУ табиий география кафедраси магистранти.

Ғ.Х.Юнусов ва бошқаларнинг тадқиқотларида давом эттирилмоқда. Ушбу изланишларда асосий эътибор Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги дарёлар оқимининг ҳосил бўлиш хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланишига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсири алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Аниқроғи, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими умумий ҳажмининг йил давомида ва йиллараро ўзгаришлари, шунингдек, унинг шаклланиш шароитлари иқлимий омиллар, жумладан, ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларига билан боғлиқ ҳолда, атрофлича ўрганилмаган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланишига иқлимий омиллар - атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсирларини статистик баҳолаш масалаларига қаратилган.

Ишда белгиланган мақсадни амалга оширишда Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик постида кузатилган сув сарфлари ва дарё ҳавзасида жойлашган Деҳауз метеорологик станциясида қайд этилган атмосфера ёғинлари ҳамда ҳаво ҳароратлари ҳақидаги стандарт маълумотлардан фойдаландик. Ушбу маълумотлар бирламчи қайта ишланиб ва умумлаштирилиб, иккита даврга, яъни биринчи базавий (1934-1960 йй.) ва иккинчи базавий (1961-1990 йй.) даврларга бўлиб олинди.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Зарафшон дарёсининг тўлинсув даври элементларини аниқлаш мақсадида, дарёда қайд этилган кундалик сув сарфлари маълумотлари асосида, оқим гидрографлари иккита давр учун чизилди [1, 10]. Бу гидрографлардан фойдаланиб, тўлинсув даврининг бошланиши, тугаши, умумий давом этиш вақти, тўлинсув давридаги оқим ҳажми ҳамда унинг йиллик оқим ҳажмига нисбатан улуши каби асосий элементлар аниқланди (1-жадвал).

Маълумки, дарёларда тўлинсув даврининг бошланиши ва унинг умумий давом этиш вақти дарё ҳавзасининг жойлашиш ўрни, унинг табиий-географик ҳамда худуднинг иқлимий-метеорологик шароитларига боғлиқдир. Агар ўрганилаётган йилда атмосфера ёғинлари миқдори ўртача кўп йиллик меъёрга нисбатан кўп бўлса, шу йили дарёда сув миқдори ҳам кўп бўлади [4, 5, 6].

Зарафшон дарёси асосан қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар типига мансубдир [5, 6]. Шунинг учун ҳам унинг тўйинишида абадий қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувларнинг роли каттадир. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври асосан апрелнинг охириларида бошланади. Дарёда максимал сув сарфлари кўп сувли йилларда июль ойининг охири ва августнинг бошларида кузатилса, кам сувли йилларда эса максимал сув сарфларининг кузатилиши эртароқ, июнь, июль ойларига тўғри келади.

Ўрганилаётган иккита базавий ҳисоб даврлари учун, оқим гидрографлари асосида, дарёда тўлинсув даврининг умумий давомийлиги ва бу давр давомида оқиб ўтган оқим ҳажмлари аниқланди. Масалан, биринчи ҳисоб даврида (1934-1960 йй.) тўлинсув давридаги энг катта оқим ҳажми  $5455 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га тенг бўлиб, бу 1941 йилга тўғри келган. Ушбу оралик учун тўлинсув давридаги энг кичик оқим ҳажми ( $2709 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ) 1957 йилда кузатилган. Демак, дарёда 1957 йил кам сувли йил бўлган.

Иккинчи ҳисоб даври, яъни 1961-1990 йилларнинг тўлинсув давридаги энг катта оқим миқдори ( $5533,7 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ) 1973 йилда қайд этилган. Шу йили дарёдан йиллик оқимнинг қарийб 87% и тўлинсув даврида оқиб ўтган. Бу қиймат ҳар икки ҳисоб даври учун ҳам энг катта кўрсаткич ҳисобланади (1-жадвал).

Ишнинг кейинги босқичида, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан йиллик атмосфера ёғинлари орасидаги боғлиқлик ўрганилди (1-расм). Ҳисоблашлар стандарт компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламалари тузилиб, уларнинг аниқлиги баҳоланди (2-жадвал).



Юқорида айтилганларни эътиборга олган ҳолда, ишда дастлаб, дарёда кузатилган тўлинсув даври оқими ҳажмининг ҳавзада ёғадиган йиллик атмосфера ёғинлари билан боғлиқлиги ўрганилди. Шу мақсадда, тўлинсув даври оқими ҳажми билан йиллик атмосфера ёғинлари орасидаги боғланишларни статистик баҳолашлар натижалари таҳлил қилинди (1-расм).

Зарафшон дарёси (Дупули гидрологик пости) тўлинсув даври оқимининг асосий элементлари

Кузатиш йиллари	Давом этиш вақти, КУН	$Q_{т. \text{ўрт.}} \text{ м}^3/\text{с}$	$W_{т.} 10^6 \text{ м}^3$	Йилликка нисбатан, %	Кузатиш йиллари	Давом этиш вақти, КУН	$Q_{т. \text{ўрт.}} \text{ м}^3/\text{с}$	$W_{т.} 10^6 \text{ м}^3$	Йилликка нисбатан
1931	153	265,9	3514,9	78,5	1961	159	283,5	3894,6	82,3
1932	153	303	4005,4	81,4	1962	127	268	2940,7	75,2
1933	153	297,2	3928,7	83,0	1963	151	277	3613,9	80,7
1934	153	288,7	3816,4	81,8	1964	141	351	4276	81
1935	153	262,4	3468,7	79,7	1965	140	263,3	3184,9	76,8
1936	150	299,6	3882,8	82,1	1966	148	317	4053,5	80,5
1937	153	279,5	3694,8	82,8	1967	125	281,6	3041,3	73,6
1938	150	255,6	3312,6	78,4	1968	146	353,2	4455,4	81,3
1939	162	266,1	3724,5	84	1969	153	348,3	4604,2	80
1940	129	315,5	3516,4	78,1	1970	174	344,8	5183,6	85,2
1941	169	373,6	5455,2	85,8	1971	155	308,3	4128,8	80,5
1942	161	383,9	5340,2	84,9	1972	141	268,6	3272,2	76,6
1943	131	292,2	3307,2	73,2	1973	160	400,3	5533,7	86,6
1944	155	273,6	3664	81,4	1974	133	266,6	3063,6	77,1
1945	155	303,5	4064,5	83,2	1975	124	294,5	3155,2	75,8
1946	178	260,4	4004,7	84,5	1976	141	301,4	3671,8	78,4
1947	141	284,2	3462,2	80	1977	139	326	3915,1	79,6
1948	157	302,7	4106	82,9	1978	161	334,7	4655,8	82,8
1949	151	339,5	4429,3	81,9	1979	179	302,4	4676,8	83,2
1950	137	329,9	3904,9	79,7	1980	152	288,7	3791,4	80,7
1951	138	241,7	2881,3	74,9	1981	156	292,7	3945,1	81,5
1952	167	342,5	4941,9	85,2	1982	141	220,3	2683,7	72,9
1953	157	316,6	4294,6	83,4	1983	155	311,7	4174,3	82,6
1954	169	304	4438,9	83,1	1984	124	374,3	4010,1	78,3
1955	152	292,4	3840	80,1	1985	141	293,7	3578	78,5
1956	154	327,4	4356,3	83,1	1986	128	261,8	2895,3	75,4
1957	134	234	2709,2	76,3	1987	154	314,5	4184,6	81,4
1958	173	311,8	4660,5	85,5	1988	168	334,5	4855,3	84,2
1959	177	329,1	5032,9	86,2	1989	127	262,1	2876	73
1960	143	319,5	3947,5	81,1	1990	160	328	4534,3	83,4
Ўрт.	154	299,9	3990,2	81,5	Ўрт.	147	305,8	3895,0	79,6

а)

б)




1-расм. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими хажми билан атмосфера ёгинлари орасидаги боғланишлар: а) биринчи ҳисоб даври, 1934-1960 йй; б) иккинчи ҳисоб даври, 1961-1990 йй.

Юқорида келтирилган боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламалари тузилди ва уларнинг аниқликлари баҳоланди (2-жадвал).

Юқорида айтиб ўтилганидек, Зарафшон дарёси асосан қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради [5, 6]. Дарё ҳавзасида ҳаво ҳарорати эрта баҳордан аста-секин кўтарилиши натижасида, дастлаб, ҳавзада куз-киш давомида тўпланган қор қоплами ва сўнг улардан ҳосил бўлган музликлар эрий бошлайди. Дарё ҳавзасида энг катта ҳаво ҳарорати асосан июль ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида кузатилади. Бу эса дарёда унинг сувлилик даражасининг ортишига олиб келади.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, ишнинг кейинги босқичида тўлинсув давридаги оқим ҳажми билан ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Шу мақсадда тўлинсув давридаги оқим ҳажми билан ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш графиклари иккита ҳисоб даврлари учун чизилди (2-расм). Ушбу графиклар учун ҳам регрессия тенгламалари тузилди ва уларнинг аниқлиги баҳоланди (2-жадвал).



2-расм. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан ўртача

йиллик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар: а) биринчи ҳисоб даври, 1934-1960 йиллар;  
б) иккинчи ҳисоб даври, 1961-1990 йиллар.

Юқорида келтирилган ҳар икки турдаги боғланишларни ифодаловчи графиклар (1- ва 2-расмлар) ва уларнинг регрессия тенгламалари аниқлигини таҳлил қиламиз. Ҳисоблашлар натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тўлинсув давридаги оқим ҳажми билан атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

Даврлар	Регрессия тенгламаси	Корреляция коэффиценти ва унинг хатолиги $r_0 \pm \sigma_{r_0}$
Атмосфера ёғинлари билан боғлиқлиги		
Биринчи ҳисоб даври	$W_T = 8,7979x + 1520,1$	$0,79 \pm 0,049$
Иккинчи ҳисоб даври	$W_T = 7,9707x + 1474,3$	$0,65 \pm 0,071$
Ҳаво ҳарорати билан боғлиқлиги		
Биринчи ҳисоб даври	$W_T = 575,18t + 1552,4$	$0,66 \pm 0,073$
Иккинчи ҳисоб даври	$W_T = 1048,8t - 628,81$	$0,82 \pm 0,039$

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дарёдан тўлинсув даврида оқиб ўтган оқим ҳажми билан йиллик атмосфера ёғинлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентларининг қиймати биринчи ҳисоб даври учун 0,79 га, иккинчи ҳисоб даври учун эса 0,65 га тенгдир. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, биринчи ҳисоб даврида дарёда тўлинсув давридаги оқим ҳажмининг шаклланишида ҳавзага ёққан атмосфера ёғинларининг таъсири катта бўлган.

Иккинчи турдаги боғланишлардан кўриниб турибдики, тўлинсув давридаги оқим ҳажми

билан ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш зичлигини ифодаловчи, биринчи ҳисоб даври учун жуфт корреляция коэффициенти  $r = 0,66$  ни, унинг хатолиги эса  $\sigma_r = \pm 0,073$  ни ташкил этди. Иккинчи ҳисоб даври учун олинган корреляция коэффицентининг қиймати эса  $r = 0,82$  га, унинг хатолиги  $\sigma_r = \pm 0,039$  га тенг бўлди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, глобал ва, унга мос равишда, регионал миқёсда ҳаво ҳароратининг иллиши оқибатида Зарафшон ҳавзасидаги музликларнинг эриши жараёни жадаллашиб бормоқда.

Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш натижасида олинган регрессия тенгламаларидан гидрологик ҳисоблашларда, дарёда тўлинсув даври оқими ҳажмини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилади.

**Хулоса.** 1. Зарафшон дарёсининг тўлинсув даври элементлари иккита базавий даврга бўлиб аниқланди. Тўлинсув давридаги оқим ҳажмининг ҳар икки давр учун аниқланган энг катта қиймати 1973 йилда  $5533,7 \cdot 10^6$  м<sup>3</sup> ни ташкил этди. Мазкур йилда дарёдан йиллик оқимнинг қарийб 87 % и айнан шу даврда оқиб ўтган;

2. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан йиллик атмосфера ёғинлари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Ушбу боғланишларнинг регрессия тенгламалари тузилиб, уларнинг аниқлиги баҳоланди. Зарафшон дарёсидан тўлинсув даврида оқиб ўтган оқим ҳажми ва йиллик атмосфера ёғинлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентларининг қийматлари биринчи ҳисоб даври учун 0,79, иккинчи ҳисоб даври учун эса 0,65 га тенг бўлди. Ушбу натижалар Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланишида, биринчи ҳисоб даврида, атмосфера ёғинларининг ҳиссаси катта бўлганлигини кўрсатади;

3. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажми билан ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари маълумотлари асосида тузилган боғланиш гирафиклари таҳлил қилинди. Ушбу боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентларининг қийматлари биринчи ҳисоб даврида 0,66 га, иккинчи ҳисоб даврида эса 0,82 га тенг бўлди. Бу натижа сўнгги 30 йилда ҳаво ҳароратининг маълум даражада иллиши оқидатида ҳавзадаги музликларнинг эриш жараёни тезлашганлигидан дарак беради;

4. Ҳар икки турдаги боғланишларни ифодаловчи регрессия тенгламаларидан тегишли гидрологик ҳисоблашларни амалга оширишда, жумладан, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими ҳажмини баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг характерли йиллардаги ўзгаришлари // Географиянинг минтақавий муаммолари республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Жиззах, 2017. - Б. 152-153.

2. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф. Х., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: Университет, 2003. - 327 б.

3. Сув - ҳаёт манбаи. [insonvaqonun.uz](http://insonvaqonun.uz)

4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. - Ташкент: «VORIS NASHRIYOT» MChJ, 2007. - 133 с.

5. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеоиздат, 1965. -692 с.

6. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. – Ташкент: Изд-во СаГУ, 1960. – 243с.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

8. Ҳайдаров С.А. Зарафшон дарёси оқимига иқлимий омиллар таъсирини баҳолаш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 37-жилд. 2011. - Б. 148-151.

9. Ҳикматов Ф.Х., Ҳайдаров С.А., Эрлапасов Н.Б. Зарафшон дарёси оқимининг йилларо тебраниши ва унга метеорологик омилларнинг таъсири ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 44-жилд. 2014. - Б. 85-89.

10. Ҳикматов Ф.Х., Зияев Р.Р., Ҳайдаров С.А. Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланиши ва унинг силжишлари ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 45-жилд. 2015. – Б. 186-189.

11. Ҳикматов Ф.Х., ва бошқалар. Зарафшон дарёси ҳавзасининг гидрометеорологик шароити ва сув ресурслари. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. -276 б.

Юнусов Ф.Х., Жумаев И., Қодирова Г.М.\*  
СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИДАГИ СУВ ЎЛЧАШ ИНШОТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Тошкент вилояти суғориш каналларида қурилган сув ўлчаш постларининг техник ҳолати баҳоланган. Хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур каналлардаги сув ўлчаш иншоотларини замонавий сув ўлчаш қурилмалари билан жиҳозлаш масалалари кўриб чиқилган. Сув ўлчаш иншоотларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган тегишли таклифлар ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** суғориш тизимлари, магистрал каналлар, хўжаликлараро каналлар, сув ўлчаш постлари, гидротехник иншоотлар, ирригация тизимларини бошқариш, суғориш, самарадорлик.

**Вопросы совершенствования водомерных сооружений ирригационных каналов**

**Аннотация.** В статье произведена оценка технического состояния водомерных постов, действующих на оросительных каналах Ташкентской области. Рассмотрены вопросы оснащения водомерных постов каналов с новыми современными приборами и оборудованием с учетом зарубежного опыта. Предложены научно и практически обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию водомерных наблюдений.

**Ключевые слова:** ирригационные системы, магистральные каналы, межхозяйственные каналы, водомерные посты, гидротехнические сооружения, управление ирригационных систем, орошения, эффективность.

**Issues of improvement of water measurement facilities in irrigation canals**

**Abstract.** The article assesses the technical condition of water gauging posts operating on the irrigation canals of Tashkent region. The issues of equipping water MEASURING posts of canals with new modern instruments and equipment, taking into account foreign experience. Scientifically and practically PROVED proposals and recommendations for improving water-measuring observations are proposed.

**Key words:** irrigation systems, magistral canals, inter-farm canals, water meter posts, hydrotechnical facilities, managing of irrigation systems, irrigation, efficiency.

**Кириш.** Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсиб бораётган, иқтисодиёт тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда, сув ва ер ресурсларига, ҳамда уларнинг поровард натижаси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон шароитида энг муҳим табиий ресурс ҳисобланган сувга бўлган талабнинг кескин ортиши, қишлоқ хўжалиги ерларини сув билан таъминлашда суғориш каналларининг аҳамиятини йил сайин орттирмоқда. Бундай мураккаб шароитда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шу мақсадда дарёлардан суғориш каналларига олинган сувни тежамли ишлатиш, суғориш усулларини тўғри танлаш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш масалаларини ҳозирги куннинг долзарб муаммосига айлантормоқда.

Республикамиздаги барча суғориш тармоқлари – каналлар ўтган асрда, асосан, қишлоқ хўжалиги ерларини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қурилган. Шундан кўриниб турибдики, уларни лойиҳалаш ишлари ҳам ўтган асрнинг ўрталарига тўғри келади. Мазкур каналларнинг кўпчилиги, айниқса, уларда сув ўлчаш ишларини амалга оширадиган гидрологик постлар ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг асосий мақсади суғориш каналларидаги сув ўлчаш иншоотларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган тегишли таклифлар ва тавсиялар беришдан иборат.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Суғориш каналларига олинган сув миқдорини доимий кузатиб, ўлчаб бориш мақсадида, уларда сув ўлчаш постлари (СЎП) –

\* Юнусов Ф.Х. - ЎзМУ, Қуруқлик гидрологияси кафедраси доценти;

Жумаев И. - ЎзМУ, Қуруқлик гидрологияси кафедраси ўқитувчиси;

Қодирова Г. - ЎзМУ, Қуруқлик гидрологияси кафедраси магистранти.



гидрологик постлар ташкил этилади. Суғориш каналларидаги сув ўлчаш постларининг айримлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига, айримлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига тегишлидир. Гидрометеорология хизмати марказига қарашли СЎПларида ўлчанган сув сарфлари тўғрисидаги маълумотлар йилномаларда чоп этилади. Лекин, Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги гидростлар маълумотларидан фойдаланишда биров қийинчиликлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қайд этиш лозимки, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги каналлар 5 та Ирригация тизимлари бошқармалари (ИТБ) тасарруфидадир. Мазкур ИТБларда 3465.8 км узунликдаги 468 та каналлар мавжуд. Ушбу каналларда 4379 та гидротехник иншоотлар ва 16 та йирик гидроузеллар қурилган. Мана шу гидротехник иншоотларнинг 3118 таси бевосита сув ўлчаш постларидир (1- ва 2-жадваллар).

Ҳавзадаги сув ўлчаш постлари сонини табиий сув объектларидаги гидростларга таққослайдиган бўлсақ, уларнинг Ўзгидромет тасарруфидаги сув ўлчаш постларидан бир неча ўн баробар кўплигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатни жуда ўринли деб ҳисоблаймиз, чунки, суғориш каналларидаги сув миқдорини ҳар бир қатрасини ўлчаб бориш, улардан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Лекин, масаланинг иккинчи асосий томони шундаки, мазкур постларда амалга ошириладиган сув ўлчаш ишларининг сифати қандай?

1-жадвал

Магистрал ҳамда хўжаликлараро суғориш каналлари

Сув хўжалиги ташкилотининг номи	Жами каналлар сони, дона	Магистрал ва хўжаликлараро каналлар узунлиги, км	Шундан		Шу жумладан		
			магистрал каналлар, км	хўжаликлараро каналлар, км	бетон қопламали, км	туپроқ ўзанли, км	логоток тармоқли, км
"Паркент-Қорасув" ИТБ	156	1168.1	310.4	857.6	272.4	866.7	22.8
Охангарон-Далварзин ИТБ	121	901.4		901.4	376.5	518.6	6.3
ТМКБ	3	95.0		95.0	29.4	65.7	
Тошкент шаҳар СХБ	37	166.1		166.1	94.4	29.7	42
"Бўз-сув" ИТБ	151	1135.2		1135.2	134.9	994.5	5.8
Жами	468	3465.8	310.4	2253.9	907.5	2475.1	76.9

Изоҳ: ИТБ - Ирригация тизимлари бошқармаси; ТМКБ- Тошкент магистрал каналлар бошқармаси; СХБ-сув хўжалиги бошқармаси

2-жадвал

Магистрал ҳамда хўжаликлараро суғориш каналларидаги иншоотлар

Сув хўжалиги ташкилотининг номи	Суғориладиган майдон, минг га	Йирик гидроузеллар сони, дона	Жами гидротехник иншоотлар сони, дона	Жами гидростлар сони
"Паркент-Қорасув" ИТБ	154.5	7	1460	756
Охангарон-Далварзин ИТБ	127.2	3	1700	1325
ТМКБ	68.0		131	147
Тошкент шаҳар СХБ	7.35		128	34
"Бўз-сув" ИТБ	87.6	6.0	960	856.0
Жами	444.6	16	4379	3118

Ўзгидромет тасарруфидаги СЎП ларида ҳар 3-5 йилда уларнинг тўғри ишлаётганлигини баҳолаш мақсадида, махсус текширувдан ўтказилиб турилади. Суғориш каналларидаги СЎП ларини ҳам мана шундай назорат қилиб туриш, уларда олиб борилаётган кузатиш ва ўлчаш ишларини тўғри олиб боришга хизмат қилади. Тўғри, сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги СЎПлари ҳам маълум вақт ораликларида текшириб турилади. Бу ишни келажакда тизимли равишда ташкил этиш лозим.

Тошкент вилоятидаги Паркент-Қорасув ирригация тизими Бўстонлик, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Паркент ва Қуйи Чирчиқ туманларига хизмат қилади. Олиб борилган тадқиқотлар давомида тўпланган маълумотларга кўра, мазкур ирригация тизими тасарруфида жами 756 та турли хил гидropостлар мавжуд. Мазкур гидropостлар туманлар бўйича турлича сонда тақсимланган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг айримлари таъмир талиб бўлиб қолган. Бошқача қилиб айтганда, ҳавза бўйича 6,2 % СЎП лари сув ўлчаш ишларида хатоликка йўл қўймоқда (3-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, Паркент-Қорасув ИТБдаги 756 та СЎП ларидан 47 таси таъмирлашни талаб этади. Улар туманлар бўйича қуйидагича тақсимланган: Юқори Чирчиқ туманидаги 184 та СЎПдан 12 таси, Паркент туманидаги 137тадан 10 таси, Қуйи Чирчиқ туманидаги 124 та СЎПдан 25 таси таъмир талаб бўлиб қолган.

3- жадвал

Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги гидropостлар ва уларнинг техник ҳолати

Туман номи	Гидropост тури	Гидropостлар сони	Техник ҳолати	
			соз	носоз
Бўстонлик	Рейкали	63	63	
Ўрта Чирчиқ	Рейкали	162	162	
ЮқориЧирчиқ	Рейкали	184	172	12
Оққўрғон	Рейкали	86	86	
Паркент	Рейкали, Чеполитте	137	127	10
Қуйи Чирчиқ	Рейкали	124	99	25
Жами ИТБ		756	709	47

Юқоридаги ИТБдан ташқари, Тошкент магистрал канали бошқармаси (ТМКБ)гақарашли суғориш каналларидаги СЎП ларининг техник ҳолати текширилганида, уларнинг айримлари талаб даражасида ишламаслиги аниқланди. Тошкент магистрал каналлар бошқармаси ҳисобидаги 147 та гидropостлардан 24 тасида сув ўлчаш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти (4-жадвал).

4- жадвал

Тошкент магистрал каналлар бошқармаси тасарруфидаги каналлар ва улардаги гидropостларнинг техник ҳолати

№	Магистрал каналлар номи	Сув ўтказиш қобилияти, м <sup>3</sup> /сек	Умумий узунлиги, км	Жами гидropостлар сони	Шундан	
					техник ҳолати	
					соз	носоз
1	Тошканал	87,0	61,1	101	87	14
2	Чап тармоқ	26,0	28,7	38	32	6
3	Ўнг тармоқ	12,0	5,2	8	4	4
	Жами		95	147	123	24

Тошкент магистрал каналлар бошқармаси ҳисобидаги 24 та таъмирталаб гидropостларнинг тизимдаги каналлар бўйича тақсимланиши ўрганилди. Унга кўра, 14 таъмирталаб СЎП Тошканал ҳиссасига, 6 таси Ўнг тармоқ, 4 таси Чап тармоқ каналларига тўғри келади.

Суғориш каналларида сув ўлчаш ишлари сифатининг пасайганлиги туфайли, ҳозирги кунда уларнинг фойдали иш коэффициенти ҳам нотўғри баҳоланиб келинмоқда. Суғориш каналларидаги сув миқдорини тўғри ва аниқ ўлчаш нафақат мазкур СЎП ларининг техник ҳолатига боғлиқ, балки, ана шу гидropостларда кузатиш ишларини олиб бораётган “гидрометрлар” нинг, маълумоти ва малакасига ҳам боғлиқдир.

Тошкент магистрал каналлар бошқармаси ҳисобидаги 147 та СЎП ларида жами 7 та гидрометр штати мавжуд. Улардан 1 таси олий маълумотли, 3 таси ўрта махсус, 3 таси эса ўрта маълумотга эга. Кўриниб турибдики, бу борада ҳам лозим бўлган ишлар етарличадир.

Республикамизда, шу билан бирга Тошкент вилояти ИТБларининг барча йирик суғориш каналларида ҳозирги кунда ГР-21 (М)Н маркали гидрометрик вертушкалар (паррақлар) кенг қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари Ўзводприбор корхонаси томонидан ишлаб чиқилган АУЦ-1 гидрометрик парраги ҳам вилоят ИТБларига берилган. Лекин, уни ишлатадиган

мутахассис етишмайди. Масалан, Тошкент магистрал канали бошқармасидаги 7 та бўлимнинг 1 таси ГР-55 маркали, 2 тасида ГРВЦ маркали ва 4 та бўлими ГР-21 маркали вертушкалар билан таъминланган.

Суғориш тармоқларининг кўпчилигида, айниқса, кичик каналларда асосан сув ўлчаш ишлари рейкадан олинган санок орқали ҳисоблаб топилади. Маълумки, сув ўлчаш ишларида каналларнинг жонли кесма майдонини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ёз ойларида каналларнинг сув ўтлари билан қопланиши, лойқа оқизиклар билан тўлиб қолиши натижасида, сунъий равишда, сувнинг оқиш тезлиги камайиши ҳисобига, каналнинг жонли кесма майдони ортади. Бу эса каналда оқаётган сув миқдорини нотўғри ўлчашга олиб келади.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланиб, суғориш каналларида сув сарфини аниқ ўлчаш имконини берадиган бир қанча ўлчов қурилмалари билан танишиб чиқдик. Қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, Республикаимизнинг йирик суғориш каналлари учун сув ўлчаш постларини ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифларни баён этамиз.


Масалан, **OTT SVR 100** маркали окустик қайтиш орқали сув сарфини аниқлаш учун мўлжалланган қурилма Германияда ишлаб чиқарилган бўлиб, барча сув объектларида сув сарфини аниқ ўлчаш имконини беради.

**Raven-Eye сув ўлчаш қурилмаси** “Тезлик-майдон” тамойили асосида ишлайди. Ушбу қурилманинг кўриниши 1–расмда келтирилган. Мазкур қурилма текисликда жойлашган йирик магистрал каналларнинг сув сарфини ўлчаш имконини беради. Бу қурилма босимга эга бўлмаган сув оқимларида, сув сарфини аниқ ўлчашга имкон беради. Шу билан бир қаторда, иқтисодий жиҳатдан арзон ва қулай ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари ёпиқ каналга ўрнатилган Raven-Eye сув ўлчаш қурилмасини нафақат очик ўзанларда, балки ёпиқ ўзанларда, қувурларда ҳам ишлатиш мумкин (2-расм).



**1–расм. Очик ўзанли каналга ўрнатилган Raven-Eye сув ўлчаш қурилмаси**



**2–расм. Ёпиқ каналга ўрнатилган Raven-Eye сув ўлчаш қурилмаси**

Юқоридаги сув ўлчаш қурилмасига ўхшаш принципда ишлайдиган қурилмалардан яна бири «**Phoenix**» дир. Мазкур қурилма ҳам дарё ва каналларда сув сарфини ўлчашга мўлжалланган. Бу қурилма универсал сув ўлчаш қурилмаси ҳисобланади. Оқимнинг турли шароитларида сувни аниқ ўлчаш имконини беради.



**3-расм. Phoenix сув ўлчаш қурилмаси**



**4-расм. OTT SVR 100 маркали сув ўлчаш қурилмаси**

Юқоридагилардан ташқари яна OTT SVR 100 маркали радарлар ёрдамида сув сарфини аниқ ўлчаш имконини берадиган қурилмалар ҳам мавжуд (4-расм). OTT SVR 100 маркали сув ўлчаш қурилмаси окустик тўлқиннинг қайтиши орқали ишлайди. Тўлқин юборилиши билан каналнинг жонли кесма майдони планини тасвирга олиб, ундан ўтаётган оқимнинг тезлигини ўлчайди. Сув сарфини тўғридан-тўғри ҳисоблаб беради.

Ҳозирги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган доплер принципида ишлайдиган

қурилмалардан бири Acoustic Doppler current profiler қурилмасидир (5-расм). Мазкур қурилма Россиянинг сув объектларида кенг қўламда фойдаланилмоқда. унинг ишлаш принципи билан М.В.Ломоносов номидаги МДУ (Москва) да малака ошириш вақтида танишиб келдик.



**5-расм. Acoustic Doppler current profiler қурилмаси ва у билан сув сарфини ўлчаш**

Юқорида келтирилган сув ўлчаш қурилмаларидан дарёларда, магистрал каналларда ва хўжаликлараро ҳамда хўжаликичи каналларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Булардан ташқари хўжаликичи каналларида эса Брант Браутаннинг ташламалардан оқиб ўтаётган сув миқдорини ўзи ёзиб бориш қурилмаси, сув ўлчаш пости ёрдамида аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Мазкур қурилма 6-расмда келтирилган.



**6-расм. Брант Браутаннинг ташламалардан оқиб ўтаётган сув миқдорини ўзи ёзиб бориш сув ўлчаш пости**

**Хулоса.** Тадқиқот жараёнида олинган натижаларга таянган ҳолда қуйидаги асосий хулосаларни қайд этиш мумкин:

1. Республикаимизнинг йирик суғориш каналларидаги сув ўлчаш қурилмаларининг мавжуд сув ресурсларини юқори аниқликда ҳисобга олишнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб борилди. Суғориш тармоқларида сув ўлчаш ишларини аниқ олиб борадиган янги замонавий сув ўлчаш постлари ва қурилмаларини қуриш учун тавсиялар берилди;

2. Суғориш тармоқларига олинаётган ва улардан экин майдонларига тақсимланадиган сув миқдорини тўғри ва аниқ ҳисобга олиб бориш учун СЎПларини давр талаби бўйича замонавий ўлчов қурилмалари билан таъминлаш зарурдир. Айни пайтда уларда кузатиш ва кузатиш ишларини олиб борадиган малакали кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим;

3. Ҳозирги кунда сув хўжалиги тизимида фойдаланиб келинаётган сув ўлчаш қурилмалари анчагина эскирганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Уларни юқорида келтирилган замонавий сув ўлчаш қурилмалари билан алмаштириш, келажакда сув ресурсларини аниқ баҳолаш ва тақсимлаш имконини беради. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган кишлок хўжалигида барқарор сув таъминотига замин яратади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абальян С.Х. Устойчивые и переходные режимы в искусственных руслах.– Л.: Гидрометеиздат,1981.– С. 245.
2. Болгов М.В., Мишон В.М., Сенцова Н.И. Современные проблемы оценки водных ресурсов и водообеспечения. – М.: Наука, 2005. –318 с.
3. Глушков В.Г. Вопросы теории и методы гидрологических исследований. – М.: Изд-во АН СССР, 1961. – 414 с.
4. Духовный В.А. Водохозяйственный комплекс в зоне орошения: формирование, развитие. – М.: Колос, 1984. – 225 с.
5. Духовный В.А., Соколов В.И. Стратегия управления водными ресурсами Средней Азии. – В кн. Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда. – Ташкент: Университет, 2000. – С.121– 151.
6. Железняков Г.В. Пропускная способность русел каналов и рек. – Л. Гидрометеиздат,1981.– С. 311.
7. Захидов А.З. Водохозяйственные системы Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1971. – 132 с.
8. Интегрированное управление водными ресурсами. От теории к реальной практике. Опыт Центральной Азии. – Ташкент, 2008. – 363 с.
9. Ирригация Узбекистана. Т.Ш. – Ташкент: Фан, 1979. – 357 с.
10. Кадыров А.А. Морфометрические зависимости для устойчивых русел каналов в мелкопесчаных грунтах // Труды САНИИРИ, 1985.– 174 с.
11. Каримов Р.М. О форме гидравлически устойчивых неразмываемых сечений земляных каналов. –Ташкент. Труды ТИИИМСХ. 1986.– 149 с.
12. Каримов Р.М. Расчет гидравлически устойчивых неразмываемых сечений земляных каналов // – Т. Труды ТИИИМСХ, 1984. –13 с.
13. Карпов И.М. Фандеев В.В. Каналы. – М.: 1951. – 87 с.
14. Кизяев Б.М. Мелиоративные каналы параболического сечения: технология строительства. – М. РОМА, 1998. – 268 с.
15. Косиченко Ю.М., Косиченко М.Ю., Иовчу Ю.И. Эксплуатационная надежность оросительных каналов // Мелиорация и водное хозяйство. – М.: 2007. – № 4. – С. 41-43.
16. Мурадов Ш.О. Научное обоснование водоустойчивости аридных территорий юга Узбекистана. –Ташкент: Фан, 2012. – 376 с.
17. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2000-2004 год). – Ташкент: Chinor ENK, 2005. – 131 с.
18. Рабкова Е.К. Проектирование и расчет оросительных каналов в земляном русле. – М.: УДН, 1990. –248 с.
19. Hiler E.A., Howel T.A., Lews R.B., Boos R.P. Irrigation timing by the stress day index method. – “Trans. ASAE”, 1974. – Vol.17. – N3. – P. 393-398.

**Рахмонов К.Р., Жумабаева Г.У., Пидаева Л.М.\***

**ТОҒ ДАРЁЛАРИ МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИ ВА СУВ САРФЛАРИНИНГ  
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ҲАҚИДА**

*Аннотация. Мақола Ўзбекистон тоғ дарёлари ўртача йиллик муаллақ оқизиклари ҳамда сув сарфларининг ўзгарувчанлигини статистик баҳолаш масалаларига бағишланган. Ишда мазкур масала Чирчиқ, Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзалари дарёлари мисолида ёритилган.*

\* **Рахмонов Комилжон Раджабович** – ЎзМУ Куруклик гидрологияси кафедраси доценти в.б., PhD. k.rahmonov@nuu.uz

**Жумабаева Гулнора Усманбаевна** - ТИҚХММИ Гидрологияси ва гидрогеология кафедраси ўқитувчиси  
**Пидаева Лола Мирағзам қизи** – ЎзМУ Куруклик гидрологияси кафедраси магистранти.

**Калит сўзлар:** тоғ дарёлари, дарё ҳавзаси, сув сарфи, муаллақ оқизиклар сарфи, ўзгарувчанлик (вариация) коэффициенти, статистик баҳолаш, ўзгарувчанлик коэффициентининг боғлиқлиги, гидрологик ҳисоблашлар, гидротехник иншоотлар эксплуатацияси.

### Об изменчивости стока взвешенных наносов и расходов воды горных рек

**Аннотация.** Статья посвящена статистической оценке изменчивости среднего годового стока взвешенных наносов и расходов воды горных рек. В работе данная проблема освещена на примере рек бассейнов Чирчик, Ахангаран, Санзар, Зааминсу, Зеравшан, Кашкадарья и Сурхандарья.

**Ключевые слова:** горные реки, речной бассейн, расход воды, сток взвешенных наносов, коэффициент изменчивости, статистическая оценка, зависимость коэффициентов изменчивости, гидрологические расчеты, эксплуатация гидротехнических сооружений.

### On the variability of suspended sediment runoff and mountain water discharge

**Abstract.** The article is devoted to a statistical assessment of the variability of the average annual runoff of suspended sediment and water discharge of mountain rivers. This problem is highlighted in the work on the example of the rivers of the Chirchik, Akhangaran, Sanzar, Zaaminsu, Zeravshan, Kashkadarya and Surkhandarya basins.

**Key words:** mountain rivers, river basin, water flow, suspended sediment runoff, variability coefficient, statistical assessment, dependence of variability coefficients, hydrological calculations, operation of hydraulic structures.

**Кирриш.** Дарёлар муаллақ оқизиклари ва сув сарфларининг ўзгарувчанлигини ўрганиш натижалари сув ҳўжалиги тизимлари ва гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, куриш, эксплуатация қилишда ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур масала сув омборлари ва каналларнинг лойка оқизиклар билан тўлишини баҳолашда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ушбу муаммо билан собиқ Иттифоқда бир қанча олимлар (Б.В.Поляков, Г.В.Лопатин, Г.И.Шамов, А.В.Караушев ва бошқалар) шуғулланганлар. Жумладан, текислик ва тоғ дарёлари мисолида муаллақ оқизиклар билан сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари орасидаги боғлиқлиқлар Г.В.Лопатин томонидан нисбатан батафсилроқ ўрганилган [2].

Бу борада Ўрта Осиёлик, жумладан, ўзбекистонлик тадқиқотчилар орасида В.Л.Шулц, Б.В.Светицкий, Ю.Н.Иванов, А.Р.расулов, З.С.Сирлибоева, Ф.Х.Ҳикматов ва бошқалар эришган натижалар диққатга сазовардир. Кейинчалик, ушбу масала бўйича Ўрта Осиё тоғ дарёлари мисолида амалга оширилган тадқиқотлар орасида О.П.Шеглова, А.Р.Расулов ва Ф.Х.Ҳикматовларнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради [7, 8].

Қайд этиш лозимки, юқорида тилга олинган олимлар томонидан бажарилган ишлар қарийб 20-30 йиллик тарихга эга. Шу туфайли бугунги кунда мазкур масалани, охириги ўн йилликлардаги янги гидрометеорологик маълумотлар асосида, Ўзбекистон тоғ дарёлари мисолида ўрганиш жуда долзарб аҳамият касб этади.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ишда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқот объекти ҳисобланган Чирчик, Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларида жойлашган 70 дан зиёд гидрологик кузатиш пунктлари танланди (1-жадвал).

1-жадвал

#### Ўрганилаётган дарёлар ҳавзаларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари

№	Ҳавзалар	Сув тўплаш майдони, км <sup>2</sup>		Ўртгача баландлиги, м		Кузатиш йиллари сони			
		мин	мак	мин	мак	Q		R	
						мин	мак	мин	мак
1	Чирчиқ	15,6	10900	1380	3140	38	86	21	85
2	Оҳангарон	19,0	1290	1620	2760	9	71	8	57
3	Сангзор ва Зоминсув	20,4	546	1446	2598	15	71	11	52
4	Зарафшон	25,1	10200	930	3100	9	55	9	40
5	Қашқадарё	24,4	3170	910	2730	27	92	8	80
6	Сурхондарё	38,0	2340	1110	2570	20	91	20	77

Изоҳ: Q – сув сарфи; R – муаллақ оқизиклар сарфи.

Ўзбекистон тоғ дарёлари ўртача йиллик муаллақ оқизиклари ва сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентларини ўрганишда қуйидаги **вазифалар** белгиланди ва ишда ўз ечимини топди:

- 1) муаллақ оқизиклар ва сув сарфлари доимий кузатилиб бориладиган гидрологик постларни танлаш, уларда қайд этилган маълумотларни тўплаш, бирламчи қайта ишлаш;
- 2) танланган гидрологик постларда кузатилган гидрологик маълумотлар асосида ўзгарувчанлик коэффициентларини ҳисоблаш;
- 3) дарёлар муаллақ оқизиклари ва сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш;
- 4) дарёлар муаллақ оқизиклари билан улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари орасидаги боғланишларни ўрганиш.


Ишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, дастлаб, Ўзбекистон тоғ дарёлари ҳавзаларида фаолият кўрсатаётган айрим гидрологик постлар маълумотлари асосида сув сарфлари ( $C_{VQ}$ ) ва муаллақ оқизиклар сарфлари ( $C_{VR}$ ) нинг қийматлари ҳисобланди ва натижалар таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал


Дарёлар муаллақ оқизиклари ( $C_{VR}$ ) ва сув сарфлари ( $C_{VQ}$ )нинг ўзгарувчанлик коэффициентлари

Т/р	Ҳавзалар	Постлар сони	$C_{VR}$		$C_{VQ}$		$C_{VR}/C_{VQ}$	
			мин	мак	мин	мак	мин	мак
Сирдарё ҳавзаси								
1	Чирчиқ	13	0,63	1,42	0,19	0,65	3,32	2,18
2	Оҳангарон	12	0,90	2,06	0,29	0,80	3,46	2,58
3	Сангзор ва Зоминсув	7	1,28	2,39	0,34	0,70	3,76	3,41
Сирдарё ҳавзаси бўйича		32	1,28	2,39	0,34	0,80	3,76	3,41
Амударё ҳавзаси								
4	Зарафшон	8	0,90	3,8	0,35	0,96	2,57	3,96
5	Қашқадарё	15	0,51	2,8	0,15	0,98	3,40	2,86
6	Сурхондарё	16	0,74	1,59	0,19	0,68	3,89	2,34
Амударё ҳавзаси бўйича		39	0,90	3,8	0,35	0,98	3,89	3,96
Ўзбекистон бўйича		71	1,28	3,8	0,35	0,98	3,66	3,88


Ишда қўйилган яна бир вазифани бажариш учун дастлаб, муаллақ оқизиклар ва сув сарфларининг ўртача йиллик қийматлари асосида ҳисобланган ўзгарувчанлик коэффициентлари ( $C_{VR}$  ва  $C_{VQ}$ ) орасидаги боғланиш графиклари ўрганилди (1- ва 2-расмлар). Ишнинг кейинги босқичида ўрганилган дарёлар муаллақ оқизиклари ўзгарувчанлик коэффициентлари билан ҳавзанинг ўртача баландликлари орасидаги боғланишлар таҳлил қилинди (3- ва 4-расмлар).




1-расм. Чирчиқ ҳавзасининг табиий режимли дарёлари учун  $C_{VR}$  ва  $C_{VQ}$  орасидаги боғланиш



2-расм. Қашқадарё ҳавзаси дарёлари муаллақ оқизиклари ва сув сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентларининг ўзаро боғлиқлиги



3-расм. Чирчиқ хавзасининг табиий режимли дарёлари учун  $C_{VR}$  ва  $H_{урт}$  орасидаги боғланиш



4-расм. Амударё хавзаси дарёлари учун  $C_{VR}$  ва  $H_{урт}$  орасидаги боғланиш

Тўпланган маълумотлар асосида Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари билан сув сарфларининг ўртача йиллик қийматлари ва дарёлар хавзаларининг ўртача баландликлари орасидаги боғланиш графиклари компьютерда, махсус дастурлар асосида қурилди (3- ва 4-расмлар). Ушбу графиклардан кўриниб турибдики, ҳар икки ҳолда ҳам ўзгарувчанлик коэффициентларининг қийматлари дарёлар хавзаларининг ўртача баландликлари ортиши билан камайиб боради.

**Хулоса.** Тадқиқот давомида олинган натижалар ва уларнинг таҳлилига асосланиб, қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

1. Ўрганилган дарёлар ичида муаллақ оқизиклар сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентининг энг катта қиймати Зарафшон хавзасидаги Тўсинсой (Қорақия қ.)да 3,8 ни ташкил қилган бўлса, сув сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентининг максимал қиймати Қашқадарё хавзасидаги Кичик Ўрадарё (Қумбулоқ қ.) га тўғри келади (0,98).

2. Қашқадарё хавзасида жойлашган Тирна (Ишкент қ.) дарёси муаллақ оқизиклар сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентининг кичиклиги билан ажралиб туради (0,51). Шунингдек, Оқдарё (Мухбел давони) сув сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентининг кичиклиги билан бошқа дарёлардан ажралиб туради (0,15).

3. Юқоридаги расмларда келтирилган маълумотларга асосланганидан бўлсак, ўрганилган боғланишлар орасида нисбатан энг зич боғланиш Чирчиқ хавзаси дарёлари муаллақ оқизиклари ва сув сарфлари ўзгарувчанлик коэффициентлари орасидаги боғланишга тўғри келади ( $r = 0,98$ ). Амударё хавзаси дарёларида эса боғланишлар нисбатан кичикрокдир ( $r = 0,68$ ).

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеевский Н.И. Формирование и движение речных наносов. - М.: МГУ, 1998. - 203 с.
2. Караушев А.В. Теория и методы расчета речных наносов. - Л.: Гидрометеиздат, 1977. - 272 с.
3. Лопатин Г.В. О водной эрозии и стока наносов в горной области Средней Азии // Вопросы географии. - 1949. - № 15. - С. 193-204.
4. Поляков Б.В. Исследование стока взвешенных и донных наносов. - Л.: Изд-во ГГИ, 1935. - 129 с.
5. Расулов А.Р. Формирование стока взвешенных наносов и смыв с поверхности бассейна р. Угом. Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. - Ташкент, 1972. - 28 с.
6. Хикматов Ф.Х. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней Азии. - Ташкент: «Fan va texnologiya», 2011. - 248 с.
7. Щеглова О.П. Генетический анализ и картографирование стока взвешенных наносов рек Средней Азии. - Л.: Гидрометеиздат, 1984. - 127 с.



Эрлапасов Н.Б., Ибрагимова О.П.\*

**ДАРЁЛАР ЙИЛЛИК ОҚИМИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИГА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ МИҚДОРИЙ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Мақола тоғ дарёлари йиллик оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссасини миқдорий баҳолаш масалаларига бағишланган. Шу мақсадда ишда дарёлар йиллик оқими гидрографи вертикал бўлақларга ажратиш усулидан фойдаланилган. Натижада, ер ости сувларининг дарёлар йиллик оқимига қўшган ҳиссалари уларнинг тўйиниш типлари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** дарё, дарё ҳавзаси, гидрограф, тўйиниш манбалари, ёмғир сувлари, қор сувлари, музликлар сувлари, ер ости сувлари ҳиссаси, миқдорий баҳолаш.

**Количественная оценка вклада подземных вод на формирование годового стока рек**

**Аннотация.** Работа посвящена вопросам количественной оценки вклада подземных вод в формирование годового стока горных рек. С этой целью в работе был использован метод вертикального расчленения гидрографа годового стока рек. В результате показано, что вклад подземных вод в годовой сток рек зависит от их типа питания.

**Ключевые слова:** река, речной бассейн, гидрограф, источники питания, дождевые воды, снеговые воды, ледниковые воды, вклад подземных вод, количественная оценка.

**Quantitative assessment of groundwater contribution to the formation of annual river flow**

**Abstract.** The paper is devoted to the quantitative assessment of groundwater contribution to the formation of the annual flow of mountain rivers. For this purpose, we used the method of vertical dissection of the hydrograph of the annual river flow. As a result, it was shown that the hundred contribution of groundwater to the annual river flow depends on their type of nutrition.

**Key words:** river, river basin, hydrograph, feeding sources, rainwater, snow water, glacial water, groundwater contribution, quantitative assessment.

**Кириш.** Дарёлар тўйиниш манбаларини миқдорий баҳолаш масалалари уларнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган гидрологик муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шу туфайли дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссасини миқдорий баҳолаш ҳозирги кунда, Ўзбекистон шароитида, долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Юқорида қайд этилганларни эътиборга олган ҳолда, мазкур ишда ушбу масалани Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаси дарёлари мисолида кўриб чиқамиз.

Дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссасини аниқлаш усули биринчи бўлиб, таниқли гидролог олим В.Г.Глушков томонидан ишлаб чиқилган. Шундан кейинги йилларда дарёларнинг тўйинишида ер ости сувларининг қўшган ҳиссасини баҳолашнинг мавжуд усуллари такомиллаштирилди ва бир қанча янги усуллар ишлаб чиқилди. Уларга Ф.А.Макаренко, К.П.Воскресенский, Б.И.Куделин, О.В.Попов, А.З.Амусья, Н.С.Ратнер ва бошқалар таклиф этган усулларни киритиш мумкин. Ушбу усулларнинг моҳияти, мазмуни ҳамда уларни гидрологик ҳисоблашлар амалиётида қўллаш тамойиллари махсус адабиётларда батафсил баён этилган [1, 2, 3, 6].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари ЎзМУнинг Куруклик гидрологияси кафедрасида (Ф.Ҳ.Ҳикматов, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов ва бошқалар), Ўзгидромет ҳузуридаги ГИМИТИда (С.В.Мягков, Б.К.Царёв, Т.А.Аҳмедова ва бошқалар), ТИҚХММИда (Д.В.Назаралиев, Ғ.У.Юсупов, Ф.А.Гаппаров ва бошқалар) давом эттирилмоқда. Лекин, юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан олиб борилган изланишларда Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаси дарёларига алоҳида эътибор қаратилмаган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур ишнинг асосий мақсади дарёларнинг тўйинишига турли манбаларнинг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолашнинг В.Г.Глушков томонидан таклиф этилган усулини қўллаш асосида, ўрганилаётган дарёлар йиллик оқимига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолашдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидромет тасарруфидаги гидрологик постларда ўлчанган кундалик, ойлик ва йиллик сув

\* Эрлапасов Нарзиқул Бахрамович – ЎзМУ куруклик гидрологияси кафедраси таянч докторанти.  
Ибрагимова Озода Панжи қизи - ЎзМУ куруклик гидрологияси кафедраси магистранти.


сарфлари маълумотларидан фойдаландик.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Белгиланган мақсадни амалга ошириш учун дарёларда кузатилган характерли, яъни кўп сувли, ўртача сувли ва кам сувли йиллар учун тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган дарёлар оқимининг йиллик гидрографлари чизилди. Дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари миқдорий баҳоланди. Шу мақсадда ўрганилаётган дарёлар оқими гидрографлари, юқорида қайд этилганидек, В.Г.Глушков усулида вертикал ташкил этувчиларга ажратилди (1-расм).

Таъкидлаш лозимки, бундай гидрографлар ўрганилаётган барча дарёлардаги экстремал (кам, ўртача, кўп) сувли йиллар учун компютер дастурларини қўллаш асосида чизилди. Улардан дарёлар йиллик оқимига ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари танлаб олинган усул ёрдамида аниқлашда фойдаланилди (1-жадвал).

Қашқадарёнинг Варганза гидрологик постида кузатилган йиллик оқимнинг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаси кўп сувли 1993 йилда  $132,4 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ёки 43,6% ни ташкил этган бўлса, ўртача сувли ҳисобланган 1991 йилда дарёда қайд этилган йиллик оқим миқдорига ( $172,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ) нисбатан ер ости сувларининг қўшган улуши  $82,3 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га ёки 47,8% га тенг бўлди. Дарёда кам сувли 2001 йилда кузатилган кундалик сув сарфлари асосида чизилган гидрографдан ишда белгиланган мақсадда фойдаланишнинг имкони йўқлиги аниқланди (2-расм).

Бунинг асосий сабаби, биринчидан, дарё оқимига антропоген омилларнинг таъсири жуда сезиларли бўлса, иккинчидан, кам сувли йилларда бундай дарёлар оқими миқдори асосан мавсумий ёғинлар миқдорига боғлиқ бўлиб қолади. Худди шу каби ҳолат ишда ўрганилган Сурхондарё (Шўрчи) учун ҳам хосдир (1-жадвал).



1-расм. Қашқадарё (Варганза) йиллик оқими гидрографи, ўртача сувли 1991 йил

1-жадвал


Экстремал сувли йилларда дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаларини миқдорий баҳолаш

№	Дарё - пост	Характерли йиллар	$Q_{\text{кўп}}$ , $\text{м}^3/\text{с}$	$W_{\text{кўп}}$ , $10^6, \text{м}^3$	$Q_{\text{ўр}}$ , $\text{м}^3/\text{с}$	$W_{\text{ўр}}$ , $10^6, \text{м}^3$	$W_{\text{ўр}}$ , %
1	Қашқадарё – Варганза	Кўп сувли 1993 йил	9,62	303,4	4,02	132,4	43,6
		Ўртача сувли 1991 йил	5,46	172,2	2,61	82,3	47,8
		Кам сувли 2001 йил	-	-	-	-	-
2	Яккабоғдарё – Татар	Кўп сувли 2005 йил	8,89	280,4	1,86	58,7	20,9
		Ўртача сувли 1997 йил	5,25	165,7	1,52	47,9	28,9
		Кам сувли 2001 йил	2,19	69,3	0,91	28,6	41,4
3	Сурхондарё – Шўрчи	Кўп сувли 1992 йил	119,1	3756,4	46,2	1457,2	38,8
		Ўртача сувли 1997 йил	67,6	2132,1	20,9	659,2	30,9
		Кам сувли 2001 йил	-	-	-	-	-
4	Сангардак – Кенгузар	Кўп сувли 1998 йил	27,1	854,7	11,8	372,2	43,5
		Ўртача сувли 2004 йил	16,7	526,7	6,27	197,7	37,5
		Кам сувли 2001 йил	7,11	224,2	3,5	110,4	49,2

Изоҳ:  $Q$  – ўртача йиллик сув сарфи;  $W_{\text{кўп}}$  – йиллик оқим ҳажми;  $Q_{\text{кўп}}$  – ер ости сувлари ҳисобига шакланган сув сарфи;  $W_{\text{ўр}}$  – ер ости сувлари ҳажми;  $W_{\text{ўр}}$ , % - дарё оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаси.

Сурхондарёнинг Шўрчи гидрологик постида кузатилган кўп сувли 1992 йилда оқим миқдори  $3756,4 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  га тенг бўлиб, унда ер ости сувларининг улуши  $1457,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич йиллик оқим миқдорига нисбатан 38,8% га тенг бўлган. Дарёда кузатилган ўртача сувли 1997 йилдаги йиллик оқим миқдорига нисбатан ер ости сувларининг улуши  $659,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ни ёки 30,9% ни ташкил қилган.

Қашқадарё (Варганза) ҳамда Сурхондарё (Шўрчи) дарёларидан фаркли равишда, Сурхондарё ҳавзасидаги Сангардак дарёсида кам сувли йилларда кузатилган кундалик сув сарфларидан ҳам ишда белгиланган мақсадда фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Сангардак дарёсининг Кенггузар гидрологик постида кўп сувли 1998 йилда кузатилган йиллик оқим миқдорига нисбатан ( $854,7 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ) ер ости сувларининг улуши  $372,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ни ёки 43,5% ни ташкил қилган. Дарёда ўртача сувли 2004 йилда қайд этилган оқим миқдорига нисбатан ер ости сувларининг улуши  $197,7 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ёки 37,5% га тенг бўлган. Кам сувли 2001 йил оқим миқдорига нисбатан ер ости сувларининг улуши йиллик оқимнинг қарийб ярмини, аниқроғи  $110,4 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ёки 49,2% ни ташкил қилган.



## 2-расм. Қашқадарё (Варганза) йиллик оқими гидрографи, кам сувли 2001 йил

**Хулоса.** Тадқиқотда олинган натижалар таҳлилларини умумлаштириб, хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этамиз:

1. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссалари, уларнинг тўйиниш манбаларига боғлиқ ҳолатда, турли қийматларда ўзгариб туради;

2. Қашқадарё қор сувлари билан тўйинадиган дарёлар типига киради. Ҳавзадаги шу типга мансуб дарёларда кўп сувли йилларда ҳосил бўладиган оқим миқдорига нисбатан ер ости сувларининг қўшган ҳиссаси 43% атрофида бўлса, ўртача сувли йилларда 47-48% ни ташкил қилган;

3. Яккабоғдарё тўйинишига кўра, асосан, қор сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Шунинг учун ҳавзадаги бу типга мансуб дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссаси 20-30 % ни ташкил қилади;

4. Сурхондарё ҳавзасидаги Сангардак дарёсида кам сувли йилларда кузатилган кундалик сув сарфлари асосида чизилган гидрографдан ишда белгиланган мақсадда фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлди. Дарёда кузатилган кўп сувли 1998 йилда қайд этилган йиллик оқим миқдорига нисбатан ( $854,7 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ) ер ости сувларининг улуши  $372,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$  ёки 43,5% ни ташкил қилган бўлса, ўртача сувли 2004 йилда ушбу кўрсаткич 37,5% ни, кам сувли 2001 йилда 49,2% ни ташкил қилган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амусья А.З., Ратнер Н.С. Об оценке подземного стока горных рек Кавказа // Труды ГГИ. - Вып. 114, 1964. - С. 137-160.

2. Бефани А.Н. Вопросы теории и расчета подземного стока // Труды III Всесоюз. гидролог. съезда. Т. 9. - Л.: ГМИЗ, 1959. - С. 127-134.

3. Глушков В.Г. Вопросы теории и методы гидрологических исследований. - М.: Изд-во АН СССР, 1961. - 414 с.

4. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: Университет, 2003. - 327 б.

5. Куделин Б.И. Подземный сток. – М.: Изд-во МГУ, 1966. - 303 с.

6. Попов О.В. Подземное питание рек. – Л.: ГМИЗ, 1968. - 292 с.

7. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеиздат, 1965. - 692 с.
8. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. - Ташкент: Изд-во СамГУ, 1960. - 243 с.
9. Хикматов Ф.Х., Эрлапасов Н.Б., Холбеков Қ.А. Дарёларнинг ер ости сувлари ҳисобига тўйинишини миқдорий баҳолаш усуллари ва уларни такомиллаштириш масалалари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2016. - Б 233-236.

**Ширинбоев Д.Н., Зияев Р.Р., Ғаниев Ш.Р.\***

**ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИДАГИ СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИ (ДАРҒОМ КАНАЛИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Мақола Зарафшон дарёси ўзанида қурилган, Равотхўжа тўғонидан сув олувчи, Дарғом каналининг гидрологик режимини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, мақолада Дарғом каналининг йирик тармоғи ҳисобланган Янги Дарғом канали ҳамда Зарафшон дарёси сув режимларининг боғлиқлиги, хусусан улар йиллик оқимларининг йиллараро тебранишлари ва йил давомида тақсимланиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўрта Зарафшон, дарё, сув тақсимлаш иншооти, канал, сув режими, дарёлар ва каналлар оқими, оқимнинг йиллараро тебраниши, оқимнинг йил давомида тақсимланиши, баҳолаш.

**Гидрологический режим ирригационных каналов бассейна среднего Зеравшана (на примере канала Даргом)**

**Аннотация.** Статья посвящена изучению гидрологического режима канала Даргом, расположенного на территории бассейна Среднего Зеравшана и забирающего воду из Раватходжинского гидроузла. В работе также освещены вопросы взаимосвязи гидрологических режимов, в частности, их многолетних колебаний и внутригодового распределения стока реки Зеравшан и канала Янги Даргом – крупнейшей ветви главного канала.

**Ключевые слова:** Средний Зеравшан, река, водораспределительное сооружение, канал, сток рек и каналов, межгодовые колебания стока, внутригодовое распределение стока, оценка.

**Hydrological irrigation mode channels of the middle Zerafshan pool  
(on the example of channel Dargom)**

**Abstract.** The article is devoted to the study of the hydrological regime of the Dargom canal, located on the territory of the basin of the Middle Zerafshan and taking water from the Ravatkhodzinsky hydroelectric complex. The paper also discusses the relationship of hydrological regimes, their long-term fluctuations and intra-annual distribution of the flow of the Zerafshan River and the Yangi Dargom canal, the largest branch of the main channel.

**Key words:** Middle Zerafshan, river, water distribution structure, canal, runoff of rivers and canals, interannual flow fluctuations, intra-annual flow distribution, assessment.

**Қириш.** Манбаларда қайд этилишича, Ўзбекистон ҳудудининг 78,7 фоизини текисликлар ва 21,3 фоизини тоғлар ташкил этади [9]. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги барча дарёлар тоғлардан бошланиб, уларнинг оқими текисликларда турли кўринишларда сарфланади. Бу сарфланишлар дарёларнинг табиий тармоқларида эмас, балки инсон манфаатлари йўлида, яъни суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида, асосан текисликлардаги экин майдонларини суғориш учун яратилган антропоген гидрографик тармоқлар орқали рўй беради. Чунки, бундай тадбирлар асосан текисликларда жойлашган суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш учун зарурдир.

Зарафшон дарёсидан сув оладиган йирик ирригация тармоқлари ҳисобланган Туятортўр, Дарғом, Шаҳоб, Қурбонота, Нарпай, Булунғур, Полвон ариқ ва бошқа каналлар, ариқлар Ўрта Зарафшон ҳавзаси ерларини сув билан таъминлайди [5]. Умуман олганда, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши аҳолининг кўпайишига ва зич яшашига, бир сўз билан айтганда, урбанизация жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

---

\* Ширинбоев Д.Н. – СамДУ гидрометеорология кафедраси ўқитувчиси.  
Зияев Р.Р. – ЎзМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси таянч докторанти.  
Ғаниев Ш.Р. – СамДУ гидрометеорология кафедраси таянч докторанти.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Зарафшон воҳасида ирригация тармоқлари милoddан II минг йил аввал Зарафшон дарёси соҳилларида вужудга кела бошлаган. Маҳаллий аҳоли ариқлар орқали дарёдан сув чиқариб, деҳқончилик қилган. Воҳада яшаган ўтроқ аҳоли I-IV асрларда Зарафшондан сув оладиган Дарғом, Қалқонота, Шахруд, Ромитан каби йирик каналлар, Санги-Салох, Катта Беглик, Дамдарё каби ариқларни қазганлар [5, 6]. Ушбу гидротехник иншоотларнинг энг қадимийларидан бири - Дарғом канали ҳисобланади.

“Дарғом” атамаси арабча сўздан олинган бўлиб, тўғон, дамба, тўсиқ деган маъноларни билдиради. Дарғом Зарафшон дарёсидан сув оладиган қадимги канал бўлиб, дастлаб бу канал Варақсар (ҳозирги Равотхўжа) қишлоғи яқинида, араблар бу ерларга кириб келишидан (712-йил) анча олдин қурилган. Ушбу тўғондан 3 та ариқ чиқарилган бўлиб, улардан энг шимолдагиси Дарғом каналидир. Қолган иккитаси теурийлар даврида қурилган бўлиб, Аббос ва Қораунас деб аталган, кейинчалик улар Янгиариқ ва Қозонариқ номларини олган. Бу ариқлардан Самарқанд шаҳридан шимолдаги ва жанубидаги ерлар суғорилган [6].

Дарғом канали Равотхўжа қишлоғи яқинидаги тўғондан бошланиб, Улус даштигача давом этади. Клавдий Птолемей тузган картада (II аср) Дарғом канали “Даргоманий” номи билан аталган. Кейинчалик, яъни 1220-йилларда Чингизхон аскарлари томонидан бош тўғон бузиб ташланган. Кейинчалик у қайта таъмирланган. Собиқ Иттифоқ даврида, аниқроғи 1920-1930 - йилларда Равотхўжа тўғони қайта реконструкция қилиниб, у йирик муҳандислик иншоотига айлантирилди ва сув тақсимловчи қўшимча тўғонлар қурилди.

Ҳозирги кунда Дарғом каналининг узунлиги 100 км, сув сарфи 100 м<sup>3</sup>/сек, канал бошланиш жойининг баландлиги 880 м, максимал сув сарфи бошданишида 125 м<sup>3</sup>/сек га, қуй оқимида эса 180 м<sup>3</sup>/сек га етади [1, 10]. Вегетация даврида Дарғом канали ёрдамида Самарқанд вилоятининг 67500 гектар, ундан сув оладиган Эски Анхор канали орқали эса Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шахрисабз, Якабоғ, Қамаш ва Китоб туманларидаги 50000 гектар экин майдонлари сув билан таъминланади. Дарғом каналининг Самарқанд вилоятининг Ургут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом ва Нуробод туманларининг экин майдонларига сув етказиб берадиган бир қанча тармоқлари мавжуд (1-жадвал).

Дарғом канали Равотхўжа тўғонидан қуйида Янги Дарғом, Эски Дарғом ва Айланма Дарғом номлари билан аталувчи учта тармоққа ажралади. Янги Дарғом канали Ургут туманининг тоғолди текисликларини сув билан таъминлаш мақсадида қурилган бўлиб, Эски Дарғом каналига, оқим бошланиш қисмидан 600 метр масофада ер ости туннелидан ўтиб, 10,5 км қуйида қўшилади ва ушбу канал сувининг кўпайишига имкон беради. Айланма Дарғомнинг максимал сув ўтказиш имконияти 70 м<sup>3</sup>/сек ни ташкил этади ва бош тўғондан 20,5 км қуйида бу канал ҳам Эски Дарғомга қуйилиб, каналнинг сувличилигини янада орттиради. Дарғом канали сувидан нафақат қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлашда, балки унинг оқимидан умумий қуввати 40 МВт бўлган тўртта турли қувватли ГЭС лар, жумладан, Хишрав (21,9 МВт), Иртишар (6,4 МВт), Толлиғулон-1 (3 МВт), Толлиғулон-3 (8,8 МВт) ГЭС ларда электр энергиясини олишда ҳам фойдаланилади.

Тадқиқотда Зарафшон дарёси ва ундан сув олувчи каналлар оқимининг йиллараро тебранишларини ўрганиш мақсадида сув сарфи ҳақидаги маълумотлар тўпланди. Тўпланган маълумотлар асосида, Зарафшон дарёси ва ундан сув олувчи каналлар оқимининг кўп йиллик тебранишлари таҳлил қилинди (1-расм).

Графикдан кўриниб турибдики, Зарафшон дарёси ва ундан сув олувчи каналларда (Дарғом ва унинг тармоғи ҳисобланган Янги Дарғом каналлари) сўнгги йилларда кузатилган сув сарфларининг кўп йиллик тебранишлари ўзаро мосдир. Дарёда энг кам сув миқдори 2001 йилда кузатилган бўлиб, унинг ўртача йиллик сув сарфи 108 м<sup>3</sup>/с ни ташкил этган. Шунга мос равишда ундан тўйинувчи каналлардаги тебранишларда ҳам минимал миқдорлар кузатилган. Демак, биз ўрганган каналларга дарёнинг кўп ёки кам сувличилигига боғлиқ ҳолда сув олинган ва ҳолатни тўғри деб ҳисоблаймиз. Афсуски, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида сув оладиган каналларда бундай тақсимот йўлга қўйилмаган.


Графикда акс этганидек, Дарғом канали ва Янги дарғом каналларининг сув сарфлари Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида тебранишига мос ҳолда ўзгаради. Дарғомга Зарафшон дарёсидан сув ташлангандан сўнг, у қуйи қисмига томон яна тармоқланиб кетади. Бу тармоқлар қишлоқ хўжалигининг турли экин майдонларини сув билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида каналнинг энг йирик тармоқларидан бири ҳисобланган Янги-Дарғом каналининг ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишини таҳлил қиламиз (3-расм).

Дарғом ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфидаги  
каналларнинг асосий кўрсаткичлари

Т/р	Каналлар	Жойлашган ўрни, туман	Асосий кўрсаткичлари		
			L, км	Q <sub>max</sub> , м <sup>3</sup> /сек	F, 10 <sup>3</sup> гектар
1	Янги Ургут	Ургут	36,4	25,0	18,396
2	Янги Ургут	Самарқанд	27,6	15,0	7,747
3	Ургутсой	Ургут	10,0	15,5	0,205
4	Уч Қахрамон	Ургут	12,5	3,50	1,140
5	Ям-1 машина	Ургут	13,5	3,00	1,517
6	Камангарон	Ургут	5,0	14,3	0,285
7	Оҳалиқсой	Ургут	8,0	12,0	0,266
8	Янги НСга сув келтирадиган	Ургут	51,6	15,0	0,972
9	Ғиждувонсой	Ургут	5,8	2,00	0,452
10	Мўминободсой	Ургут	4,6	2,00	0,326
11	Шаудар	Тайлоқ	7,0	10,0	3,091
12	Хочаррук	Тайлоқ	13,87	3,00	0,643
13	Каварзор	Самарқанд	10,47	0,50	0,482
14	Жағалбойли	Пастдарғом	3,22	2,00	0,412
15	Эшбўриев	Пастдарғом	1,14	1,00	0,069
16	Анҳор	Пастдарғом	41,95	25,0	11,800
17	Анҳор магистрал	Пастдарғом	13,0	18,0	1,420
18	Прогресс	Пастдарғом	30,0	8,00	4,680
19	Ҳончорбоғ магист.	Пастдарғом	10,75	24,0	1,439
20	КРС	Пастдарғом	46,3	20,0	10,274
21	Видел-4	Пастдарғом	2,83	3,50	1,362
22	МР-1	Пастдарғом	17,5	5,00	0,198
23	МР-2	Пастдарғом	2,61	3,00	0,269
24	Янги ер	Пастдарғом	10,5	4,00	0,055
	Жами		374,64	234,3	67,500


Изоҳ: L-каналнинг узунлиги, Q-канал ўтказиши мумкин бўлган энг катта сув сарфи, F-канал сугорадиган ер майдони.

Графикда келтирилганидек, 2002 йилда каналга энг кўп миқдорда сув олинган. Аксинча, 2014 йилда эса каналдаги ўртача йиллик сув сарфи 12,6 м<sup>3</sup>/сек га тенг бўлган, шу йили дарёдаги сув миқдори ҳам кам бўлган (3-расм).



1-расм. Зарафшон дарёси ва ундан сув олувчи каналлар оқимининг йиллараро тебранишлари


Бундан ташқари, тадқиқотимизнинг кейинги босқичида Зарафшон дарёси ва ундан сув оладиган каналлар сув сарфларининг йил давомида тақсимланишлари ҳам ўрганилди, улардан тегишли хулосалар чиқарилди (2-расм).



2-расм. Зарафшон дарёси ва каналлар ўртача ойлик сув сарфларининг ўзгаришлари

Маълумки, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари муз ва қор сувларидан тўйинишини эътиборга олиб, ушбу йилда бошқа йилларга нисбатан ўртача ойлик ҳамда йиллик ҳаво ҳароратлари бир мунча паст даражада кузатилган. Масалан, Самарқанд вилоятида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 2015 йилда  $15,3^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда  $14,1^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлган. Бундан ташқари ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари йилнинг энг иссиқ ойларида ҳам сезиларли даражада паст бўлган. Юқоридаги солиштирилаётган йилларга мос равишда, июнь-июль ойларидаги ўртача ойлик ҳароратлари  $27,4$  ва  $28,9^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган.

Ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариш қонунияти, яъни ҳар 1000 метрга  $6^{\circ}\text{C}$  га ўзгаришини эътиборга оладиган бўлсак, Ўрта Осиё тоғларидаги 4000 метрдан юқоридаги музликлар эриши учун етарлича ҳарорат бўлмайди. Шу сабабли ҳам 2014 йилда Зарафшон дарёси оқими миқдори нисбатан кам бўлиб, ирригация тизимларининг сув таъминотида ҳам анча муаммолар юзага келган.



3-расм. Янги-Дарғом канали ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро ўзгариши

**Хулоса.** Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш ўринлидир:

1. Зарафшон дарёсидан сув оладиган Дарғом канали қадимдан ҳозирги кунгача турли номлар билан номланган. Дарғом канали бир неча маротаба реконструкция қилинган, ундан янги тармоқлар қазилган, уларда ГЭС лар ва сув тақсимлаш иншоотлари қурилган;

2. Зарафшон дарёси ва ундан сув олувчи каналларда сўнгги йилларда кузатилган сув сарфларининг кўп йиллик тебранишлари ўзаро мос бўлганлиги аниқланди. Зарафшон дарёсида энг кам сув миқдори 2001 йилда кузатилган бўлиб, унинг ўртача йиллик сув сарфи  $108\text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил этган. Зарафшон дарёси сув миқдorigа боғлиқ ҳолда каналларга ҳам шу йилда энг кам сув олинган;

3. Юқоридаги ҳолатнинг аксича, Янги-Дарғом каналига кўп сувли 2002 йилда энг кўп миқдорда сув олинган. Қайд этиш лозимки, 2014 йилда каналдаги ўртача йиллик сув сарфи  $12,6\text{ м}^3/\text{сек}$  га тенг бўлган, чунки, шу йили дарёдаги сув миқдори ҳам бошқа йилларга нисбатан анча кам бўлган.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артикова Ф.Я., Мирсаидова С.К., Ширинбоев Д.Н. Зарафшон дарёси йиллик оқимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини миқдорий баҳолаш // Ўз ГЖ ахбороти. 38-жилд. -Тошкент, 2011. -Б. 161-164.
2. Баратов П.Х., Маматкулов М.М., Рафиков А.А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. -336 б.
3. Болгов М.В., Мишон В.М., Сенцова Н.И. Современные проблемы оценки водных ресурсов и водообеспечения. -М.: Наука, 2005. -318 с.
4. Гидрологическая изученность. Том 14. Средняя Азия. -Вып.3. Бас. р. Амударья. -Л.: Гидрометеиздат, 1967. -323 с.
5. Ирригация Узбекистана. Том III. -Ташкент: Фан, 1979. -357 с.
6. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -88 б.
7. Расулов. А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. -Тошкент: Университет, 2003. -327 б.
8. Хамраев Н.Р. Основы водообеспечения устойчивого развития Узбекистана // Сб. докладов Республиканской научно-практической конференции. -Ташкент, 2000. -С. 28-34.
9. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. -Тошкент: “O’qituvchi”, 2007. -162 б.
10. Ҳикматов Ф.Ҳ. ва бошқалар. Зарафшон хавзасининг гидрометеорологик шароити ва сув ресурслари. -Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. -276 б.

Рапиқов Б.Р., Жўраев С.Р.\*

**ТЎХТАГУЛ СУВ ОМБОРИНИНГ НОРИН ДАРЁСИ МАВСУМИЙ ОҚИМИ  
МИҚДОРЛАРИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА**

**Аннотация.** Мақолада Норин дарёси йиллик ва мавсумий оқимлари миқдорларининг Тўхтагул сув омбори таъсирида ўзгаришлари баҳоланган. Шу мақсадда, йиллик оралиқ - оқим чекланган, яъни кам сувли ҳамда дарё оқимида талаб ортган вегетация даврига ажратилган. Сув омборининг энергетик режимга ўтиши таъсирида оқим чекланган даврда дарёнинг қуйи қисмида оқим миқдорининг 2÷3 марта ортганлиги ва, аксинча, вегетация даврида эса 3÷4 марта камайиб кетганлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** дарё, сув омбори, қуйи оқим, сув режими, табиий режим, ҳисоб даври, кам сувли давр - межень, вегетация даври, оқим ҳажми, ўзгариш, баҳолаш.

**О влиянии Токтогульского водохранилища на величину сезонного стока реки Нарын**

**Аннотация.** В статье произведена оценка влияния Токтогульского водохранилища на годовой и сезонный сток реки Нарын. С целью годовой интервал разделен на меженьный и вегетационный периоды. Выявлено, что в результате перехода Токтогульского водохранилища на энергетический режим, в нижнем течении реки Нарын объем стока межени увеличился 2÷3 раза и, наоборот в период вегетации наблюдался уменьшение объема стока реки в 3÷4 раза.

**Ключевые слова:** река, водохранилище, нижнее течение, водный режим, естественный режим, расчетный период, межень, вегетационный период, объем стока, изменения, оценка.

**On the influence of the Toktogul reservoir on the size of the seasonal drain of the Narin river**

**Abstract.** The article assesses the impact of the Toktogul reservoir on the annual and seasonal flow of the Narin River. For the whole year, the interval is divided into low-flow and vegetative periods. It was revealed that as a result of the transition of the Toktogul reservoir to the energy regime in the lower reaches, the flow volume increased 2÷3 times and, conversely, a decrease in the river flow volume by 3÷4 times was observed during the growing season.

**Key words:** river, reservoir, downstream, water regime, natural regime, estimated period,

\* Рапиқов Баркамол Рустамжон ўғли - ЎЗМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси ўқитувчиси. E-mail: barkamol\_rapiqov@mail.ru

Жўраев Сирожиддин Рустамович - ЎЗМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси магистранти.



**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизни барқарор ривожлантириш учун ҳар бир соҳада, жумладан, сув ҳўжалиги соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрда имзолаган “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сонли Қарори юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Мазкур Қарорга асосан Қизилсой, Тоштепа, Паркентсой, Обизаранг, Аёқчи, Майдонсой, Испарон, Чоркесар ва Заркент сув омборларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ишлари жадал суратларда амалга оширилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Фарғона водийсида Резаксой, Кенгқўл ва Ёзёвон, Сирдарё вилоятида эса Сардоба сув омборлари барпо этилган.

Юқоридаги сув омборлари ичида энг каттаси Сардоба сув омбори ҳисобланади. Сув омборининг сув сиғими 922 млн м<sup>3</sup>, тўғонининг баландлиги 30 м, сув юзаси майдони эса 5,7 минг гектарни ташкил этади. Сардоба сув омбори суви билан Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Мирзаобод, Жиззах вилоятининг Арнасой, Мирзачўл ҳамда Дўстлик туманларининг жами 142,6 минг гектар ерлари сув таъминоти яхшиланади. Ушбу тадбирларнинг барчаси, ўз навбатида, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Маълумки, қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган Ўрта Осиёнинг энг йирик сув омбори ҳисобланган Тўхтағул (19,5 км<sup>3</sup>) ирригация - гидроэлектрэнергетика мақсадларида барпо этилган. Лекин, ўтган XX асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб, сув омборидан энергетик мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Шу туфайли Тўхтағул сув омбори Норин дарёси оқимини йил давомида нотекис тақсимланишига сабаб бўлмоқда. Шундай бир шароитда йирик гидротехник иншоотлар таъсирида Норин дарёсининг қуйи оқимида рўй бераётган сув режими ўзгаришларини ўрганиш ҳозирги куннинг **долзарб масалаларидан** бири ҳисобланади.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.**Тадқиқот ишининг **асосий мақсади** Норин дарёси оқимининг меженъ ва вегетация даврлари бўйича тақсимланиши ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганишдан иборат.

Ишда **тадқиқот объекти** сифатида танланган Норин дарёсининг асосий қисми қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, дарё қуйи оқимдагина Республикаммизнинг Наманган вилояти ҳудудига кириб келади.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Норин дарёсининг юқори оқимида жойлашган Тўхтағул сув омборини қуриш ишлари 1962 йилда бошланган ҳамда 1975 йилда якунланиб, у фойдаланишга топширилган. Айнан шу йиллардан бошлаб, сув омбори сувга тўлдирила бошлаган. Шу жараёнга боғлиқ ҳолда, мазкур йилларда Норин дарёсининг қуйи оқимида кам сувли йиллар кузатилган. Ишда ушбу ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар Норин дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Учқўрғон гидрологик постида 1953-2017 йилларда кузатилган сув сарфлари маълумотлари асосида ўрганилди. Ушбу узлуксиз кузатиш йиллари Тўхтағул сув омборининг қандай режимда ишлашини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ҳисоб даврларига ажратиб олинди:

**1-ҳисоб даври** - 1953-1975 йиллар, Норин дарёси табиий сув режимига эга бўлган давр. Ушбу давр Норин дарёсининг табиий сув режимини ўзида акс эттиргани сабабли бошқа ҳисоб даврлари учун эталон сифатида олинди. Сув омбори фойдаланишга топширилгандан кейинги кузатиш йиллари 5 йилликлар бўйича қуйидаги кичик ҳисоб даврларига ажратилди: **2-ҳисоб даври** 1976-1980 йиллар; **3-ҳисоб даври** 1981-1985 йиллар; **4-ҳисоб даври** 1986-1990 йиллар; **5-ҳисоб даври** 1991-1995 йиллар; **6-ҳисоб даври** 1996-2000 йиллар; **7-ҳисоб даври** 2001-2005 йиллар; **8-ҳисоб даври** 2006-2010 йиллар; **9-ҳисоб даври** 2011-2015 йиллар; **10-ҳисоб даври** 2016-2017 йилларни ўз ичига олади.


Юқоридаги ажратилган ҳар бир ҳисоб даври учун ўртача йиллик оқим ҳажмлари ҳисобланди ҳамда уларнинг табиий режимли даврдаги оқим ҳажмига нисбатан ўзгаришлари таҳлил қилинди (1-расм).

Юқоридаги графикдан кўриниб турибдики, Тўхтағул сув омбори фойдаланишга топширилгандан сўнг, яъни 2-ҳисоб даврида (1976-1980 йй.) сув омборининг фойдасиз ҳажмини тўлдириш учун табиий режимдаги йиллик оқим миқдорининг 36% ушлаб қолинган.

Ушбу кўрсаткич 3-ҳисоб даврида 14,6% ни, 4-ҳисоб даврида эса йиллик оқим ҳажмининг 18,4% ини ташкил қилган. Мазкур йилларда Норин дарёсининг қуйи оқимида кам сувли йиллар кузатишган бўлиб, ушбу ҳолат қарийб 10 йил давом этган.


Кейинчалик, яъни XX асрнинг 90-йилларига келиб, ушбу ҳолат анча яхшиланган, 6-ҳисоб даврига келиб (1996-2000 йй.), Норин дарёси йиллик оқими ҳажми табиий режимдаги йиллик оқим миқдори билан тенглашган. Лекин, йиллик оқим миқдорининг меъён ва вегетация даврлари бўйича тақсимланишида кескин ўзгаришлар юзага келган. Бунинг асосий сабабини, Тўхтағул сув омборининг ирригацион режимдан энергетик режимга ўтганлиги билан изохлаш мумкин.

Тадқиқотда барча ҳисоб даврлари учун Норин дарёсининг меъён ва вегетация мавсумларидаги оқим ҳажмлари ҳисобланди ҳамда ҳар бир ҳисоб даври учун аниқланган ўртача йиллик оқим ҳажмларининг меъён ва вегетация даврлари бўйича ўзгаришлари кўриб чиқилди (2-расм).



1-расм. Норин дарёсининг турли ҳисоб даврлари учун аниқланган ўртача йиллик оқим ҳажмларининг табиий режимли даврдаги оқим ҳажмига нисбатан ўзгаришлари (Учқўрғон ГЭС гидрологик пости)

Изоҳ: 1) 1953-1975 йиллар табиий режим (эталон); 2) 1976-1980 йиллар; 3) 1981-1985 йиллар; 4) 1986-1990 йиллар; 5) 1991-1995 йиллар; 6) 1996-2000 йиллар; 7) 2001-2005 йиллар; 8) 2006-2010 йиллар; 9) 2011-2015 йиллар; 10) 2016-2017 йиллар.



2-расм. Норин дарёсида ҳисоб даврларидаги ўртача йиллик оқим ҳажмларининг меъён ва вегетация даврлари бўйича тақсимланиши (Учқўрғон ГЭС гидрологик пости)

Таҳлилларнинг кўрсатишича, табиий режимли давр, яъни 1953-1975 йиллар давомида вегетация даври оқими йиллик оқим ҳажмининг 77,1 фоизини ташкил этган. Бу миқдор 10-ҳисоб даври, яъни 2016-2017 йилга келиб, 2,2 марта камайган ва унинг қиймати 34,4% га тенг бўлган. Меъён даври оқимида эса бу ҳолатнинг аксини кўришимиз мумкин. Масалан, 1-ҳисоб

давридаги 22,9 фоизга тенг бўлган межень даври оқими, 2016-2017 йилларга келиб, 65,6 фоизгача, яъни 2,8 марта ортиб кетган. Бунинг натижасида Норин дарёсининг куйи оқимида сув ресурслари билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар вужудга келган.

**Хулоса.** Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги **асосий хулоса** ва **таклифларни** қайд этиш мумкин:

1. Норин дарёсининг куйи оқимида, 1976-1990 йилларда, кузатилган кам сувлиликнинг асосий сабаби дарё оқимининг катта қисми Тўхтағул сув омборининг фойдасиз ҳажмини тўлдириш учун сарфланганлигидадир;

2. Табиий режимли даврни ўзида акс эттирган 1953-1976 йилларда вегетация даври оқими йиллик оқим ҳажмининг 77 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, аксинча межень давридаги оқим миқдори ортиб, у йиллик оқим ҳажмининг 65,6% ини ташкил этмоқда. Шунга мос равишда вегетация давридаги оқим ҳажмининг йиллик оқим миқдоридаги улуши кескин камайиб (77% дан 34% га) кетганлиги аниқланди;

3. Дарё оқимининг тақсимланишидаги юқорида келтирилган бундай номутаносибликлар Ўзбекистон ва Қозоғистонда Норин дарёси сувидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Бундай шароитда, Норин дарёси сувидан янада самарали фойдаланиш учун, унинг куйи оқимида – Ўзбекистон ҳудудида қуйилма сув омборлари сонини янада кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Благообразов В.А., Бондарев Л.Г. и др. Бассейн реки Нарын. – Фрунзе: Академия наук, 1960. – 228 с.
2. Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины. – Л.: Гидрометеоздат, 1959. – 247 с.
3. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии. - Л.: Гидрометеоздат, 1991. – 163 с.
4. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1969. -328 б.
5. Ҳикматов Ф.Ҳ., Рапиқов Б.Р. Норин дарёси сув режимининг Тўхтағул сув омбори таъсирида ўзгариши ҳақида // Ўзбекистон География Жамияти ахбороти 48-жилд. – Тошкент, 2016. – Б. 119 – 123.

**Калабаев С.Б., Йўлдошбаева М.Р., Бердимуратова А.\***

#### **ҚУЙИ АМУДАРЁ СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ГИДРОГРАФИК ТАВСИФИ**

**Аннотация:** Мақолада Қуйи Амударё сув объектларига гидрографик тавсиф берилган. Шу мақсадда ҳудуддаги сув объектлари гидрографик нуқтаи-назардан ўрганилиб чиқилди ва улар иккита, яъни табиий ва сунъий сув объектлари гуруҳларига ажратилди, қўллар ва уларнинг гидрологик режими кўрсаткичлари янги маълумотлар билан тўлдирилди.

**Калит сўзлар:** Қуйи Амударё, сув объектлари, Амударё тармоқлари, каналлар, қўллар, коллектор-зовур тармоқлари, ирригацион-ташлама қўллар.

#### **Гидрографическое описание водоемов низовьев реки Амударьи**

**Аннотация:** В статье приведено гидрографическое описание водоемов низовьев реки Амударьи. С этой целью водоемы изучаемой территории были изучены-гидрографической точки зрения и подразделены на две группы: естественные и искусственные водные объекты.. Озера региона и элементы их гидрологического режима дополнены новыми данными.

**Ключевые слова:** Низовья Амударьи, водные объекты, протоки Амударьи, каналы, озера, коллекторно-дренажная сеть, ирригационно-сбросовые озера.

#### **Hydrographic description water bodies of lower Amudarya**

**Abstract.** The article provides a hydrographic description of water bodies in the lower river Amu Darya. For this purpose, the reservoirs of the Lower Amu Darya were studied hydrographically and are divided into two groups: natural and artificial reservoirs. The lakes of the region and their hydrological profile are filled with data.

**Key words:** Lower Amu Darya, water bodies, Amu Darya rivers, canals, lakes, collector-drainage streams, irrigation lakes.

\* Калабаев С.Б. - ЎзМУ Қуруқлик гидрологияси кафедраси 1-босқич магистранти  
Йўлдошбаева М. Р. - ЎзМУ Қуруқлик гидрологияси кафедраси 1-босқич магистранти  
Бердимуратова А. - ЎзМУ Қуруқлик гидрологияси кафедраси 1-босқич магистранти

**Кириш.** Амударё ҳавзасида сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида жадал суратларда фойдаланилиши билан боғлиқ ҳолда, Қуйи Амударёда сув танқислиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу ҳолат мазкур ҳудудда жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Туркменистон Республикаси Тошхувуз вилоятининг иқтисодий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу сабабдан Қуйи Амударёдаги сув объектлари гидрографиясини мақсадли ўрганиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қуйи Амударё гидрографияси ҳақидаги илк маълумотлар Геродот (м.а.V аср) ва Страбон (м.а. I аср) асарларида учрайди. Аммо, ўтган асрнинг 70-йилларида Р.И.Ленц [5] томонидан тасдиқланганидек, Геродот ҳам, Страбон ҳам Оксус-Амударёнинг қуйи оқими гидрографияси тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлмаган. Қуйи Амударё гидрографияси ҳақидаги кейинги маълумотлар Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳан Беруний, Абулғозийхон ва бошқаларнинг тарихий-фундаментал асарларида келтирилган [7,8]. Р.И.Ленц ёзганидек, XVIII аср бошларига қадар барча европа географ-картографларига Орол денгизининг мавжудлиги ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди.

Қуйи Амударё сув объектларининг гидрографиясини ўрганишга бағишланган дастлабки экспедиция А.Бутаков томонидан 1848 йилда ташкил этилган. У экспедиция давомида Орол денгизи ва Орол бўйидаги бир қанча сув объектлари ҳақида маълумотлар тўплаган. Ҳозирда шу ҳудуддаги кўплаб объектлар А.Бутаков экспедициясида келтирилган маълумотларга боғлиқ ҳолда номланади [4]. Кейинги экспедиция А.И.Глуховский томонидан 1879-1880 йилларда ташкил этилган. Ундан сўнг Л.С.Берг Орол денгизи ва Оролбўйини анча батафсил ўрганди. Олим ўз тадқиқотлари натижасида 1908 йил «Орол денгизи» деб номланган монографиясини чоп эттирди [1]. Юқорида қайд этилган манбаларда келтирилган маълумотлар ҳозирги кундаги гидрографик вазиятни аниқ акс эттирмайди.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Қуйи Амударё сув объектларини гидрографик нуқтаи-назардан тавсифлашдан иборатдир. Ишда белгиланган мақсадни амалга ошириш учун биз тадқиқотимизда Қуйи Амударё сув ҳавзалари, яъни Амударёнинг қуйи оқими, шу ҳудуддаги кўллар, каналлар, коллекторларни танлаб олдик. Бу сув ҳавзаларининг ишга тушган йили, узунлиги, сув сарфи, оқим миқдори ва уларнинг гидрографияси ҳақида САНИИРининг Қорақалпоғистон филиали асосий фондидаги мавжуд материаллардан бирламчи маълумотлар сифатида фойдаландик. Тадқиқот ишини бажариш жараёнида географик таққослаш, математик статистика, замонавий гидрологик ҳисоблашлар усулларида ҳамда компьютер технологияларидан фойдаландик.

Тадқиқотда кўзланган мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги **вазифаларни** бажариш режалаштирилди ва улар изланишлар жараёнида ўз ечимини топди:

- Қуйи Амударё сув объектларини табиий ва сунъий сув объектлари гуруҳларига ажратиш;

-табиий ва сунъий сув объектларининг ҳар бирини гидрографик нуқтаи-назардан тавсифлаш;

-ҳудуддаги кўллар тавсифини янги гидрографик маълумотлар билан тўлдирилиш.


**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Юқорида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда, дастлаб, Қуйи Амударёдаги сув объектлари ўрганиб чиқилди ва улар ҳақида янги гидрографик маълумотлар тўпланди. Ушбу маълумотлар таҳлил қилинди ва умумлаштирилиди (1-расм).

Натижада ҳудуддаги сув объектлари иккита гуруҳга, яъни табиий ва сунъий сув объектлари гуруҳларига ажратилди. Табиий сув объектларига Амударё ва унинг тармоқлари ҳамда ҳудудда қадимдан мавжуд бўлган табиий кўллар киради.

Ҳудуддаги бош гидрографик объект ҳисобланган Амударёнинг узунлиги 2540 км, сув тўплаш майдони 465 000 км<sup>2</sup> га тенг. Амударёнинг қуйи оқими Туя-Мўйин гидростворидан бошлаб, Орол денгизигача бўлган масофани ўз ичига олади [6,7]. Қуйи Амударёнинг бошланиш қисмида, яъни Туя-мўйин сув обморидан оқиб чиқадиган оқим миқдори йилларо нотекис тақсимланган бўлиб, энг катта қиймати 1400 м<sup>3</sup>/с га (2010 й), энг кичик қиймати эса 305 м<sup>3</sup>/с га (2001 й) тенг. Улар орасидаги фарқ 1095 м<sup>3</sup>/с ни ташкил этган. Сув обморидан чиқарилган оқимнинг ўртача қиймати эса 760 м<sup>3</sup>/с га (2004 й) тенг бўлган.

Юқоридаги қийматлар Қипчоқ гидропостида қуйидагича қайд этилган: -энг катта қиймати 980 м<sup>3</sup>/с га (2005 й), энг кичик қиймати эса 149 м<sup>3</sup>/с га (2001 й) тенг ва улар орасидаги

фарқ  $831 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил этган. Мазкур гидропостда оқимнинг ўртача қиймати эса  $464 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг бўлиб, бу миқдор 2006 йилдаги ўртача йиллик сув сарфига яқиндир.



1-расм. Қуйи Амударё сув ҳавзаларининг таснифи

Қуйи Амударёнинг мазкур қисмда Ташсака, Пахта-Арна, Қиличниёз, Хан-жап, Сувенли, Қизкеткен ва бошқа бир қанча катта-кичик суғориш каналлари жойлашган бўлиб, уларнинг аксарият қисми қадимий сув иншоотлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда Амударёнинг қуйи қисмида сунъий гидрографик объект ҳисобланган 14 та йирик суғориш каналлари мавжуд бўлиб, уларнинг 9 таси дарёнинг чап қирғоғида ва 5 таси ўнг қирғоғида жойлашган. Чап қирғоқ каналларига Ташсака, Питнак-арна, Урганч-арна, Қиличниёз, Қипчоқ, Бўз-сув, Хан-жап, Жумабой-сага, Сувенли қиради. Ўнг қирғоқ каналларига эса Пахта-арна, Найман, Бестам, Назархан ва Дўстлик каналларини киритиш мумкин. Юқорида қайд этилган каналлардан Ташсака, Қиличниёз ва Қипчоқ-Бўзсув каналлари давлатлараро суғориш тармоқлари ҳисобланади. Бу каналлар суви билан Хоразм вилояти, Туркменистон Республикасининг Тошховуз вилояти ва Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудлари суғорилади.

Қуйи Амударё ҳудудида 100 дан ортиқ қўллар бўлиб, уларнинг умумий майдони  $285 \text{ км}^2$ . Лекин, улар ҳудуд буйича нотекис жойлашган. Энг кўп сондаги қўллар (60 дан ортиқ) Хоразм-Сариқамиш атрофида жойлашган бўлиб, уларнинг умумий майдони  $127,74 \text{ км}^2$ га тенг. Қўлларнинг қолган қисми Амударёнинг ҳозирги замон дельтасида жойлашган. Ҳудуддаги йирик қўлларга Қаратеренг, Давутқўл, Ақчақўл ва бошқалар қиради. Уларнинг гидрологик режими йил фаслларида ҳамда Амударёдаги сув миқдорига қараб ўзгариб туради. Қуйи Амударёдаги энг йирик қўллардан бири Давутқўл бўлиб, унинг майдони 10,0 минг га, сув сифими 280,0 млн  $\text{м}^3$ га тенг. Бугунги кунда ундаги мавжуд сув миқдори 154,0 млн  $\text{м}^3$  ни ташкил этади [4].

Амударёнинг Нукус шаҳрига яқин қисмида Тахиаташ сув тақсимлагич иншооти қурилди (1974). Ушбу иншоотдан Дўстлик канали сув олиб, у 25-километрда яна учта йирик Кегейли, Қувонишжарма ва Қўкузак каналларига ҳамда битта кичик Естек каналига бўлиниб кетади. Шу ҳудуддаги хўжаликлараро суғориш тармоқларининг узунлиги 680 км га етади. Уларнинг энг йириги ҳисобланган Саликеш каналининг узунлиги 50 км, Есим-Узек 43 км, Майжап 24 км, Абатжап 33 км узунликка эга. Бу каналлар Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтақўпир ва Нукус туманларидаги фермер хўжаликларининг ерларини сув билан таъминлайди. Ватан урушидан олдин, яъни 1941 йил ишга тушган Сувенли канали Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларини сув билан таъминлайди. Ушбу магистрал каналнинг узунлиги 96,6 км. Мазкур ҳудудда унга параллел оқадиган, узунлиги 36 км бўлган Параллел канали ҳам мавжуд. Бу зонадаги хўжаликлараро суғориш тармоқларининг узунлиги 459 км га тенг. Уларнинг энг катталари Киндикўзак (16 км) ва Шуманай (56,7 км)

каналларидир. Каналлардаги сув миқдори йил давомида Амударё сувига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Магистрал каналлар ва коллекторларнинг асосий гидрографик кўрсаткичлари

Каналлар номи	Ишга тушган йили	Узунлиги, км	Сув ўтказувчанлик қобилияти, м <sup>3</sup> /сек
Сувенли	1941	96,6	130
Кегейли	1938	55,4	180
Қувониш-жарма	1935	69,7	180
Пахта-анра	1928	27,5	100
Бош чап қирғоқ	-	86,2	21
Параллел	1968	36,0	160
КС-1	1967	122	43,5
КС-3	1966	105	25
КС-4	1967	95	21,0

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида 1953-1958 йилларда К-2, К-3, К-4 ва К-12 магистрал коллекторлари қурилди. Республиканинг шимолӣ зонасида шולי етиштириладиган хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида 1961-1970 йилларда КС-1, КС-3, КС-4 ва Қўнғирот магистрал коллектори (ККС) қурилди. Жумладан, КС-3 коллектори 1966 йили фойдаланишга топширилиб, 105 км узунликда, 38759 га ернинг зах сувини секундига 24-25 м<sup>3</sup>/сек сарф билан чиқаради. КС-1 коллектори 1967 йили ишга туширилган. Унинг умумий узунлиги 122 км, 47551 га майдондаги ернинг зах сувларин 22,8-37,2 м<sup>3</sup>/сек қувват билан чиқаради [2].

Кейинги йиллар давомида ушбу зонадаги КС-1, КС-3, КС-4 ва ККС коллекторлари оқими 0,29 км<sup>3</sup> дан 3,2 км<sup>3</sup> гача ортиб, улардаги сувнинг минераллашув шўрланиш даражаси 4,3 – 5,2 г/л атрофида тебраниб туради [2, 3].

Худуддаги мавжуд ирригация-ташлама қўлларининг энг йирикларидан бири Жилтирбасдир. Унинг сув юзаси майдони 35,3 минг га, сув ҳажми эса 781,2 млн м<sup>3</sup> тенг (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Қуйи Амударёдаги йирик қўлларнинг асосий гидрографик кўрсаткишлари\*

№	Қўллар номи	Майдони, минг гектар	Сув сизими, млн м <sup>3</sup>	Бугунги кунда мавжуд сув миқдори, млн м <sup>3</sup>
1	Жилтирбас	35,3	781,2	447,1
2	Междуречье	25,0	250,0	218,3
3	Қизил кема қўли	5,0	15,0	12,2
4	Мақбалқўл	15,3	70,0	50,0
5	Закиркўл	5,0	17,8	11,2
6	Судочье	61,5	982,0	451,0
7	Давутқўл	10,0	280,0	154,0

\*Оролбўйи дельта бошқармасининг 2019 йилги маълумоти.

Худуддаги яна бир йирик қўллардан бир - Муynoқ туманида жойлашган Судочье қўлидир. Унинг сув юзаси майдони 61,5 минг га, ундаги сув ҳажми 982,0 млн м<sup>3</sup>га, сувининг шўрлиги 13-14 г/л га тенг [3]. Таъкидлаш лозимки, қўллардаги сув миқдори йилнинг сувлилик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Масалан, Жилтирбас қўлининг сув ҳажми сўнгги йилларда коллектор-зовур сувлари миқдорининг ортишига боғлиқ ҳолда ортиб бормокда. Жумладан, 2011 йил декабрь ойининг иккинчи декадасида қўлдаги сув ҳажми 396.5 млн м<sup>3</sup> га тенг бўлган бўлса, бу қиймат 2012 йилда 1140,42 млн м<sup>3</sup> га тенг бўлган.

**Хулоса.** Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотда Қуйи Амударёдаги сув объектлари табиий ва сунъий гидрографик тармоқларга ажратилди. Ҳар бир гуруҳга кирувчи сув объектларига гидрографик тавсифлар берилди. Худуддаги Жилтирбас, Судочье, Давутқўл сингари йирик қўлларнинг гидрографик тавсифларига алоҳида эътибор қаратилди ва улар имконият даражасида янги гидрологик маълумотлар билан бойитилди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Берг Л.С. Аральское море. -Санкт-Петербург, 1908.-490 с.
2. Курбанбаев Е.К., Аденбаев Б., Курбанбаев С. Оценка пригодности оросительных и коллекторно-дренажных вод на орошение и промывку засоленных земель // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз., 1998, №7. – 23-25 с.
3. Курбанбаев Р.Е., Курбанбаев С.Е, Аденбаев Б.Е. Формирование дренажного стока в Республике Каракалпакстан в годы различной водообеспеченности // Вестник ККОАН РУз., №1-2, 2001. - 46-47 с.
4. Рогов М.М., Ходкин С.С., Ревина С.К. Гидрология устьевой области Амударьи. -М.: Гидрометиздат, 1968.-149 с.
5. Серикбаев М., Курбаниязов Р., Умаров Е. Жанубий Орол буйининг сув ресурслари ва улардан оқилон фойдаланиш йуллари.- Урганч, 2002.-67 б.
6. Хасанов Х.Х. Среднеазиатские географы и путешественники. – Ташкент, ”Фан”, 1964. 198 с.
7. Шульц В.Л. Реки Средней Азии.-Л.: Гидрометеоздат, 1965. - 660 с.
8. Xikmatov F.X., Aytbayev D.P., Adenbayev E.Ye., Pirnazarov R.T. Hidrologiyaga kirish. – Toshkent: Universitet, 2017. – B. 23-27.
9. Xikmatov F.X., Yunusov G’X., Artikova F.Ya., Erlapasov N.B., Dovulov N.L. Daryolar gidrologiyasi. –Toshkent: Universitet, 2017. – B. 17-23.

**Хикматов Ф.Х., Холтожиева О.Т., Гавриленко Н.Н.\***

### УГОМ ДАРЁСИ ТЎЛИНСУВ ДАВРИ ГИДРОГРАФИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ЛАГРАНЖ ИНТЕРПОЛЯЦИОН КЎПҲАДИНИ ҚЎЛЛАШ ЁРДАМИДА ТУЗИШ

**Аннотация:** мақола Ўрта Осиё тоғ дарёлари тўлинсув даври гидрографининг математик моделини Угом дарси мисолида тузишга бағишланган. Кўзланган мақсадга эришиши учун ишда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланилган. Олинган моделнинг аниқлиги Угом дарёси сув сарфларининг модель бўйича ҳисобланган ва кузатилган қийматларини солиштириши асосида баҳоланган.

**Калит сўзлар:** тоғ дарёлари, тўлинсув даври, гидрограф, Лагранж интерполяцион кўпҳади, математик модель, моделнинг аниқлиги, баҳолаш.

#### Построение математической модели гидрографа половодья реки Угам с применением интерполяционного многочлена Лагранжа

**Аннотация:** статья посвящена построению математической модели гидрографа половодья горных рек Средней Азии на примере реки Угам. С целью достижения поставленной цели в работе применен интерполяционный многочлен Лагранжа. Оценка точности построенной модели произведена путем сопоставления рассчитанных по модели значений расходов воды реки Угам с их наблюдаемыми величинами.

**Ключевые слова:** горная река, период половодья, гидрограф, интерполяционный многочлен Лагранжа, математическая модель, точность модели, оценка.

#### The construction of a mathematical model of the hydrograph of the flood period Ugam river using the Lagrange interpolation polynomial

**Abstract.** This article is devoted to the construction of a mathematical model of a hydrograph of the flood period of mountain rivers of Central Asia on the example Ugam river. In order to achieve this goal, the Lagrange interpolation polynomial is used in the work. based on the application of the Lagrange. The accuracy of the resulting model was estimated by comparing the calculated and observed values of the Ugam river water flow model.

**Key words:** mountain rivers, flood period, hydrographs, Lagrange interpolation polynomial, mathematical model, model accuracy, assessment.

**Кириш.** Бугунги кунда гидрология соҳаси олимлари ва мутахассислари гидрологик жараёнларни математик моделлаштириш масалаларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

\*Хикматов Фазлидин Хикматович - ЎзМУ куруклик гидрологияси кафедраси мудири, г.ф.д., профессор.

Холтожиева Ойжамол Турдали қизи – ЎзМУ куруклик гидрологияси кафедраси магистранти

Гавриленко Надежда Николаевна – ЎзМУ куруклик гидрологияси кафедраси магистранти

Чунки, бундай математик моделлардан дарёлар гидрологик режимини ўрганишда, фавқулдда вазиятларнинг олдини олишда ва уларни прогноз қилишда фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Шу туфайли дарёлар тўлинсув даври гидрографининг математик моделини яратиш жуда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Масаланинг амалий аҳамияти шундаки, дарёларнинг тўлинсув давридаги оқими миқдори суғориладиган ҳудудларни сув билан таъминлаш имкониятларини белгилаб беради. Мазкур масаланинг ечимини тоғ дарёлари мисолида ҳал этиш янада долзарб ҳисобланади, чунки тўлинсув даврида дарёлар йиллик оқимининг 70-80 фоизи оқиб ўтади. Шу туфайли тоғ дарёлари тўлинсув даври гидрографининг математик моделини Лагранж интерполяцион кўпҳади асосида тузиш янада қизиқарлироқ бўлиб, бу ҳолат масаланинг ечимига янгича илмий ёндашувдан дарак беради [2, 4].

Дарё оқими гидрографини қуриш ва унинг элементларини ҳисоблаш гидрологияда энг долзарб ва мураккаб масалалардан бири бўлиб келган. Ўтган йиллар давомида Г.А. Алексеев, Ю.М.Денисов, Ю.Б. Виноградов, Л.Н.Боровикова, А.Ф.Шоҳидов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда мазкур масаланинг назарий қирралари ривожлантирилган [1-3, 5, 7]. Лекин, уларда асосий эътибор дарёларнинг максимал сув сарфларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган, тоғ дарёлари тўлинсув даври оқими гидрографининг моделини тузиш масалалари эса олимлар эътиборидан бироз четда қолган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мақоланинг асосий мақсади тоғ дарёлари тўлинсув даври гидрографининг математик моделини Лагранж интерполяцион кўпҳадини қўллаш асосида қуриш масаласини Угом дарёси мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги **вазифаларни** бажариш режалаштирилди ва ўз ечимини топди:

1) Угом дарёсининг Хожикент гидрологик постида ўлчанган ўртача кунлик, ойлик ва йиллик сув сарфларини таҳлил қилиш, улардан ўртача кўп йиллик сув сарфига мос келадиган йилни аниқлаш;


2) аниқланган йил учун, ўртача кунлик сув сарфлари маълумотлари асосида, Угом дарёси гидрографини чизиш;

3) гидрографда характерли нуқталарни, аниқроғи, тўлинсув даврининг бошланиши, чўққиси ва тугашини белгилаб, уларнинг координаталарини – ифодаловчи миқдорий қийматларни аниқлаш;

4) аниқланган координаталардан фойдаланиб, Лагранж интерполяцион кўпҳадини тузиш, яъни Угом дарёси тўлинсув даври гидрографининг математик моделини қуриш;

5) тўлинсув даври гидрографининг Лагранж интерполяцион кўпҳадини қўллаш асосида тузилган математик моделининг аниқлигини баҳолаш.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Юқорида белгиланган вазифаларга мос ҳолда, дастлаб, Угом дарёсининг Хожикент постида кузатишган сув сарфлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар асосида, ўртача кўп йиллик сув сарфи ( $21,5 \text{ м}^3/\text{с}$ ) га яқинроқ бўлган 2014 йил танлаб олинди. Қайд этиш лозимки, мазкур йилда ўрганилаётган дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи  $23,1 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг бўлган. Шу туфайли айнан мана шу йил учун Угом дарёсининг йиллик гидрографи чизилди (1-расм).



1-расм. Угом (Хожикент қ.) дарёсининг гидрографи, 2014 йил



Ишнинг кейинги босқичида тўлинсув даври гидрографидан урта характерли нукта танлаб олинди. Ушбу нукталар тўлинсув даврининг бошланишини, тўлинсув даврининг чўққисини ва тўлинсув даврининг тугаши муддатларини ифодалайди. Сўнг ушбу танлаб олинган нукталарнинг координаталари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Гидрографдан танланган нукталар ва уларнинг координаталари

Характерли нукталар	Нукталарнинг координаталари		
	0	1	2
X (T, кун)	69	119	215
Y (Q, м <sup>3</sup> /с)	12,1	93,1	15,7

**Моделни тузиш.** Танлаб олинган нукталарнинг координаталари асосида Лагранж интерполяцион кўпхадиди қуйидаги ифода ёрдамида тузилди [2]:

$$L(Q) = \frac{(x-x_1) \cdot (x-x_2)}{(x_0-x_1) \cdot (x_0-x_2)} \cdot y_0 + \frac{(x-x_0) \cdot (x-x_2)}{(x_1-x_0) \cdot (x_1-x_2)} \cdot y_1 + \frac{(x-x_0) \cdot (x-x_1)}{(x_2-x_0) \cdot (x_2-x_1)} \cdot y_2. \quad (1)$$

Лагранж интерполяцион кўпхадиди ифодаси асосида тегишли ҳисоблашлар амалга оширилди ва натижада полином кўринишидаги қуйидаги тенглама олинди:

$$L(Q) = -0,025458308 \cdot X^2 + 5,67680634 \cdot X - 258,50255. \quad (2)$$

**Моделнинг аниқлигини баҳолаш.** Шу мақсадда Угом дарёсининг Хожикент гидрологик постида ўлчанган сув сарфлари билан уларнинг модель бўйича аниқланган миқдорлари ўзаро солиштирилди (2-жадвал).


2-жадвал

Модел асосида ҳисоб сув сарфлари (Q<sup>p</sup>) ни аниқлаш

Т/р	Ҳисоб санаси	Q <sup>k</sup> , м <sup>3</sup> /с	А	Б	С	L(Q)=Q <sup>p</sup> , м <sup>3</sup> /с	Хатолик	
							ΔQ, м <sup>3</sup> /с	ΔQ, %
1	69	12,1	-121,644	412,3992	258,5026	11,0	-1,1	9,1
2	94	38	-225,76	561,8192	258,5026	35,9	-2,1	5,5
3	119	93,1	-361,814	711,2392	258,5026	95,3	2,2	2,4
4	167	56,4	-712,564	998,1256	258,5026	59,1	2,7	4,8
5	215	15,7	-1011,87	1285,012	258,5026	16	0,3	1,9

Изоҳ: А=0,02555\*х<sup>2</sup>; Б=5,6768\*х; С=258,5026.

Модел асосида ҳисобланган (Q<sup>p</sup>) ва шу куни дарёда амалда кузатилган сув сарфлари (Q<sup>k</sup>) орасидаги боғланиш графиги чизилди (2-расм).

2-расм. Q = f (Q<sup>p</sup>) боғланиш графиги

Сув сарфларининг модель бўйича ҳисобланган (Q<sup>p</sup>) ва кузатилган (Q<sup>k</sup>) қийматлари асосида чизилган боғланишнинг жуфт корреляция коэффиценти  $r=0,957$  га тенг бўлиб, деярли функционал боғланишни ифодалайди. Ушбу натижа мазкур моделдан гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш имкониятлари мавжудлигидан дарак беради.

**Хулоса.** Мазкур математик моделнинг афзалликлари шундаки, у Угом дарёси тўлинсув давридаги исталган сана учун ўртача кунлик сув сарфларини аниқлаш имконини беради. Шу

туфайли мазкур моделдан гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилади. Келгуси изланишларда асосий эътибор тоғ дарёлари гидрографидан кўпроқ сондаги характерли нуқталарни танлашга ва тадқиқот объектлари сонини кўнгайтиришга қаратилиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алексеев Г.А. Объективные методы выравнивания и нормализации корреляционных связей. – Л.: ГМИЗ, 1971. – 363 с.
2. Волков Е.А. Численные методы. – М.: Наука, 1982. – 254 с.
3. Рождественский А.В. Статистические методы в гидрологии. – Л.: ГМИЗ, 1974. – 424 с.
4. Чеботарев А.И. Гидрологический словарь. – Л.: Гидрометеоздат, 1978. – 308 с.
5. Шелутко В.А. Численные методы в гидрологии. – Л.: ГМИЗ, 1991. – 224 с.
6. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. Ч. 1, 2. - Л.: Гидрометеоздат, 1965. – 691 с.
7. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрометеорологияда статистик усуллар. – Тошкент: “Университет”, 2007. - 88 б.

**Умирзоқов Ғ.Ў., Холматова Д.Қ.\***

**ТОҒ МУЗЛИКЛАРИ МАССАСИ БАЛАНСИ ҲАҚИДА**

**Аннотация.** Мақолада, тоғ музликларини тадқиқ этиши бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар эришган натижаларга асосланган ҳолда, уларда узлуксиз кузатишларни олиб боришнинг аҳамияти ёритилган. Музлик массаси билан боғлиқ тушунчалар ва атамаларнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратилган. Музлик массаси баланси ташиқил этувчиларини тадқиқ этишининг аҳамиятини Ўрта Осиё тоғ музликлари мисолида очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** қор, қор чизиги, тоғ музликлари, фирн чизиги, аккумуляция, абляция, музлик массаси баланси, баланс элементларини миқдорий баҳолаш.

**О балансе массы горных ледников**

**Аннотация.** В статье, на основе результатов исследований среднеазиатских и зарубежных ученых, показана важность организации полустационарных наблюдений горных ледников. Особое внимание уделено освещению сущности понятий и терминов, связанных с массой ледника. Значение изучения составляющих баланса массы ледников раскрыто на примере горных ледников Средней Азии.

**Ключевые слова:** снег, снеговая линия, горные ледники, фирновая линия, аккумуляция, абляция, масса баланса ледника, количественная оценка элементов баланса.

**About glacier mass balance**

**Abstract.** In the paper, based on the research results of local and foreign scientists, the importance of organizing continuous monitoring of mountain glaciers is shown. Particular attention is paid to disclose the essence of concepts and terms related to glacier mass balance. The importance of studying mass balance components of glaciers is revealed by the example of mountain glaciers of Central Asia.

**Key words:** snow, snow line, mountain glaciers, firn line, accumulation, ablation, glacier balance masses, quantitative assessment of balance elements.

**Кириш.** Ўрта Осиё - иқлим ўзгаришининг таъсири сезиларли даражада катта бўлган минтақалардан биридир. Тяньшан ва Помир каби йирик тоғ тизмалари минтақада асосий сув ресурслари манбаи ҳисобланади. Чунки, сув захираларининг асосий қисми ана шу тоғлардаги музликларда жойлашган. Глобал иқлим илишининг сув ресурслари шаклланишига таъсирини инобатга олган ҳолда, унинг келажакдаги ҳолатини миқдорий баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда, жаҳон миқёсида амалга оширилаётган гляциологик тадқиқотларда музлик массаси балансини аниқлаш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўрта Осиёда тоғ музликларининг масса балансини ўрганиш 1960-йиллардан бошланган бўлсада, XX асрнинг

\* Умирзоқов Ғулумжон Ўнғарбоевич – ЎЗМУ куруклик гидрологияси кафедраси доценти в.б. E-mail: g.umirzakov@gmail.com

Холматова Дилафруз Қуроловна – ЎЗМУ куруклик гидрологияси кафедраси магистранти. E-mail: dilafruzholmatova0112@gmail.com

охири ва XXI аснинг дастлабки ўн йилликларида, муайян сабаблар туфайли, кўплаб музликларда кузатув ва ўлчов ишлари тўхтаб қолган. Натижада бу йўналишдаги тадқиқотларнинг ривожини сезиларли даражада пасайганлигини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёда дастлабки тоғ музликлари тадқиқотлари XIX аснинг ўрталарида П.П.Семенов Тянь-Шанский, Н.А.Северцев, А.П.Федченко каби олимлар томонидан олиб борилган. Ўтган аснинг 1-ярмида Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида ўтказилган кўплаб экспедициялар натижалари география, гляциология ва гидрология соҳаларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда гляциологиянинг алоҳида соҳа сифатида ўрганилишида Л.К.Давидов ва Н.Л.Корженевский, кейинчалик В.Л.Шульц ва О.П.Шегловаларнинг ҳиссалари катта бўлган. Халқаро Геофизика Ҳамжамияти дастури (1959 йил) доирасида тоғ музликларини тизимли тадқиқ этиш янги босқичга чиқди. Жумладан, Чирчиқ, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси дарёлари ҳавзаларидаги музликлар рўйхатга олинди ҳамда илк бор қор қоплами, қор кўчкилари ва гляциологик станциялар фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган аснинг 70-йилларидан Г.Е.Глазирин, В.Г.Коновалов, Л.А.Канаев, Б.А.Камолов, И.В.Северский, Ф.И.Перцигер, Л.М.Карандаева, А.С.Шетинников каби олимлар томонидан тоғ музликлари ресурсларини баҳолаш, музликларнинг масса балансини аниқлаш, музликлар эриши ва уларнинг дарёлар оқимида қўшган ҳиссасини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, иқлим ўзгариши шароитида музликлар массаларининг ўзгариши тенденцияларини баҳолаш ва моделлаштириш каби (салмоқли) илмий ишлар амалга оширилган. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёда гляциология соҳасига оид тадқиқотлар маҳаллий (Б.К.Царёв, Р.Меркушкин, Л.В.Денисов, М.А.Петров) ва хорижий (М.Хоэлце, Т.Больш, В.Хагг, К.Унгер-Шайстэ, С.Нарума, К.Майер, М.Барандун, Т.Сакс, Т.Шоенэ) олимлар томонидан давом эттирилмоқда.

Музликларни кузатиш глобал иқлим мониторинги тизимларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда глобал иқлимий мониторинг тизимларида бўшлиқлар мавжуд бўлиб, уларда маълумотларнинг етишмовчилиги Ўрта Осиё минтақасида ҳам кузатилмоқда. Айнан мазкур маълумотлар келажакда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни режалаштириш ва иқлимий хатарлар хавфини камайтиришда муҳим рол ўйнайди [9].

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Мазкур мақолада кўзда тутилган асосий мақсад, музликнинг масса балансини тадқиқ этишнинг аҳамияти, унинг ташкил этувчилари ҳақида маълумотлар бериш ҳамда уни аниқлаш усулларини ёритишдан иборатдир. Ишда тадқиқот объекти сифатида Ўрта Осиё тоғ музликлари, унинг предмети сифатида эса музлик массаси баланси ва унинг ташкил этувчиларини микдорий баҳолаш масалалари кабилар белгиланди. Ушбу мақсадни амалга оширишда, тадқиқотимизда гляциология соҳасига оид маҳаллий ва хорижда эълон қилинган монографиялар ва бошқа турдаги илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланилди.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Маълумки, Ўрта Осиё тоғ дарёлари оқимининг ёз ойларида етарли микдорда бўлиши бевосита тоғ музликларининг гидрологик режими билан боғлиқдир. Сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари XXI ас охирига келиб, оқим ҳосил бўлишида музликларнинг ҳиссаси кескин камайиши ва айрим ҳавзаларда музликларнинг бутунлай йўқолиб кетишини кўрсатмоқда (1-расм) [8].

Музликлар мониторингини олиб боришнинг асосий кўрсаткичларидан бири – музликнинг масса баланси ташкил этувчилари ҳисобланади. Ҳар йили ёғингарчилик натижасида музликлар ҳажмининг ортиши ва, аксинча, эриши ва бошқа жараёнлар туфайли камайиши ҳолатлари кузатилади. Агар музлик ўлчамида тўпланиш ва йўқотилиш тенг бўлмаса, муайян вақт давомида унинг массаси ўзгаради, ортади ёки камаяди (2-расм). Музликнинг масса баланси ташкил этувчиларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мазкур жараёнларни аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашдан иборат бўлади.

Музликларда аккумуляция, яъни тўпланиш, асосан, қор ёғиши натижасида рўй беради. Шунингдек, бошқа жараёнлар, жумладан, шамол натижасида қорнинг кўчиши, ёмғир сувларининг музлаши кабилар ҳам музликлар массасининг ортишида иштирок этади. Музлик абляцияси(йўқотилиши)га эса, асосан, эриш, баъзан сублимация, шамол таъсирида қорнинг кўчиши каби жараёнлар сабаб бўлади.


Музликнинг масса баланси муайян вақт давомида музлик массасининг ўзгаришини англатади. Музлик массаси баланси аккумуляция (масса балансини тўйинтирувчи қисми) ва абляция (масса балансининг сарфланувчи қисми) йиғиндисидан иборатдир. Жойда (нуктада)ги

(b) ва бутун, яхлит музлик (B) массаси баланси Ж.Коглей (2011) томонидан таклиф этилган куйидаги ифодалар бўйича аниқланади:


$$b = c + a = \int_{T_1}^T (c + a) dt \quad (a),$$

$$B = C + A = \int_{T_1}^T (C + A) dt \quad (б),$$

бу ерда: C, c – музликнинг тўйиниши (аккумуляция), A, a – музликнинг сарфланиши (абляция) ва dt – муайян вақт оралиғи.



1-расм. Иқлим ўзгаришининг тоғ музликлари ва дарё оқими режимига таъсири




2-расм. Музлик массаси баланси схемаси ва уни ташкил этувчиларини йиллик ўзгариши

Умумий музлик массаси баланси B билан ифодаланиб, яхлит музлик массаси балансига тегишли бўлади. Масса баланси одатда, сув эквивалентда, метрда ифодаланади. Музликнинг йиллик тўйиниши (C, c) ва йиллик сарфланиши (A ёки a) йиғиндиси йиллик масса балансини (B ёки b) ташкил этади. Ёзги (B<sub>ε</sub>) ва қишки (B<sub>κ</sub>) масса балансларининг йиғиндиси орқали ҳам йиллик масса балансини аниқлаш мумкин [6].

Аккумуляция ва абляция зонаси, қор ва фирн чизиги. Баландлик музликларнинг масса балансига таъсир қилувчи энг муҳим омилдир. Чунки, ҳарорат ва ёғингарчилик бевосита

баладлик қонуниятига бўйсунди. Музликларнинг юқори қисмида қор кўп ёғиши туфайли аккумуляция (тўпланиш) юзага келади. Унинг пастки, ҳаво ҳарорати нисбатан юқори бўлган қисмида, асосан эриш жараёни сабабли, музлик массасининг камайиши юз беради. Музлик юзасида содир бўладиган асосий жараёнларга кўра, унинг майдони аккумуляция ва абляция зоналарига ажратилади (2-расм). Агар музлик майдонининг йиллик масса баланси мусбат қийматда бўлса, аккумуляция майдонига тегишли бўлади ва, аксинча, масса баланси манфий қийматда бўлса, абляция зонасига тегишли бўлади. Бу икки зонани ажратувчи назарий чизиқ - қор чизиғи (музликдаги), ёки мувозанат чизиғи ҳам деб номланади [5].



**3-расм. Музлик массаси баланси зоналарининг ўзгариши (мусбат ва манфий ҳолатларда):**  
 $t_0 - t_0$  - йиллик баланс бошланишида музлик юзаси сатҳи,  $t_1 - t_1$  - йиллик баланс охирида музлик юзаси сатҳи,  $t_w - t_w$  - аккумуляция даври охирида музлик юзаси сатҳи,  $s - e$  - мувозанат чизиғи,  $f(t_0)$  - йиллик баланс бошланишида фирн чизиғи,  $f(t_1)$  - йиллик баланс охирида фирн чизиғи,  $z$  - баладлик,  $AcZ$  - музликнинг аккумуляция зонаси,  $AbZ$  - музликнинг абляция зонаси.

Қор чизиғида музлик юзаси йиллик масса баланси 0 га тенг, яъни, бу нуқталарда гидрологик йил ичида ёққан ёғин миқдори ва сарфланган музлик массалари қийматларига тенгдир. Қор чизиғи баладлиги йиллик ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдорлари ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Масалан, гидрологик йилда ҳарорат нисбатан иссиқ ва кам ёғин ёққан бўлса, қор чизиғи баладлиги юқори бўлади. Абляция, яъни музликларнинг эриш даврининг охирида музликда қор чизиғини кўриш мумкин. Бу ҳолатда қор чизиғи йиллик қор қопламанинг эримасдан сақланиб қолган пастки чегарасига тўғри келади. Фирн чизиғи деб, музликдаги эски, яъни 1 йилдан ортиқ сақланиб зичлашган қорнинг пастки эриш чегарасига айтилади. Йиллик музлик масса баланси манфий қийматда бўлса, фирн чизиғи одатда қор чизиғидан пастда бўлади. Агар йиллик музлик масса баланси мусбат қийматда бўлса, фирн чизиғи қор чизиғи билан бир хил деб қабул қилинади (3-расм).

Музлик масса балансини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд: жойда бевосита ўлчаш; геодезик усул ва математик моделлаштириш. Жойда бевосита ўлчаш усули аккумуляция зонасида муайян вақт оралиғида тўпланган қор қалинлиги ва абляция зонасида эриган муз қалинлигини ўлчаш ёрдамида аниқланади. Музлик масса балансининг геодезик усули топографик карта, масофадан зондлаш маълумотлари асосида амалга оширилади.

**Хулоса.** 1. Музлик массасига таъсир этадиган иккита асосий кўрсаткичлар ёритилди: а) аккумуляция - музлик массасининг қор, фирнлашув ва музга қўшиладиган барча жараёнларни ўз ичига олган ҳолда ортиши; б) абляция - музлик массасининг, яъни қор ва музнинг эриши ва буғланиши натижасида йўқотилиши.

2. Музлик масса баланси ташкил этувчилари, жумладан, аккумуляция ва абляция зонаси, қор ва фирн чизиқлари каби тушунча ва атамалар адабиётларда турлича талқин этилганлиги аниқланди, уланинг мазмуни маҳаллий ва хорижий манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилинди.

Келгуси ишларимизда музликнинг масса балансини аниқлаш усуллари, ўлчов ишлари натижалари ва уларнинг таҳлилини Ўрта Осиёдаги муайян тоғ музликлари бўйича ёритиш кўзда тутилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Войтковский К. Ф. Основы гляциологии. - М.: Наука, 1999. – 255 с.
2. Глазырин Г.Е. Распределение и режим горных ледников. – Л.: Гидрометеиздат, 1985. - 182 с.
3. Котляков В. М. Снежный покров Земли и ледники. – Л.: Гидрометеиздат, 1968. – 480 с.
4. Труды НИГМИ. Выпуск 8 (253). Гляциология горных областей. Под редакцией Б.К.Царёва. – Ташкент: НИГМИ Узгидромета, 2007. - 160 с.
5. Cuffey, K.M. and W.S.B. Paterson. The Physics of Glaciers, Fourth Edition. - Elsevier, 2010. - 693 p.
6. Cogley, J., Hock, R., Rasmussen, A., Bauder, A., Braithwaite, R., Jansson, P., Kaser, G., Möller, M., Nicholson, L., and Zemp, M.: Glossary of Glacier Mass Balance and Related Terms, vol. 86 of IHP-VII Technical Documents in Hydrology, IACS Contribution No. 2, Paris, France, 2011.
7. Ghirlanda A. Evolution of Glacier Mass Balance Gradients – Master dissertation. Fribourg university, 2018. – 178 p.
8. Hoelzle, M., Azisov, E., Barandun, M., Huss, M., Farinotti, D., Gafurov, A., & Merkushkin, A. Re-establishing glacier monitoring in Kyrgyzstan and Uzbekistan, Central Asia. Geoscientific Instrumentation, Methods and Data Systems, 6(2),2017.- 397-418 pp.
9. <https://www3.unifr.ch/geo/cryosphere/en/projects/glacier-monitoring-and-dynamics/cicada.html>

#### Ҳикматов Б.Ф.\*

### ҚУЛАМА ТЎҒОНЛИ ҚЎЛЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақола қулама тўғонли қўллар барқарорлигини белгиловчи омилларни аниқлашга ҳамда уларнинг сонли қийматларини Курбанқўл мисолида баҳолаш масалаларига бағишланган. Курбанқўл қўли барқарорлигини таъминловчи энг асосий омиллар сифатида қулама тўғоннинг ҳажми ва массаси янгича ёндашув асосида ҳисобланган. Ушбу натижалар тўғон деворига бўладиган гидростатик босим кучи билан солиштирилган ва қулама тўғоннинг барқарорлиги ҳақида тегишли хулоса чиқарилган.

**Калит сўзлар:** қулама тўғон, барқарорлик, белгиловчи омиллар, тўғон ҳажми, тўғон массаси, солиштириш, баҳолаш.

#### Факторы, определяющие устойчивость озер завального происхождения, и вопросы их оценки

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам определения факторов устойчивости озер завального происхождения и оценке их численных значений на примере озера Курбанкуль. В качестве основных факторов, обеспечивающих устойчивости озера Курбанкуль выбраны объем и масса завальной плотины. Рассчитаны их численные значения, сопоставляя эти значения с силой гидростатического давления получен соответствующий вывод об устойчивости как завальной плотины, так и озера Курбанкуль.

**Ключевые слова:** завальная плотина, устойчивость, определяющие факторы, объем плотины, масса плотины, сопоставление, оценка.

#### Determining factors of stability of flood-prone lakes and issues of their assessment

**Abstract.** The paper is devoted to the issues of determining stability factors of dammed lakes and assessing their numerical values on example of Lake Kurbankul. The volume and mass of the dam were selected as the main factors ensuring the stability of Lake Kurbankul. Their numerical values were calculated, comparing these values with the hydrostatic pressure and the corresponding conclusion was obtained on the stability of both the dammed Lake Kurbankul.

**Key words:** dam, lakes, stability, determining factors, dam volume, dam mass, comparison, assessment.

\* Ҳикматов Бекзод Фазлиддинович – ЎзМУ қуруқлик гидрологияси кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

**Кириш.** Ўзбекистон ва унга тутуш тоғли худудларда турли хил генезисли юзлаб тўғонли кўллар мавжуд [5, 12]. Улар орасида кулама тўғонли кўллар алоҳида ажралиб туради. Бундай кўлларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар маълум гидрометеорологик шароитларда бузилиши ва ҳалокатли сел тошқинларини келтириб чиқаришлари мумкин. Шу туфайли тўғонли кўлларнинг барқарорлигини белгиловчи омилларни ўрганиш ва уларни баҳолаш масалалари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тўғонли кўллар, уларнинг генезиси масалалари дастлаб Н.Л.Корженевский (1936), Л.А.Молчанов (1929), М.А.Первухин (1937), кейинчалик Б.Б.Богословский (1960), В.Н.Рейзвих (1971), А.М.Никитин (1987) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган. Шу турдаги кўлларнинг, жумладан, Сарез кўлининг гидрологик режимини ўрганишга эса Г.Е.Глазирин, А.М.Никитин ва А.С.Шетинниковларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотлари (1986), О.Е.Агаханянц (1989), В.И.Аслов ва Н.Е.Горелкинларнинг (2002) илмий рисоалари бағишланган. Бевосита тоғ кўллари тўғонининг хавфсизлиги масалалари, уларни гидрологик ва геоморфологик нуқтаи-назардан дала шароитида тадқиқ этиш натижалари Г.Е.Глазирин ва бошқалар (2005) ҳамда Ю.Хергет ва Г.Е.Глазиринларнинг (2005) мақолаларида ўз аксини топган [1-5, 9-12].

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда муаллифлар тўғонли кўлларнинг умумий тавсифи, гидрологик режимининг айрим элементларини, масалан, сув сатҳи режими, сув баланси кабиларни ёритиш билан чегараланганлар. Мазкур тадқиқотларда тўғонли кўллар келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли сел тошқинлари, уларнинг оқибатлари ҳамда сел хавфини ва зарарини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу муаммо билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича ўрганилмаган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади Ўзбекистон ва унга туташ тоғли худудларда жойлашган кулама тўғонли кўллар барқарорлигини белгиловчи омилларни аниқлашга ҳамда уларнинг сонли қийматларини Қурбонкўл мисолида баҳолаш масалаларига бағишланган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифалар белгиланди ва тадқиқот жараёнида ўз ечимини топди:

- Қурбонкўл кулама тўғонининг барқарорлигини белгиловчи энг асосий омилларни аниқлаш;
- кулама тўғоннинг мустаҳкамлиги кўрсаткичларини, яъни унинг ҳажми ва массасини аниқлаш;
- Қурбонкўл кулама тўғонининг барқарорлигини белгиловчи омиллар – кулама тўғонга кўрсатиладиган гидростатик босим кучи ва унинг кўрсаткичларини аниқлаш ва унинг мустаҳкамлигини баҳолаш.

Мақолада ушбу масалаларни ёритишда ихтиёримизда мавжуд бўлган, Қурбонкўлда амалга оширилган чуқурлик ўлчаш ишлари ҳамда дарё-кўл-тўғон-булоқ тизимида бажарилган тахеометрик планга олиш ва нивелирлаш натижаларига оид материалларидан фойдаландик. Шунингдек, охириги йилларда тадқиқот объектида олиб борилган дала кузатишлари натижалари ҳам масаланинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Маълумки, ҳар қандай тўғонли кўлнинг барқарорлиги мазкур кўл тўғонининг мустаҳкамлигига ҳамда кўлдаги сув массасининг унга кўрсатадиган гидростатик босим кучига боғлиқдир. Ўз навбатида, тўғоннинг мустаҳкамлиги унинг ўлчамлари ва массаси билан аниқланади. Қуйида ушбу масалаларнинг ечими устида босқичма-босқич тўхталиб ўтамиз.

**Кулама тўғон ва унинг ўлчамларини аниқлаш.** Қурбонкўлнинг барқарорлигини баҳолашда кулама тўғон ва унинг ўлчамларини аниқлаш асосий вазифалардан биридир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун, юқорида айтиб ўтилганидек, “дарё-кўл-тўғон-булоқ” тизимида нивелирлаш ва тахеометрик планга олиш ишлари натижаларидан фойдаландик. Ихтиёримиздаги нивелирлаш ишлари натижаларини қайта ишлаш қуйидаги тартибда амалга оширилди. Йирик масштабни (1:10000) топографик картада нивелирлаш трассаси йўналиши танланди. Трассанинг танланган йўналиши жойда қайта кўздан кечириб чиқилди. Сўнгра картадаги трасса жойнинг ўзида белгилаб чиқилиб, трассанинг бошланиш ва тугаш жойи ҳамда ҳисоб створи нуқталари белгиланди. Сўнгра пикетларга бўлиш ишлари бажарилди. Қўшни пикетларнинг оралиқ масофалари, трассанинг рельеф шароитидан келиб чиққан ҳолда, белгиланди. Нуқталар оралиғидаги баландликлар фарқи геометрик нивелирлаш орқали

аниқланди. Кўл-булоқ трассасининг бўйлама профили вертикал 1:1000, горизонтал 1:5000 масштабларда тузилди.

Ушбу кўл-булоқ трассасини нивелирлаш натижалари акс этган бўйлама профилдан қуйидагилар аниқланди: кулама тўғон чўққисининг баландлиги, яъни булоқдан чўққигача бўлган вертикал баландлик:  $\Delta H = 187,04$  м; кўл-булоқ трассасидаги баландликлар фарқи - 180,896 м; кўлдаги сув ўлчаш постининг “0” графигидан тўғон чўққисигача бўлган баландлик - 21,54 м; кўл-булоқ трассаси бўйича кўлнинг сув ўлчаш пости реперидан булоқкача бўлган масофа - 1357,6 м.

Тахеометрик планга олиш материалари асосида кулама тўғон, унинг Кўксув дарёси водийси бўйича чегараси ва юзаси рельефининг миқдорий қийматлари аниқланди. Ҳисоблаш ишларини осонлаштириш мақсадида кўл-булоқ тизими кўндаланг қирқимлар ёрдамида кичик участкаларга бўлиб олинди. Бу кўндаланг қирқимлар асосан ҳар 100 метрдан ўтказилди, айрим ҳолларда, кулама тўғоннинг рельефи хусусиятидан келиб чиқиб, улар орасидаги масофа бирмунча қисқартирилди.

Айни пайтда, кўл – булоқ тизимида бажарилган бўйлама нивелирлаш материалларидан кулама тўғоннинг вертикал координаталарини аниқлашда фойдаландик. Шу билан бирга юқоридаги материаллар асосида “дарё - кўл - кулама тўғон - булоқ” тизимининг бўйлама профили тузилди. Бўйлама профилда Кўксув дарёсининг кўлга қуйилиш нуқтаси кулама тўғондан қуйида, аниқроғи, булоқлар шаклланган нуқта билан туташтирилди. Ҳар икки нуқтани, яъни Кўксув дарёсининг Қурбонкўлга қуйилиши ҳамда булоқлар шаклланган нуқтани туташтирувчи бу чизик Кўксув дарёсининг табиий ўзани тубининг нишаблигини ифодалайди.

Навбатдаги босқичда бажарилган ишлар натижасида кулама тўғоннинг кўндаланг қирқими элементлари, аниқроғи унинг кенлиги (B) ҳамда чуқурлиги (h) аниқланди. Бунда кулама тўғонда 21 та кўндаланг қирқим ўтказилиб, уларнинг майдони олдинги тадқиқотлардаги каби чизма масштаби асосида эмас, балки геометрик усулда аниқланди. Бунда кўндаланг қирқим юзаси ( $\omega$ ) параболик шаклда, деб қабул қилинди ва шунинг учун уни ҳисоблашда қуйидаги ифодадан фойдаландик:

$$\omega = \frac{2}{3} B \cdot h, \quad (1)$$

Кўндаланг қирқимлар орасидаги тоғ жинсларининг ҳажми эса қуйидаги тенглик билан аниқланди [7-8]:

$$V_i = \frac{\omega_i + \omega_{i+1}}{2} \cdot L_i, \quad (2)$$

бу ерда:  $V_i$  - кўндаланг қирқимлар орасидаги тоғ жинсларининг ҳажми;  $\omega_i$  – кўндаланг қирқимлар майдони;  $L_i$  – кўндаланг қирқимлар орасидаги масофа.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғон кўндаланг қирқими, олдинги тадқиқотлардан [7-8] фарқли равишда, параболик кўринишда деб қабул қилинди. Бу ҳолат реал вазиятни акс эттиради. Ҳақиқатдан ҳам тўғоннинг кўндаланг қирқими трапециодал шаклдан кўра параболик шаклга яқиндир. Ҳисоблашлар натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Кулама тўғоннинг кўндаланг қирқимлари орасидаги тоғ жинслари ҳажмини ҳисоблаш

№	B, м	h, м	$\omega_i$ , $10^3 \text{ м}^2$	$L_i$ , м	$\frac{\omega_i + \omega_{i+1}}{2}$ , $10^3 \text{ м}^2$	$V_i$ , $10^3 \text{ м}^3$
1	0	0	0	0	0	0
2	21,4	17,6	0,251	74	0,125	9,25
3	37,1	30,6	0,756	100	0,503	50,3
4	58,3	48,2	1,873	100	1,314	131,4
5	79,5	65,8	3,487	100	2,68	268
6	100,7	83,4	5,598	100	4,542	454,2
7	121,9	101,0	8,207	100	6,902	690,2



8	143,1	118,5	11,304	100	9,755	975,5
9	164,3	136,2	14,918	54	13,11	707,94
10	175,7	145,7	17,066	100	15,99	1599
11	196,9	163,3	21,435	100	19,25	1925
12	218,8	180,9	26,387	100	23,91	2391
13	190,4	157,9	20,042	100	23,21	2321
14	162,7	134,9	14,632	100	17,34	1734
15	151,6	125,7	12,704	40	13,67	546,8
16	123,9	102,7	8,483	100	10,59	1059
17	96,2	79,7	5,111	100	6,797	679,7
18	68,5	56,7	2,589	100	3,85	385
19	50,2	41,5	1,388	66	1,99	131,34
20	22,5	18,5	0,277	100	0,832	83,2
21	5,9	4,7	0,018	60	0,147	8,82
					Жами	16150,7

*Изоҳ: жадвалдаги белгилашлар 1- ва 2-ифодаларга мос келади.*

Қулама тўғонни ташкил этган тоғ жинсларининг ҳисобланган умумий ҳажми 16,151 млн. м<sup>3</sup> га тенг бўлди (1-жадвал). Таъкидлаш лозимки, қулама тўғон ҳажмидан ташқари Қурбонқўл тубида Кўксув дарёси ва унинг ирмоқлари қўлга келтириб қуйган муаллақ ва ўзан туби оқизикларидан ҳосил бўлган чўкмалар, қулама – сурилма ҳамда сел оқимлари ётқизикларининг ҳажмини ҳам қамраб олади. Тадқиқотчилардан Р.Т.Пирназаров ва Ф.Ҳ.Ҳикматовлар томонидан қўл тубида дарёлар оқизиклари, сел оқимлари ётқизиклари ҳамда ёнбағирлар сурилмаларидан ҳосил бўлган чўкмаларнинг умумий ҳажми 2,35 млн.м<sup>3</sup> га тенг деб олинган [8]. Қулама тўғонни ташкил этган тоғ жинсларининг солиштирма оғирлиги  $\gamma_r = 2,1 \text{ т/м}^3$  эканлигини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳажмда ифодаланган рақамлар мос равишда 33,92 млн. т ва 4,94 млн. т массага тенг бўлади.

Қулама тўғон ҳажмини ҳисоблаш натижалари Гидроингео илмий тадқиқот институти мутахассислари ҳамда Р.Т.Пирназаровнинг шу йўналишдаги тадқиқотлари натижалари билан солиштирилди. Қулама тўғоннинг ҳажми Гидроингео маълумотларига кўра 15 млн. м<sup>3</sup> [6], Р.Т.Пирназаров томонидан эса 16,45 млн. м<sup>3</sup> деб баҳоланган. Кўриниб турибдики, бу рақамлар биз бажарган ҳисоблашлар натижаларидан, мос равишда 7,2% га ва 1,9% га фарқ қилади. Қулама тўғон ҳажмини биз таклиф этган усулда аниқлаш илгари амалга оширилган тадқиқотларда қўлланилган усулларга нисбатан қулайлиги билан ажралиб туради.

**Хулоса.** Бажарилган тадқиқот натижаларига таяниб, унга хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Қулама тўғоннинг ҳажми ва массасини аниқлашга янгича ёндашилди. Бунда қулама тўғоннинг кўндаланг кесими юзаси планиметрик усул билан эмас, балки геометрик усулда аниқланди. Олинган натижаларни ўзаро солиштириш асосида геометрик усулнинг афзалликлари кўрсатиб берилди;

2. Ҳисоблашлар натижасида Қурбонқўл қулама тўғонининг ҳажмининг 16,151 млн. м<sup>3</sup> га тенг эканлиги аниқланди. Айни пайтда Қурбонқўл тубида дарёлар (Кўксув, Охунқўл) оқизиклари, сел оқимлари ётқизиклари ҳамда ёнбағирлар сурилмаларидан ҳосил бўлган чўкмаларнинг умумий ҳажми 2,35 млн.м<sup>3</sup> га тенг;

3. Ҳисоблашлар натижасида Қурбонқўл тўғони массасининг 33,92 млн. тоннага тенг эканлиги аниқланди. Мазкур тўғонга кўрсатиладиган гидростатик кучи эса 21191,4 тоннага тенг бўлди. Кўриниб турибдики, тўғон массаси бу кучдан 1600 марта каттадир;

4. Бундай солиштириш Қурбонқўл тўғони мустаҳкам, қўлда тўпланган сувнинг гидростатик босим кучи ҳеч қачон тўғонни қулатиши мумкин эмас, деган шошилиш хулосага келишимизга асос бўла олмайди;

5. Энг асосий хавф қўлга қуйиладиган сув билан тўғондан сизиб ўтадиган филтрацион оқим миқдорлари орасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида юзага келади. Аниқроғи, қўлга Кўксув дарёси ва унинг ирмоқларидан қўшиладиган сув миқдори қулама тўғоннинг сув ўтказиш, яъни филтрацион имкониятларидан катта бўлганда, сувнинг тўғон устидан ошиб ўтиш хавфи юзага келади. Шу туфайли келажакда қулама тўғоннинг филтрацион хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Богословский Б.Б. Озероведение. – М.: Изд-во МГУ, 1960. –335 с.
2. Денисов В.М. О средней скорости равномерного движения безнапорных турбулентных потоков // Труды САННИИ Госкомгидромета. – 1982. – Вып. 94(175). – С. 56-74.
3. Денисов Ю.М. Расчёт прорывных расходов воды и размыва прорана // Труды НИГМИ. – 2010. – Вып. 12(257). –С. 3-18.
4. Корженевский Н.Л. Исфайрамсай. –Ташкент, 1936. – Вып.27. – 95 с.
5. Никитин А.М. Озера Средней Азии. – Л.: Гидрометеоздат, 1987. – 106 с.
6. Ниязов Р.А., Минченко В.Д., Ташматов Х.М. Мониторинг экзогенных геологических процессов. – Ташкент: Фан, 1991. – 180с.
7. Пирназаров Р. Тўғонли кўллар ва уларнинг барқарорлигини белгиловчи омиллар // ЎзГЖ ахбороти. – Тошкент, 2007. – 29-жилд. – Б.146-149.
8. Пирназаров Р.Т., Ҳикматов Ф.Ҳ. Тўғонли кўлларнинг гидрометеорологик режими ва улар хавфини камайтириш масалалари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 176 Б.
9. Первухин М.А. О генетической классификации озерных ванн // Землеведение, 1937. – Т. XXXIX. – Вып.6. – С. 526-536.
10. Рейзвих В.Н., Круковский Г.Л., Никитин А.М. Причина и условия прорыва оз.Яшинкуль // Сб. работ ТГМО. –Ташкент, 1971. – Вып.4. –С.49-95.
- 11.Щетинников А.С. Морфология оледенения речных бассейнов Памиро-Алая по состоянию на 1980 год (справочник). – Ташкент: САННИГМИ, 1997. – 148 с.
- 12.Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Кўлшунослик. – Тошкент, 2002. – 152 б.

**Туляганов А.Х.\***

**КИЧИК ТОГОЛДИ ДАРЁЛАРИ ҲАВЗАЛАРИДА ЁМҒИР ТОШҚИНЛАРИНИНГ  
МАКСИМАЛ САРФИНИ ҲИСОБЛАШ МАСАЛАСИ**

**Аннотация.** Мақолада кичик тоғолди дарёлари ҳавзаларида ёмғир тошқинларининг максимал сарфини ҳисоблаш усули баён этилган. Ушбу таклиф этилган усул “чекланган жадаллик” принципига ва ҳисоблаш тенгмасига кирган ўзгарувчан параметрларни аниқлашда “вертикал минтақавий” қонуниятига асосланган.

**Калит сўзлар:** кичик тоғолди дарё ҳавзаси; ёмғирнинг максимал сарфи; “чекланган жадаллик” усули; редуция коэффициенти; вариация коэффициенти; асимметрия коэффициенти.

**К вопросу расчета дождевых максимальных расходов на малых предгорных реках**

**Аннотация.** В статье излагается метод расчета дождевых максимальных расходов воды малых рек, основанный на принципе «предельной интенсивности». При этом значения изменчивых параметров, вошедшие в расчетную зависимость, вычисляются по эмпирическим формулам, полученных на основе закономерности вертикальной зональности.

**Ключевые слова:** предгорный малый речной водосбор, максимальный дождевой расход, метод «предельных интенсивностей», коэффициент редуции, коэффициент вариации, коэффициент асимметрии

**On the issue of calculating the rain maximum costs for small piedmont rivers**

**Abstract.** The article presents a method for calculating rain maximums based on the principle of "limiting intensity". The definition of changeable parameters included in the calculated dependence of the calculations of empirical formulas obtained and subordinates to the pattern of "vertical zoning".

**Key words:** foothill small river catchment; the method of "limiting intensities"; reduction ratio; coefficient of variation; asymmetry coefficient

**Кириш.** Сўнгги йилларда Ер шарида кузатилаётган иқлим ўзгариши Ўзбекистон худудида ҳаво ҳароратининг кўтарилишига, юқори ҳароратли кунларнинг кўпайишига, кучли ёғинли кунлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Узгидромет маълумотига кўра, 2030–2050

\* Туляганов Абдукаҳор Ҳакимович - Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация институти, т.ф.н., доцент; E-mail: tulyaganov4545@mail.ru

йилларга келиб, ёгин миқдори нормага қараганда 5–15% ва 2080 йилда 10–25% ошиши мумкин. Ушбу ҳолатни кичик ва вақтинчалик оқимга эга бўлган ҳавзаларга сезиларли даражада таъсир этиши, уларда сув тошқинларининг кузатилиши бугунги кун шароитига қараганда кўпайишига, максимал сув сарфлари қийматларининг ортишига олиб келади.

Бу эса, ўз вақтида иқлимий ўзгаришларни ҳисобга олувчи, гидрометеорологик омиллар асосида тошқинлар кўрсаткичларининг гидрологик ҳисоблашларда, содда, кўп дала маълумотларини талаб қилмайдиган, аниқлиги адабиётларда таклиф этилган назарий ва эмпирик тенгламалардан кам бўлмаган усуллари яратишни ва мавжуд ҳисоблашларни такомиллаштиришни тақазо этади.

Ёмғир тошқинларнинг максимал сарфининг қийматини аниқлаш кўприклар, сув ўтказувчи қувурлар, дарё ва сойлар қирғоқларини химоялашдаги лойиҳа ишларига асос, ҳамда оқимнинг максимал сарфини гидрологик ҳисоблашларда асосий масала эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тақдим қилинаётган мавзу илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, асосий вазифа– мавжуд ёмғир тошқинларининг максимал ҳисоблаш тенгламаларини таҳлил этиш ва такомиллаштириш; ишлаб чиқилган эмпирик тенгламага кирган ўзгарувчан параметрларни, Ўзбекистон тоғолди кичик майдон ( $F \leq 50 \text{ км}^2$ ) ва вақтинчалик оқимга эга сув ҳавзалари учун ҳисоблаш усулини яратиш асосий мақсад этиб олинди.

**Асосий қисм.** Ёмғирлардан шаклланган максимал сув сарфини ҳисоблаш тенгламаси яратилганига 150 йилдан ортиқ давр ўтганлигига қарамай, австриялик инженер Кестлин томонидан 1868 йил таклиф этилган сув сарфининг максимал қийматини ҳисоблаш тенгламаси ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ушбу ҳисоблаш тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Q_{\max} = 16,67 a_{\max} \alpha F, \quad (1)$$

бу ерда:  $a_{\max}$ – ёмғирнинг максимал жадаллиги;  $\alpha$  – оқим коэффициентини;  $F$ - ҳавзанинг майдони.

Ушбу ҳисоблаш усулини ривожлантиришга Б.Ф. Перевозников [4], О.В. Андреев, А.Ф. Шахидовларнинг [8] қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда, бугунги кунда Г.А. Алексеевнинг [1] тўлиқ асосланган деб тан олинган эвристик ҳисоблаш тенгламасини кўрсатиш мумкин (ёмғирлар максимумларини ҳисоблаш усуллари ва уларнинг таҳлили [2,4,5,9] монографияларда батафсил ёритиб ўтилган).

Ю.М. Денисов ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган ИҚН 27-2007 [3] меъёри ҳужжатдаги ёмғирлардан ҳосил бўлган максимал сув сарфини ҳисоблаш усули асосан Г.А. Алексеевнинг эвристик тенгламасига асосланган бўлиб, тоғолди сув тўплаш ҳавза майдонлари  $F \geq 50 \text{ км}^2$  дан катта оқимлар учун мўлжалланган. Шу билан бирга ҳисоблаш тенгламаларига кирган ўзгарувчан параметрлар, жумладан, ҳавза юзасида оқим ҳосил бўлиш вақтидаги инфильтрация жадаллиги, фильтрация коэффициентларини аниқлаш бирмунча мураккаб бўлиб, дала ўлчаш ишларини талаб қилишига, ҳамда ҳисоблаш ишларида махсус компьютер дасури лозимлиги, йўриқномани амалиётда қўллаш имкониятини бирмунча камайтирганлигини кўраимиз.

Бугунги кунда йўл ҳўжаликларидаги кичик сув иншоотларини лойиҳалаш амалиётида, ёмғирларнинг максимал сарфини ҳисоблашда (1) ифода МАЙИ (Россия, Москва автомобиль йўллари институти) томонидан такомиллаштирилган “чекланган жадаллик” принципига асосланган усул кенг қўлланиб келинмоқда [8]:

$$Q_{\max} = 16,67 a_{\text{соат}} k_t F \alpha \varphi, \quad (2)$$

бу ерда:  $Q_{\max}$  – ёмғирларнинг максимал сарфи, м<sup>3</sup>/сек;  $a_{\text{соат}}$  – давомийлиги бир соатга тенг бўлган ёмғирнинг жадаллиги, мм/мин;  $k_t$ – бир соатли ёмғир жадаллигидан ҳисобий давомийлик жадаллигига ўтиш коэффициенти;  $F$ - ҳавзанинг майдони, км<sup>2</sup>;  $\alpha$ –оқим коэффициенти;  $\varphi$ –редукция коэффициенти.

Манбаларнинг таҳлили ва изланишларимиз натижалари [6,7], Ўзбекистон шароитида, тоғолди кичик дарё ҳавзаларидаги сув тошқинлари кичик қийматда (4–5 мм), қисқа давомийлик ва юқори жадалликка эга ёмғирлардан шаклланишини кўрсатди. Ушбу мулоҳазалар (2) ҳисоблаш тенгламасидаги бир соатлик ёмғирнинг жадаллиги  $a_{\text{соат}}$  ни, 10 минутлик максимал жадалликка ўтказишга, оқим коэффициентининг миқдорини аниқлаштиришга, ҳамда 10 минутлик ёмғир жадаллигидан ҳисобий давомийлик жадаллигига

ўтиш коэффициентлари ( $k_t$ ) ва кичик майдонли ҳавзалар учун редукция коэффициентлари қийматини қайта ишлаб чиқишга асос бўлди. Бундан ташқари (2) тенглама бўйича Ўзбекистон тоғолди худудидаги майдони  $F \leq 50 \text{ км}^2$  бўлган кичик ҳавзалардаги оқимлар максимал сув сарфи қийматларини ҳақиқий миқдорлар билан солиштиришлар натижалари А.Ф.Шахидов [9] монографиясида келтирилган. Унда оқим коэффициентлари энг юқори, яъни  $\alpha=1$  деб қабул қилинишига қарамай, ҳақиқий қийматга нисбатан мунтазам кичик миқдор ҳосил қилишлиги, бу йўналишда изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатди.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар асосида, ёмғирлардан ҳосил бўлган максимал сарфини ҳисоблаш тенгламаси (2) биз таклиф этган қуйидаги кўринишни олди:

$$Q_{\max} = 16,67 a_{10} k_t F \alpha \varphi, \quad (3)$$

бу ерда:  $a_{10}$ –10 минутли давомийликдаги ёмғирнинг жадаллиги, мм/мин;  $k_t$ – 10 минутли давомийликдаги жадалликдан ҳисобий давомийликдаги жадаллика ўтиш коэффициентлари.

Таклиф этилган (3) тенгламани қўллашда зарур бўлган дастлабки маълумотлар: ҳавзанинг майдони ( $F$ ), ҳавзанинг баландлиги ( $Z$ ) ва асосий ўзанинг узунлиги ( $L$ ) ҳисобланиб, уларнинг қийматлари топографик картадан олинади. Ўзан узунлигининг қийматини, кичик масштабни карталардан аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда, уни қуйидаги эмпирик боғланишдан аниқлаш мумкин:

$$L = K \cdot F^n, \quad (4)$$

бу ерда:  $K$ –коэффициент, Ўзбекистон тоғолди ҳавзалари учун  $K=2,39$ ;  $n$  – даража кўрсаткичи,  $n = 0,53$ .

Қуйида (3) тенгламага кирган ўзгарувчан  $a_{10}$ ,  $k_t$ ,  $\alpha$  ва  $\varphi$  параметрларнинг ҳисобий қийматларини аниқлаш усуллари баёнига ўтамыз.

1. Ёмғирнинг максимал 10 минутли жадаллиги ( $a_{10}$ ). Ёмғирнинг максимал 10 минутли жадаллиги қуйидаги боғланиш бўйича топилади:

$$a_{10} = S \cdot \dot{i}_{\text{ўртача}}, \quad (5)$$

бу ерда:  $\dot{i}_{\text{ўртача}}$  – ёмғирнинг ўртача жадаллиги;  $S$  – ёмғирнинг ўртача жадаллигидан 10 минутли жадалликка ўтиш коэффициентлари,  $S = 4-5$  тенг.

Сув тўпловчи ҳавзаси худудида ёмғирни жадаллигини қайд этувчи плювиограф мавжуд бўлмаган ҳолатда ўртача жадаллик қуйидаги биз таклиф этилган ҳисоблаш усулларида аниқланади. Ёмғирнинг ўртача жадаллигини топишда манбаларда маълум бўлган қуйидаги тенглама қўлланилади:

$$\dot{i} = \frac{\Delta}{T^n}, \quad (6)$$

бу ерда:  $\Delta$  - ёмғирнинг метеорологик кучи;  $T$ –ёмғирнинг давомийлиги;  $n$  – даража кўрсаткичи.

(6) ифодадаги  $\Delta$ ,  $n$  ва  $T$  қийматларини аниқлашда Ўзбекистон тоғолди худудлари учун “вертикал минтақавий” қонуниятга асосланган, яъни ушбу параметр миқдорларини баландлик бўйича ўзгаришига асосланган эмпирик тенгламалардан фойдаланамиз.

Ҳисобий тенгламалар ва уларнинг корреляция коэффициентларини ( $R$ ) келтирамыз:

Ёмғирнинг метеорологик кучи

$$\Delta = \frac{496,7}{Z^{0,70}}, \quad R = 0,66 \quad (7)$$

бу ерда:  $Z$  – ҳавзанинг баландлиги.

Даража кўрсаткичи  $n$  ва ёмғирнинг домийлиги  $T$

$$n = 0,52 \Delta^{0,15}, \quad R = 0,57. \quad (8)$$

$$T_d = A_r r^b, \quad R = 0,91. \quad (9)$$

Ифодаларда:  $A_r$ –вақт бўйича ўлчаш бирлиги;  $b$ –даража кўрсаткичи;

Ўртача  $A_r=15,1$  ва  $b=2,01$  тенг ва унинг Ўзбекистон худудидаги гидрологик туманлар бўйича қийматлари [7] келтирилган;  $r$  – ҳавонинг нисбий намлиги.

$$r = 0,584 Z^{0,099}, \quad R=0,82. \quad (10)$$

2. 10 минутлик ёмғир жадаллигидан ҳисобий давомийлик жадаллигига ўтиш коэффициентлари ( $k_t$ ). Ушбу коэффициентнинг қиймати “чекланган жадаллик” принципага асосланган ва у назарий жиҳатдан ҳафли жадалликга, яъни ёмғирнинг бошланиш вақтидаги ҳавзанинг энг узоқ нуқтасидан ўлчаниш керак бўлган створгача бўлган оқимнинг етиб келиш вақти билан белгиланади:

$$k_t = \left( \frac{10 v}{L} \right)^{0,66}, \quad (11)$$

Оқимнинг тезлигини ҳисоблашда қуйидаги ифода қўлланилади [ 6 ]:

$$v = k J^m \text{ км/мин}, \quad (12)$$

бу ерда  $k$  –ўзани гадир–будирлик коэффиценти, 0,22 км/мин ;  $J$  – ўзанининг қиялиги;  $m$  –даража кўрсаткичи,  $m = 0,201$ .

3. *Оқим коэффиценти ( $\alpha$ )*. Сув тошқинларининг оқим коэффиценти ёмғирларнинг жадаллигига кўра, жумладан  $i_{\text{ўртача}} < 0,5$  мм/мин қийматларда  $\alpha = 0,50$  ва  $i_{\text{ўртача}} > 0,5$ мм/мин ҳолатларда  $\alpha=0,70$  деб қабул қилинади [6].

4. *Редукция коэффиценти ( $\varphi$ )*. Редукция коэффиценти ҳавза майдонига боғлиқ бўлган ёмғирнинг камайтирувчи қиймат ҳисобланиб қуйидаги маълум тенгламадан аниқланади:

$$\varphi = \frac{1}{(F+C)^{n_r}}. \quad (13)$$

бу ерда:  $C$  – ҳавза майдонига тузатиш коэффиценти, [4] маълумоти бўйича майдони  $F < 5 \text{ км}^2$  бўлган ҳавзаларда унинг қиймати 1 дан 2,30 гача қабул қилинади;  $n_r$  – максимал оқим модулининг сув ҳавза майдонига боғлиқ бўлган даража кўрсаткичи. Ўзбекистон тоғ олди дарё сув ҳавзалари учун ушбу қиймат  $n_r = 0,35$  тенг.

Баён қилган усуллар бўйича (3) тенгламадан Ўзбекистон тоғолди худудларидаги турли гидрологик туманда жойлашган кичик ҳавзага эга оқимларнинг максимал сув сарфининг ҳисобланган модули, ҳақиқий миқдорлари билан солиштирилди. Чирчик–Оҳангарон гидрологик туманида жойлашган айрим дарёлар бўйича максимал сув сарфининг модули ҳақиқий ( $q_m$ ) миқдори билан ҳисобланган ( $q_{2m}$ ) қийматларнинг қиёслаш натижалари 1–жадвалда ҳавола этилган. 1–жадвалнинг таҳлили ҳисобланган ва ҳақиқий максимал сув сарфининг қийматлари ўзаро яқин ва бир–биридан катта фарқ қилмаслигини, уларнинг ўртача квадратик фарқи  $\sigma=27,6\%$  тенг эканлигини кўрсатади. Агар, ўлчанган максимал сув сарфининг хатолигини экспертларни баҳолаши бўйича 15% деб олсак, унда ҳисоблаш хатолигининг қиймати қуйидагига тенг деб қабул қилиш мумкин:

$$\sigma = \sqrt{27,6^2 - 15^2} = 23,2\%. \quad (14)$$

1–жадвал

**Чирчик–Оҳангарон гидрологик туманида жойлашган айрим дарёларнинг ҳақиқий ва ҳисобланган максимал сарфнинг модулини солиштириш натижалари**

Дарё – пост	F, км <sup>2</sup>	q <sub>m</sub> м <sup>3</sup> /с· км <sup>2</sup>	q <sub>2m</sub> м <sup>3</sup> /с· км <sup>2</sup>	Ҳисобланган ва ҳақиқий миқдорларнинг фарқи	
				м <sup>3</sup> /с· км <sup>2</sup>	%
Қаранкулсой–Қаранкул	15,6	1,60	1,16	-0,44	-27,5
Ақташсой–Ақтош	19,3	0,88	0,95	+ 0,07	+7,95
Паркентсой–Қирғиз	39,7	0,82	0,69	- 0,13	-15,8
Олтинбелсой– Қирғиз	19,1	1,06	1,10	+0,04	+3,77

**Изоҳ:** F– ҳавзанинг майдони;  $q_m$  –максимал сарфи модуль нормасининг ҳақиқий қиймати;  $q_{2m}$ – ҳисобланган максимал сарфнинг модуль нормаси.

Ёмғирларнинг максимал сарфини керак бўлган эҳтимолий қийматини аниқлаш учун, ҳисобланган  $Q_{\text{max}}$  дан ташқари, унинг вариация коэффиценти  $C_{vm}$  ва ассимметрия  $C_{sm}$  коэффицентларини аниқлаш лозим бўлади.

Максимал сув сарфининг вариация коэффиценти Ўзбекистон тоғ олди кичик дарё ҳавзалари шароитида қуйидаги ҳавза баландлигига боғлиқ бўлган эмпирик тенгламадан топилади:

$$C_v = \frac{1,89}{Z^{1,74}}. \quad R=0,71. \quad (15)$$

Ассимметрия коэффиценти  $C_{sm}$ , аниқланган вариация қиймати  $C_{vm}$  га боғланишига асосланиб ҳисобланади:

$$K_{sm} = C_{sm} / C_{vm} \quad \text{ёки} \quad C_{sm} = K_{sm} C_{vm}. \quad (16)$$

Ҳисоблашларга кўра [7],  $K_{sm}$  миқдори Ўзбекистон тоғолди гидрологик туманларида 1,50 дан (Чотқол–Қурама тизмаси) 3,77 (Фарғона водийсининг жанубий сув ҳавзалари) гача ўзгаради. Ушбу қиймат Ўзбекистон тоғолди худудларида 2,32 тенг.

**Хулоса.** Изланишлар натижаси қуйидаги якуний хулосаларни баён этишга:

- ёмғир тошқинларининг максимал сув сарфини аниқлашда таклиф этилаётган (3) тенглама “чекланган жадаллик” принципига асосланган ва тенгламадаги ўзгарувчан параметрларни ҳисоблашлар “вертикал минтақавий” қонуниятга мос, қўшимча дала ўлчашларини талаб этмаслиги, уни амалиётда фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилишга;

- максимал сув сарфини ҳисоблашлардаги аниқлик  $\sigma = \pm 25\%$  деб белгилашга;

- ёмғир тошқинларининг максимал сув сарфини эҳтимолий қийматларини ҳисоблашда таклиф этилган (15) ва (16) эмпирик боғланишларни қўллашга имкон беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алексеев Г.А. Расчет вероятных максимальных расходов воды и объемов стока снеговых и дождевых паводков.// Труды ГГИ. 1963. Вып. 39 (92). – С. 3-65.

2. Горошков И.Ф. Гидрологические расчеты. - Л.: Гидрометеиздат, 1979. – 432 с.

3. МКН 27-2007. Руководство по расчету максимальных расходов дождевых вод. - Ташкент, 2007. – 96 с.

4. Перевозников Б.Ф. Расчеты максимального стока при проектировании дорожных сооружений. - М., Транспорт, 1975. – 304 с.

5. Салимова Б.Д. Метод расчёта максимальных расходов дождевых вод с малых водосборов. - Ташкент: НИГМИ, 2011. - 96 с.

6. Тўлаганов А.Х., Тўлаганов С.Х. Селлар гидрологияси ва сел оқимларидан автомобиль йўллари ҳимоялаш. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2014. - 94 б.

7. Туляганов А.Х., Салимова Б.Д. Автомобиль йўлларидаги сув ўтказувчи иншоотларни лойihalашда сув ва сел тошқинларининг тавсифларини ҳисоблаш. – Тошкент: Iqtisod–Moliya, 2016. – 156 б.

8. Федотов Г.А. и др. Проектирование автомобильных дорог. (СЭД) Т. V.- М.: Информавтодор, 2007. - 668 с.

9. Шахидов А.Ф. Расчет максимальных расходов дождевых паводков. - Ташкент: САНИГМИ, 1995. - 126 с.

Курбанов Б.Т.\*

**АНАЛИЗ ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ВОДОХРАНИЛИЩ,  
РАСПОЛОЖЕННЫХ В ВЫСОКОСЕЙСМИЧНОЙ ЗОНЕ, С ПРИМЕНЕНИЕМ ГИС-  
ТЕХНОЛОГИЙ И МАТЕРИАЛОВ ДЗЗ (НА ПРИМЕРЕ ЮЖНО-СУРХАНСКОГО  
ВОДОХРАНИЛИЩА)**

**Аннотация.** В статье проведен сравнительный анализ инженерно-геологических условий Южно-Сурханского водохранилища, расположенного в высокосейсмичной зоне. Анализ проведен за период с начала эксплуатации водохранилища до настоящего времени. Разработана карта-схема накладки современного состояния зон переработки берегов водохранилища. Определена территория береговой линии 1979 и 2018гг. с различной степенью их переработки. Разработаны рекомендации по организации геомониторинга территории водохранилища и прилегающих территорий.

**Ключевые слова:** инженерная геология, гидрогеология, охрана окружающей среды, экология, интегрированные ГИС-технологии, цифровое картографирование, дистанционное зондирование Земли

**Сеймиклик юқори бўлган зонада жойлашган сув омборларининг муҳандислик-геологик ҳолатини ГИС технологияларидан ҳамда Ерни масофадан туриб зондлаш материалларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш (Жанубий Сурхон сув омбори мисолида)**

**Аннотация.** Мақолада сеймиклик юқори бўлган зонада жойлашган Жанубий Сурхон сув омборининг муҳандислик-геологик ҳолати қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил сув омбори иш бошлаган вақтдан то ҳозирги кунгача бўлган давр учун ўтказилди. Сув омборида қирғоқлар емирилиши зоналарининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш учун схематик харита ишлаб чиқилган. 1979 ва 2018 йилларга оид турли даражалардаги қирғоқлар емирилиши ҳудудлари аниқланди. Сув омбори ва унга туташ бўлган ҳудудларнинг геомониторингини ташкил этиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** муҳандислик геологияси, гидрогеология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология, интеграциялашган ГАТ-технологиялар, рақамли хариталаштириши, Ерни масофадан туриб зондлаш

**Analysis of the engineering-geological conditions of the reservoirs located in a high-seismic zone using gis technologies and materials of remote sensing (on the example of the South Surkhan reservoir)**

**Abstract.** The article provides a comparative analysis of the engineering and geological conditions of the South Surkhan reservoir located in a highly seismic zone. The analysis was carried out for the period from the beginning of the operation of the reservoir to the present. A schematic map has been developed for lining the current state of reservoir processing zones. The coastline territory of 1979 and 2018 was determined. with varying degrees of processing. Recommendations on the organization of geomonitoring of the territory of the reservoir and adjacent territories have been developed.

**Key words:** engineering geology, hydrogeology, environmental protection, ecology, integrated GIS technologies, digital mapping, remote sensing of the Earth

**Введение.** Развитие многих отраслей экономики Сурхандарьинской области непосредственно связано с интенсивным использованием земельно-водных ресурсов. Рациональное их использование способно обеспечить долговременное и устойчивое социально-экономическое развитие региона. Строительство и эксплуатация крупных водохранилищ, предназначенных в основном для освоения новых и оптимального использования существующих земель, особенно важны.

\* Курбанов Бахтиёр Тохтаевич – заведующий лабораторией Национального центра государственных кадастров, геодезии и картографии Госкомземгеодезкадастра, к.ф.-м.н., с.н.с. E-mail: bk1948@bk.ru

Создание водохранилищ вызывает значительные изменения в природе прилегающих территорий. К таким явлениям, в первую очередь, следует отнести затопление огромных территорий. Наибольшие масштабы затопления наблюдаются при создании водохранилищ на равнинных реках. Подпор грунтовых вод создает новое увлажнение береговых массивов, подтопление низких берегов и застроенных территорий. Смачивание берегов, сложенных лессовыми породами, вызывает просадочные явления. При ежегодных колебаниях уровня воды возникают процессы растворения, выветривания горных пород и потери их прочности, суффозии. Появляются новые или оживляются древние, стабилизированные оползневые процессы. На отдельных отрезках крутых берегов появляются трещины отпора и признаки оседания склонов. Обнаруживаются медленные деформации склонов вследствие усиливающейся ползучести глинистых горных пород. Часто переработка берегового склона обуславливает образование висячих оврагов, в связи с чем активизируются эрозионные процессы.

Строительство и эксплуатация крупнейшего в Сурхандарьинской области Южно-Сурханского водохранилища существенно влияет на окружающую среду, в том числе на геологическую среду. Для минимизации ущерба, вызванного соответствующими геологическими факторами, необходимо комплексное изучение состояния окружающей среды в районе водохранилища.

**Цель и задачи работы.** Цель исследования – выявление закономерностей формирования и развития инженерно-геологических процессов до строительства, после строительства и в период длительной эксплуатации Южно-Сурханского водохранилища, выявление ущербобразующих факторов на прилегающей территории.

**Исходные материалы.** Основными используемыми фактическими материалами служили данные многолетних наблюдений, фондовые и литературные материалы по инженерной геологии, сейсмологии, гидрогеологии района исследования. Использованы также материалы полевых работ, проведенных нами в районах активного развития геодинамических процессов на территории, прилегающей к Южно-Сурханскому водохранилищу.

**Основная часть.** Вопрос о влиянии инженерной деятельности человека на окружающую среду изучались многими исследователями, в том числе В.И. Вернадским, А.П. Виноградовым, И.П. Герасимовым, Г.С. Золотаревым, Г.Н. Каменским, В.А.Ковдой, Ф.В. Котловым, Г.А. Мавляновым, В.И. Поповым, В.А. Придонским, А.В.Сидоренко, Е.М.Сергеевым, А.П. Павловым, Ф.И. Саваренским, А.Е. Ферсманом, А.М. Худайбергеновым, З.Х. Холматовым и другими. Нами учтен опыт и результаты изысканий указанных ученых для исследования территории Южно-Сурханского водохранилища с учетом особенностей, характера и масштаба развития инженерно-геологических условий.

Выявление природных и техногенных процессов, которые могут наносить ущерб как инженерным сооружениям, так и геологической среде территории, где расположен объект, производится детальным изучением инженерно-геологических условий. Для анализа видов и форм инженерно-геологических процессов в зоне влияния Южно-Сурханского водохранилища, соответствующие фактические материалы, относящиеся к периоду до строительства и к начальным годам эксплуатации водохранилища, были систематизированы, а затем произведен их сравнительный анализ с нынешним состоянием, т.е. в период после длительной эксплуатации гидротехнического сооружения. Систематизация и анализ материалов разных периодов наблюдения за ущербобразующими факторами на исследуемой территории с использованием космических снимков за последние 10-20 лет, а также применение ГИС-технологий позволяют создать материальную основу для составления цифровых карт оценки ущербобразующих факторов.

Южно-Сурханское водохранилище расположено в Кумкурганском районе Сурхандарьинской области в среднем течении р. Сурхандарья, на участке долины, где ранее существовали естественные понижения с тугаями Заркамар и Ходжимули, в 80 км к северу от г. Термез. Рельеф прилегающей местности в основном состоит из адыров и межгорных долинных равнин. На западе долина постепенно поднимается к Шерабад-Сарыкамышской возвышенности, на востоке ограничена хребтом Бабатаг.

Южно-Сурханское водохранилище спроектировано институтом "Средазгипроводхлопок" в 1958 году, его строительство выполнялось в период с 1958 по 1966 год. Первые строительные работы, связанные с сооружением Южно-Сурханского водохранилища, были начаты в 1958 г., и инженерно-техническое воздействие на




геологическую среду этой территории, пусть и в небольшом масштабе, началось с этого времени. В 1962 году началось заполнение чаши водохранилища, а в 1972 году впервые водохранилище достигло проектной площади затопления – 65 км<sup>2</sup>. Началом постоянной эксплуатации водохранилища принято считать 1967 год.

В период проектирования, строительства и эксплуатации водохранилища до 1996 года территория водохранилища относилась к зоне 7 балльной сейсмичности. После 1996 года этот район был переведён в зону 8-балльной сейсмичности [1,2]. Водоохранилище относится к II классу по капитальности строительства.

Некоторые основные параметры водохранилища:

- полный проектный объем – 800 млн. м<sup>3</sup>;
- длина водоёма 20 км;
- максимальная ширина 6,2 км;
- максимальная глубина 27 м;
- площадь 65 км<sup>2</sup>;
- длина береговой линии (при проектном объеме водохранилища) 60 км, 4 км состоят из абразионных берегов (рис. 1).



**Рис.1. Вид из космоса Южно-Сурханского водохранилища**




**Рис.2. Процессы переработки берегов, обрушение береговых уступов со слабой активностью**

По результатам полевых исследований вокруг Южно-Сурханского водохранилища в октябре 2018 года, а также опираясь на работы авторов [3-6; 10-12], нами были выявлены и изучены природные и техногенные ушкообразующие факторы, влияющие на инженерно-геологические и геоэкологические условия.

После строительства водохранилища по мере затопления территории интенсивно развивались склоновые процессы в прибрежной зоне. Эти процессы и явления детально изучены для периода эксплуатации [3,5]. В настоящее время в прибрежной зоне водохранилища процесс переработки берегов, обрушение береговых уступов стали менее активными, и становятся более активными только во время подъёма и сброса уровня воды в водохранилище (рис. 2). Ниже створа плотины процессы эрозии, абразии, подмыва берегов, подтопления низких террас непосредственно связаны с режимом эксплуатации водохранилища. В нижнем бьефе созданы дренажные системы, снижающие гидравлический уровень до расчетной отметки (рис. 3), и сбросные каналы для отведения воды при ее высоком стоянии (рис. 4,5), берегозащитные сооружения и др.



**Рис.3. Системы снижения гидравлического уровня до расчетной отметки**





**Рис.4. Левый сбросной канал**



**Рис.5. Правый сбросной канал**

Уровень воды в водохранилище на момент наблюдения (конец сентября 2018 г.) находился значительно ниже уровня нормального подпорного горизонта (НПГ) и площадь зеркала водохранилища составляла 32 км<sup>2</sup> (рис. 6). В начале мая 2019 г. площадь зеркала составляла 36 км<sup>2</sup>, а длина побережья – 31 км (рис. 7).



**Рис.6. Схема обследования и места распространения современных инженерно-геологических процессов и явлений на территории водохранилища. Дата съемки 27.09.2018 г.**

**Рис.7. Южно-Сурханское водохранилище. Дата съемки 5.05.2019 г.**


Условные обозначения: 1- вид нижнего бьефа; 2- сброс на правом берегу; 3- денудационные поверхности высоких склонов правого берега; 4- слив воды каналом Амузанг в водохранилище, левый берег; 5- суффозионные воронки, левый берег; 6,7 - развитие эрозионных оврагов сбросными водами после полива сельскохозяйственных культур.

Наблюдения, проведенные нами в октябре 2018 г., показывают, что на площади исследования наблюдаются следующие процессы:

- выветривание горных пород на крутых склонах и вертикальных стенках;
- эрозионные, денудационные и суффозионные процессы, которые формируют и развивают овраги, суффозионные воронки и другие формы рельефа. Такие формы рельефа особенно развиты на площади, сложенной лессовыми, супесчано-суглинистыми горными породами на левом берегу (рис. 6, 8, 9, 10);



**Рис. 8. Развитие суффозионных и эрозионных процессов на левом берегу в результате сброса воды после полива земель**



**Рис.9. Пример сравнительно медленного развития оврага на левом берегу**



**Рис.10. Пример более интенсивного развития оврага на левом берегу**

- переработка берегов водохранилища происходит медленнее, чем в 1967-75 гг. [7] (рис. 11), и отступление берегов в настоящее время (по сравнению с 1975-80 гг.) составляет, примерно, 50-65 м (рис. 12,13).

- просадки поверхности лессовых пород наблюдаются в прибрежной зоне водохранилища при высоком стоянии уровня воды водохранилища, подъеме грунтовых вод и подтоплении площади;

- существуют старые оползни [8], которые иногда активизируются (рис. 14,15);

- селевые паводки происходят в весенне-зимний период, и они распространены на левобережных склонах предгорных равнин (рис.16).



**Рис. 11. Характер отмели после сработки уровня воды в 1973 г. (левый берег, приплотинная зона)**

**Рис.12. Характер отмели после сработки уровня воды в 2018 г., слив воды каналом Амузанг в водохранилище, (левый берег, приплотинная зона)**



**Рис.13. Переработка берегов, левый берег**



**Рис.14. Ступенчатые оползни в склоновых отложениях IV террасы. На переднем плане трещина просадки (фото 1957 г.)**



**Рис.15. Старый оползень в центре, претерпевший денудацию дождевыми водами, справа - суффозионная воронка**

Суффозионные процессы в 1960-70 годы были ярко выражены вдоль обрыва третьей террасы по правому берегу реки. Здесь на расстоянии до 60-80 м от обрыва наблюдается воронки, понуры, висячие мосты, подземные галереи, а в нижней части обрыва – пещеры. Они

наблюдаются на третьей террасе. Все эти формы карстового рельефа образовались в результате проникновения по трещинам или по норам землероев, поверхностных вод и выноса ими мелкозема и песчаных грунтов (рис. 17, 18). В настоящее время суффозионные процессы выражены не столь активно (рис.15).



**Рис.16. Развитие эрозионно-денудационных процессов на левом берегу в результате селевых паводков, которые проходят в весенне-зимний период**



**Рис.17. Суффозионные воронки близ уступа III террасы. На заднем плане I терраса и река Сурхандарья (Фото 1957 г.)**



**Рис. 18. Суффозионные воронки близ уступа III террасы (Фото 1957 г.)**

Из приведенных процессов, на наш взгляд, наиболее ущербобразующими факторами на территории Южно-Сурханского водохранилища являются следующие:

- сейсмические процессы, при которых землетрясения с интенсивностью 8 баллов имеют повторяемость 1 раз за 200-250 лет;
- переработка берегов и отступление береговой линии с участием эрозионно-денудационных процессов;
- суффозионно-эрозионные процессы и оврагообразование, вызванные природными и техногенными факторами;
- подмыв и абразия берегов реки в нижнем бьефе, обрушение бровки террас и склонов.

На этой территории при эксплуатации водохранилища необходимо учесть возможность землетрясений силой до 8 баллов. При высоком уровне заполнения водохранилища до отметки НПП в прибрежной зоне водохранилища, где уровень грунтовых вод поднимается до 4 м, в этой зоне интенсивность землетрясения увеличивается на 1,0 балл, т.е. при фоновой сейсмичности в 8 баллов расчетная сейсмическая интенсивность может дойти до 9 баллов. В нижнем бьефе, где уровень грунтовых вод залегает менее 4 м, также интенсивность землетрясения увеличивается на 1 балл. Исторически в этом регионе наблюдалось множество землетрясений с близким к объекту эпицентром силой в 7 баллов, таких как Байсунское землетрясение 5 июня 1935 г. Сила землетрясения на площади исследования доходила 6-7 баллов (рис.19) [9].

Переработка берегов, суффозионно-эрозионные процессы, оползнеобразование, подмыв и абразия берегов реки в нижнем бьефе и другие процессы, связанные с деятельностью поверхностных и подземных вод, при участии человека, могут нанести существенный ущерб. Они приводят к потерям полезной площади земель, преждевременному заполнению мертвого объема водохранилища путем выноса рыхлых горных пород в чашу водохранилища.

На площади, где возможно формирование или развитие ущербобразующих факторов, необходимо проведение мероприятий по оптимальному регулированию и использованию поверхностных вод и регулярному контролю за состоянием водохранилища и прилегающих территорий. При этом необходимо проводить регулярный мониторинг с использованием современных ГИС-технологий, GPS-технологий и материалов дистанционного зондирования Земли. В случае необходимости следует оперативно применять соответствующие инженерно-технические мероприятия.

Во время эксплуатации водохранилища подъем уровня воды до отметки НПП и сбрасывание до 10 и более метров провоцирует эти процессы в береговой зоне влияния водохранилища, происходят абразия, обрушение уступов, переработка берегов и снос рыхлых и разрыхленных материалов вглубь водоема. При подъеме уровня до высоких отметок в


прибрежных зонах происходит подпор грунтовых вод, местами выклинивание. В местах развития лессовых грунтов в результате подтопления территории грунтовыми водами происходит просадка земли. Указанные процессы имеют место в прибрежной зоне – зоне влияния водохранилища. Для выяснения динамики процессов целесообразно организовать мониторинг этих зон в период длительного максимального стояния воды в водохранилище и в период максимального сбрасывания.

На территории, примыкающей к зоне влияния водохранилища, также распространены указанные процессы, и они связаны с природными и техногенными факторами. Такие процессы, как эрозионно-денудационные, связаны с дождевыми водами и водами, сброшенными после полива сельскохозяйственных культур (рис. 8,16). Изучив характер динамики и распространения процессов, можно спрогнозировать потерю полезных площадей и принять меры по борьбе с ущербобразующими факторами.


Для выяснения изменения инженерно-геологических условий после длительной эксплуатации водохранилища нами были совмещены схематическая инженерно-геологическая карта с материалами космических съемок (дата съемки 27.09.2018 г.). Выделены места расположения отдельных процессов, которые наносят ущерб полезной площади и воздействуют на надежность эксплуатации водохранилища. Выделяются линии уреза водохранилища, на отметках 395 м (08.1971 г.), 440 м (09.1972 г.), 405 м (08.1972 г) и на отметке 415 м (НПГ). Определена территория ограниченной линии переработок 1979 и 2018 гг. (рис. 20). Эта зона в виде полосы протягивается по обоим берегам реки. На левом берегу она более пологая и шире, чем на правом берегу, и составляет от 50-70 м при плотинном участке до 1-1,5 км. На рис. 21 приведены выделенные в 1976 году [7] по степени переработки берегов зоны: берега с очень большой, большой, средней, малой переработкой и берега непереработанные. Границы этих зон уточнены нами в 2018 году.



1. 7 баллов; 2. 6-7; 3. 6; 4. 5-6; 5. Южно-Сурханское водохранилище  
**Рис. 19. Схема распределения балльности при землетрясении 5 июля 1935 г. (Байсунское).**



Линия уреза воды водохранилища, на отметках: 1- 395 м (08.1971г.), 2 - 440 м (09.1972 г.), 3- 405м (08.1972 г.) и 4-на отметке 415 м (НПГ); граница зон переработки берегов: 5 - 1979 г., 6 – 2018 г.; 7- площадь переработанных берегов водохранилища в 1979-2018 гг.  
**Рис. 20. Карта-схема накладки современного состояния зон переработки берегов водохранилища.**



Берега: 1- очень большой; 2- большой; 3- со средней, 4- малой переработкой, 5- берега неперерабатываемые.

**Рис. 21. Схема зонирования по степени переработки берегов водохранилища**

В настоящее время целесообразно организовать геомониторинг водохранилища и прилегающих территорий. Мониторинг за динамикой ущербобразующих процессов следует проводить с использованием материалов дистанционного зондирования высокого разрешения, как в период высокого стояния уровня воды в водохранилище, так и при низком уровне воды для каждого года эксплуатации. С целью обеспечения мониторинга окружающей среды, в первую очередь, сельхозугодий Постановлением Кабинета Министров «Об обеспечении реализации отдельных положений Постановления Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года № ПП-3639 «О мерах по целевому и эффективному использованию беспилотных летательных аппаратов гражданской авиации в отраслях экономики» предусмотрено создание совместного предприятия в форме общества с ограниченной ответственностью «BSHARKUZ».

Для мониторинга гидротехнических сооружений республики целесообразно использование беспилотных летательных аппаратов. В случае резкой активизации процессов, которые наносят ущерб полезной площади и воздействуют на надежность эксплуатации водохранилища, необходимо на месте проводить тщательное обследование и изучение каждого ущербобразующего фактора.

**Выводы.** В рамках реализации проекта «Разработка методики оценки ущербобразующих факторов водохранилищ, расположенные на адырно-равнинных территориях высокой сейсмичности с применением ГИС- технологий (на примере Южно-Сурханского и Пачкамарского водохранилищ)» ( I этап) выполнены следующие основные работы:

1. Собраны, систематизированы и проанализированы фондовые картографические материалы и материалы исследований по территории Южно-Сурханского водохранилища за предыдущие годы.

2. Изучены инженерно-геологические условия разного периода: в период до строительства, в начале эксплуатации водохранилища и изменения в последующих периодах.

3. В 2018 г. были проведены полевые рекогносцировочные инженерно-сейсмогеологические работы на площади Южно-Сурханского водохранилища, изучены и нанесены на карты геологические и инженерно-геологические процессы, которые наносят существенный ущерб полезной площади земель и оказывают негативное воздействие на надежность эксплуатации водохранилища. Собранные материалы послужили основой для

разработки цифровых карт современных процессов, которые наносят ущерб водохранилищу и прилегающим территориям.

4. Разработана цифровая карта-схема современного зонирования побережья водохранилища по степени переработки.

Необходимо отметить, что район Южно-Сурханского водохранилища расположен в равнинной части долины р. Сурхандарьи. Здесь распространены в основном лессовые грунты значительной мощности. Поэтому в прибрежной зоне водохранилища развиты эрозионно-денудационные процессы. Большое распространение имеют суффозионные воронки, овраги, оползни, переработка берегов водохранилища на значительной площади, и эти процессы являются ущербобразующими. Считаю целесообразным проведение регулярных наземных наблюдений, организацию мониторинга на территории водохранилища с использованием современных ГИС-технологий и материалов дистанционного зондирования Земли высокого разрешения.

#### **Использованная литература:**

1. ШНК 2.06.11-04. «Строительство в сейсмических районах. Гидротехнические сооружения» // Госархитектстрой Республики Узбекистан. – Ташкент, 2006. – С. 56-103.

2. Комплекс карт общего сейсмического районирования территории Республики Узбекистан ОСР-2011. Объяснительная записка и список городов и населенных пунктов, расположенных в сейсмоопасных районах. – Ташкент: ГП «Институт ГИДРОИНГЕО», 2012. – 60 с.

3. Джураев Н.М., Ёдгоров Ш.И., Хусомиддинов А.С., Курбанов Б.Т., Туйчиев М.А. Хар хил физик-географик шароитда жойлашган сув омборлар худудларини геоэкологик шароитини баҳолашда замонавий ArcGIS геоахборот технологиясини қўллаш масаласига доир // Сборник докладов Международной научной конференции “Геофизические методы решения актуальных проблем современной сейсмологии”, посвященной 150-летию Ташкентской научно-исследовательской геофизической обсерватории. – Ташкент: «Complex print», 2018. - С. 444-450.

4. Ёдгоров Ш.И., Туйчиева И.А. Ҳисорак сув омбори атрофидаги замонавий геодинамик жараёнларнинг ўзига хослиги / Сборник докладов Международной научной конференции “Геофизические методы решения актуальных проблем современной сейсмологии”, посвященной 150-летию Ташкентской научно-исследовательской геофизической обсерватории. – Ташкент: «Complex print», 2018. - С. 456-460.

5. Курбанов Б.Т., Джураев Н.М., Ёдгоров Ш.И., Хусомиддинов А.С., Мавроталасити Ф. Анализ геоэкологических и сейсмоэкологических условий гидротехнических сооружений, расположенных в высокосейсмичной зоне // Материалы международной конференции «Влияние природных глобальных изменений и техногенных условий на гидротехнические, инженерно-геологические и геоэкологические процессы: анализ результатов и прогнозирование развития». – Ташкент, 2018. – С.132-138.

6. Опыт и методика изучения гидрогеологических и инженерно-геологических условий крупных водохранилищ / Под редакцией Г.С. Золотарева, Д.С. Соколова и Е.Г. Чаповского. Части вторая и третья. – М.: Изд-во Московского университета, 1961. – 360 с.

7. Холматов З.Х., Рашидов А., Холматова Р.Н. Отчет по теме «Изучение изменения инженерно-геологических условий под воздействием равнинных водохранилищ Средней Азии и разработка методики их прогноза» (1973-1976 гг.). Фонды Государственный комитет Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам, Ташкент, 1976.

8. Технический проект Южно-Сурханского водохранилища. Том IV. Кн. 1. Инженерно-геологические условия района водохранилища. – Ташкент: СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК, 1957. – 195 с.

9. Сейсмичность Западного Узбекистана. – Т: Изд-во «Фан» УзССР, 1972. – 152 с.

10. H.N. Magdiev, B.B. Kurbanov, B.T. Kurbanov. Application of the three-dimensional modeling methods for problems solution to elaborate a salt drain basis //Bulletin of the Kyrgyz State University of Construction, Transport and Architecture named after N.Isanov, Bishkek, Education-Printing Centre “Avangard”-2016-№2(52), - -P.161-168.

11. Sh.I.Yodgorov, N. M. Dzhurayev, B. T. Kurbanov, H.M.Magdiev, Analysis of change of engineering-geological conditions of the Chartak territory with using GIS and GPS-

technologies//Bulletin of the Kyrgyz State University of Construction, Transport and Architecture named after N.Isanov, Bishkek, Education-Printing Centre "Avangard"-2016-№2(52), - -P.122-130.

12. Sh.I.Yodgorov, N. M. Dzhurayev, B. T. Kurbanov, H.M.Magdiev. Research of the engineering and geological conditions of the area for construction of hydro-technical structures with application of GIS-technologies//Bulletin of the Kyrgyz State University of Construction, Transport and Architecture named after N.Isanov, Bishkek, Education-Printing Centre "Avangard"-2016-№2(52), - - P.115-122.

**Беканов К.К., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев Ж.А.\***

**ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ УСУЛЛАРИ  
ОРҚАЛИ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРИТАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧИМБОЙ  
ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари орқали Чимбой туманидаги ерлардан фойдаланиш харитасини яратишга доир методологик масалалар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ердан фойдаланиш, харита, географик ахборот тизимлари, масофадан зондлаш, пиксел, Landsat, USGS.

**Методические вопросы создания карт землепользования с помощью методов  
геоинформационных технологий и дистанционного зондирования (на примере  
Чимбайского района Республики Каракалпакстан)**

**Аннотация.** В статье рассматриваются методологические вопросы, связанные с составлением карт землепользования Чимбайского района, с использованием методов геоинформационных технологий и дистанционного зондирования.

**Ключевые слова:** карты землепользования, географические информационные системы, дистанционное зондирование, пиксел, Landsat, USGS.

**Methodological matters creation of land use map by GIS and remote sensing methods (on the  
example the chimbay district of the Republic of Karakalpakstan)**

**Abstract.** This article discusses methodological issues related to mapping land use in the Chimbay area using GIS and remote sensing methods.

**Key words:** land use maps, geographic information systems, remote sensing, pixel, Landsat, USGS.

**Кириш.** Ҳозирги пайтда ердан фойдаланиш харитасидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ер ресурсларидан фойдаланиш, режалаштириш, бошқариш ва бошқа шу каби ишларни амалга оширишда фойдаланилмоқда. Ерни масофадан зондлашда сунъий йўлдош сенсорларининг ривожланиши туфайли табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни режалаштириш, картографик таҳлил ишларини ўтказиш, хариталар тузиш жараёни амалга оширилмоқда. Ерлардан фойдаланиш харитаси кишлоқ хўжалигида ва табиий ресурсларни ўрганишда жўда муҳим восита саналади [1]. Ушбу мавзудаги хариталарни яратиш жараёнини масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида сунъий йўлдошдан олинган суратлар асосида қисқа вақт ичида амалга ошириш мумкин. Бу метод орқали ер юзасида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш имконини яратади. Улар ўрганилаётган ҳудуддаги табиий ресурслар рақамли маълумотларини тақдим этади. Бундай маълумотлар турли хил диапазонларда мавжудлиги сабабли ер қоплами синфларини аниқлашда жуда фойдали ва аниқ усул бўлмоқда. Ерлардан фойдаланишни харитага олишда масофадан зондлаш орқали иккита - визуал талқин ва рақамли таҳлил усуллари бўйича картографик фаолият юритилади [4].

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот мақсади Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ерларидан фойдаланиш харитасини геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари орқали тузишдан иборат.

Келтирилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни ечиш лозим бўлади:

\* Беканов Куатбай Кўшкарбаевич – ЎзМУ Картография кафедраси таянч докторанти (PhD).

Сафаров Эшқобул Юлдашевич – ЎзМУ Картография кафедраси мудири, т.ф.д., проф.

Эгамбердиев Жобир Анварбек ўғли – “Картография” ИИЧ ДК етакчи мутахассиси.




- тадқиқот мавзусига доир бўлган манбаларни тўплаш, ўрганиш ва уларни мавзу доирасида таҳлил қилиш;
- Чимбой туманининг географик жойдашувини акс эттирувчи рақамли харитасини RGB синтезида 7: 5: 2 гуруҳлар комбинациясида ажратиш;
- синтез асосида тўпланган маълумотлар хусусиятларини аниқлаш;
- космик суратлар асосида олинган тасвирлардан харита яратиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- ГИС ва масофадан зондлаш усуллари орқали ерлардан фойдаланиш харитасини тузиш.

**Асосий қисм.** Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани олинди. Чимбой тумани 1927 йили ташкил топган бўлиб, ғарб ва жанубдан Кегайли, шимолдан Мўйноқ, шарқдан Қораўзак туманлари билан чегарадош.

Туманда жами суғориладиган ерлар 46910,0 гектар бўлиб, шундан 41576,8 гектари (88,6%) турли даражада шўрланган ҳудудлар ҳисобланади. Шўрланмаган тупроқлар Чимбой туманидаги суғориладиган ерларнинг 5333,2 гектарини, яъни фоиз ҳисобида 11,4 % ни ташкил этади [5]. 1-расмда Чимбой туманининг географик жойлашуви келтирилган.

Тумандаги кучсиз шўрланган тупроқлар суғориладиган ерларнинг 15365,3 гектарини қамраб олади, фоиз ҳисобида эса бу кўрсаткич 32,8 % тенг. Ҳудуднинг кучсиз шўрланган тупроқлари шўрланиш типининг хлорид-сульфатли ва сульфатли турига мансуб. Ўртача шўрланган тупроқлар майдони 13390,4 гектарга тенг, бу суғориладиган ерларнинг 28,5 % ни ташкил этади. Бу типдаги шўрланишлар ҳам асосан хлорид-сульфатли ва сульфатлидир. Тумандаги тупроқларнинг шўрланиш даражаси юқори, кучли шўрланган тупроқлар майдони 3871,5 гектарга тенг, бу кўрсаткични туман миқёсида оладиган бўлсак, ўрганилаётган ҳудуддаги суғориладиган ерларининг 8,4 % ни ташкил этади [3].



### 1-расм. Чимбой туманининг RGB синтезида 7:5:2 гуруҳлар комбинацияси бўйича тасвири

Ерлардан фойдаланиш харитасини яратиш учун манба материаллари сифатида статистик маълумотлар, йирик масштабли (1:25 000) электрон қишлоқ хўжалик хариталари, Landsat 8 сунъий йўлдошидан олинган космик геотасвирлар ва юқори аниқликдаги Google Earth космик суратларидан фойдаланилган.


Геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари орқали ерлардан фойдаланиш хариталарини яратишда технологияси 2-расмда келтирилган. Космик суратни таснифлаш жараёнининг умумий вазифаси суратдаги барча пикселларни ер қоплами синфлари бўйича автоматик таснифлашдан иборат. Одатда суратларни таснифлашда кўпспектрли

маълумотлардан фойдаланилади ва маълумотлардаги ҳар бир пиксел учун спектрограмма тоифалашнинг рақамли асоси сифатида ишлатилади. Турли шакллар уларнинг спектрли қайтарувчанлик ва тарқатувчанлик хусусиятларга асосланиб турли рақамли сонларнинг комбинациясини намоён этади.

Биринчи босқичда ўрганилаётган ҳудуд бўйича USGS (United States Geological Survey) дан Landsat 8 OLI/TIRS суъний йўлдоши тасвири юклаб олинади. Landsat 8 OLI/TIRS суъний йўлдоши тасвири 11 та гуруҳни ўз ичига жамлаган бўлиб, кейинги босқичда улар бирлаштирилади. Сўнгра дешифровка қилиш учун гуруҳлар комбинацияси танланади, RGB синтезида 7:5:2 ҳолатга келтирилади.


Дешифровка қилиш учун гуруҳлар комбинациясини RGB 7:5:2 ҳолатига келтирилишининг асосий сабаби, унда тасвирнинг ранглари хусусиятида табиий ва реал ҳолатга яқин бўлган рангги тасвирини олишдир.

Кийинги босқичда дешифровка ишлари амалга оширилади. Дешифровкани текшириш учун энг юқори аниқликдаги Google Earth дан олинган тасвирдан ва ўрганилаётган ушбу ҳудуднинг эски қишлоқ хўжалик хариталаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг ArcGIS дастури орқали бошқарилмайдиган усулдан фойдаланиб [2], максимал эҳтимоллик алгоритминини қўллаш орқали автоматик таснифлаш амалга оширилади [4].



2-расм. ГИС ва масофадан зондлаш усуллари орқали ерлардан фойдаланиш хариталарини яратиш технологияси

Ушбу жараёни амалга ошириш натижасида ер турлари алоҳида рангларида ҳосил бўлади. Биз ер турларини 5 та, жумладан, сувли юзалар, ҳолати яхши ўсимликлар, ҳолати ўрта ўсимликлар, шўрланган ерлар, қумлоқлар синфларига ажратдик. Ҳар бир синф бўйича пикселлар сони орқали ер турларининг майдони ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган ишлар амалга оширилган кейин, компоновка жараёни амалга оширилади ва харита яратилади.



3-расм. Туман ерларини турларга ажратиш


a) сувли юзалар – ариқлар, каналлар, кўллар, зовурлар, ва ўша вақтда суғорилган майдонлар.

b) ҳолати яхши ўсимликлар ерлари - бу синфга ҳудуддаги ўсимликлар эгаллаган жойлар киритилган: жуда яхши ва яшил рангли дарахтлар ва ўрмонлар эгаллаган жойлар;

c) ҳолати ўртача ўсимликлар ерлари - б синфдаги объектлар киради. Лекин бунда ўсимликларнинг яхши ҳолатда ўсмаган, қуриб бораётган ҳолати ва дарахтлар эгаллаган жойлар ҳамда аҳоли яшаш жойлари ҳам ушбу синф таркибига киритилган;

d) шўрланган ерлар - тумандаги кучли, ўрта, кучсиз шўрланган ерлар киртилган;

e) қумли ерлар - кишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган қум билан қопланган ерлар.



4-расм. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ерлардан фойдаланиш харитаси

2-жадвалда туман ерларининг ҳар бир синф бўйича эгаллаган майдони кўрсатилган. Дастлаб, туман ерлари 5 та синфга ажратилган ва ҳар бир синф эгаллаган майдон аниқланган. Бунда Landsat 8 ёрдамида олинган космик суратнинг аниқлик даражаси 30x30 метрни ташкил этади. ArcGIS дастурида тумандаги ерлар таснифлагандан кейинги ҳолати ҳар бир синф учун атрибут жадвалдаги пикселлар сони билан ҳисобланади ва қуйидаги формула орқали ер майдонлари аниқланади.

$$M = Px * D \quad (1)$$

M- ер майдон; Px- пикселлар сони; D – пикселлар ўлчами.

Шунингдек, таснифлаш натижасида олинган ер майдонлари статистик маълумотлар билан таққосланди. Таққослаш натижасига кўра туманнинг умумий майдони факрки 1 %, қумли ерларда 0,5 %, ҳолати ўртача ўсимликлар ерлари 3,3 %, ҳолати яхши ўсимликлар ерлари 0,8% кам кўрсатган, сувли юзалар 0,3 % ва шўрланган ерлар 4,2 % кўп эканлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

## Ер турлари тўғрисида маълумотлар

№	Ер қоплами синфлари	Пикселлар сони	Пиксел ўлчами (м)	Майдони		Статистик маълумот	
				гектар	%	гектар	%
1.	Сувли юзалар	337319	30x30	30358,71	14,0	30259	13,7
2.	Ҳолати яхши ўсимликлар ерлари	584847	30x30	52636,23	24,2	54836	25,0
3.	Ҳолати ўртача ўсимликлар ерлари	541496	30x30	48734,64	22,4	56498	25,7
4.	Шўрланган ерлар	557393	30x30	50165,37	23,1	41576	18,9
5.	Қумли ерлар	396252	30x30	35662,68	16,3	36662	16,7
	<b>Жами:</b>	<b>2417307</b>	<b>30x30</b>	<b>217557,6</b>	<b>100,0</b>	<b>219831</b>	<b>100,0</b>

**Хулоса.** Ушбу тадқиқотда асосий эътибор замонавий геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари орқали ер ресурсларидан фойдаланиш харитасини яратишга қаратилган. Биз тақдим этаётган усул орқали белгиланган ҳудуднинг ерлардан фойдаланиш хариталари тузилди. Бу орқали бошқа ҳудудларнинг ер турларини, улардаги ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ва шунингдек экологик ҳолатни мониторинг қилиш имкон ҳам бўлади. Тадқиқот объектини ўрганишда қуйидаги натижаларга эришилди:

- тадқиқот мавзусига доир бўлган манбалар тўпланди, ўрганилди ва мавзу доирасида таҳлил қилинди;
- Чимбой туманинг географик жойдашувини акс эттирувчи космик сурат RGB синтезида 7: 5: 2 гуруҳлар комбинациясига ажратилди;
- синтез асосида тўпланган маълумотларни хусусиятларини аниқланди;
- космик суратлар асосида олинган суратлардан харита яратиш технологиясини ишлаб чиқилди;
- геоахборот технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари орқали ерлардан фойдаланиш харитасини яратилди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Рафиқов А.А. Жанубий Орол минтақасининг чўлланиш жараёни. – Тошкент, 1997 йил.
2. Хоанг Зыонг Хуан. Картографирование сельскохозяйственных культур по космическим снимкам среднего разрешения// Материалы VII Сибирской научно-практической конференции «Молодых ученых по наукам о Земле»/ Новосибирск, 2014. – С. 438-439.
3. “Давергеодезкадастр” давлат қумитаси маълумотлари. – Тошкент, 2017.
4. Prenov Sh. M., Safarov E. Yu. “Analysis of eco-meliorative condition for soil of Southern Aral Sea region, and about its mapping” European Science Review № 10/2015. Page 15-17.
5. <https://sovminrk.gov.uz/uz/pages/show/651?mode=spesialc>

Мубораков Х., Мирмахмудов Э.Р., Рўзиев А.С., Тошонов Б.Ш\*  
ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ТАЯНЧ НУҚТАЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ  
КООРДИНАТАЛАРИНИ GNSS ЎЛЧАШЛАРИ БИЛАН АНИҚЛАШ

**Аннотация.** Координаталари маълум геодезик таянч нуқталарининг мавжуд эмаслиги геодезик амалий машғулотларни ўтказиши сифатини ошириши ҳамда ўлчаш асбоблари синашларини бажариши имконини бермайди. ЎЗМУ ва дала ўқув амалиёти полигоони ҳудудларида ўрнатилган таянч нуқталарининг координаталарини сунъий йўлдош навигацияли системаси Trimble R4 ёрдамида аниқлаш тавсифи келтирилган. Кузатишларда олинган координаталар аниқлигига таъқиқ омилар ва навигация ўлчашларининг давомийлиги таъсирига эътибор қаратилган ва таҳлили бажарилган. Планли-баландлик аниқлик кўрсаткичлари (HDOP, VDOP, PDOP, TDOP) батафсил ёритилган. Шунингдек, GNSS ўлчашлар циклига боғлиқ ҳолда координаталарнинг ўзгариши графиги келтирилган. Ўрнатилган таянч нуқталарида кузатишлар давомийлигини ошириши, йилнинг турли вақтида такрорий GNSS ўлчашларини бажариши тавсия этилади.

**Калит сўзлар:** DOP, GNSS, координаталар аниқлиги, таянч нуқталари.

**Определение предварительных координат геодезических опорных точек с помощью GNSS измерений для учебных целей**

**Аннотация.** Отсутствие геодезических опорных точек с известными координатами не позволяет повысить качество практических занятий по геодезии и произвести калибровку геодезических мерных приборов. Приводится описание определения координат опорных точек заложенных на территориях НУУз и полигона учебных практик с помощью навигационной спутниковой системы Trimble R4. Основное внимание при наблюдениях было уделено влиянию внешних факторов и длительности навигационных измерений на точность определения координат и выполнен детальный анализ полученных результатов. Более подробно описано показатели точности планово-высотных составляющих (HDOP, VDOP, PDOP, TDOP). Также приводятся графики изменения координат в зависимости от цикла GNSS измерений. В будущем, предлагается произвести повторные GNSS измерения заложенных опорных точек в разное время года.

**Ключевые слова:** DOP, GNSS, точности координат, опорные точки.

**Determination the preliminary coordinates of geodetic reference points using GNSS measurements for training purposes**

**Abstract.** The absence of geodetic reference points with known coordinates does not allow to improve the quality of practical trainings in geodesy and to calibrate geodetic measuring instruments. A description is given of determining the coordinates of reference points laid down in the territories of NUU and the practical training ground using the Trimble R4 navigation satellite system. The main attention during the observations was paid to the influence of external factors and the duration of navigation measurements on the accuracy of determining the coordinates and a detailed analysis of the results was performed. The accuracy indicators of rectangular and altitude components (HDOP, VDOP, PDOP, TDOP) are described in more detail. Also given are graphs of coordinate changes depending on the GNSS measurement cycle. In the future, it is proposed to make repeated GNSS measurements of embedded control points at different times of the year.

**Key words:** DOP, GNSS, coordinate accuracy, reference points.

**Қириш.** Замоनावий навигацияли сунъий йўлдош системаларини фойдаланиш талабаларга таянч нуқталарнинг координаталарини аниқлаш ва уларни тенглаштириш билан боғлиқ кўника ва малакани шакллантириш имконини беради. Бирок, Ўзбекистонда бу системаларни ўқув мақсадларида фойдаланиш бўйича услубий кўрсатма ёки дастур ишлаб чиқилмаган. Биринчи маротаба 2014 йилда Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ҳозирги ТИҚХММИ)да Швеция Қироллик технологиялар институти томонидан ёш


\* Мубораков Хамидхон – Ўз МУ Геодезия ва геоинформатика кафедраси мудири, доцент, т.ф.н.  
Мирмахмудов Эркин Рахимжанович – ЎзМУ Геодезия ва геоинформатика кафедраси доценти, ф-м.ф.н. erkin\_mir@mail.ru  
Рўзиев Азизжон Савриддинович – ЎзМУ Геодезия ва геоинформатика кафедраси катта ўқитувчиси. azizjon.ruziev84@gmail.com  
Тошонов Бекзод Шермадат ўғли – ЎзМУ Геодезия ва геоинформатика кафедраси магистранти.

ўқитувчилар учун GNSS ўлчашлар бўйича тренинг ўтказилди. 2017 йилда электрон тахеометрдан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатманинг қўлёзма варианты ишлаб чиқилди. Умумқасбий ва ихтисослик фанларининг амалий машғулотлари ва ўқув-дала амалиётларида замонавий геодезик асбобларни қўллашга шароит яратилган бўлиши керак. Амалий машғулотлар ва ўқув-дала амалиётларини ўтказиш сифатини ошириш учун ЎЗМУ ҳудудида ва Чорвоқ сув омбори яқинида жойлашган амалиёт полигонида таянч (эталон) нукталар ўрнатилиб, уларнинг координаталари аниқланиши зарур. Бу таянч нукталар талабаларнинг ўқув амалиётида қуриладиган теодолит ва нивелир йўлларини боғлаш учун хизмат қилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, таянч нукталар ўрнатилган ҳудудларда GNSS ўлчашлари учун маълум тўсиқларнинг мавжудлиги (баланд бинолар ва дарахтлар) сунъий йўлдошлардан сигнални тўла қабул қилиш имконини таъминламайди. Сигналларни қабул қилиш учун оптимал шароит (ғов ва тўсиқлар бўлмаган очиқ жойлар) бўлиб ЎЗМУ ўқув амалиётлари полигони жойлашган Угом тизмаси этаги хизмат қилиши мумкин. Бу ерда геодезик амалиётлари 1998 йилдан бошлаб олиб борилади.

Ўқув полигони Қоржонтов ва Пискент тизмалари орасида жойлашган Угом тизмасида танланган (1-расм). Полигоннинг табиий-географик шароити геодезик ўқув-дала амалиётининг барча талабларига жавоб беради. Ишларни бажариш ўқув дастурига мувофиқ барча бурчак ва чизик ўлчашлар планли ва баландлик таянч тармоқ пунктларига боғланган бўлиши керак. Ўқув полигони атрофида тегишли геодезик таянч пунктларнинг мавжуд эмаслиги теодолит ва нивелир йўлларини боғлаш ва тенглаш учун, шунингдек, зичлаш триангуляцияси ва полигонометрик йўлларни ривожлантиришда қийинчиликларни юзага келтиради.

Анъанавий геодезик ўлчашларнинг математик асоси бўлиб топографик ва геофизик тадқиқотларда шу кунгача қўлланилиб келинаётган Гаусс-Крюгернинг проекцияси ҳисобланади. Бу ишларнинг барчасида шунингдек, инженерлик тадқиқотларда WGS84 ва UTM га асосланган замонавий GNSS навигацияли системалари қўлланади. Замонавий рақамли топографик план ва карталарнинг мавжуд бўлмаслиги объектларни лойиҳалаш ва қуришда маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Юқорида кўрсатилган муаммоларни ечиш учун СК42 ва WGS84 координаталар системалари орасида координаталарни бир системадан иккинчисига кўчириб ҳисоблаш методини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Координаталарни анъанавий ва замонавий усулларда аниқлашга кўп ишлар бағишланган бўлса ҳам бу муаммо ҳозирча очиқ қолмоқда ва тўғри ечимни талаб қилади. Шунинг учун ушбу ишнинг мақсади ЎЗМУ ҳудудида, ўқув-дала амалиёти базаси ва Угом тизмасида ўрнатилган таянч нукталарининг координаталарини глобал сунъий йўлдош системасидан фойдаланиб аниқлаш ҳисобланади.



1-расм. Ўқув полигони



2-расм. ЎЗМУ ҳудудида 2-назорат нукта

**Асосий қисм.** ЎЗМУ ҳудудида ўрнатилган 3 та нуктанинг дастлабки координаталарини аниқлаш Trimble R4 GNSS приёмнигидан фойдаланиб бажарилган. Сунъий йўлдошдан сигнал қабул қилиш учта нуктадан икkitаси яқинида позиционирлаш (DOP) аниқлигига бевосита салбий таъсир этадиган баланд бино ва дарахтлар жойлашгани сабабли сигналлар қониқарли олинди, учинчи нукта очиқ жойда жойлашгани сабабли яхши натижалар олинган (2-расм, 1-жадвал). GNSS да DOP позиционирлаш аниқлик кўрсаткичлари сунъий йўлдош геометрик ўрнини қабул қилувчи аппаратга нисбатан тавсифлаш учун, шунингдек, аниқланадиган пунктларнинг координаталарини якуний тенглаштиришда муҳим роль ўйнайди.



3-расм. ЎЗМУ ўқув полигопи базасидаги таянч нуқта




4-расм. Полигон ҳудудидаги таянч нуқтада GNSS ўлчашлар

Амалиёт базасида анъанавий геодезик асбобларни текшириш ва тузатиш учун мўлжалланган таянч нуқтада (3-расм) 10 та цикл GNSS ўлчашлари бажарилган. Таянч нуқталарда Гаусс-Крюгернинг тўғри бурчакли координаталарини ва ўлчанган қийматлари ўрта квадратик хатоси  $\chi^2$  мезони асосида ҳисобланган. Кейинги босқич Угом тизмаси этагидаги ўқув полигопи ҳудудида геодезик таянч нуқтасининг рекогносцировкаси бўлди. Афсуски, полигон ҳудудида ва унинг атрофида геодезик пунктлар мавжуд эмаслиги аниқланди. 2008 йилда ўрнатилган геодезик реперлар хусусий сектор ҳудудида қолиб йўқолгани маълум бўлди. Полигон ҳудудида жой рельефининг мураккаблиги триангуляция, полигонометрияни куриш ва тахеометрик ишларни, шунингдек, сунъий йўлдош геодезик ўлчашларни амалга оширишга қулайлик туғдиради. Геодезик амалиётнинг барча талабларини, шу жумладан, таянч нуқталар орасида ўзаро кўриниш шартларини ҳисобга олиб таянч нуқта полигоннинг ўртасида энг баланд жойда мустақкам ўрнатилди. Бу нуқтани ўрнатиш 2-курс талабалари билан III-IV синф нивелирлаш бўйича йўриқномага, шунингдек, 1-2 разряд полигонометрия пунктларини ўрнатиш талабларига мувофиқ амалга оширилди [3, 4]. Бу таянч нуқтада 4 циклли GNSS ўлчашлар (4-расм) бажарилди.

GNSS ўлчашлари натижаларининг таҳлилида асосий эътибор координаталарни ўлчаш аниқлигига ташқи омиллар таъсири, шунингдек, сеансларни ўтказиш даврида сунъий йўлдошларнинг конфигурациясига (жойлашишига) қаратилган. Сунъий йўлдошларнинг жойлашишига келсак, бу сунъий йўлдош ҳаракат траекториясининг баландлиги ва азимутига боғлиқ. Одатда сунъий йўлдошнинг уфқ чизиғидан минимал баландлиги  $10^0$ - $15^0$  кам бўлмаслиги керак, шунда VDOP аниқлик кўрсаткичи яхши ҳисобланади, бошқа томондан, агар сунъий йўлдошлар бир-бирига бевосита яқин жойлашса, унда бу сунъий йўлдошлар жойлашиш геометриясининг “бўш” (кучсиз) эканлигини англатади. Бунинг тескари ҳолати, агар сунъий йўлдошлар бир-бирига нисбатан узокда жойлашган бўлса, унда бу сунъий йўлдошларнинг жойлашиш геометрияси “кучли” ҳисобланиши ҳақида фикр юритиш мумкин ва DOP қиймати ўртачадан кичикроқ бўлади. HDOP, VDOP, PDOP, TDOP тавсифлари – горизонтал, вертикал текисликларда жойлашган ўрни ва вақт бўйича фазовий кестирманинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу тавсифлар глобал ва локал (маҳаллий) координаталар системалари қисмидан иборат ковариацион матрицанинг функциялари ҳисобланади. GNSS кузатишлар даврида DOP 0,115дан 0,615гача ўзгарди. Иккита циклдаги ўлчашлар натижалари уларни ўрта қийматидан сезиларли даражада фарқ қилди. GNSS ўлчашлар натижаларини батафсил таҳлилдан сўнг ўлчашларнинг 3 цикли натижалари қайта ишлашдан чиқариб ташланган. Координаталарнинг олинган қийматларини якуний (қатъий) деб қабул қилиш жоиз эмас, уларни дастлабки натижалар сифатида фойдаланиш мумкин. Аниқроқ натижалар олиш учун келгусида ўлчашларни каттароқ давомийликдаги сеанслар билан бажариш керак. Геодезик ўлчашларни математик ишлаб чиқиш назарияси асосида, кўп сонли ўлчашларда, бир хил шароитда бажарилган координаталарнинг аниқлик қиймати Гаусснинг нормал тақсимланиш қонунига бўйсунди. Бундай шароитларда ўлчашлар натижаларини ишлаб чиқишда геодезик ва астрономик ўлчашлар учун мақбул ҳисобланган катта сонлар қонуни қўлланади. GNSS ўлчашлар чегараланган вақт интервали билан ва баъзи тўсиқлар билан бажарилганлиги сабабли унда координаталарнинг энг эҳтимолий қийматини олиш ишончсиз ва қийинлигини кўрсатди.

GNSS ўлчашлар аниқлигини ҳисоблаш координаталарни якуний (қатъий) аниқлашда муҳим роль ўйнайди. GNSS ўлчашларнинг статистик таҳлили ва стандарт дастур бўйича қайта ишлаш учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш сунъий йўлдош ўлчашларини умумий тенглаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Одатда, аниқлик ўлчови бўлиб битта ўлчашнинг вазни ўрта квадратик хатоси ( $\sigma_x$ ) ҳисобланади.

Ўқув полигони ва базасидаги таянч нуқталарнинг олинган координаталари аниқлигини баҳолаш Гаусс формуласи ёрдамида бажарилди ва барча координаталар бир хил шароитда, битта асбобда ажарилгани сабабли тенг аниқ ўлчашлар деб олинди. Қуйидаги 5, 6-расмларда координаталарнинг вақт давомида ўзгариш графиги келтирилган.



a)


b)

c)

5-расм. Ўқув базаси таянч нуқтаси координаталарининг ўзгариш графиги

a, b – горизонтал ташкил қилувчилар бўйича, c - вертикал ташкил қилувчи бўйича

Ўлчашлар натижасидан қўпол хатолар чиқариб ташлангандан сўнг координаталарнинг аниқлиги жиддий равишда ошди ва ҳар бир ўлчаш сериясининг ўрта қийматидан оғиш дисперсияси кониқарли ва нормал тақсимланиш қонунига бўйсунадиган тарзда олинди. Ўқув полигони ҳудудида олинган таянч нуқта координаталарини аниқлашда сунъий йўлдош сигналларини қабул қилиш шароити энг яхши бўлди. Ушбу нуқтада навигацияли ўлчашлар кам сонли цикл билан ва қисқа вақт интервалида бажарилди.



a)

b)

c)

6-расм. Ўқув полигонидagi таянч нуқта координаталарининг ўзгариш графиги

a, b – горизонтал ташкил қилувчилар бўйича, c - вертикал ташкил қилувчи бўйича

5, 6-расмлардан кўриниб турибдики, ўқув базаси ва полигонидagi таянч нуқталарининг координаталари қийматининг дисперсияси филтрация ва аниқликни батфсил баҳолаш туфайли бир-бирига яқин.

Таянч нуқталарининг GNSS ўлчашлари массивини қайта ишлаш натижасида 1-жадвалда тўғри бурчакли координаталари, улар баландликларининг ўрта қиймати ва ўлчаш хатолари берилган.

1-жадвал

Гаусс-Крюгер проекциясида тўғри бурчакли координаталар ( $x, y$ ), геодезик баландлик ( $H$ ) ва ўрта квадратик хатолар қиймати

Нуқта номи	$x$	$y$	$H$	$\sigma_x$	$\sigma_y$	$\sigma_H$
База	4612033.545	578943.131	778.245	0.164	0.063	0.474
ЎЗМУ 2-нуқта	4579685.158	517084.438	427.877	0.059	0.044	0.437
Полигон	4612958.640	580170.449	940.865	0.094	0.037	0.089

1-жадвалдан кўриниб турибдики, полигондagi GNSS ўлчашлар натижалари амалиёт базаси ва ЎЗМУ ҳудудидаги таянч нуқталарида олинган натижаларга қараганда аниқроқ, гарчи ЎЗМУ ҳудудидаги 2-таянч нуқтаси абцисса қийматлари аниқлиги бирмунча юқорироқ. Бунинг сабаби сунъий йўлдошлар конфигурацияси GNSS ўлчашлар даврида энг мақбул бўлганидadir.



Натижаларнинг ишончли бўлиши учун кузатиш давомийлигини ошириш билан GNSS ўлчашларни такрорий амалга ошириш керак. Олинган натижалар дастлабки ҳисобланади, шу билан бирга, таянч нуқталарининг аниқлиги ўқув-дала амалиётининг барча талабларини қаноатлантиради.

**Хулоса.** Мустаҳкам ўрнатилган таянч нуқталар координаталарининг кузатиш цикли давомийлиги, шунингдек, ўлчашлар аниқлигига салбий таъсир этувчи яқин жойлашган бино ва иншоотлар омилларига боғлиқ ўзгаришининг графо-аналитик таҳлили амалга оширилди. Ўрнатилган нуқталарнинг тўғри бурчакли координаталари Гаусс-Крюгер проекциясида ва геодезик баландликлари Красовский эллипсоиди сиртига нисбатан аниқланди.

Бу пунктларнинг тўғри бурчакли координаталари ва баландликларини тахеометрик ва нивелир йўллари билан боғлаш ва оралиқ нуқталарнинг координаталарини аниқлашда, шунингдек, бошланғич геодезик пункт сифатида фойдаланиш мумкин. Улар геодезия, геоинформатика ва олий геодезия бўйича лаборатория ва амалий машғулотларда эталон пункт бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Келгусида таянч нуқталар ўрнатилган ҳудудлар яқин атрофида рекогносцировка ишлари олиб борилиб, у ерларда мавжуд анъанавий геодезик пунктлар маркази ва ер усти белгилари аниқланиб редукция ва марказлаш учун тузатмалар ҳисоблаш учун фойдаланиш кўзда тутилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Антонович К.М. Использование спутниковых радионавигационных систем в геодезии. Том 1.- М.: ФГУП «Картгеоцентр», 2005.
2. Демьянов Г.В., Майоров А.Н. К вопросу об установлении единой общеземной системы нормальных высот // Научно технический сборник по геодезии, аэрокосмическим съемкам и картографии. Физическая геодезия. -М.: ЦНИИГАиК, 2004.
3. Инструкция по нивелированию I, II, III и IV классов. – М.: Недра, 1974.
4. Центры геодезических пунктов для территорий городов, поселков и промышленных площадок. – М.: Недра, 1972.

#### **Абдуллаев Т.М., Инамов Б.Н., Абдуллаева М.Т., Иброхимов С.С.\* МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БИРЛИКЛАР ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР**

**Аннотация.** Мақолада маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш ишлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар (овуллар) чегараларининг координаталар тизимига боғлаган ҳолда, ГАТ дастурлари ёрдамида, туман чегаралари 1:10000 масштабдаги, шаҳарларда 1:2000 масштабдаги келтирилган ортофотопларга туширилиши жараёни баён этилган.

#### **Исследования по установлению границ административно-территориальных единиц**

**Аннотация.** В данной статье описывается процесс нанесения границ административно-территориальных единиц на ортофотопланы с использованием ГИС программ с привязкой к системе координат границ областей, районов, городов, поселков, сел(аулов), где границы районов обозначаются в масштабе 1:10 000, городов в масштабе 1:2000.

#### **The conducted researches on establishment of borders of administrative-territorial units**

**Abstract.** This article describes the process of drawing the boundaries of administrative-territorial units on orthophotoplanes using GIS programs with reference to the coordinate system of

---

\* **Абдуллаев Т.М.** - “Давергеодезкадастр” кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, т.ф.н., доцент, E-mail:abdullaev\_1961@bk.ru;

**Инамов Б.М.** - “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти таянч докторанти. E-mail: binamov@umail.uz;

**Абдуллаева М.Т.** - “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти таянч докторанти. E-mail: maxfuza85@mail.ru;

**Иброхимов С.С.** - “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти таянч докторанти. E-mail: saidmuxammad3774@mail.ru

**Кириш.** Республикамиз ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш, Республикамиздаги мавжуд ер ресурсларини аниқ ҳисобини юритишни тизимли йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик ерларидан, суғориладиган ва бошқа тур ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Республикамизнинг бир қанча туманларида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш ишлари вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар(овуллар) чегараларининг координаталар тизимига боғланмаганлиги худудларда ер ҳисоботини юритиш, ер ажратиш, ер муносабатларини тартибга солиш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда кичик бир ердан фойдаланувчидан бошлаб худудлар, туманлар, қолаверса, вилоятлар кесимида ҳам чегара чизиғи билан боғлиқ муаммолар ҳозиргача бартараф этилмасдан келинмоқда.

#### **Ишнинг мақсад ва вазифалари.**

1. Тайёргарлик ишлари ва мавжуд архив фонд материаллари билан танишиш;
2. Дала кузатув ишлари;
3. Ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, электрон рақамли хариталарини яратиш;
4. 1:10 000 масштабдаги электрон рақамли хариталарда чегара чизиқларини координаталарга боғланган ҳолда координата каталогини шакллантириш;
5. Тайёрланган маълумотларни тасдиқлаш ишларини бажариш;
6. Тасдиқланган материалларни “Ўздаверлойиха” институти архивига, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига тақдим этиш.

Мавжуд чегаралар ўзгарган тақдирда, туманлар ўртасида алмаштириладиган ёки бериладиган ер участкаларининг ва ер турларининг майдонларини ҳамда ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар тайёрланади.

Дала кузатув натижалари асосида чегараларни тасдиқлаш мақсадида туманларнинг чегара чизиғи 1:25 000 масштабдаги, шаҳарларнинг чегара чизиғи 1:10 000 масштабдаги топографик хариталарга тушурилади. Маъмурий чегаралар тавсифи давлат координаталар тизими асосида топографик элементларга боғланган ҳолда тузилади.


**Тадқиқот объекти.** Бухоро вилояти Когон тумани ҳокимининг 2018-йил 10-сентябрдаги 144-Ф сонли фармойишига ҳамда Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти “Ўздаверлойиха”нинг “Техник топшириқ” ва “Ишлар дастури”га асосан Когон тумани ва ундаги барча худудларнинг маъмурий-худудий бирликлар чегараларини йирик каналлар, коллекторлар, темир йўллар ва автомобил йўллари, шунингдек, жойнинг бошқа табиий ва сунъий ўзгармас объектлари бўйича белгилаш ишлари бажарилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Тадқиқот жараёнида Когон туманида маъмурий-худудий бирликлар чегаралари ва туман чегараси худуди барча ер турлари хатловдан ўтказилиб, ҳар бир ердан фойдаланувчилар ва захира ерларининг чегаралари 1:10 000 масштабдаги рақамли харитага келишилган шартли белгилар асосида туширилди.

Архив маълумотларга кўра, туманнинг мавжуд ер майдонлари 2018 йил 1 январ ҳолатидаги ер ҳисоботида 51015 гектар, шундан 15331 гектар суғориладиган экин ерлар, 483 гектар боғзорлар, 189 гектар тоқзорлар, 503 гектар тутзорлар, 8 гектар мевали кўчатзорлар, 18 гектар теракзорлар, 318 гектар бўз ерлар, 7012 гектар яйловлар, 2629 гектар томорқа ерлар, 4363 гектар сув ости ерлари, 1082 гектар йўл ости ерлари, 1331 гектар ижтимоий ховли, майдон ва бинолар ва 17748 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар ташкил қилади.

Камерал ишлар жараёнида Когон тумани маъмурий-худудий бирликлар чегаралари микёсида ер ресурсларини ортофотопландан фойдаланган ҳолда рақамли хариталарини

янгилаш ишлари бажарилиб контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаси тузилди ва ҳар бир ердан фойдаланувчилар кесимида контурлар ҳисоблаш қайдномаси тузилди.




**1-расм. Когон тумани маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараси**

Ўтказилган йўқлама ишлари натижасида жами ерлари 50216 гектар, шундан 15708 гектар суғориладиган экин ерлар, 846 гектар боғзорлар, 96 гектар токзорлар, 78 гектар иссиқхоналар, 359 гектар тутзорлар, 1 гектар мевали кўчатзорлар, 8 гектар теракзорлар, 935 гектар бўз ерлар ва 14381 гектар яйловлар, 3790 гектар томорқа ерлар, 1 гектар мелиоратив ҳолати тикланадиган ерлар, 15 гектар ўрмонзорлар, 4763 гектар сув ости ерлари, 956 гектар йўл ости ерлари, 1402 гектар ижтимоий ҳовли, майдон ва бинолар ва 6876 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар мавжудлиги аниқланди.

Яъни ҳисоботга нисбатан жами ерлари 798 гектар камлиги, шундан суғориладиган экин ери 378 гектар кўплиги, боғзорлар 363 гектар кўплиги, токзорлар 93 гектар камлиги, иссиқхоналар 78 гектар кўплиги, мевали кўчатзорлар 8 гектар камлиги, тутзорлар 145 гектар камлиги, теракзорлар 8 гектар кўплиги, бўз ерлар 618 гектар кўплиги, яйловлар 7369 гектар кўплиги, томорқа ерлар 1162 гектар кўплиги, мелиоратив ҳолатидаги ерлар 1 гектар кўплиги, ўрмонзорлар 3 гектар камлиги, сув ости ерлари 400 гектар кўплиги, йўл ости ерлари 126 гектар камлиги, ижтимоий ҳовли, майдон ва бинолар 71 гектар кўплиги ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар 10872 гектар камлиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики Бухоро вилояти Когон туманида айрим жойларида маъмурий ҳудудий бирликлар чегаралари борасида баъзи низоли ҳолатлар аниқланиб, улар бартараф этилганлиги натижасида туман чегараси 798 гектар майдонга камлиги аниқланди. Ушбу маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чегарадош бўлган, Навоий вилояти, Бухоро шаҳри, Бухоро тумани ҳамда Когон шаҳри билан келишилган тартибда ўрнатилди.



## 2-расм. Туман маъмурий-худудий birlikлар чегаралари ўзгариши

**Хулоса.** Келишилган чегаралар чизиғини белгилаш мақсадида унинг космо суратларини давлат координаталар тизимига боғлаган ҳолда электрон дастур ёрдамида туман чегаралари 1:10 000 масштабдаги, шаҳарларда 1:2000 масштабдаги келтирилган ортофотопланга тушурилади. Маъмурий худудий birlikлар чегараларининг тасдиқланган чегара чизиғининг тавсифи ва худудлар чегаралари координата котологи яратилди.

Шаҳар тайёргарлик ишлари жараёнида Бухоро вилояти Когон туманидаги ер ҳисоботи, мавжуд фермер хўжаликлари ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, уларга ер участкаларини бириктирилиши тўғрисидаги маълумотлар, ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, картографик ва космик материаллар, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳа материаллари, йўқламадан ўтказиш бўйича олдинги бажарилган архив материалларидан фойдаланилган ҳолда, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассислари билан биргаликда жадваллар бўйича маълумотлар тайёрланди. Мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер майдонлари чегаралари суғориладиган ерларда 1:10 000 масштабдаги ортофотопландан фойдаланган ҳолда янгиланган рақамли қишлоқ хўжалик хариталарга туширилди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 23 апрелдаги №299-сонли “Маъмурий-худудий birlikлар чегараларни белгилаш, ер ресурсларини ҳатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ер фонди Тошкент. 2018. 203 б.
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ер фонди Тошкент. 2019. 203 б.
4. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. - Тошкент: Давергеодезкадастр давлат қўмитаси, 2018. 93 б.
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. - Тошкент: Давергеодезкадастр давлат қўмитаси, 2019. 100 б.
6. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. 783 б.
7. Раҳмонов Қ.Р. Ер мониторинги. Ўқув қўлланма. - Т., 2008. -155 б.

Эгамбердиев А., Салохитдинова С.С., Мўминов А.А.\*  
**ЎЗБЕКИСТОНДА КОМПЛЕКС ХАРИТАГА ОЛИШНИНГ  
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистонда комплекс харитага олишнинг ривожланиш тарихи, бу борада бажарилган асосий тадқиқот ишлари, ушбу соҳанинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига бағишланган.

**Калит сўзлар:** комплекс харитага олиш, атлас картографияси, миллий атлас.

**Комплексное картографирование в Узбекистане:  
современное состояние и перспективы**

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам истории развития комплексного картографирования в Узбекистане, основным работам, выполненным по данному направлению, современному состоянию и перспективам этой сферы науки и практики.

**Ключевые слова:** комплексное картографирование, атласная картография, национальный атлас.

**Integrated mapping in Uzbekistan: current status and prospects**

**Abstract.** The article is devoted to the history of the development of integrated mapping in Uzbekistan, the main works carried out in this direction, the current state and prospects of this area of science and practice.

**Key words:** integrated mapping, satin mapping, national atlas.

**Кириш.** Комплекс харитага олиш – Ер юзаси ва унинг алоҳида қисмлари (бўлақлари) табиати, улардаги аҳоли ва меҳнат ресурслари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва социал-маданий объектларнинг алоҳида хариталар, хариталар тизими (серияси) ва атласлар яратиш йўли билан ҳар томонлама ва батафсил тасвирлашнинг ўзига хос методи (усули) ҳисобланади. Мазкур картографик асарлар ягона дастур асосида бутун мамлакат миқёсида яхлит, бирбутун, бўлинмас асар ҳолатида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар доирасида алоҳида-алоҳида яратилади.

Картографик методнинг ишлаб чиқариш тармоқлари ва илм-фаннинг турли соҳаларида тобора самарали қўлланилаётганлиги комплекс харитага олишнинг долзарблигини кўрсатади. Бинобарин, маълумотларнинг бошқа мавжуд манбаларидан фарқ қилиб, харита ва атласлар анча кўргазмали бўлиб, иқтисодиёт ва уни алоҳида тармоқларининг ҳудудий жойлашуви, шаклланиши, ҳозирги ҳолати, ривожланишининг табиий ва социал-иқтисодий шарт-шароитларини яққол кўрсатади, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари, ўзаро боғлиқлик ва алоқдорликларини, узоқ муддатли ривожланиш тенденцияларини аниқлашга имкон беради.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг мақсади Ўзбекистонда комплекс харитага олиш соҳасининг ҳозирги давргача босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш, ҳозирги даврда ривожланиш ҳолати ва келажакда уни ривожлантириш учун долзарб вазифаларни белгилашдан иборат.

**Асосий қисм.** Ўзбекистонда комплекс харитага олишнинг бошланиши 1960-йилларни биринчи ярмига тўғри келади. Бинобарин, 1963 йилда биринчи илмий-маълумотнома “Ўзбекистон атласи” чоп этилди. Атласда 50 га яқин 1:3500 000, 1:4000 000, 1:5000 000, 1:7500 000 ва 1:10 000 000 масштабларда тузилган умумгеографик мавзули хариталар берилган бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурсларига картографик тавсиф берилган.

Ўзбекистон Ер тузиш ва лойихалаш институти томонидан собиқ Иттифокда биринчи бўлиб, 1968 йили ягона дастур асосида ва битта проекцияда ҳамда умумий компоновкада мамлакатимизнинг бир-бири билан ўзаро боғланган, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган, ихтисослашган, аниқ мақсадли деворий илмий-маълумотнома қишлоқ хўжалик хариталари тузилди ва нашр этилди. Ушбу хариталар масштаби 1: 1 000 000 бўлган 21 та харитадан иборат бўлиб, уларда республикамиз қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоқлари – деҳқончилик ва чорвачиликка уларнинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини, табиий ва социал-иқтисодий шарт-шароитларини ҳамда қишлоқ хўжалиги материал-техник базасини ҳисобга олган ҳолда

\* Эгамбердиев Асомберди – ЎзМУ картография кафедраси профессори, география фанлари номзоди;  
Салохитдинова Севара - ЎзМУ картография кафедраси ўқитувчиси;  
Мўминов Абдужалил - ЎзМУ картография кафедраси ўқитувчиси.

атрофлича картографик тавсиф берилган. Барча хариталарнинг асосий мазмуни кесма хариталар, турли хил диаграммалар, графиклар, жадваллар ва матнлар билан тўлдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси қошидаги “Картография” илмий ишлаб-чиқариш давлат корхонаси томонидан мунтазам ўқув, сиёсий-маъмурий, табиий ва иқтисодий хариталар, шунга ўхшаш хариталар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларни ҳар хил масштабда табиий, сиёсий-маъмурий, табиий ва иқтисодий хариталар чоп этилади.

Ўзбекистоннинг дастлабки ўқув ўлкашунослик атласи 1980 йил чоп этилди. Атласнинг лойихаси ЎЗМУ география факультети жамоаси ва ЎзФА нинг География бўлими ҳамда ўрта умумтаълим муассасаларнинг тажрибали методистлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Атлас хариталари 1: 3 500 000, 1:5 000 000, 1:7 500 000 ва 1:12 000 000 масштабда тузилган. Унда жами 39 та харита, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий ва хўжалик объектларининг рангли аэрокосмофотосуратлари берилган.

Тошкент шаҳрининг 2000-йиллик юбилейи муносабати билан 1983 йили Тошкент географик атласи чоп этилди. Атласда Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофининг табиий шароити, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, маданияти ва тарихига тўлиқ картографик тавсиф берилган.

Ўша даврда ЎзФА нинг География бўлими томонидан, Геодезия ва картография бош бошқармаси, бошқа кўплаб муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон ҳудудини комплекс ва мавзули харитага олиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бинобарин, 1982-1985 йилларда Ўзбекистоннинг 2 қисмдан иборат комплекс географик илмий маълумотнома атласи чоп этилди. Ушбу атлас 28 та бўлимдан иборат бўлиб, унда 322 та рангли харита берилган. Ижодий жамоа атласни лойиҳалаштириш ва тузиш жараёнларига тизимли ёндашиб, асосий эътиборни республикамизнинг табиий шароити ва табиий ресурслари, халқ хўжалиги ва уни соҳалари, маданияти ва тарихининг асосий хусусиятларини сақлаб қолиб, уларни ҳақиқий ҳолатларини тасвирлашга қаратилган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири – 90-йилларнинг бошида ЎзФАнинг География бўлимида пахтачилик ва тиббий географик атласлар тузилиб нашрга тайёрланган эди. Бирок, айрим сабабларга кўра улар ўз вақтида чоп этилмай қолди. Ҳозир ушбу атласларни мавзуларини янгилаб, тўлдириб, нашр қилиш вақти келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакат иқтисодиётини режали асосда ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида ҳукумат геодезия, картография ва кадастрга оид фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Натижада, 1992 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 19-сонли қарорига мувофиқ ЎзР ВМ хузурида Геодезия ва картография бошқармаси, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (“Давергеодезкадастр”) давлат кўмитаси ташкил этилди. Ўтган қисқа муддат ичида республикамизнинг 1:1 600 000, 1:500 000 ва 1:200 000 масштабда сиёсий-маъмурий, табиий, экологик, ер ресурслари, фойдали қазилмалар, иқлим, аҳоли, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва туристик хариталари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг сиёсий-маъмурий, табиий ва иқтисодий хариталари, Тошкент, Бухоро, Хива шаҳарларининг туристик планлари тузилди ва чоп этилди.

Умумий ўрта таълим муассасалари учун “Ўзбекистон географик атласи” 1999 йили чоп этилди. 2001 йили мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи”, 2005 йилда “Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи”, 2006 йилда “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи”, 2007 йилда “Ўзбекистон Республикасининг экологик атласи”, 2008 йилда “Ўзбекистон атроф муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш атласи”, 2012 йилда илмий-маълумотнома “Ўзбекистон географик атласи” нашр қилинди.

1983 йили “Ўзбекистон комплекс ва мавзули харитага олиш муаммолари” мавзуида, 2009 йили “Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари” мавзуида, 2011 йили “Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш”, 2014 йили “Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олиш: тарих, назария, методлар, амалиёт” мавзуларида илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди.

“Давергеодезкадастр” тасарруфидаги “Картография” ИИЧДК томонидан 2014-2016 йилларда Қорқалпоғистон Республикаси ва вилоятларни ўқув-маълумотнома ўлкашунослик атласлари ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25-йиллигига бағишлаб 2016 йили Геология ва минерал ресурслар илмий тадқиқот институти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг геологик хариталари атласи” ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий атласини яратиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси бўйича, илм-фаннинг замонавий ютуқлари муштарақлигида фундаментал картографик асар-Ўзбекистон миллий атласи яратилмоқда.

Икки жилддан иборат Ўзбекистон Миллий атласи “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси тасарруфидаги “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси масъуллиги ва 30 дан ортиқ ташкилот ҳамкорлигида ишлаб чиқилади. Биринчи жилда мамлакатимизнинг табиий шароити ва табиий ресурсларига тизимли ёндошув асосида тўлиқ картографик тавсиф берилди. Иккинчи жилда эса республикамиз аҳолиси, иқтисодиёти, маданияти ва минг йиллик тарихимизни ўзида мужассамлаштирган, мустақил тараққиёт йўлида эришаётган ютуқларимизни очиқ-ойдин акс эттирувчи умумлаштирилган, кўп мақсадли “ахборот-манбаи”га эга бўлган хариталар воситасида кўргазмалар килиб бериш назарда тутилган. Шу маънода, яратилаётган миллий атласимизни 2001-2006 йилларда нашр этилган миллий қомусимиз билан бир қаторга қўйиш мумкин. Атлас яхлит бўлинмас картографик асар сифатида давлат бошқарув тизимида, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, миллий хавфсизлик хизматида ва мамлакат мудофаасида, фан ва таълимда, ахборот ресурслари ва коммуникациясида кенг фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олишни ҳамма йўналишлари (геологик, рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, экологик, аҳоли ва меҳнат ресурслари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа) бўйича ишлар давом эттирилади.

Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олишни ривожланишида махсус монографиялар [1,23], илмий тўпламлар ва конференция материаллари [4,5,6] катта аҳамиятга эга.

Ўзбек олимлари комплекс ва мавзули харитага олишни ҳамма йўналишларида самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва бормоқдалар: картографияни назарий масалалари (Т.М.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров, А.Эгамбердиев, Л.Х.Ғуломова, Ж.С.Қорабоев), табиий хариталарни яратиш (В.А.Попов, А.А.Рафиқов, Г.Ш.Норходжаева, Э.Ю.Сафаров, Ш.М.Пренов), экология, табиатни муҳофаза қилиш ва экотуристлик (А.А.Рафиқов, В.А.Попов, Т.М.Мирзалиев, Ж.С.Қорабоев, А.Н.Ниғматов, Ш.М.Шарипов, Н.Т.Шомуротова, К.Ҳақимова), иқлим (Е.Г.Бродский, Л.Г.Салиева, Л.М.Қўзиева), мелиорация ва баҳолаш (А.А.Рафиқов, И.А.Хасанов, Т.Қорабоева), гидрологик (Ф.Ҳ.Ҳикматов, Д.Юсупова, Д.П.Айитбоев, Ғ.Х.Юнусов), ёқилғи-энергетика ресурслари ва саноат (А.Б.Бозорбоев), аҳоли ва меҳнат ресурслари (М.Қ.Қорахонов, О.Саидахмедов, Л.Х.Ғуломова, Ж.М.Назирова, А.С.Солиев, О.Б.Ота-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.Эгамбердиев), қишлоқ хўжалиги, шу жумладан пахтачилик (З.М.Акрамов, Т.М.Мирзалиев, А.Эгамбердиев, С.О.Авезов, К.Қурбонов, С.А.Усмонов), чорвачилик (З.М.Акрамов, К.Қурбонов, Қ.Абиркулов), транспорт ва иқтисодий алоқалар (Л.Х.Ғуломова, А.А.Ибраимова), алоқа объектлари (О.Алланазаров), атлас картографияси (Т.М.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров, А.Эгамбердиев, Ж.С.Қорабоев, Ч.В.Гальков, Е.Г.Бродский), кадастр хариталари (И.Ихлосов, Ж.С.Қорабоев, И.Ў.Абдуллаев), картографик методлардан фойдаланиш (А.Эгамбердиев, И.Ў.Абдуллаев), тиббий-географик картография (Н.Комилова, Ш.М.Мухиддинов).

Комплекс харитага олиш соҳасидаги тадқиқотларни истиқболдаги ривожланиши, шунингдек илмий ишланмаларни жорий этиш қуйидаги йўналишларда оиб борилиши керак:

- тизимли ёндошув асосида комплекс харитага олиш назариясини ривожлантириш ва республика учун уни изчил амалга оширишни ягона дастурини ишлаб чиқиш;

- хариталарни янги турларини ва типларини яратиш (баҳолаш, башоратлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва уни иқтисодий самарадорлиги, тиббий-географик ва б.), картографик амалиётда замонавий илғор ГИС технологияларидан фойдаланиш;

- ўқув харита ва атласларини мавзуси ва мазмунини такомиллаштириш, уни мактаб дастурлари, дарсликлари, касбга йўналтириш вазифалари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- харита ва атласларни мазмунини, масштаби, проекцияси, шартли белгилари бўйича бир-бирига боғлаб, бир бутун тизим шаклида чиқариш, хариталарни эстетик жиҳозлашни такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари эътиборга олиб чоп этиш ва бошқалар.

**Хулоса.** Картографик ишларни яхшилаш, картографик асарларни яратишни тезлатиш ва уларни илмий-манتيкий кетма-кетликда, қатъий режа асосида, босқичма-босқич амалга ошириш учун бу ишларни амалий координация қилиш лозим. Бунинг учун “Давергеодезкадастр” қошида Ўзбекистоннинг махсус миллий-информацион картографик маркази ташкил этилиши керак, у ерда барча зарур фазовий-худудий информация бир жойга тўпланади ва мунтазам янгилаб турилади.

Албатта, ҳар қандай харита ёки атлас услубиёт нуқтаи назаридан авваламбор ўзининг бош ғояси, вазифаси ва мақсадига мувофиқ ҳолда қуйидагиларга риоя этиб тузилиши керак. Яъни, хариталар мазмунининг тўлиқлиги ва ички бир-бутунлиги, воқеа ва ходисалар (объектлар)га улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, боғлиқлик ва қарама-қаршиликларни ҳисобга олган ҳолда тизимли картографик тавсиф бериш, шунингдек уларни тарихий ривожланишда акс эттириш, айниқса муҳимдир. Шу билан бир қаторда барча рақамли маълумотларнинг бирорта характерли муддатларга боғланганлиги ва замонавийлигини таъминлаш ва улар ичидан энг асосийларини танлаб олиш ва умумлаштириш ҳамда кўргазмали ва тушунарли қилиб тасвирлаш лозим бўлади. Республикамизда картографияни бугунги ривожланиш даражаси бу соҳадаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзалиев Т. Проблемы комплексного и тематического картографирования Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1987. - 88 с.

2. Мирзалиев Т., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекистане - Ташкент: Фан, 1990. - 150 с.

3. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабоев Ж.С. Атлас картографияси. – Тошкент: Университет, 2015. - 248 б.

4. Природные ресурсы Узбекистана и их картографирование. – Ташкент: Фан, 1976. - 144 с.

5. Проблемы комплексного и тематического картографирования в Узбекистане. Тезисы докладов научно-практической конференции. – Ташкент: Фан, 1983. - 160 с.

6. Хлопководство и его картографирование. – Ташкент: Фан, 1977. - 138 с.

**Сафаров Э.Ю., Алланазаров О.Р., Бегимкулов Э.Қ.\***

#### **ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА КАДАСТР КАРТАЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДИКАСИ**

**Аннотация.** Масофадан зондаш материаллари (МЗМ) электрон карталарнинг географик асосларини яратишда муҳим воситалардан биридир. Кўпгина адабиётларда МЗ, географик ва топографик базалар ўртасидаги мавжуд маълумотларнинг ўзгаришини баҳолашда «кўп» ёки «кам» сифатли чекланмалар қўлланилади. Ушбу ўзгаришларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш учун мутлақо янги, 5 баллик ва 100 фоизли махсус шкала ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** электрон карта, географик асос, масофадан зондаш, дешифровка, ГИС, Рапогата, карта

#### **Разработка методики создания географической основы кадастровых карт на базе ГИС**

**Аннотация.** Материалы дистанционного зондирования (МДЗ) являются ключевыми факторами при разработки географических основ кадастровых карт. В литературе при

\* Сафаров Э.Ю. – ЎзМУ картография кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор;

Алланазаров О.Р. – Тошкент давлат техника университети маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси доценти, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD);

Бегимкулов Э.Қ. - Тошкент давлат техника университети маркшейдерлик иши ва геодезия кафедраси ассистенти.



оценке существующих информационных изменений между МДЗ, географической и топографической основами используются качественно ограниченные термины «много» или «мало». Для оценки этих изменений в качественной и количественной степени была разработана принципиально новая 5-балльная и 100 процентная специальная шкала.

**Ключевые слова:** электронная карта, географическая основа, дистанционное зондирование, дешифровка, ГИС, Panorama, карта.

**Development of a method of creating a geographical basis of cadastral maps on the basis of GIS**

**Abstract.** Remote sensing materials (RSM) are key factors in the design of geographical bases of electronic cards. In the literature when assessing existing information changes between RSM, geographical and topographical basis used qualitatively limited terms «a lot» or «a little». To assess these changes in a more simple qualitative and quantitative extent has been developed fundamentally new 5-point and 100-percent the special scale.

**Key words:** electronic map, geographical basis, remote sensing, decryption, GIS, Panorama, map

**Кириш.** Республикамизда кадастр ишларини юритиш ҳамда уларни геодезик, картографик таъминлаш, кадастр карталарини янгилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кадастр карталарини янгилаш уларнинг инфратузилмасини яхшилаш ҳамда карталарни тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш, географик координаталар асосида жойга боғлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Давлат кадастрларини картографик таъминлаш мақсадида, унинг электрон карталарини янгилаш ва тузиш усулларини такомиллаштиришда масофадан зондлаш материалларидан кенг фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Асосий қисм.** Ҳозирги пайтда кадастр тизимида қўлланилаётган картографик материаллар ва аэрокосмик суратлардан кадастр рақамли карталарини тузишда асос сифатида фойдаланилади. Кадастр тизимида асосий манба сифатида масофадан зондлаш маълумотлари ишлатилади. Барча объектлар кадастри учун рақамли кадастр карталарни тузиш ва янгилашда аэрокосмик методдан фойдаланилади. Амалиётда аэрокосмик суратларнинг спектрал зонаси аниқланиб фотограмметрик ишлов бериш автоматлаштирилган йўл билан ёки интерактив тарзда олиб борилиши мумкин.

Суратларнинг оптик дешифровка белгиларини танлаш, интерактивларни белгилашда хорижий ГИС дастурларидан кенг қўламда фойдаланилган тарзда бажарилади. Олиб борилган таҳлиллардан маълум бўлдики, республикамизда оптик дешифровка белгиларини қайта ишлаш жараёни Intergraph, Leica geosystems, Mapinfo, Panorama ГИС каби дастурларида амалга оширилмоқда. Иш жараёнида қизил, яшил, мовий ва яқин инфрақизил спектр зоналарида, Landsat 7, Ikonс учуш аппаратларидан олинган суратлар ва Google системасидаги космик ва аэросуратлар ишлатилди.

Кадастр тизими рақамли карталарини яратишда энг яхши самара берадиган дастур - бу Panorama ГИС дастури ҳисобланади [3, Б. 20-21]. Ишнинг мақсад ва вазифасига қараб мутахассис космик маълумотларни тўплаш ишларини амалга оширади. Космосдан олинган суратларни дешифровка қилишда дастлаб жой тўғрисидаги мавзули маълумотлар таҳлил қилинади, улар тизимланади ва баҳоланади. Бунда асосий эътибор масофадан олинган материалларнинг масштабига, спектрал диапазонларига, олинган мавсуми ва вақтига қаратилади. Дешифровка жараёнида суратдаги ва картадаги объектлар ўзаро таққосланилади. Агар картада жой тавсилотлари бўйича ўзгаришлар кўп бўлса, унда зондлаш материаллари махсус дастурларда қайта ишланади.


Барча адабиётларда масофадан зондлаш материаллари билан географик ва топографик карталар орасидаги мавжуд тофовутларни (ўзгаришларни) баҳолаш сифат жихатдан изоҳланган бўлиб, унда — «кўп» ёки — «кам» чекланмаларидан фойдаланилган [4, Б. 30-35]. Бу ўзгаришларни куйидаги 5 баллик ва фоизли содда сифат ва миқдор даражада баҳолаш учун махсус шкала ишлаб чиқилди (1-жадвал). Географик ва топографик асосларга киритилиши талаб этиладиган янгилаш даражаларини аниқлаш ҳамда топографик асосларга киритилиши

Ўзгаришларни баҳолаш шкаласи

Ўзгаришлар миқдори		Сифат кўрсаткичларининг ўзгаришлари	Географик ва топоасосларга киритилиши талаб этиладиган ўзгартириш даражаси
Баллда	Фoизда		
1	0-20	қисман	Қисман ўзгартириш киритилиши
2	20-40	паст	Паст даражадаги ўзгартиришларнинг киритилиши
3	40-60	ўртача	Йирик масштабли космик материаллар асосида ўрта даражада қайта ишланиши
4	60-80	Кўп	Йирик масштабли космик материаллар асосида кенг кўламда қайта ишланиши
5	80-100	Жуда кўп	Дронларда махсус сьемка ишларининг бажарилиши ва тўлиқ қайта ишланиши

Ерни масофадан зондлаш бўйича ва янги объектлар билан боғлиқ ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолашда дронлардан ва учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Бундай асбоблардан фойдаланиш иш унимдорлигини оширса-да, бир мунча иктисодий харажатларни талаб этади [1, Б. 187-191]. Шу сабабли дронлар ва учувчисиз аппаратлар асосида сьемка қилиш ишларини режалаштиришда, аввалам бор, картадаги ўзгариш кўрсаткичлари ўта юқори даражада, яъни, 5 балл (ёки 80%) ва ундан юқори бўлган худудлардагина тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Дрон ва учувчисиз аппаратларидан олинган фотосуратлар орқали янги объектларни аниқлаш ва худуддаги ўзгаришлар даражаларини баҳолаш учун махсус технология ишлаб чиқилди (1-расм).

Дрон ва учувчисиз аппаратлар ёрдамида сьемка қилиш жараёнида мутахассис бевосита иш майдонига чиқиб учиш аппаратининг ҳаракат йўналишни белгилайди ва уни ГИС орқали дастурлайди.




1-расм. Дрон ва учувчисиз аппаратлар орқали кадастр карталари асосини яратишнинг технологик схемаси

Масофадан зондлаш маълумотлари AgisoftPhotoscan дастурида олинган суратларни қайта ишлаш автоматлашган ҳолда қуйидаги кетма кетликда иш олиб борилади: дастлаб


дастурга суратлар юкланади; суратлар координаталари бўйича жадвалли маълумотлар юкланади; координаталар бўйича суратлар трапецияларга жойлаштирилади; ер юзасини нуқталар бўйича модели яратилади; жойда геодезик тармоқлар мавжуд бўлса, фотосурат ва ортофотопланлар унга боғланади; модел оптималлаштирилади ва тартибга солинади; ортофотоплан баландлик матрицалари экспорт қилинади [2, С. 54-61].

Бундай амалиётни бажариш учун компьютернинг хотира параметрлари юқори даражада бўлиши керак. Олинган натижалар мажмуаси худуднинг 2 ва 3 ўлчамли моделини яратиш имконини беради.

Бундан ташқари, дронлар ва учувчисиз аппаратлар ёрдамида олинган фотосуратларнинг ҳар бири аппаратга ўрнатилган GPS тизими асосида ўзининг аниқ координата тизимига эга бўлади. Ушбу координаталар бўйича яратилган тўрға суратлар жойлаштириб чиқилади ҳамда фотосуратдаги объектлар контурларининг чегаралари визуаллаштирилади (2-3-расмлар).



2-расм. Фотосуратларни Agisoft PhotoScan дастурига юклаш



3-расм. Суратларни координаталарга боғлаш

Кадастр рақамли карталарини яратишнинг ушбу технологиясида топографик карталарни қандай қилиб янгилаш бўйича тушунчалар берилган бўлиб, рақамли карталарни яратиш ва янгилашнинг ушбу усули муҳим аҳамиятга эга. Бу методикада топографик карта ортофотоплан устига жойлаштирилади, сўнгра топографик картадаги ва фотосуратдаги объектлар ўзаро таққосланади.

Агар изланиш олиб борилаётган жойда ўзгаришларнинг кўрсаткичлари қисман ёки паст даражада бўлса, бу ўзгаришлар мавжуд топокартага туширилади. Ўзгаришларнинг кўрсаткичлари ўрта ёки юқори даражани ташкил қилса, топокарта қисман рақамлаб чизиб чиқилади. Агар ўзгариш кўрсаткичлари кшп ва жуда кўп даражада 5 балл (ёки 80% ) ва ундан юқори бўлса изланиш олиб борилаётган жойнинг барча объектларини дрон ёки учувчисиз аппаратлар ёрдамида янгидан съёмка қилинади, олинган фотосуратлар эса тўлиқ қайта дешифровкаланади ва олинган натижалар рақамланиб топографик карта тўлиқ қайтадан янгиланади.

**Хулоса.** Шуни таъкидлаш керакки, рақамли кадастр карталарнинг географик асосини ишлаб чиқишда, алоҳида эътибор, масофадан зондлаш материалларига қаратилиши лозим. МЗМлари – географик асос – топоасос тизимидаги мавжуд ахборотлар ўзгаришларини баҳолашда эса принципиал янги 5 балли ва 100 фоизли махсус шкаладан фойдаланишда, тузилаётган рақамли кадастр карталарни ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан юқори аниқлик даражаларида баҳолаш ва карталарни тезда янгилашга имкон беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алланазаров О.Р., Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М. Геоинформатиканинг таълим тизимида ва алоқа объектлари давлат кадастрида қўлланилиши ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 49-жилд – Т., 2017. –187-191 б.
2. Инструкция по фотограмметрическим работам при создании цифровых топографических карт и планов ГКИНП (ГНТА)-02-036-02. Москва, ЦНИИГАиК, 2002.
3. Книжников Ю. Ф., Кравцова В. И., Тутубалинас О.В. Аэрокосмические методы географических исследований. – М.: Академия, 2011. – 330 с.
4. Thomas M. Lillesand, Ralph W. Kiefer, Jonathan W. Chipman. Remote sensing and image interpretation. Sixth edition – Chaudhary Press (India), 2016. – 754 p.

**АЛИ АБДУЛҚОСИМОВ – 85 ЁШДА!**

Самарқанд давлат университети табиий география илмий мактабининг йирик намоёндаси, машҳур ландшафтшунос олим, “Эл-юрт хурати” ордени соҳиби, география фанлари доктори, профессор Али Абдулқосимов бу йил қутлуғ 85 ёшга тўлмоқда.

Устоз 1934 йил 25 декабрда Пайарик туманида туғилган. 1954 йилда тумандаги 25-сонли ўрта мактабни “Олтин медаль” билан тугатди. Шу йилда А.Абдулқосимов Ўзбек (ҳозирги Самарқанд) давлат университети геология-география факультетининг география бўлимига ўқишга кириб, уни 1959 йилда муваффақиятли тугатган.

Меҳнат фаолиятини бўлажак профессор 1959 йилда Пайарик туманидаги 19-ўрта мактабда география ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1960 йилда эса у Самарқанд давлат университети табиий география кафедрасига ишга ўтди. Ёш ва иқтидорли мутахассис А.Абдулқосимов Воронеж давлат университетидан 1961-1964 йилларда аспирантурада ўқиб, 1964 йилда машҳур ландшафтшунос Ф.Н. Мильковнинг илмий раҳбарлигида «Фарғона ботиғини ландшафт-типология карталаштириш ва табиий географик районлаштириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шундан сўнг А.Абдулқосимов иш фаолиятини Самарқанд давлат университетидан давом эттириб, ассистентликдан профессорлик лавозимигача йўлни босиб ўтди. Олим бир неча йиллар давомида Ўрта Осиёдаги тоғоралиғи ботиқлари ландшафтларини дала тадқиқотлар ва ландшафт хариталаштириш орқали ўрганиб борган. Бу илмий изланишлар натижаси ўлароқ А.Абдулқосимов 1990 йилда Боку шаҳрида Озарбайжон ФА География институтининг Ихтисослашган кенгашида «Ўрта Осиё йирик тоғоралиғи ботиқлари ландшафтларининг маконий дифференциацияланиши ва антропоген трансформацияланиши» мавзусида география фанлари доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Абдулқосимовнинг илмий тадқиқотлари табиий ва антропоген ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, уларнинг энг муҳим натижалари Ўрта Осиёдаги йирик тоғ оралиғидаги ботиқ ландшафтларининг кенглик, узунлик ва вертикал табақаланиш қонуниятлари, тоғ оралиғидаги ботиқларнинг табиий географик типологияси, бу ҳудудларда шаклланган антропоген ландшафтларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берилганлиги, минтақа ҳудудидаги антропоген ландшафтлар шаклланишининг тарихий географик ўчоқлари аниқланганлигида ўз аксини топган.

А.Абдулқосимов 550 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, кўплаб монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи ҳисобланади. Устознинг илмий раҳбарлигида 1 та докторлик (С.Б.Аббосов), 4 та номзодлик (С.Б.Аббосов, К.М.Боймирзаев, Ю.Ҳ.Абдурахмонова, О.М.Қўзибоева) ва 1 та фалсафа доктори (Қ.С.Ярашев) диссертациялари ҳимоя қилинган.

Ўзбекистон География жамияти раёсати, Самарқанд давлат университети География ва экология факультети жамоаси Али ака Абдулқосимовни қутлуғ юбилейлари билан чин юракдан муборакбод этиб, у кишига мустақкам соғлик, оилавий тинчлик ва бахт, касбу-корларига эса хайру-баракот ато этишини тилайдилар.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
Самарқанд давлат университети География ва экология факультети*

**ҲАМИДХОН МУБОРАКОВИЧ МУБОРАКОВ – 80 ЁШДА!**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геодезия ва геоинформатика кафедраси мудири, республика мида таниқли геодезист олим, техника фанлари номзоди, доцент Ҳамидхон Муборакович Мубораков бу йил 80 ёшлик юбилейини қаршилайди.

Ҳамидхон Мубораков 1939 йил 30 декабрь куни Наманган вилояти Косонсой туманида деҳқон оиласида туғилган. Ҳ.Мубораков 1957 йили ўрта мактабни тугатгач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИҚХМИИ)нинг Ер тузиш факультетига ўқишга киради ва уни 1962 йилда имтиёзли диплом билан тугатади. Ўша йилда битириб чиққан даргоҳининг геодезия кафедрасида дастлаб муҳандис, сўнгра кафедра ассистенти лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

1970-1973 йилларда Ҳамидхон Муборакович Мубораков Москва муҳандислик-қурилиш институтининг муҳандислик геодезияси кафедраси аспирантурасида таҳсил олди ва 1974 йилда “Кўп қаватли зилзилабардош биноларни барпо этишда геодезик ишларнинг аниқлиги ва услубини тадқиқ этиш” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Ҳ.М. Мубораков 1973-1984 ва 1989-1993 йилларда ТИҚХМИИнинг Геодезия кафедраси мудири, 1984 йилдан 1989 йилгача эса шу кафедранинг доценти лавозимларида ўз илмий-педагогик фаолиятини олиб борди.

Ҳ.М. Мубораков 1994-1997 йилларда Косонсой тумани давлат солиқ инспекцияси бош назоратчиси, 1997-2002 йилларда эса Тошкент давлат муҳандислик тадқиқотлар институти менежмент бўлими бошлиғи муовини лавозимларида ишлади.

Олим 2002 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг геодезия, картография ва кадастр кафедрасига ишга ўтиб, 2005 йилгача кафедра доценти, 2005-2010 йилларда ушбу кафедранинг мудири лавозимида, 2010 йилдан 2018 йилгача эса яна кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатди.

ЎзМУда 2018 йилда алоҳида геодезия ва геоинформатика кафедраси ташкил этилди ва унинг мудири лавозимида техника фанлари номзоди, доцент Ҳ.М. Мубораков тайинланди. Устоз ҳозирги кунгача шу лавозимда меҳнат қилиб келмоқдалар.

Доцент Ҳ.М. Мубораков 3 та монография, 2 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, ўқув-топографик карталар ва 100 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи. Жумладан, унинг нашр этилган “Геодезия ва картография”, “Олий геодезия” дарсликлари, “Геодезия”, “Инженерлик геодезияси” ўқув қўлланмаларидан олий ўқув юртлари талабалари ҳамда коллеж ўқувчилари ҳам кенг фойдаланиб келмоқда.

Ҳ.М. Мубораков 1976-1980 йилларда собиқ Иттифокнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Инженерлик геодезияси бўйича илмий-методик кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. 2004-2007 йилларда эса у 05.24.01 - Геодезия мутахассислиги бўйича номзодлик диссертацияларни ҳимоя қилиш Ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида фаол иш олиб борди. Ҳ.М.Мубораков Ўзбекистон Республикаси Геодезия жамиятининг фахрий аъзосидир.

Ўз соҳасининг етакчиси, тажрибали педагог, фидоий ва камтарин инсон Ҳ.М.Мубораков 80 ёшни қаршилади. Шу қутлуғ сана билан Ўзбекистон География жамияти раёсати ва факультет жамоаси ҳурматли Устозни самимий табриклаб, у кишига сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, илмий фаолиятида янгидан-янги ютуқлар тилайди.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
ЎзМУ География ва табиий ресурслар факультети*

**АЛЕКСАНДРУ АЛЕКСАНДРОВИЧУ ЧИБИЛЁВУ – 70 ЛЕТ!**

В 2019 году отметил 70-летний юбилей один из крупнейших в мире исследователей степных ландшафтов, известный российский географ, основатель и первый директор, а ныне – научный руководитель Института степи Уральского отделения РАН, вице-президент Русского географического общества, академик Российской академии наук, доктор географических наук, профессор Александр Александрович Чибилёв.

А.А.Чибилёв родился 26 марта 1949 года в Оренбургской области. Окончив среднюю школу в 1966 году, он поступил на географический факультет Воронежского государственного университета, который успешно окончил в 1971 году.

После университета А.А.Чибилёв прошёл срочную военную службу, а после демобилизации в 1973 году занялся активной научной и организационной работой. В 1974 году он организовал научно-исследовательскую лабораторию мелиорации ландшафтов, позже вошедшую в НИИ охраны и рационального использования природных ресурсов при Оренбургском политехническом институте. В эти годы он обучался в заочной аспирантуре Воронежского университета под руководством одного из крупнейших физико-географов своего времени профессора Ф.Н.Милькова.

В 1979 году А.А.Чибилёв успешно защитил кандидатскую диссертацию по специальности «11.00.01 – Физическая география, геофизика и геохимия ландшафтов» на тему «Ландшафты Общего Сырта и вопросы их мелиорации». Защита состоялась на заседании Специализированного совета при географическом факультете Ташкентского государственного университета под председательством профессора Н.А.Когая.

Исследования степей Оренбургской области и сопредельных территорий, проблем их рационального использования стали основой для докторской диссертации учёного на тему «Ландшафтно-экологические основы рационализации природопользования в степной зоне (на примере Южного Урала в сопредельных территориях)», которую он успешно защитил в Санкт-Петербургском университете в 1992 году.

Организованная А.А.Чибилёвым в 1974 году лаборатория мелиорации ландшафтов в 1987 году была преобразована в лабораторию ландшафтной экологии Института экологии растений и животных УрО РАН, ставшую в 1990 году Отделом степного природопользования. Этот отдел в 1996 году под руководством юбиляра был преобразован в Институт степи, который стал научным центром по изучению географии и экологии степей мирового значения. В 1996-2018 годах А.А.Чибилёв был директором Института степи, а с 2018 года является его научным руководителем.

В результате многолетних исследований А.А.Чибилёвым выявлено более 2000 памятников природного наследия на Южном Урале и в Западном Казахстане, из которых более 500 взяты под охрану государства. Кроме того, он – инициатор создания первого в России степного заповедника кластерного типа – Оренбургского, а также национального парка «Бузулукский бор» в Оренбургской области.

На счету А.А.Чибилёва более 650 публикаций, в т.ч. более 40 книг, монографий, учебных пособий. Им подготовлено более 30 докторов и кандидатов наук. В 1997 году А.А.Чибилёв был избран членом-корреспондентом, а в 2016 году – академиком РАН по специальности «География». С 2002 года является вице-президентом РГО.

Президиум Географического общества Узбекистана искренне поздравляет Александра Александровича Чибилёва с юбилеем и желает ему крепкого здоровья, неиссякаемой энергии и плодотворной научной и организационной работы!

*Президиум Географического общества Узбекистана*

**АЛЕКСАНДРУ ИВАНОВИЧУ АЛЕКСЕЕВУ – 70 ЛЕТ!**

2 декабря 2019 года исполнилось 70 лет одному из видных российских географов-обществоведов, крупному исследователю в сферах географии населения и социальной географии, профессору кафедры экономической и социальной географии России географического факультета Московского государственного университета, доктору географических наук Александру Ивановичу Алексееву.

Александр Иванович родился в 1949 году в Донецке. По окончании средней школы в 1966 году он поступил на географический факультет МГУ имени М.В.Ломоносова, который окончил в 1971 году. Вскоре А.И.Алексеев поступил в аспирантуру географического факультета МГУ. В 1975 году он успешно защитил кандидатскую диссертацию на тему «Экономико-географическое изучение и прогнозирование сельского расселения» под научным руководством корифея советской географии населения профессора, доктора географических наук С.А.Ковалёва. Тогда же Александр Иванович начал преподавать на кафедре экономической географии СССР (ныне – кафедра экономической и социальной географии России) МГУ.

В 1970-80-е годы А.И.Алексеев активно участвует в экспедиционных исследованиях сельской местности в различных регионах бывшего Союза, в работе по составлению ряда комплексных региональных атласов. В 1989 году Александр Иванович успешно защитил диссертацию на соискание учёной степени доктора географических наук на тему «Территориальная организация социальной сферы в сельской местности СССР», а через 2 года стал профессором.

Научные исследования Александра Ивановича Алексеева охватывают широкий круг проблем в области экономической и социальной географии: социальную географию, географию населения, географию качества жизни, региональную политику и другие вопросы. Юбиляр - автор более 200 научных работ, изданных на русском, английском, испанском и венгерском языках. Им разработаны методология и методика социально-географического изучения сельской местности, которые обобщены в широко известной монографии "Многоликая деревня: населения и территория" (1991).


Профессор А.И. Алексеев – автор нескольких школьных учебников по географии России и руководитель авторского коллектива учебно-методического комплекта "Полярная звезда", в рамках которого издательством "Просвещение" выпущены школьные учебники по географии для 6-9 класса.

Под руководством профессора Александра Ивановича защищены более 20 кандидатских и докторских диссертаций. Несколько лет А.И.Алексеев являлся председателем Диссертационного совета по экономической и социальной географии при Московском государственном университете.

Профессор А.И.Алексеев неоднократно бывал в Узбекистане с творческими командировками, давно сотрудничает с отечественными экономико-географами. Близким другом Александра Ивановича был ныне покойный профессор А.С.Салиев – многолетний председатель Географического общества Узбекистана. Научные и учебно-методические труды профессора А.И.Алексеева активно используются в преподавании различных учебных курсов в вузах нашей республики.

Сердечно поздравляем Александра Ивановича Алексеева с 70-летием, искренне желаем ему крепкого здоровья, долголетия и новых творческих успехов!

*Президиум Географического общества Узбекистана,  
кафедра экономической и социальной географии  
Национального университета Узбекистана*

**НАИЛЕ ИСМАЙЛОВНЕ САБИТОВОЙ – 65 ЛЕТ!**

Профессор, доктор географических наук Наила Исмаиловна Сабитова родилась в 1954 году, в Ташкенте. В 1976 году она окончила географический факультет ТашГУ по специальности «Гидрология суши». Свою трудовую деятельность она начала в 1976 году научным сотрудником биолого-почвенного факультета ТашГУ.

В те годы она прошла стажировку в лаборатории картографии почв НИИ почвоведения и агрохимии (ныне - НИИ почвоведения и фотосинтеза РАН) АН СССР под руководством академика В.А.Ковды и профессора И.Н.Степанова. В результате Н.И.Сабитовой была подготовлена кандидатская диссертация по специальности «11.00.07 – Гидрология суши, водные ресурсы, гидрохимия» на тему «Прогноз гидрохимического стока горизонтальных дрен путём применения метода натуральных аналогов (на примере орошаемых массивов Низовий Амударьи)», которая в 1983 году была успешно ею защищена в Государственном гидрологическом институте (г. Санкт-Петербург).

В 1983-1990 годах Н.И.Сабитова работала старшим научным сотрудником в Институте гидрогеологии и инженерной геологии (ГИДРОИНГЕО). В эти годы Н.И. Сабитова занималась разработкой научных основ мелиорации земель, вопросами рационального использования водных ресурсов, оценкой и картированием геоэкологической ситуации в районах добычи и переработки полезных ископаемых.

Н.И.Сабитова с 1999 года работает в Национальном университете Узбекистана. В 2002 году Наила Исмаиловна успешно защитила докторскую диссертацию по специальности «11.00.01 – Физическая география, геофизика и геохимия ландшафтов» на тему «Научные основы морфогеометрического метода при решении географо-гидрогеологических задач (на примере Узбекистана и прилегающих территорий)». В настоящее время является профессором кафедры физической географии.

Профессор Н.И.Сабитова к настоящему времени опубликовала более 120 научных работ, участвовала в разработке и подготовке к изданию целого ряда тематических карт и комплексных атласов.

Под научным руководством Н.И.Сабитовой защитили кандидатские диссертации Д.Еогбо (Гвинея) и О.Рузикулова, диссертацию доктора философии (PhD) по географическим наукам – Х.Тухтаева. В настоящее время Н.И.Сабитова руководит научно-исследовательской работой соискателей К.К.Байназарова (Казахстан), Г.Холдаровой и М.Каюмовой. Н.И.Сабитова с 2017 года является председателем Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06 по присуждению учёных степеней при Национальном университете Узбекистана, а с 2018 года – также заместителем председателя Научного совета DSc.05.30.2018.G.02.07 по присуждению учёных степеней при Самаркандском государственном университете.

Н.И.Сабитова, будучи профессором кафедры физической географии университета, в течение многих лет добросовестно передает свой опыт, знания и навыки студентам, магистрантам, соискателям и молодым учёным, постоянно работает над повышением своего научно-педагогического потенциала.

Президиум Географического общества Узбекистана и коллектив факультета Географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана искренне поздравляют Наилу Исмаиловну Сабитову с юбилеем и желают ей всех благ, крепкого здоровья, семейного благополучия и новых творческих успехов.

*Президиум Географического общества Узбекистана,  
Факультет географии и природных ресурсов  
Национального университета Узбекистана*



**АСҚАР НИГМАТУЛЛАЕВИЧ НИГМАТОВ – 65 ЁШДА!**

Ўзбекистон ва қўшни давлатларда таниқли табиий географ ва геоэколог олим, география фанлари доктори, профессор Асқар Нигматуллаевич Нигматов 1954 йил 26 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди.

А.Н.Нигматов 1971 йил 144-мактабни, сўнгра 1976 йил ТошДУ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ) География факультети Табиий география йўналишини битириб, Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрокимё институти (ТАИ)га ишга юборилди.

Асқар Нигматуллаевич 1976–1995 йиллар мобайнида Тупроқшунослик ва агрокимё институтида Тупроқ эрозияси лабораторияси катта лаборантидан ўзи ташкил этган Тупроқ эрозияси ва техноген бузилиши бўлими мудиригача бўлган лавозим йўлини босиб ўтди.

Аспирантурада А.Н.Нигматов Москва Давлат университети профессори М.Н.Заславский ва ЎЗР ФА ТАИ лаборатория мудири, профессор Х.М.Маҳсудов раҳбарликларида таҳсил олди ҳамда 1985 йили «Тошкент вилоятининг жарланган ерлари ва уларни мелиорация қилиш» мавзусида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Докторантурани эса у 1990–1993 йилларда М.В.Ломоносов номидаги МДУ профессорлари Г.А.Ларионов ва Р.С.Чаловлар раҳбарлигида ўтаб, 1993 йили Москва Давлат университетида «Ўзбекистон ерларининг жарланиши ва техноген бузилиши: уларни мелиорация ва рекультивация қилишнинг географик жиҳатлари» мавзусида география фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлади.

Профессор А.Н. Нигматов ўз илмий - педагогик фаолиятини ЎЗР ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқий билимлар кафедраси профессори (1995–1999 йй.), ЎЗР Адлия вазирлиги ТДЮИ экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси профессори (1999–2005 йй.), ЎЗМУ табиий география кафедраси мудири (2004–2006 йй.), ЎЗМУ АЛ ва КХК билан ишлаш бўйича проректори (2005–2011 йй.), ЎЗМУ экология кафедраси мудири (2011–2012 йй.), ботаника ва экология кафедраси профессори (2013–2014 йй.), ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти таълимда бошқарув кафедраси мудири (2015-2018 йй.), МТТРХҚТМО институти менежмент кафедраси профессори (2018 йилдан буён) лавозимларида олиб борди ва давом эттирмоқда.

Профессор А.Н. Нигматов ҳозирги вақтгача 500 дан зиёд ўқув, илмий, илмий-оммабоп ишлар, жумладан, 13 та монография, 23 та дарслик, 27 та ўқув қўлланма, 28 та ўқув-методик ва методик қўлланма, 22 та китоб ва рисола, 1 та ихтиро патенти, 6 та муаллифлик гувоҳномаси, 3 та АКТ дастури, 1 та луғат, 14 та мавзули карта, 370 тадан зиёд илмий ва оммабоп мақола ва тезисларни ўзи ҳамда шогирдлари билан chop эттирган.

Унинг раҳбарлигида география, тупроқшунослик, юриспруденция, педагогика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси фанлари йўналишларида бевосита 18 та фан номзоди, билвосита тарзда эса 7 та фан доктори ва номзоди етишиб чиққан.

Ўзбекистон География жамияти раёсати ва “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти профессор Асқар Нигматуллаевич Нигматовни 65 ёши билан самимий муборакбод этиб, у кишига узок умр, мустаҳкам саломатлик, илмий ва педагогик фаолиятларида янги-янги зафарлар ва ютуқларга эришишни тилаб қоладилар.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти*

**АХМАДЖАН АХУНОВИЧ ХАЛМИРЗАЕВ – 60 ЁШДА!**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети минтақавий иқтисодиёт кафедрасининг доценти, география фанлари номзоди Халмирзаев Ахмаджан Ахунович 60 ёшга тўлди.

Халмирзаев Ахмаджан Ахунович 1959 йилнинг 16 декабрида Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги Хамза кишлоқ фуқаролари йиғинидаги Қўғай кишлоғида дехқон оиласида туғилган. У 1977 йилда мактабни олтин медаль билан битириб, Тошкент давлат университетининг География факультетига ўқишга кирган ва уни 1982 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

А.А. Халмирзаев 1982-1984 йилларда Қуролли кучлар сафларида зобит бўлиб хизмат қилган, 1984-1992 йилларда Учқўрғон туманида ўзи туғилиб ўсган кишлоқдаги 32-сонли ўрта мактабда география фанидан дарс берган, шунингдек, мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини ва илмий бўлим мудири лавозимларида ишлаган.

1992-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг География бўлимида кичик илмий ходим ва кундузги бўлим аспиранти сифатида фаолият кўрсатган. Илмий тадқиқотларини таниқли иқтисодий географ олим география фанлари доктори, профессор З.М. Акрамовнинг илмий раҳбарлигида амалга ошириб келди.

А.А. Халмирзаев 1995 йилда Тошкент давлат университети ҳузуридаги 11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисослиги бўйича география фанлари номзоди илмий даражасини берувчи Ихтисослашган кенгашда “Ўзбекистоннинг обикор минтақаларида чорвачилик тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш (Фарғона иқтисодий райони мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси 2008 йилда А.А. Халмирзаевни “Иқтисодиёт назарияси” ихтисослиги бўйича доцент илмий унвонига тасдиқлади.

Доцент А.А. Халмирзаев 1997-2003 йилларда Иқтисодиёт факультети деканининг илмий ишлар бўйича муовини, 1999-2003 йилларда “Бизнесни бошқариш” кафедрасининг мудири, 2006-2012 йилларда Ўзбекистон миллий университети Касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, 2012-2016 йилларда Иқтисодиёт факультети “Минтақавий иқтисодиёт” кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.

Доцент А.А. Халмирзаев томонидан 300 дан зиёд илмий ва илмий услубий ишлар эълон қилинган. Шундан 20 дан ортиғи хорижий илмий нашрларда чоп эттирилган мақолалар ташкил қилади. Шу билан бирга, доцент А.А. Халмирзаев бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи ҳам ҳисобланади.

Ахмаджон Ахунович Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” фонди гранти соҳиби сифатида Москва Давлат университетининг География ва Иқтисодиёт факультетларида уч маротаба малака ошириб келган.

Ҳозирги кунда олим Ўзбекистоннинг табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш истикболлари мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон География жамияти раёсати, Ўзбекистон Миллий университетининг Иқтисодиёт ҳамда География ва табиий ресурслар факультетлари жамоалари Ахмаджан Ахунович Халмирзаевни қутлуғ 60 ёшлик юбилеи билан табриклаб, у кишига узоқ умр, сихат саломатлик, илмий-педагогик фаолиятларида куч-ғайрат тилайди.

*Ўзбекистон Республикаси География жамияти раёсати,  
Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт ҳамда  
География ва табиий ресурслар факультетлари*

**КАРОМИДДИН ИБОДОВИЧ ГАДОЕВ – 55 ЁШДА!**



Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий алоқалари ва дипломатия соҳасида кўп йиллик самарали меҳнати билан танилган география фанининг истеъдодли вакили, география фанлари номзоди Каромиддин Ибодович Гадовев 2019 йилда 55 ёшга тўлди.

К.И.Гадовев 1964 йил 11 март куни Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Кумушкент қишлоғида таваллуд топган. 1980 йилда ўрта мактабни битиргач, меҳнат фаолиятини Вобкент туманидаги “Зарафшон” жамоа хўжалигида ишчи сифатида бошлади.

Каромиддин Ибодович болалигидан география фанига бўлган қизиқиши туфайли 1982 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг География факультетига ўқишга қирган. 1983 йилда олий ўқув юртидаги таҳсил олиш жараёнини вақтинча тўхтатиб, К.И. Гадовев ҳарбий хизматга борди ва 1985 йилгача Армия сафида хизматини ўтади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1985 йилда К.И. Гадовев университетдаги ўқишини давом эттиради ва 1989 йилда уни имтиёзли диплом билан битиради.

Университетни тугатгач, К.И. Гадовев Ўзбекистон ФА География бўлимининг аспирантурасига ўқишга кириб, 1992 йилда уни тамомлаган. Аспирантурада илмий тадқиқотини К.И. Гадовев таникли иқтисодий географ, қишлоқ хўжалик географияси бўйича йирик мутахассис профессор З.М. Акрамов ҳамда республикадаги етакчи картограф олим доцент (кейинчалик – профессор) Т.М. Мирзалиев раҳбарлигида амалга оширди. Аспирантурадаги ўқишини яқунлаб, 1993 йилда К.И. Гадовев “Қишлоқ хўжалик мажмуасининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни харитага олиш (Бухоро вилояти Вобкент тумани мисолида)” мавзусидаги география фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Диссертация ҳимоясидан сўнг К.И. Гадовев меҳнат фаолиятини Ўзбекистон ФА География бўлимида давом эттирган. Ушбу ташкилотда муҳандис-картограф, кичик илмий ходим, илмий ходим ва катта илмий ходим лавозимларида фаолият олиб борди.

К.И. Гадовев 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида иш бошлади. Бу тизимда К.И. Гадовев турли йилларда Сиёсий таҳлил ва истиқболни белгилаш бошқармаси иккинчи ва биринчи котиби, БМТ ва халқаро сиёсий ташкилотлар бошқармаси бўлим бошлиғи, МДҲ ва ШХТ тузилмалари билан ҳамкорлик бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. Шунингдек, К.И. Гадовев 2003-2008 йилларда Ўзбекистон Республикасининг НАТО ҳузуридаги миссияси биринчи котиби, маслаҳатчиси лавозимларида, 2013 йилдан 2018 йилгача эса Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги элчихонаси маслаҳатчиси лавозимида ҳам ишлаган. 2018 йил май ойидан К.И. Гадовев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Кўптомонлама ҳамкорлик Бош бошқармаси Глобал сиёсат ва хавфсизлик бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

География фанлари номзоди К.И. Гадовев 100 тага яқин илмий-услубий ишлар муаллифи. Каромиддин Ибодовичнинг турли йилларда нашр этилган география фани тарихига оид “Жаҳонгашта сайёҳлар” ва “Ўзбек география фани фидойилари” китоблари алоҳида эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон География жамияти раёсати, “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти Каромиддин Ибодович Гадовевни қутлуғ 55-йиллиги билан табриклаб, мустаҳкам соғлик, боқий умр ва меҳнат фаолиятида юксак муваффақиятлар тилайди.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти*

**САИДА КАХАРОВНА ТАШТАЕВА – 55 ЁШДА!**

Шаҳарлар географияси соҳасида кўп йиллар давомида илмий изланишларни олиб бораётган иқтисодий географ, география фанлари номзоди, доцент Саида Кахаровна Таштаева 2019 йилда 55 ёшга тўлди. С.К.Таштаева 1964 йил Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Дўрмон кўрғонида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни “Олтин медаль” билан тугатгач, география фанига бўлган кизиқиши уни Тошкент давлат университетининг География факультетига етаклади.

С.К.Таштаева талабалик вақтида ўқишдаги ютуқлари ва намунали хулқи учун номдор давлат стипендиясига сазовор бўлди. У 1984 йили Москвада ўтказилган “География 21-аср бўсағасида” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда “Тошкент агломерациясининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари” номли илмий маърузаси билан иштирок этиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Шунингдек, у 1985 йил Вильнюс шаҳрида ўтказилган талабалар илмий тадқиқотлари танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

С.К.Таштаева 1987 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, ўрта мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2004 йилдан эса у ЎЗМУ ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт (ҳозирги кунда – иқтисодий ва ижтимоий география) кафедрасида ўқитувчи вазифасида фаолият юрита бошлади.

С.К.Таштаева 2011 йилда ГМИТИ хузуридаги Ихтисослашган кенгашда “Ўзбекистонда шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари (Тошкент агломерацияси мисолида)” мавзусида профессор А.Солиев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

География фанлари номзоди, доцент С.К.Таштаева шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, турли илмий лойиҳаларда иштирок этиб келади. Ҳозирда олима “Ўзбекистонда шаҳар тизимлари шаклланиши ва ривожланишининг иқтисодий географик асослари” мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Ушбу соҳани Ўзбекистонда ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш мақсадида факультетда 2019-2020 ўқув йилида “Геоурбанистика” магистратура мутахассислигини ташкил этишда фаол иштирок этди.

Саида Кахаровна - 60 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи, илмий журнал ва тўпламларда унинг кўплаб илмий мақола ва маъруза тезислари чоп этилган. У бакалаврият ва магистратура талабаларига, “Жаҳон географияси”, “Шаҳарлар географияси”, “Геоурбанистика”, “Шаҳарлар брендинги”, “Шаҳарларни режалаштириш ва бошқариш” каби мутахассислик ва махсус фанлардан маъруза ва амалий машғулотларни олиб боради. Шу билан бирга, С.К.Таштаева бир неча йил мобайнида Давлат тест марказининг апелляция комиссиясида, Республика таълим маркази қошидаги “География” фани йўналиши бўйича Республика илмий-методик кенгаши фаолиятида, география бўйича ўтказиб келинадиган фан олимпиадалари, “Билимлар беллашуви”, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” тадбирларида ҳайъат аъзоси ва раиси сифатида иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон География жамияти раёсати ҳамда Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси жамоаси Саида Кахаровна Таштаевани юбилей билан самимий равишда табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, илмий-педагогик фаолиятида улкан зафарлар, оилавий ҳаётда тинчлик ва бахт тилаб қоладилар.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси*

**ЭСОНГУЛ ЯНГИБОЕВНА НАЗРАЛИЕВА – 55 ЁШДА!**



Ўзбекистонда географиянинг ривожланиши кўп жihatдан олий таълим тизими билан биргаликда мактаб географиясига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ўз фаолиятини умумий ўрта таълим тизими билан боғлаган касбдошларимиз ҳам география фани ва таълимига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда, деб таъкидласак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Шундай ҳамкасбларимиздан бири, узоқ йиллардан буён Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази география фани бош методисти лавозимида ишлаётган Эсонгул Янгибоевна Назаралиева 2019 йилда 55 ёшга тўлди.

Э.Я. Назаралиева 1964 йил 8 ноябрь куни Жиззах вилояти Жиззах (ҳозирги кунда – Шароф Рашидов) туманида хизматчи оиласида туғилган. У 1982 йилда, ўрта мактабни битиргач, Тошкент давлат университетининг География факультетига ўқишга қирган ва уни 1987 йилда тугатган. Ўша йилда меҳнат фаолиятини Жиззах туманидаги 32-сонли мактабда география ўқитувчиси бўлиб бошлади.

Э.Я. Назаралиева 1988-1992 йилларда Тошкент вилояти Паркент туманидаги 2-сонли умумий ўрта таълим мактабида, 1993-2003 йилларда Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 294-сонли умумий ўрта таълим мактабида, 2003-2005 йилларда эса ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейида география фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Тажрибали география ўқитувчиси сифатида Э.Я. Назаралиева 2005 йилда Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказига география фани бош методисти лавозимида ишга таклиф қилинди. Эсонгул Янгибоевна шу лавозимда ҳозирги кунгача фаолият олиб бормоқда. РТМ география фани бош методисти сифатида Э.Я. Назаралиева мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида табиёт ва география фанининг ўқитилишини илмий-методик таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланиб, табиёт ва география фанидан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарсликларнинг мазмунини экспертизадан ўтказиш ва бу борада таклифлар киритиш, илғор педагогик технологияларга оид ўқув-услубий адабиётлар, ўқув атласлари, географик хариталар, дидактик тарқатма материалларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, табиёт ва география фанини ўқитишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, инновацион педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот жараёнларига масъул ҳисобланади. Шу билан бирга, Э.Я. Назаралиева РТМ қошидаги “География” фан йўналиши бўйича Республика илмий-методик кенгаш котибаси сифатида унинг ишини ташкиллаштиради.

Э.Я. Назаралиева умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун “Материклар ва океанлар табиий географияси” ўқув курси бўйича услубий қўлланма, “Табиий географиядан амалий машғулотлар”, “География фанидан тестлар тўплами”, “География фанидан дидактик материаллардан фойдаланиш” услубий қўлланмалар ҳаммуаллифи, ўнлаб услубий тавсияномалар муаллифидир. Унинг фан методисти сифатида ўқувчилар учун ўзлаштириш қийин бўлган мавзулар юзасидан “Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси”, “Мактабда география” журналлари ҳамда “Маърифат” газетаси, саҳифаларида кўплаб мақолалари чоп этилган.

Э.Я. Назаралиева 2009 йилда Халқ таълими вазирлигининг тармоқ мукофоти “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали тахририяти Эсонгул Янгибоевна Назаралиевани 55-ёшлик юбилеи билан қутлайди ва уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва илмий-услубий фаолиятида янги ютуқларни тилаб қолади.

*“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали тахририяти номидан, г.ф.ф.д. (PhD) В.Н. Федорко*

**ХОТИРА  
ПАМЯТЬ****ОЗОД БОБО-МИРЗАЕВИЧ АТА-МИРЗАЕВ (1939-2019)**

Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида кенг танилган иқтисодий географ, демограф ва шаҳаршунос олим, профессор, география фанлари доктори Озод Бобо-Мирзаевич Ата-Мирзаев 2019 йил 8 август куни 79 ёшида вафот этди.

Озод Ата-Мирзаев 25 декабрь 1939 йилда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент давлат университетининг География факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, илмий-педагогик фаолият олиб бориш учун ушбу олийгоҳда қолдирилган.

О.Б. Ата-Мирзаев университетда катта лаборант лавозимидан бошлаб, кичик ва катта илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, профессор, аҳолишунослик ва ижтимоий география кафедраси мудиригача бўлган йўлни босиб ўтди. Олим ўзининг Фарғона водийсининг шаҳарларига бағишланган номзодлик диссертациясини 1967 йилда Ленинград молия-иқтисодиёт институтида, Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг ривожланиши ва уларни бошқариш муаммоларига бағишланган докторлик диссертациясини эса 1992 йилда Санкт-Петербург давлат университетида муваффақиятли ҳимоя қилган.

Профессор О.Б.Ата-Мирзаев 1998 йилдан сўнгги вақтгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб хизмат қилди.

Профессор О.Б.Ата-Мирзаев илмий қизиқиш доираси ниҳоятда кенг қамровли, ҳаракатчан ва изланувчан олим эди. У иқтисодий ва ижтимоий география фанининг назарий масалаларини тадқиқ қилишда, айниқса аҳоли ва шаҳарлар географияси, геодемография, ижтимоий фикр социологияси илмий йўналишларида, шунингдек, аҳоли миллий сиёсатининг илмий асосларини яратишда самарали фаолият кўрсатди.

О.Б. Ата-Мирзаев томонидан 300 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 20 дан ортиқ монография, 10 тага яқин дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этирилган. Кўплаб илмий ишлари хорижий мамлакатларда (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Венгрия ва бошқаларда) эълон қилинган. Устознинг бевосита илмий раҳбарлигида 2 та докторлик ва 7 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Озод Бобо-Мирзаевич республикамизда аҳолишунослик миллий илмий мактабини яратишга улкан ҳисса қўшган, уни тарғиб ва ташвиқ қилган етук мутахассис бўлиб ҳисобланган. Унинг илмий ташкилотчилик қобилияти, хусусан, ТошДУ География факультети қошидаги Аҳолишунослик муаммоларини тадқиқ этиш илмий лабораториясига мудирлик қилган даврида яққол намоён бўлди. Айнан шу йилларда турли социологик тадқиқотлар ўтказилди, домланинг таҳрири асосида қатор илмий тўпламлар нашр этилди. Худди шундай ташкилотчилик қобилияти у киши томонидан 1987 йилда очилган “Аҳолишунослик ва ижтимоий география” кафедраси фаолиятида ҳам ижобий ва ибратли бўлган.

Озод Бобо-Мирзаевич кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти учун II даражали “Соғлом авлод учун” ордени ҳамда “Олий таълим аълоҳиси” кўкрак Нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон География жамияти раёсати марҳум профессор О.Б. Ата-Мирзаевнинг яқинларига ўз ҳамдардлигини билдиради. Етук олим ва яхши инсон бўлган Озодакани Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, оҳиратлари обод, хотиралари абадий бўлсин.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти*

**ЕСЕНҒАЛИ КУРБАНОВИЧ УМАРОВ (1938-2019)**

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон географлари жамоаси оғир жудоликка учради - мамлакатимиздаги йирик иқтисодий географ олим, география фанлари доктори, профессор Есенғали Курбанович Умаров 80 ёшида вафот этди.

Есенғали Умаров 1938 йил 5 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида таваллуд топди. У Қорақалпоқ давлат педагогика институти География ҳамда Озарбайжон педагогика институтининг Биология ва қишлоқ хўжалиги асослари факультетларини тугатган.

Е.К.Умаров 1964 йилда «Қуйи Амударё иқтисодий районида ишлаб чиқариш кучларини мажмуали ривожлантириш истиқболлари» мавзусида номзодлик, 2003 йилда эса «Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.


Е.К.Умаров 1964-1972 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими экономика секторида катта илмий ходим, 1972-1997 йилларда Бердақ номидаги ҚДУ География кафедраси доценти, кафедра мудири, факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, География-ҳуқуқшунослик факультети декани лавозимларида ишлаган. Университет негизида Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ ташкил этилгач, 1997 йилдан География кафедраси мудири, 2003 йилдан умрининг охиригача мазкур кафедра профессори лавозимида фаолият олиб борган.

Профессор Е.К.Умаров 200 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифидир. Унинг илмий-услубий ишларидан «Специализация и размещение отраслей народного хозяйства Республики Каракалпакстан» (1969), «Проблемы совершенствования транспортно-экономических связей Республики Каракалпакстан» (1970), «Қорақалпоғистоннинг табиати ва хўжалиги» (1989), «Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари» (Қорақалпоғистон мисолида) 2007, «Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан» (2009), «Аральский экологический кризис и особенности демографического развития сельской местности Республики Каракалпакстан» (2009), «Орол инкирози шароитида чорвачилик тармоқларини ҳудудий тадқиқ этиш муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)» (2010), «Приоритеты устойчивого экономического развития сельской местности Республики Каракалпакстан» (2011) каби илмий монография ва рисоалар, шунингдек, 8-синф учун «Қорақалпоғистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» (2004), академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун «Қорақалпоғистон географияси» (2005), олий ўқув юртлари учун «Қорақалпоғистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» (2011) дарсликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Профессор Е.К.Умаров мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш олимлари орасида ҳақли равишда юксак ҳурмат ва эътиборга эга устозлардан бири эди.

Ўзбекистон География жамияти раёсати марҳумнинг яқинлари, ҳамкасб ва шогирдларига ўз ҳамдардлигини билдиради. Устозимиз Есенғали-ака Умаровни Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, оҳиратлари обод, хотиралари абадий бўлсин.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнали таҳририяти*

**КАМОЛЖОН ҚУРБОНОВ (1936-2019)**

Таниқли географ олим ва тажрибали педагог, Жиззах давлат педагогика институти доценти, география фанлари номзоди Камолжон Қурбонов 2019 йил 26 апрелда 82 ёшда вафот этди.

Камолжон Қурбонов 1936 йилда Жиззах тумани Оққўрғонлик маҳалласида таваллуд топган. У 1955 йилда Жиззах туманидаги 8-сонли ўрта мактабни тугатган.

Бўлажак олим 1958 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Табиёт-география факультетига ўқишга кириб, уни 1963 йили география мутахассислиги бўйича битирган.

Илмга қизиққан К.Қурбонов 1965 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурани тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида илмий фаолиятини бошлайди.

Камолжон Қурбонов 1980 йилда география фанлари доктори, профессор О.К.Замков илмий раҳбарлигида Боку шаҳрида Озарбайжон Фанлар академияси География институти ҳузуридаги Ихтисослашган Кенгашда “Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш муаммолари (Мирзачўл ва Жиззах чўллари мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, география фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. География фанлари номзоди К.Қурбонов 1980 йилдан 1995 йилгача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги География бўлимида катта илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатган.

1996 йилдан бошлаб Камолжон Қурбоновнинг меҳнат фаолияти Жиззах давлат педагогика институти билан боғлиқ бўлган. К.Қурбонов 1997 йили доцент илмий унвонига сазовор бўлди. Олим 2002-2009 йиллар давомида ЖДПИнинг “Минтақавий география ва уни ўқитиш услубияти” кафедрасини бошқарди.

Олимнинг 250 ортиқ илмий-услубий мақолалари, яккамуаллифликдаги “Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш муаммолари (Мирзачўл ва Жиззах чўллари мисолида)” ҳамда ҳаммуаллифликда ёзилган “Ўзбекистонда чўлланиш ҳодисаси ва унга қарши кураш” номли монографиялари чоп этилган.

География фанлари номзоди, доцент К.Қурбонов мохир педагог сифатида ёшларга салкам 60 йил таълим-тарбия берди. Бундан ташқари, у 2005-2011 йиллари давомида Зомин миллий табиат боғининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ҳам фаолият кўрсатди.

Устознинг шогирдлари бугун республикамизнинг турли ҳудудларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Доцент К.Қурбонов кўп йиллик самарали меҳнатлари учун 2002 йили “Халқ таълими аълочиси” фахрий унвонига сазовор бўлган, 2003 йилда эса “Меҳнат фахрийси” медали билан тақдирланди.

Устоз сўзини улуғлаган камтарин инсон, фикран теран педагог, география соҳасининг билимдони - доцент Камолжон Қурбоновнинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда сақланиб қолади.

Устознинг охиратлари обод бўлсин!

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
Жиззах давлат педагогика институти  
география ва уни ўқитиш методикаси кафедраси*



**МАМЛАКАТ РАҲМОНОВНА БЎРИЕВА (1947-2019)**

2019 йил 14 май куни Тошкентда биринчи ўзбек демограф олима – иқтисод фанлари номзоди, доцент Мамлакат Раҳмоновна Бўриева 72 ёшида вафот этди.

М.Р.Бўриева 1947 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Мамлакат Раҳмоновна 1965 йилда ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Тошкент Давлат университетининг География факультетига ўқишга кирди. Университетни 1970 йилда тугатгач, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) География факультетида лаборант лавозимида иш бошлади.

Мамлакат Бўриева 1977-1979 йилларда ТошДУ География факультетининг кундузги аспирантурасида ўқиди. Аспирантурада профессор М.Қорахонов раҳбарлигида Ўзбекистонда туғилиш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий тадқиқотларни давом эттирди. Илмий тадқиқотларнинг самараси ўлароқ, у 1983 йилда Москва давлат университетида “Ўзбекистонда туғилиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олиманинг 1979-1998 йиллардаги фаолияти Ўрта Осиёда ягона бўлган Аҳолишунослик илмий-тадқиқот лабораторияси билан бевосита боғлиқ бўлди. Олима бу ерда 1987 йилгача илмий ходим бўлиб ишлаган бўлса, 1987-1998 йилларда унинг раҳбари сифатида мамлакатимизда аҳолишунослик, демография ва аҳоли географияси бўйича илмий тадқиқотлар ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, 1998-1999 йилларда Республика “Оила” илмий-амалий марказининг Демография бўлими мудири лавозимида фаолият юритган.

Устоз 1999 йилдан кейинги илмий изланишларини Ўзбекистон Миллий университетида педагогик фаолият билан биргаликда олиб бордилар. М.Р.Бўриева 1999-2000 йилларда Ўзбекистон Миллий университети География факультети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти лавозимида ишладилар.

Ўзбекистон Миллий университети География факультети таркибида 2000 йилда илк бор республикамизда Мамлакат Раҳмоновна Бўриева ташаббуси билан демография кафедраси ташкил этилди. Доцент М.Р.Бўриева 2000-2007 йилларда ЎЗМУ демография кафедраси мудири сифатида самарали фаолият олиб борди.

Мамлакат Раҳмоновна 40 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 3 та монография, 2 та илмий рисола ва 10 дан ортиқ ўқув қўлланмаларни нашр эттирган. Олиманинг чоп этилган ишлари орасида “Ўзбекистонда туғилиш” (1991), “Ўзбекистонда оила демографияси” (1997), “Аҳоли географияси” (1999), “Дунё аҳолиси” (2008, ҳаммуаллиф) кабиларни келтириш жоиз.

Мамлакат Раҳмоновна ҳамкасбларига, шогирдларига, талабаларига нисбатан ғамхўр, камтарин устоз бўлиш билан бирга, хаёт йўлларида ҳам жонкуяр маслаҳатчи, мураббий бўлганлар.

Ўзбекистон География жамияти раёсати ва Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси жамоаси Мамлакат Раҳмоновна Бўриеванинг яқинларига ўз самимий ҳамдардликларини билдирадилар. Устознинг оҳиратлари обод, хотиралари боқий бўлсин.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси*

**ПАЛТАМЕТ ЭСЕНОВИЧ ЭСЕНОВ (1948-2018)**

Большую потерю понесла географическая наука Туркменистана - ушёл из жизни многолетний директор Национального института пустынь, растительного и животного мира Министерства сельского хозяйства и охраны окружающей среды Туркменистана, кандидат сельскохозяйственных наук Палтамет Эсенович Эсенов. П.Э.Эсенов внёс большой вклад в исследование проблем рационального использования земельных ресурсов в дельтовых оазисах Центральной Азии, его научно-практические разработки широко известны за пределами Туркменистана, в частности в Узбекистане.

Палтамет Эсенович Эсенов родился 31 июля 1948 года. В 1970 году он с отличием окончил географический факультет Туркменского государственного университета имени Махтумкули. В этом же году П.Эсенов начал работать в Институте пустынь АН Туркменистана, где прошёл путь от младшего научного сотрудника до руководителя этого известного во всём мире научного учреждения.

В 1981 г. он защитил кандидатскую диссертацию на тему «Влияние орошения на почвенно-мелиоративные условия междуречья Теджен – Мургаб». В 2002-2013 гг. П.Эсенов, параллельно с работой в Национальном институте пустынь, растительного и животного мира был руководителем Научно-информационного центра Межгосударственной комиссии по устойчивому развитию Международного фонда спасения Арала.

Палтамет Эсенович в научном мире известен как исследователь почвенно-мелиоративных процессов, происходящих в дельтах рек под влиянием орошения, составитель крупномасштабной карты засоления орошаемых земель. Он участвовал в исследовательских проектах в Монголии, Мали, Иране, разработал почвенные индикаторы процессов опустынивания, участвовал в разработке Регионального плана действий по охране окружающей среды Центральной Азии и Национального плана действий Президента Туркменистана по охране окружающей среды, Регионального оценочного доклада по деградации земель.

П.Э. Эсенов опубликовал более 150 научных работ, в том числе 15 книг и брошюр по проблемам экологии, опустынивания и деградации земель. Многие годы П.Э.Эсенов работал в редакции международного научно-практического журнала «Проблемы освоения пустынь», был заместителем главного редактора этого авторитетного журнала. Кроме того, в 2013-2016 гг. он был заместителем главного редактора научно-популярного журнала «Экологическая культура и охрана окружающей среды», издаваемого в Ашхабаде. С 2016 года Палтамет Эсенов работал заведующим Отделом биологических наук АН Туркменистана.

П.Э. Эсенов был награждён медалью «За любовь к Отечеству» (2010 г.), Георгиевской медалью «Честь. Слава. Труд» IV степени (Украина, 2008 г.). Профессиональные качества учёного, широкий кругозор, доброта и отзывчивость снискали ему уважение коллег, как в Туркменистане, так и за его пределами.

Президиум Географического общества Узбекистана и редакция научного журнала «Известия Географического общества Узбекистана» выражают свои искренние соболезнования семье, близким, друзьям и коллегам Палтамета Эсеновича Эсенова. Мы сохраним светлую память о нём как о замечательном учёном, организаторе науки и добром друге узбекистанских географов.

*Президиум Географического общества Узбекистана,  
Редакция журнала «Известия Географического общества Узбекистана»*

**ИХТИЁР ШАХРИЁРОВИЧ АЛЛАЁРОВ (1949-2019)**

Бухоро давлат университетидан салкам ярим асрдан буён дарс бериб келган Ихтиёр Шахриёрович Аллаёров 1949 йил 9 август куни Қизилтепа туманида туғилган.

У ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Самарқанд давлат университетининг география факультетидан таҳсил олди. Ихтиёр Шахриёрович ушбу даргоҳда ўтган кунларини эслаб, унга илм сирларини ўргатган устозлари - М.Умаров, М.А.Абдужабборов, Ф.Баҳриев, С.Нишонов, А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, О.Раҳматуллаевларни чексиз ҳурмат билан тилга олар эди.

Ихтиёр Шахриёрович Аллаёровнинг 1971 йилдан бошлаб ҳаёти ва меҳнат фаолияти Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) билан боғлаган эди. У кафедрада дастлаб ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатди, кейинчалик ўқув ишлари бўйича декан муовини, университет махсус сиртки бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб, университет жамоасида ҳурмат қозонди.

Устоз Бухоро университети талабаларига материклар ва океанлар табиий географияси, геология асослари, географик ўлкашунослик, Ўрта Осиё географияси каби фанлардан дарс берган. Ихтиёр Шахриёрович ҳар бир ўтиладиган мавзуга ситқидилдан тайёргарлик кўрарди. Ҳар мавзу бўйича устоз томонидан тайёрланган ишланмалар, кўргазма ва тарқатмалар бугунги ёш ўқитувчилар учун дастурил амал бўлиши мумкин.

И.Ш.Аллаёров талабаларга сабоқ бериш билан бирга, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Таниқли чўлшунос олим И.Қ.Назаров билан ҳамфикр, ҳамкасб, сирдош дўст ва шогирд бўлиб, Бухоро вилояти табиатини ўрганган. Устоз кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 60 га яқин мақола, рисола, услубий қўлланма ва тавсиялар яратган.

Университет жамоаси Ихтиёр Шахриёровични китобсевар, нодир кутубхонаси бор киши сифатида билишган. Устознинг шахсий кутубхонасида 2000 дан ортиқ нодир китоблар сақланмоқда. Устоз қатъий интизомли, ўз сўзининг устидан чиқадиган, география фанининг моҳир тарғиботчи бўлган. И.Ш.Аллаёров “Ўзбекистон География жамияти ахбороти”, “Бухоро давлат университети илмий ахборотлари” журналлари, “Халқ сўзи”, “Маърифат”, “Бухоронома” газеталари саҳифаларида ўзининг мақолалари билан мунтазам қатнашар эди.

И.Ш.Аллаёров вилоят умумтаълим мактабларида ўтказиладиган фан олимпиадалари, илмий-услубий, маънавий-маърифий анжуманларнинг ташкилотчиларидан бири, фаол педагог сифатида халққа танилган эди. Улар мактаб географияси учун ёзилган 10 га яқин илмий-услубий рисолалар муаллифидир.

Ўзбекистон География жамияти раёсати, Бухоро давлат университети географлари талабчан ва қатъий фикрли, моҳир педагог, марҳум И.Ш.Аллаёровнинг оиласи, дўстлари ва яқинларига ўзларининг чуқур таъзияномаларини билдирадилар.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
Бухоро давлат университети  
Тупроқшунослик ва география кафедраси*

## САИДНАБИ САИДКАРИМОВ (1934-2013)



География фанлари номзоди, доцент Саиднаби Саидкаримов 1934 йил Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, 1953 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг География факультетига ўқишга кирган. С.Саидкаримов 1958 йилда университетни муваффақиятли тамомлаб, шу йилда ўзи таҳсил олган факультетнинг иқтисодий география кафедрасига лаборант вазифасига ишга қабул қилинди. С.Саидкаримов 1960-1962 йилларда ўша пайтда ТошДУ География факультети таркибида фаолият кўрсатган География илмий тадқиқот бўлимида илмий ходим вазифасида фаолият олиб боради.

Ўзбекистон тоғолди ҳудудларининг табиий шароити ва ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни ўзининг тадқиқот предмети сифатида танлаган С.Саидкаримов География бўлими йўлланмаси билан 1962 йилда Москвадаги СССР ФА География институтининг аспирантурасига ўқишга юборилди.

С.Саидкаримов 1964 йилда “Зарафшон дарёси ўнг қирғоғидаги баҳорикор ерларни хўжалик жиҳатдан ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади ва Ўзбекистонга қайтиб, шу йилдан ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасида илмий-педагогик фаолиятини бошлайди. Аввал кафедра ўқитувчиси, кейин доцент лавозимларида ишлади. Олим ушбу даргоҳда 35 йил фаолият кўрсатиб, асосан хорижий мамлакатлар, хусусан Шарқ давлатлари иқтисодий географиясидан талабаларга маърузалар ўқиди ҳамда турли ҳудудларга ёз мавсумида ташкил этилган ўқув-дала амалиётларига раҳбарлик қилди. Хорижий мамлакатлар географиясидан яхши хабардор бўлган С.Саидкаримов бир вақтнинг ўзида 1971 йилдан бошлаб, 35 йил давомида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти табиий ва иқтисодий фанлар кафедрасида ҳам дарс берган.

С.Саидкаримов ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 1 та монография, қатор ўқув қўлланмалар, 50 дан ортиқ илмий мақолаларни нашр эттирган. Уларнинг Осиё мамлакатлари географиясига оид бир қанча асарлари ҳозирда ҳам ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Шунингдек, олим 10 йилдан зиёд Олмазор туманидаги “Беруний” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият кўрсатди. Устознинг ташаббускорлиги, ишбилармонлиги туфайли мазкур маҳалла пойтахтимизнинг энг кўзга кўринган маҳаллаларидан бирига айланди.

Устознинг илмий-педагогик фаолияти ва жамоат ишларидаги фаол иштироки ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. Жумладан, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси “Халқ маорифи аълочилиси” ва “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонлари, 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” фахрий унвони, 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

Устоз С.Саидкаримов 2013 йилнинг 28 апрелида вафот этди. Олимнинг жаноза намози ўзларининг кўп меҳнатлари сингган Мирзо Ғолиб масжидида шогирдлари Шайх Абдулазиз Мансур томонидан ўқилди, юзлаб шогирдлари, издошлари ва яқинлари ҳамроҳлигида Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн этилди.

Саиднаби хожи Саидкаримов ҳаёт бўлганларида 2019 йилда 85 ёшга кирар эдилар. Оллоҳ уларни ўз раҳматиغا олган бўлсин. Охиратлари обод бўлсин. Бундай инсонларни хотирлаб, ҳамиша эслаб туриш, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларида ўрнак олиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

*Ўзбекистон География жамияти раёсати,  
ЎЗМУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси*

**ТУРСУНОЙ БОЛТАБОВЕВНА АБДУЛЛАЕВА (1934-2017)**

География ўқитиш методикаси йўналиши бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олишга сазовор бўлган илк ўзбек олимаси Турсуной Болтабоевна Абдуллаева 1934 йил 19 ноябрда Тошкентдаги “Оби Назир” маҳалласида ишчи оиласида туғилган. Турсуной-опа 38-сонли ўрта мактабда таҳсил олган ва уни 1951 йилда тамомлаган. Т.Б.Абдуллаева ўрта мактабни битиргач, ундаги 11-педагогика синфига ўқишга кирди. 1952 йилда педагогика синфини тамомлаб, Тошкентдаги Белинский номи кечки педагогика институтининг География факультетида ўқишни давом эттирди ва ушбу факультетни 1957 йилда битирди.

Т.Б. Абдуллаева 1960 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ) география кафедрасига ассистент лавозимига ишга ўтди. Ёш изланувчан педагог 1963-1966 йилларда бутун собиқ Иттифоқда таниқли методист-олим профессор А.В.Даринский илмий раҳбарлиги остида аспирантурада таҳсил олди. Аспирантурани битиргач, 1967 йилда Т.Б.Абдуллаева “Табиий география курсларини ўқитишда Ўзбекистон табиий шароитини ўрганиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Т.Б.Абдуллаеванинг диссертация ҳимоясидан кейинги 30 йиллик меҳнат фаолияти бевосита Тошкент давлат педагогика институти билан боғлиқ бўлиб, олима 1966-1969 йилларда ушбу олийгоҳнинг бошланғич таълим педагогикаси кафедрасида катта ўқитувчи, 1969-1974 йилларда иқтисодий география кафедрасида доценти, 1974-1975 йилларда табиий география кафедраси мудири, 1975-1992 йилларда доцент, 1992-1994 йилларда иқтисодий география ва география ўқитиш методикаси кафедраси мудири, 1994-1996 йилларда эса доцент лавозимларида самарали меҳнат қилган.

Устоз Т.Б.Абдуллаеванинг илмий-амалий фаолияти 1975 йилгача олий таълим тизимидан ташқари, бевосита ўрта мактабда ҳам географияни ўқитиш билан боғлиқ бўлган. Бу даврда Турсуной-опа дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишга доир изланишлар олиб борди. Иш тажрибаси ўша йилларда шахар ўқитувчилари орасида кенг оммалаштирилган.

Доцент Т.Б.Абдуллаева 10 дан ортиқ услубий қўлланма, 200 га яқин илмий ва илмий-услубий мақолалар, 2 ва 3-синфлар учун “Табиатшунослик” дарслигини нашр эттирганлар. Ўнлаб услубий мақолалари “География в школе”, “Вопросы методики преподавания” каби нифузли журналларда чоп этилган. Олиманинг “Табиатшунослик” дарслиги 1973 йилда дастлаб нашр этилган бўлиб, 20 йил давомида бир неча маротаба қайта чоп этилган ва таълим тизимида фойдаланиб келинган. Таълим тизимида кўшган улкан ҳиссаси учун Турсуной Болтабоевна “Халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Чиндан ҳам Т.Б.Абдуллаева маориф тизими, айниқса, география таълими жонкуяри, иқтидорли методист, юқори малакали педагог, юксак маданият соҳиби сифатида бор кучи ва билимини ёшлар тарбиясига бахшида этган устоз эди.

